

Dunyo  
adabiyoti  
kutubxonasi



# ХОЛИД ҲУСАЙНИЙ



Минг қуёш  
шуъласи

---



# ХОЛИД ҲУСАЙНИЙ

---



---

**Минг қуёш  
шуъласи**

Тошкент 2016

**УЎК: 821.512.133**

**КБК: 84(7)**

**Ҳ – 18**

**Ҳусайний, Холид**

Минг қуёш шуъласи: роман / таржимон Рустам Жабборов. – Тошкент, Янги аср авлоди, 2016. – 288 б.

ISBN 978-9943-27-248-4

Азиз китобхон! Таниқли америкалик афғон адиби Холид Ҳусайний қаламига мансуб, жуда катта шов-шувларга сабаб бўлган асарни ҳукмингизга ҳа-вола этмоқдамиз. Асарда яқин ўтмишда, биздан атиги бир неча юз чақирим йироқда юз берган ҳаққоний воқеалар тилга олинган. Асар қаҳрамонларининг фожиавий қисмати билан танишаркансиз, уларга нисбатан ҳамдардлик ҳиссини туйиш баробарида тинчлик, осойишталик, фаровонлик сингари неъматларнинг қанчалик бебаҳо эканини англаб етасиз. Қалбингизда биз яшаётган замон ва макон учун беҳад шукроналик жўш уради.

Хуллас, ўзингиз ўқинг, завқ олинг, изтироб чекинг ва хулоса чиқаринг, азизлар!

**УЎК: 821.512.133**

**КБК: 84(7)**

**Рустам ЖАББОРОВ**

таржимаси

ISBN 978-9943-27-248-4

© Холид Ҳусайний, «Минг қуёш шуъласи», «Янги аср авлоди», 2016.

## **ЁРУҒЛИККА УНДОВЧИ АСАР**

«Минг қуёш шуъласи» келиб чиқиши афғон бўлган америкалик адиб Холид Ҳусайнийнинг иккинчи китоби бўлиб, 2007 йилда ушбу роман бутун дунёда бестселлерга айланди. Асар муҳаббат ҳақида.

Холид Ҳусайнийдан олдин ҳам севги-муҳаббат ҳақида кўп ёзилган, бундан кейин ҳам ёзилади. Аммо «Минг қуёш шуъласи»ни ўқий бошлаганингиздаёқ ўзга бир оламга фарқ бўласиз. Илло, зулм ва истибдод ҳукмрон бўлган, одамгарчилик ва диёнатга ўрин йўқдек кўринадиган, тун зулматидан-да қорароқ кўринувчи бир ўлкада, ўқлардан илма-тешик бўлиб кетган заминда ҳам севги-муҳаббат куртаклари бош кўтарари. Қийинчиликлар, зулмат, ноҳақликлар, ҳаёт ташвишлари ва азоб-уқубатлардан кейин ҳам инсонлар қалбида диёнат ва оқибат учун жой топилади.

Романнинг асосий қаҳрамонлари Афғонистондаги тинч ҳаётни бузган ғалаёнларнинг қурбонига айланган икки аёл. Марям – бой тадбиркорнинг ноқонуний қизи, эсини танибоқ қийинчиликлар, ноҳақликлар, хўрланишларга маҳкум бўлган, тақдири шундай тугаши ҳақидаги фикрга кўникиб кетган. Лайло эса аксинча, бахтли ҳаёт ҳақида орзу қиладиган аҳил оиланинг севимли қизи. Бу икки аёлни боғлаб турадиган ҳеч қандай умумийлик йўқ, улар турли оламларда яшашади. Агар қирғинбарот уруш бўлмаганида эди, бу икки аёлнинг йўллари сираям тўқнашмаган бўларди.

Уруш оқибатида нафақат йўллари, балки тақдирлари ҳам туташ бўлган икки мазлума бир-бирлари учун душман ҳам, дугона ёки опа-сингилар ҳам эмас, аммо улар бир вақтлари тинч-фаровон ҳаёт кечирган, энди эса қон ва зулмга фарқ бўлган

шаҳарда бирдам, ҳамжиҳат бўлсаларгина тирик қолишларини билишади. Ва улар буни уддалашади ҳам: азоб-уқубатлардан бирга ўтишади, бирга қувонишади, бирга йиғлашади, аммо бир дақиқагина бўлсин, ёруғ келажакка етиб боришдан умид узишолмайди. «Минг қуёш шуъласи» уруш даҳшатларидан юракларни сиқадиган, аммо қаро тунлар ортидан бари бир қуёш чарақлаб чиқишига умид қилишга ундайдиган ажойиб асар.

Иқтидорли ёш ёзувчи ва таржимон Рустам Жабборов маҳорат билан ўзбек тилига ўтирган бу асарни ўқишимга тўғри келганида қанчалар юрак-бағрим эзилгани ҳамон эсимда. Ваҳоланки, бу икки аёл менинг тенгдошларим. Улар шундай шўришларни бошдан кечираётган пайтларда биз ўйнаб-кулиб юрардик, аммо ёнгинамизда, шундоққина қўл узатсак етгудек жойда инсонлар, айниқса, ожиза аёллар уқубатларга мубтало бўлаётганлари хаёлимизга ҳам келмасди. Холид Ҳусайний ана шу ҳаёт ҳақиқатини бизга рўйи рост кўрсатиб беролган. Энг муҳими, асар қаҳрамонлари зулмат орасида яшашса-да, ўзларининг инсоний қиёфаларини йўқотишмайди. Марям Лайло ҳамда унинг икки норасида гўдаги ҳаётини асраб қолиш учун ўз ҳаётини қурбон қилганида ҳам, бу болалар қулфатлар аро туғишгандан-да аъло бўлиб қолган икки аёлнинг орзулари ижобат бўладиган кунларни кўришларига сираям шубҳаланмайди...

Бу роман ҳаёт ҳақиқатининг қоғозда акс этган тасвиридир. Асар уруш даҳшатларини очибгина қолмай, балки тинчлик инсонлар учун улўғ неъмат эканлигини, унинг пароканда қилиниши қанчалар қимматга тушиши мумкинлигини доимо ёдимизга солиб туриши билан ҳам катта аҳамиятга эгадир.

**Муҳаббат ЙЎЛДОШЕВА,**  
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**

## БИРИНЧИ ҚИСМ

### БИРИНЧИ БОБ

Марям илк бор «ҳароми» деган сўзни эшитганида беш яшар қизалоқ эди. Хулласи калом, бу ҳодиса пайшанбада юз берганди. Ўшанда унинг эс-ҳуши жойида эмас, ўзини қўярга жой тополмасди. Ахир пайшанба кунлари уларнинг ёнига Жалил келарди-да! Вақтни тезроқ ўтказиш учун (ҳадемай у зоқдан қўлларини силкитганча, тизза бўйи ўтларни босиб кела бошлайди) Марям стулнинг устига чиқиб олди ва тоқчадаги хитойи чинниларга қўл узатди. Бу чинни сервиз Марямнинг икки яшарлигида дунёдан ўтган бувисидан қолган ягона ёдгорлик бўлиб, ойиси уни кўз қорачиғидек асрарди. Нана (Марям ойисини шундай атарди) қушлар ва хризантема гуллари тасвири туширилган пиёла-ларни, тумшуғи эгик чойнакни, ёвуз руҳларни қувадиган аждар нухаси солинган қанддонни, ҳатто ишлатишга ҳам кўзи қиймасди.

Худди шу қанддон Марямнинг қўлчасидан ёғоч полга сирғалиб тушдию чил-чил бўлди. Нана полда сочилиб ётган чинни бўлақларини кўрдию юзлари қизариб, лаблари титради, ҳамиша меҳр билан боқиб турувчи кўз «Нанамнинг елкасига яна шайтон миниб олди», деб ўйлаб, қўрқиб кетди. Йўқ, ўтиб кетди. Нана қизининг қўлларидан маҳкам тутиб, ўзига тортди ва тишларини фижирлатганча, унинг қулоғи остида газабнок шипшиди:

– Ҳў қўлгинанг сингур, аҳмоқ! Менга кўрсатган кароматинг шу бўлдимиди? Бу митти ҳароми мени хонавайрон қилмаса гўргайди. Шундай қимматбаҳо нарсани синдирди-я!

Ўшанда Марям ҳеч нарсани тушунмаганди. «Ҳароми» деган сўз унга мутлақо нотаниш эди. Ҳали жуда кичкина бўлгани учун бу мудҳиш ҳақоратнинг маъносини англаёлмасди. Зотан, бунда унинг ҳеч қандай гуноҳи йўқ, ҳамма айб дунёга келишига сабабчи бўлган кимсаларда эди. Марям бу сўз бари бир ёмон маъно англатишини сезганди.

Улғайгач, ҳаммасини тушунди. Ўшанда онасининг овозидаги нафрат оҳанги бежиз эмасди. Ҳароми, яъни Марямнинг ўзи барчага тегишли бўлган ҳуқуқлардан маҳрум этилган, ҳеч кимга керак бўлмаган бир жонзот экан. Муҳаббат, оила, уй-жой – буларнинг ҳеч бири унинг учун эмас.

Жалил Марямни бирор марта бундай атамаган. У ҳар доим қизини «менинг гулғунчам», дерди. У қизчасини тиззасига ўтқизиб, Марям туғилган қадимги Ҳирот – не-не мутафаккиру алломалар юрти, Шарқ маданияти бешиги ҳақида қизиқарли ҳикоялар айтиб берарди.

– Ҳирот шундай шаҳарки, қаёққа оёқ узатсанг, бирорта шоирнинг кетига тегади, – дея ҳазиллашарди отаси. (Бу ҳазиломуз жумла аслида буюк мутафаккир Мир Алишер Навоийга тегишли – тарж.)

Жалил қизига Ҳиротни чин дилдан севган ва у ерда кўплаб мадрасаю миноралар кўрдирган малика Гавҳаршодбегим ҳақида гапириб беришни ёқтирарди. У Марямга Ҳиротнинг буғдойзор далалари, мевали боғлари, болга тўла узумзорлари, гавжум бозорлари ҳақида гапириб беришдан чарчамасди.

– Ҳиротда кекса бир писта дарахти остида буюк аллома Жомийнинг қабри бор, – дерди у қизчасини эркалаб, бағрига босаркан. – Жомий



биздан беш юз йил аввал яшаб ўтган. Мен албатта сенга ўша дарахтни кўрсатаман.

Гарчи Марям умрининг дастлабки ўн беш йилини Ҳиротда яшаб ўтказган бўлса-да, отаси ваъда қилган дарахтни кўра олмади. У қадимий минораларни зиёрат қилмади, машҳур боғларнинг мевасидан татиб кўрмади, буғдойзор далаларни кезмади. Аммо у ўшанда отасининг ҳикояларини завқ-шавқ билан тинглаган, унинг бу қадар кўп нарса билишидан митти юракчаси гурурга тўлиб-тошганди.

– Ҳаммаси қуруқ сафсата, – дерди Нана Жалил кетгач ўзича тўнғиллаб. – Бойларга Худо тилдан ҳам берган. У сенга ҳеч қанақа дарахт-парахтни кўрсатмайди. Ширин гапларига учма, қизим. Севимли дадажонинг бизни шунчалик осонлик билан сотганки!.. Уйдан чиқариб ҳайдаган. Ўшандоқ ҳашаматли уйига сен билан мен сизмадик. Ҳатто киприк қоқмай, ҳайдаворди-я, номард!

Гарчи отаси ҳақида бундай нордон гаплар ёқмаса-да, Марям Нанасининг гапларини мутелик билан эшитарди. Ахир отаси ёнида бўлганида, уни ҳеч ким «ҳароми» деёлмасди-да! У ҳар пайшанба бир-икки соат отасининг дийдорига тўйиб, чиройли совғаларидан, ширин сўзларини эркалашларидан баҳраманд бўлганида, ҳаёт кўзига шу қадар гўзал кўриниб кетардики... Шунинг учун Марям отасини беҳад яхши кўрарди.

Отасида бошқаларнинг ҳам ҳақи бор эди.

Жалилнинг уч хотини ва ўн нафар қонуний боласи бор эди. Марям уларнинг бирортасини ҳам ўз кўзи билан кўрмаганди. Жалил Ҳиротнинг энг бой одамларидан бири эди. Унга қарашли бўлган кинотеатрни ҳам Марям умрида кўрмаганди. Ростдан, отаси унинг қистови билан бу кинотеатрни тўлиқ тасвирлаб берганди. Бу кинотеатр мовий ва жи-



гарранг кафел билан қопланган, ичида эса юмшоқ ўриндиқлар ўрнатилган, вестибюл ҳинд филмлари-нинг афишалари билан безатилган, сешанба кунлари кинотеатрнинг буфетида болаларга музқаймоқлар текин тарқатилар экан.

Жалил музқаймоқ ҳақида гапираётганида Нана аччиқ кулимсираб қўйганди. Жалил кетиши билан Нана заҳархандалик билан жавради:

– Бегона болаларни музқаймоқ билан сийлармиш? Сени-чи, қуруқ чўпчаклар билан алдаб-алдаб даф бўлади!

Кинотеатрдан ташқари Жалилнинг Караҳ ва Фарда томорқалари, учта гилам, битта кийим-кечаклар дўкони, 1956 йилда чиққан «Бюик» автомобили бор эди. Унинг танишлари орасида таниқли зодагонлар, амалдорлар, ҳатто, Ҳирот ҳокими ва вилоят волийси ҳам бор эди. Табиийки, хизматкори, ошпази ва ҳайдовчиси ҳам бор. Унинг уйида бир эмас, уч оқсоч хизмат қиларди.

Нана ҳам унинг оқсочларидан бири эди. У пайтларда ҳали Нананинг қорни дўппаймаганди. Айтишича, ўз иффатини хожасига тақдим этгани маълум бўлиб қолгач, бутун оила аъзолари ғазабга минишганди. Ҳатто сал бўлмаса орада қон тўкилаёзди. Хотинлари шўрлик оқсочни уйдан ҳайдашни талаб қилишди. Нананинг отаси, Гулдоман қишлоғида тоштарошлик билан шуғулланувчи кекса уста ҳам қизидан юз ўтириб, бор лаш-лушини автобусга юкладию Эронга жўнаворди. Ҳозиргача унинг ўлик-тиригидан хабар йўқ.

– Алам қилади, – деди у бир куни товуқларига дон сепаркан. – Ўшанда отам ҳеч ўйланиб ўтирмасдан виждони амрига бўйсуниб, мени чавақлаб ташлаганида яхши бўларди. – Кейин эса қизига ўтирилди. – Сени ҳам. Ахир ношаръий зурриётнинг кимга кераги бор? Ҳа, отам қўрқоқ эди, бу ишга журъат этолмади.

Жалилда ҳам журъат йўқ экан. У ўз яқинларининг, хотинчаларининг хоҳишига қарши боролмади. Ҳамма уйқуга кетганида кирдию «жоним, ҳамма нарсангни йиғиштириб, бу ердан кет», деди.

– У ўзини оқлаш учун хотинларига нима деганини биласанми? Ҳаммасига мен айбдор эмишман. Уни йўлдан урибман. Э, аёл зотининг шўри қурсин!

Нана дон тўла идишни ерга қўяркан, қизчасини кўтариб, бағрига босди:

– Менга қара, – Марям ночор онасига боқди. – Эсингда туг, қизим! Эркак зоти ҳамиша аёлни айблаб келган. Бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Эсингдан чиқмасин.

## ИККИНЧИ БОБ

– Жалил ва унинг хотинлари учун мен оддий қичитқийт ёки ажриқдан бошқа нарса эмасдим. Сен ҳам. Ҳали туғилмасингдан туриб уларнинг нафратини қозонгансан! Мени едириб-ичириш бошқа масала эди. Ахир қўлимда сен бор эдинг! Кейин бу масалада у уйидагилар билан келишиб олган кўринади.

Нананинг айтишича, унинг ўзи Ҳиротда қолишни истамаган.

– Нима қиламан қолиб? Хотинларини олиб, шаҳарни қандай кезишини томоша қилиш учунми?

Нана Ҳиротдан сал наридаги Гулдоман қишлоғига, ҳувиллаб қолган ота ҳовлисига ҳам боришни истамади. У таниш-билишлар кўзидан йироқ бўлишни, одамлар унга қўлини бигиз қилиб кўрсатмаслигини, ҳеч кимда нафрат ёки ачиниш туйғуларини уйғотмасликни истади.

– Ишонасанми, – дерди у қизига, – отанг мени кўздан йўқотиш учун оёғи куйган товукдек пирлаб қолганди.

Шунда Жалилнинг биринчи хотинидан туғилган катта ўғли Муҳсин Гулдоман яқинидаги чангалзордан кичикроқ бошпана топди. Ҳирот шоссесидан қоялар томонга қараб баланд ўтлар ва гуллар оралаб кетган илонизи сўқмоқ бўлиб, у тўғри баланд тепаликларга олиб борарди. Бу ерда теракларнинг тинимсиз шовуллаши қулоққа чалинар, қизғалдоқлар оловдек ловулар, чап томонда, пастликда қишлоқдаги шамол тегирмонларининг қанотлари кўзга ташланар, ўнгда эса Ҳиротнинг бутун манзараси кафтдек намоён эди.

Жалил шахсан ўша жойни бориб кўрди. Қайтиб келганида эса унинг гап оҳанги ўзи тушган ҳибсхона шароитидан мамнун тутқунниқига ўхшарди...

– Ҳа, отанг бизга ана шу каламуш уяни лойиқ кўрди!

Нанани 15 ёшида бир шиндонлик тўтифурушга бермоқчи бўлишган экан. Гарчи Нана қизига бу ҳақда бефарқ оҳангда ҳикоя қилса-да, аммо кўзлари фараҳдан қувнаб кетарди. Ҳа, унинг ҳаётида ҳам бир қанча қувончли кунлар бўлган, аммо яшин тезлигида ўтиб кетганди.

Онасининг тиззасида ўтирган Марям уни тўй либосида тасаввур этишга уринарди. Мана, у от устида кетиб бораяпти, юзларидаги табассумни ҳарир парда тўсиб турибди, бармоқларига ҳино қўйилган, сочларига кумушранг упа сепилган, қизнинг қулоқларига шу аснода карнай-сурнай, ноғора садолари, от изидан чопаетган ҳайқириқ эшитилгандек бўларди.

Хуллас, Нанани эндигина эрга бермоқчи бўлишганида, яна «елкасига шайтон миниб олган» экан. Ҳарқалай, Марям шундай деб эшитганди. Бунақа пайтда онаси ғужанак бўлганча, ерда думалаб қолар, кўзлари олайиб, оёқ-қўллари қалтирар, оғзидан баъзан оқ, баъзан қизғиш кўпик оқа

бошларди. Кейин эса ҳушига келганида Нана ҳеч нарсани эслолмас, гаплари ҳам узуқ-юлуқ чиқарди. Бундай касали борлиги ҳақида эшитган шиндонлик тўтифуруш ва унинг яқинлари тўйни тўхтатишган экан.

– Ўшанда куёв томоннинг роса юраги ёрилган, – дея бу ҳақдаги ҳикоясини тугатарди Нана.

Чакалакзорнинг бир четида Жалил икки ўғли Фарҳод ва Муҳсин билан кичикроқ, лойсувоқ кулба тиклаб беришган. Бир деразали бу кулбада Марям умрининг дастлабки ўн беш йилини ўтказган эди. Иккита каравот, стол ва иккита тик суянчиқли стул, Нана сопол хумчалари ва онасидан қолган хитойи чинниларни сақлайдиган токча – кулбанинг бутун жиҳозоти шулардангина иборат эди. Жалил кулбанинг ичида янги чўян печка қуриб берган, қишки ўтинларни ҳам ғамлаб кетган, ўтин ғарамии шундоқ кўзга ташланиб турарди. Уйнинг ёнида тандир, товукхона ва эчки қўраси ҳам қўққайиб турарди. Мажнунтоллардан юз қадамча нарида Фарҳод ва Муҳсин ҳожатхона қазиб беришганди.

Нананинг айтишича, Жалил уларга уй тиклаб бериш учун усталар ҳам чақирмоқчи бўлган, аммо негадир бундай қилмаган экан.

– Шунақа қилсам, айбим енгиллашади, деб ўйлаганмикан?

Нананинг ишонч билан таъкидлашича, у туққанида ёнида ҳеч ким бўлмаган. 1959 йил, Зоҳиршоҳнинг деярли осойишта кечган қирқ йиллик ҳукмронлигининг 26-йили эди. Баҳорнинг тунд, булутли бир куни. Жалил ўшанда шифокор тугул доя кампир чақиртиришни ҳам хаёлига келтирмабди. Ҳолбуки, шайтон туғуруқ пайтида ҳам Нананинг елкасига миниб олиши мумкин эди. Унинг бир ўзи терга ботганча, қўлида пичоқ билан пол устида чалқанча ётарди.

– Оғриқ жонимдан ўтиб кетгани учун ёстиқнинг учини тишлаб, овозим бўғилиб қолгунча бақирдим. Юзимни артадиган, сув тутадиган одамнинг ўзи йўқ эди. Сен эса Марямжо, қимир этмасдинг. Икки кун мана шу совуқ пол устида емай-ичмай ётиб, минг бир азобда тўлганиб, эсон-омон туғилишингни Худодан сўраб ётганман.

– Кечиринг, ойижон!

– Киндигингни кесиш учун пичоқ олиб ётганман.

– Кечиринг!

Нана унга жавобан заифгина жилмайиб қўйди. Бу табассумдан онаси қизини ростдан ҳам кечирганми ёки туғуруқ жараёнидаги азоблар учун хануз қизидан аламзадами, билиб бўлмасди.

Марям ўн ёшдан ошгач, Нананинг бу ҳақдаги чўпчакларига ишонмай қўйди. Жалилнинг сўзлари нисбатан ишончлироқ туюла бошлади. Унинг айтишича, ўша пайтларда Жалил сафарда бўлган, аммо сал аввалроқ, Нанани Ҳиротдаги кенг ва ёруғ госпиталга ётқизган. Марям шинам палатада, шифокор назорати остида туғилган экан. Марям ҳалиги пичоқ ҳақида гап очганида Жалил қизига қараб, аянчли бош чайқаганди.

Марямга онасининг икки кун туғолмай қийналгани ҳам шубҳали туюлганди.

– Дўхтирлар менга чақалоқ бир соатда туғилди дейишган, – елка қисганди Жалил. – Марям, сен жуда ақли, беозор қизсан. Ҳатто туғилган пайтингда ҳам онангга озор берганинга ишонмайман.

– Отанг қорасини ҳам кўрсатмаганди-ку, – тутақиб кетганди онаси. – Ўшанда у ўзининг улфатлари билан Тахти Сафарда от чоптириб, ўйнаб юрган экан, ер юткур!

Нананинг айтишича, Жалилга яна битта қиз кўргани ҳақида маълум қилишганида, у отнинг ёллари тараркан, елка қисиб қўя қолган.

– У сени биринчи марта қўлига олганида, бир ойлик бўлиб қолгандинг. Сенга бир қараб, «намунча юзи чўзинчоқ бўлмаса», деб лаб бурган ва қўлимга қайтариб берганди.

Бу гапларга Марям ишонди. Жалил ўша пайтда Тахти Сафарда от чоптириб юрганини тан олди. Аммо отасининг талқинига кўра, у қиз кўрганини эшитиб, хаёлчан елка қисмаган, балки эгарга сакраб миниб, Ҳирот томонга от чоптирган. Болани қўлига олиб, эркалаган, юзчаларини силаган, ҳатто унга алла ҳам айтган. Гарчи Марям юзи узунчоқ эканини ўзи ҳам билса-да, отасининг бундай таънали гапларни айтганини тасаввурига сиғдиrolмасди.

Нананинг айтишича, у қизига ўз бувисининг исмини берган. Жалил эса бу исмни ўзи атай қўйганини таъкидларди. Марям энг чиройли гул – табаргул деган маънони англатаркан.

– Сиз бу гулни ёқтирасизми? – сўраганди Марям отасидан.

– Жудаям, – деганди Жалил кулиб.

### **УЧИНЧИ БОБ**

Темир филдиракларнинг тошларга урилиб чиқарган садоси Марямнинг энг биринчи хотираларидан. Марямнинг ота бир, она бошқа акалари Муҳсин билан Ромин (*гоҳида Фарҳод*) ойида бир аравачада уларга гуруч, ун, чой, шакар, ёғ, совун, тиш пастаси келтириб туришарди. Улар аравачани илонизи, шағал ва тошлар тўшалган, ўт-алаф ва буталар босган йўлақдан шалдиратиб, дарё қирғоғига олиб боришар, бу ерда аввалдан тайёр турган қоп ва қутилар ёрдамида юкларни нариги қирғоққа олиб ўтишар, кейин уларни яна аравага юклашга тўғри келарди. Баланд бутазор ва ўтлар

орасидаги кулбага етгунча оёқ остидан саноқсиз қурбақалар сакраб чиқар, чивинлар аямай талар, йигитлар жиққа терга ботиб кетишарди.

– Ахир уларнинг хизматкорлари бор-ку! – ҳайратланарди Марям. – Нега ўшаларни жўнатишмайди?

– Отанг шу тариқа ўз айбини ювмоқчи-да, – изоҳларди Нана.

Ғилдирак овози келиши билан она-бола кулбаларидан чиқишарди. Нана уларни қандай кутиб олишини Марям бир умр эсидан чиқармайди. Озғин, оёқяланг онаси калта қирқтирилган сочларини елкасига ташлаб, қўлларини кўксига қовуштирганча мағрур қиёфада ўтай ўғилларини қарши оларди. Унинг эғнидаги қопга ўхшаган узун камзулининг чўнтаклари тошга тўлғазилган бўларди.

Ака-укалар дарё бўйида турганча, Марям ва Нананинг озиқ-овқатларни қандай ташиб киришларини томоша қилишарди. Ўспиринлар ўтгиз қадамдан ортиқ яқинлашиб бўлмаслигини билишарди. Нана отган тошлар тегишига сал-сал қолар, улар бир амаллаб бу тошбўронга чап бериб қолишарди. Нана қопларни кулбасига олиб кираркан, Жалил, унинг бошқа хотинларини болаларига бисотидаги бор қарғишларни ёғдиришдан чарчамасди. Марям бунақа қарғишларнинг кўпи қандай маъно касб этишини билмас, йигитчалар ҳам бир оғиз чурқ этишмасди.

Қизча акаларига жуда ачинарди. Ахир улар аравани шу ергача судраб келгунча қанча қийналишди экан? Лоақал, уларга сув берса бўларди. Онаси рухсат бермайди-да! Ақалли одамга ўхшаб хайрлашиш тугул, қўл силкиб ҳам қўймайди.

Марям онасига ёқиши учун унинг ёнида туриб, Муҳсинни мазаммат қилар, «ҳе калтакесакникига ўхшаган қийшиқ оғзингга тупроқ тўлсин», дея



чийилларди. Кейин эса «акаларим бу гапларни отамга етказмасмикин?» дея уят, қўрқув ва виждон азобида ўртанарди. Нана эса қарғайвериб хуморидан чиқар, қаҳ-қаҳ уриб кула бошларди. Бундан Марям бир оз хавотирга ҳам тушарди. Аммо Нана қизининг бошини силаб, «ўзимнинг ақлли қизим», деб эркалаб қўярди.

Ака-укалар араваچани бўшатиб ортга қайтишарди. Марям уларнинг ортидан то қалин ўтлар орасида йўқолиб кетишгунча кўзини узмай турарди.

– Келаяпсанми?

– Ҳа, Нана!

– Улар пичирлашиб сени аҳмоқ қилишди, эшитдингми? Мен ўз қулоғим билан эшитдим...

Эрталаб она-болани қўй-қўзиларнинг маъраши ва подани серўт адир томон ҳайдаб бораётган чўпонларнинг най садоси уйғотарди. Нана ва Марям эчкиларни соғиб, товуқларга дон беришар, тухумларни териб олишарди. Нонни бир-галиқда ёпишарди. Нана қизига хамир қориш, тандирга ўт қалаш ва нон ёпишни ўргатганди. Шунингдек, Нана қизига тикиш-бичиш, гуруч қайнатиш, нон юзини безаш учун турли зираворлар тайёрлашни ҳам ўргатган.

Нана фақатгина Жалилнинг ўғилларинигина эмас (уларни-ку кўргани кўзи йўқ эди), умуман, уйига меҳмон келишини ёқтирмасди. Уларнинг кулбасига фақат айрим кишиларгина келиб туришарди. Улар орасида қишлоқ оқсоқоли, қорни катта, калласи кичкина Ҳабибхон ҳам бор эди. Уям бўлса, ойда бир марта, хизматкори билан келар, улар келтирган сават ичида пиширилган жўжа, бир идишда мошкичири, Марямга аталган рангли тухумлар бўларди.

Уларникига Нананинг ота таниши – марҳум сангтарошнинг беваси ҳам келиб турар, ёши ўт-

ган, дум-думалоқ бу хотинни Нана Бибижо деб чақирарди. Унинг олгита неварасидан лоақал бир-иккитаси соядек эргашиб келарди. У хонага кириши билан Нана таклиф қилган стулга ҳансираб ўтирар, у ҳам албатта Марям учун конфетми, бирор ширинликми, олиб келган бўларди. Бибижо кириши билан энг аввал соғлигидан, оёқ оғригидан шикоят қилишни бошлар, кейин Ҳиротдаги ва қишлоқдаги миш-мишларга навбат келарди.

Бироқ Марям ҳаммадан ҳам (албатта, Жалилдан ташқари) кекса қишлоқ мулласи Фатҳулла Охуннинг келишини интизорлик билан кутарди. Мулла Гулдомандан ҳафтасига икки марта келиб, қизалоқнинг суралар ва диний калималарни қандай ёдлаётганини текширарди. Бир пайтлар у Нананинг ҳам болалигида диний сабоқлар берганди. Мулла Фатҳулла қизчанинг нозик бармоқчаларидан тутиб, унга ҳуснихат билан араб ҳарфларининг ёзилишини ўргатган эди...

Мулла қотмадан келган, оқ соқоли кўксига тушган, тишлари тўкилиб кетган, хушмуомала чол эди. У, одатда, Марямдан икки ёш катта, малласоч ўғли Ҳамзани етаклаб келарди. Мулла Фатҳулла остонада кўриниши билан Марям унинг қоқсуяк қўллари тавоф қилар, чол эса, қизчанинг пешонасидан ўпиб кўярди. Кейин улар кулба ёнида ўтирганча, кўк чой ичиб, ерёнғоқ ейишар, шохдан-шохга кўнаётган ҳаккаларни томоша қилишарди.

Баъзида улар анҳор бўйидаги хазон пойандозлар узра, тоғ чўққилари этагидаги дарахтзорларни кезишар, чол унга кексаларга хос титроқ овозда болалиқдаги саргузаштлари, хусусан, Исфаҳоннинг ўттиз уч арк кўпригида унга дуч келган икки бошли аждаҳо, Мовий масжид олдида иккига бўлиниб кетган, икки палласи «Аллоҳу акбар» деб ёзилган тарвузлар ҳақида мароқ билан ҳикоя қилиб берарди.

Мулла нафақат ҳикоя қилишни, балки эшитишни ҳам биларди. У Марям гапираётганида диққат билан эшитар, худди қизчанинг тавозесини қабул қилгандек кулимсираб, бош ирғарди. Марям юрак ютиб онасига айтолмайдиган гапларни ҳам бемалол Мулла Фатҳуллага айта оларди.

...Бир куни у сайр пайтида мактабга боришни жуда-жуда хоҳлаётганини айтиб қолди.

– Мен отамнинг бошқа болаларига ўхшаб, ҳақиқий мактабга боришни, синфда, парталарга ўтириб дарс тинглашни истайман.

Бир ҳафта илгари Бибижо турфа мишмиш ва гийбатлар билан бирга Жалилнинг қизлари Саида ва Ноҳиднинг Ҳиротдаги «Меҳри» деб номланган қизлар мактабига ўқишга бораётганини айтганди. Ўшандан бери ўқитувчи ва мактаб ҳақидаги хаёллар Марямнинг миясидан кетмай қолди. Усти муқовали катак дафтарлар, чиройли ёзадиган шарикли ручкалар кўз ўнгидан кетмай қолганди.

– Ростдан ҳам мактабга боришни хоҳайсанми? – Мулла Фатҳулла қизалоқнинг ёш ҳалқаланган кўзларига тикилганча қотиб қолди: унинг бошидаги каттакон салла майсалар устига ўз кўланкасини ташлаб турарди.

– Ҳа!

– Онангдан розилик олиб беришимни истайсанми?

Марям кулимсиради. Унингча, фақат отаси Жалил уни худди мана шу оққўнгил чолдек тушуна оларди.

– Нимаям дердим. Ҳар банданинг бир ожиз тарафи бўлади. Менинг ожизлигим шундаки, сенинг ҳеч бир хоҳишингга қарши чиқолмайман, қизим! – мулла бўйнидаги терини оҳиста артди.

Нана ошхонада пиёз тўғраётганди. Мулла унга қизининг истагини етказганида, қўлида пичоқ ерга тушиб кетди.

– Нима кераги бор?

– Қизим, агар болалар ўқишни исташса, уларга қарши бормаслик керак. Майли, ўқисин, савод чиқарсин!

– Ўқисин? Нималар деяпсиз, охун соҳиб? – Нана унинг гапини шарт кесиб, қизига қараб қовоқ солди. Марям индамай ерга қаради. – Бунга ўхшаганларга ўқишни ким қўйибди? Ўқиб гўр бўлармиди? Вей, менга қара? Ҳали мактабда ўқигинг кеп қолдимиз?

– Унақа дема, қизим? – офир хўрсинди Фатҳулла ота.

– Менга қара дедим! – Марям кўрқа-писа онасига қаради. – Сабр қил, тушундингми?

– Нимага сабр қилишим керак, ойи?

– Сен билан менинг қисматимиз азалдан аён. Мактабга бораман деяпсан. У ерда сени тенгдошларинг «ҳароми» деб чақиришларини истайсанми? Сен ҳақингда ҳар хил бўлмағур гапларни айтиб, хафа қилишади. Сен шуни истайсанми? Мен эса, истамайман!

Марям жимгина бош ирғади.

– Яна бу ҳақда офиз очганингни эшитмай.

– Қизим, аввал яхшилаб ўйлаб кўр, ахир...

– Охун соҳиб, илтимос, – шартта унинг гапини бўлди Нана. – Бунинг ҳамма гапларигаям қулоқ солаверманг. Унинг жойи шу ерда, онасининг ёнида. Бошқа ҳеч қаерга бормади. Ҳамма жойда уни турткилашади, озор беришади. Биланман-ку, охун соҳиб!

## ТЎРТИНЧИ БОБ

Марям меҳмонлар келишини ёқтирарди. Қишлоқ оқсоқоли, ғийбатчи кампир Бибижо, мулла Фатҳулла... Аммо, Марям ҳаммадан кўра Жалилнинг келишини кўзи тўрт бўлиб кутарди.

Безовталиқ сешанба оқшомидан бошлаб уни қамраб оларди. Ишқилиб, Жалилнинг бирор муҳим иши чиқиб қолмасин-да! Акс ҳолда уни янаги ҳафтанинг пайшанбасигача кутиши керак бўлади. Чоршанба куни Марям уйга сиғмас, ўтлоқларни қадамлаб ўлчар, товуқларга паришонлик билан дон сочар, гулларнинг япроқларини юлиб, чивинларни ҳайдар, пайшанба куни эса, ҳаммасини йиғиштириб, анҳор лабида ўтирганча отасининг йўлига кўз тикарди. Агар Жалил кечикаверса, унинг баданига титроқ кириб, тиззалари мажолсизланиб қолар, қаёқларгадир қочиб кетгиси келар, аммо бунинг уддасидан чиқолмасди.

Дафъатан онасининг овози эшитиларди.

– Мана, дадажонинг, олифталаниб келишини қара!

Марямга илкис жон киргандек бўларди. Отасини узоқдан кўриши билан ўрнидан сапчиб турарди. Отаси анҳорнинг нариги қирғоғига етиб келгач, у тарафга қараб қўл силкитар ва майин жилмаярди. Бу пайтда Марям онасининг ундан кўз узмай турганини сезар, шу боис, отасининг истиқболига ошиқишга журъат этолмас, Жалилнинг ўзи у томонга келишини кутишдан бошқа иложи қолмас, аммо назарида отаси жуда секин юриб келаётганга ўхшарди.

Жалил ўтлоққа оёқ қўйиши билан камзулини тандир устига ташлар ва қучоғини кенг очарди. Қизча отаси тарафга бир-икки қадам босиши билан оёқлари ердан узиларди. Отаси уни ҳаво-

га отиб, ўйнатар, ҳамма ёқни Марямнинг шодон қийқириғи тутиб кетарди.

Отасининг кучли қўллари уни самога ирғитаркан, қизча баландда туриб, Жалилнинг ёрқин табассуми, ўртасидан иккига бўлинган чиройли иягини, бу шаҳарда камдан-кам одамда учрайдиган оппоқ, ёрқин тишларини аниқ кўра оларди. Марям унинг қирқилган мўйлови, тўқ жигарранг камзулини жонидан ортиқ кўрар, ҳар қандай об-ҳавода отаси ана шу костюмда келар, унинг чўнтагидан оппоқ рўмолчанинг бир учи кўриниб турарди. Отасининг тиниқ қорачиқларида Марям ўзининг ва кенг само аксини ҳам кўра оларди.

«Бир куним шу отанг сени ерга туширворса, ўласан, оёқ-қўлинг синиб», дея тўнғилларди Нана. Аммо, Марям бунга ҳеч қачон ишонмасди. Унинг учун отасининг қучоғидек хавфсиз ва ёқимли жой йўқ эди. Нана кулбанинг ёнгинасида Жалил учун жой ҳозирлаб, чой дамлар, улар сирли кулимсираб, бир-бирлари билан саломлашишарди. Жалил бирор марта ҳам ўғилларини тошбўрон қилиб, орқасидан қарғаб қолганини Нананинг юзига солмасди. Нана ҳам Жалилни орқасидан гўрдан олиб гўрга солса-да, олдида бирор оғиз қўпол гапирмас, бу пайтда унинг сочлари ювиб-таралган, тишлари чайилган, бошига энг чиройли рўмоли танғилган бўлар, қўлларини тиззалари устига қўйганча одоб сақлаб ўтирарди. Бирор марта бўлсин, Жалилнинг юзига тик қарамас, кулганда ҳам чирик тишлари кўзга ташланмаслиги учун кафти билан оғзини тўсиб оларди.

Нана ундан ишлар қандай кетаётгани, хотинлари ва болаларининг саломатлигини сўрарди. Бибижо кампирнинг айтишича, Жалилнинг кенжа хотини Наргис учинчи боласига оғироёқ экан.

Нана билан чой ичиб бўлишгач, Жалил Марямни олиб, балиқ овига жўнарди. Отаси унга

қармоқни қандай ташлаш, балиқни қандай тозалашни қунт билан ўргатганди. То пўкак қимирлагунча, Жалил қаламни узмасдан туриб, қандай қилиб фил суратини чизишни кўрсатиб берар, турли шеър ва қўшиқларни ёдлатарди.

Гоҳида ўзи билан олиб келган, Ҳиротда чоп этиладиган «Иттифоқи ислом» газетасидан қирқиб олинган қизиқарли мақолаларни ўқиб берарди. Шунда Марям ўзи яшаётган Гулдоман қишлоғи ва Ҳирот шаҳридан ташқарида ҳам бепоеъ олам борлиги, унда турли-туман ҳодисалар содир бўлиши, поездлар мағрибу машриққа елишини отаси олиб келган газета қирқимлари орқали тасаввур эта оларди.

1973 йилда, Марям 13 ёшга тўлганида катта давлат тўнтариши юз бергани, Кобулда қирқ йил ҳукуматни бошқарган Зоҳиршоҳ тахтдан ағдарилганини ҳам Марям отасидан эшитганди.

– Шоҳ Италияда даволанаётганида, ҳокимият унинг амакиваччаси Довудхоннинг қўлига ўтди. Биласанми у ким? Сен туғилганингда, у Кобулда бош вазир этиб тайинланганди. Энди Афғонистонда монархия йўқотилди. Энди мамлакатимиз республика, давлат раҳбаримиз президент деб аталади.

Отаси унга сиёсатдан дарс ўтаётганида Марямнинг икки кўзи отасининг дўппайиб турган чўнтагида бўларди. Отаси эса, шу заҳоти камзулининг чўнтагидан кичкина қутича чиқариб, Марямга тутқазарди. Вақти-вақти билан отаси унга ана шундай совғалар келтириб турарди. Юраксимон билагузук, ложувард мунчоқлар... Бир гал у Марямга ҳар бирида ҳилол ва юдуз тасвири туширилган тангачалар билан безатилган зебигардон совға қилди.

– Буни тақиб кўр-чи, Марямжо! Баракалла! Қара, нақ маликанинг ўзгинаси бўлдинг!



Отаси кетгач, Марям қизининг бўйнидаги зе-  
бигардонни пайқаб қолди:

– Кўчманчилар лўлиларнинг тақинчоғи-ку! Бу-  
нақа матоҳни улар одамлардан йиғилган чақа-  
ларни эритиб ясашади. Қани, дадажонинг қўли-  
дан келса, тилла тақинчоқ совға қилсин-чи? Қа-  
ёқда? Отангда бунақа мардликдан асар ҳам йўқ.

Жалил кетгач, Марям то дарахтлар орасидан  
отасининг қораси кўринмай кетгунча кўз узмай  
тикилиб турар, отаси билан яна бирга бўлиши  
учун яна бир ҳафтани қандай ўтказишни ўйлаб,  
юраги сиқиларди.

Марям кечалари отасининг ҳашаматли уйи, у  
ердаги шарт-шароитлар ҳақида, отаси билан Ҳи-  
рот кўчалари ва Чорсу бозорини кезиш, остида  
машҳур шоир дафн этилган дарахтни зиёрат қи-  
лиш ҳақида ўйларди. «Дадамга мениям Ҳиротга  
олиб кетинг, сизни жудаям соғинаман, деб ай-  
таман. У мени албатта тушунади ва ўзи билан  
опкетлади. Мен Ҳиротда, отамнинг уйида, ака ва  
опаларим қуршовида яшайман» деб ўйларди у.

## БЕШИНЧИ БОБ

1974 йилнинг баҳорида Марям ўн беш ёшга  
тўлди.

– Туғилган кунимга нима совға хоҳлашимни  
айтайми? – деди Марям йиғма стулда рўпараси-  
да ўтирган отасига.

– Айт қани? – деди Жалил унга меҳр билан  
термилиб.

Икки ҳафта илгари Жалил Марямга ўзининг  
кинотеатрида американча кино кетаётганини  
айтганди. Уни мултфилм деб аташаркан. Унда  
кўп-кўп суратлар тезликда ўтказилар, томоша-  
бин назарида худди расмларга жон кириб ҳара-

катланаётганга ўхшаркан. Кинода фарзанди йўқ кекса қўғирчоқбознинг ҳаёти ҳикоя қилинаркан. Бечора қариган чоғида ўзига ёғочдан бола ясаб олишга қарор қилибди. Марям бу кинога жуда қизиқиб қолди ва отасидан батафсил ҳикоя қилиб беришни сўради. Маълум бўлишича, қулоқсиз ёғоч бола охирида отаси истагандек мўмингина, қобилгина болага айланиб, кино яхшилиқ билан тугаркан. Марям турли саргузаштларни бошидан кечирган бу ёғоч бола воқеасини ҳатто мулла Фатхуллага ҳам айтиб берди.

– Дада, мени кинотеатрингизга олиб боринг, ўша ёғоч бола ҳақидаги кинони ўз кўзим билан кўргим келяпти, – деди бир куни у отасига.

Худди шу гапни айтиши билан ота-онасининг кайфияти бирданига тушиб кетди. Улар бир-бирига маъноли қараб, безовталиқ билан стуллари-ни гичирлатишди.

– Бекорни бештасини айтибсан, – деди Нана совуқ оҳангда, қизига еб қўйгудек ўқрайиб. Жалил ҳам йўталиб қўйди.

– Биласанми, Марямжо, фильм тасмаси анча эскириб қолган, тасвирлар ҳам рангсиз, хира, бунинг устига овози яхши чиқмайди. Яхшиси, сенга бошқа нарса совға қила қоламан.

– Ана кўрдингми, – деди Нана. – Отанг тўғри айтяпти, нима қиласан, бунақа нарсаларни?

– Илтимос, мени кинога оборинг, – ялинди Марям отаси билан анҳор қирғоғига етишганда.

– Бўпти, – деди Жалил. – Мен яқинда бирортасини жўнатаман. У сени кинога олиб киради. Энг яхши жойда ўтириб, конфет шимиб кино томоша қиласан.

– Йўқ, мен сиз билан кираман.

– Марямжо!

– Акаларим ва сингилларимни ҳам олиб борасиз, уларни ёнида ўтириб кино кўргим келяпти.

Жалил маъносиз нигоҳини тоғлар тарафга қаратди.

Отасининг айтишича, одамнинг юзи экранда худди уйдек катталиқда кўринаркан. Машиналар тўқнашган ҳамма ёқ гурсиллаб кетаркан. Агар Жалил билан балконда ўтириб, музқаймоқ еса, роса зўр бўларди-да!

– Дада. Майлими? – ўтинди Марям.

Жалилнинг кўзларида қайғу аксланди.

– Эртага тушдан кейин ўша жойда учрашамиз унда, бўптими, дада?

– Бўпти! – Жалил қизчасини бағрига узоқ босиб турди.

Нана кулба атрофида қўлини мушт қилиб туканича айланиб юрарди.

– Нега Худо менга сендек ношукур фарзандни инъом этдийкин? Сен учун мен ҳамма нарсага кўксимни қалқон қилсаму, сендан кўрадиганим шу бўлдими? Сен ифлос ҳароми ҳали мени ташлаб кетмоқчимисан? – кейин эса, очиқ-ошкор истехзога ўтди. – Аҳмоқсан-да, аҳмоқ! Отам мени яхши кўради, деб ўйлайсанми? Унинг уйидагиларнинг сенга кўзи учиб тургани йўқ. У сени бошқа фарзандлари қатори кўрмайди, билиб қўй.

Охирида она қизини инсофга чақира бошлади.

– Агар сен кетиб қолсанг, мен ўламан, эшит-япсанми? Мени елкамга яна шайтон миниб олади. Тилим бўғзимга тиқилиб, бўғилиб ўламан, тушундингми? Кетма, Марямжо!

Марям жим эди.

– Мен сени жонимдан ортиқ яхши кўраман, қизим. Сенсиз менга ҳаёт йўқ.

– Бир айланиб келардим-да? – деди қизча ялинчоқ оҳангда. У онасини ранжитишни истамасди. Чиндан ҳам елкасига шайтон миниб олишидан қаттиқ кўрқарди. Жалилнинг айтишича,

бу бир касаллик экан, агар вақтида дориларни ичиб турса, анча енгил тортаркан.

Марямнинг назарида онаси уни ёмон кўради-гандек, қизининг бахтли бўлишини истамайди-гандек эди. Аммо, бу ҳақда офиз очишга юраги дов бермасди.

Ўтлоқнинг ўртасида Марям ёқтирган бир жой бор эди. Бу ердан туриб бутун Ҳирот ва унинг обидаларини, Чорсу майдони, Аёллар боғи ва Искандар Мақдуний қалъаси харобаларини бемалол кўриш мумкин эди. Миноралар худди паҳлавонларнинг бармоғидек осмонга ниқталиб турарди. Шаҳар кўчаларида қайнаётган одамлар ва уларнинг устида чарх ураётган қалдирғочлар ҳам унга яққол кўришиб турар, Марям уларга ҳавас-ла боқарди.

Марям кўпинча ўн бир дона тошдан турли устунчалар ясарди. Биринчи устундаги тўртта тош Хадичанинг болаларини билдирар, учтадан тош таҳланган икки устун Афсун ва Наргиснинг болалари эди. Охирида биттагина тош бир ўзи қоларди.

Эртаси куни Марям оч-сарик тусли, тиззадан келадиган кўйлагини, янги чит лозимини кийиб, бошига яшил рўмолини танғиди. Қиз маҳаллий усталар ясаган, кўкиш милли эски соатига қаради. Уни мулла Фатҳулла совға қилганди. Соат эрталабки тўққизни кўрсатиб турарди. Қизиқ, Нана нега кўринмайди? Уни қидириб келсамикин? Онасининг масхараомуз қарашлари, таҳқиру таъналарини эслаб, қўл силтади. Марям курсига ўтириб, вақтни қисқартириш учун Жалил ўргатгандек қаламни узмай фил тасвирини чиза бошлади.

Соат миллари 11.30ни кўрсатганида, чўнтагига ўн битта кичикроқ тошчани солиб уйдан чиқди ва анҳор тарафга йўл олди.

Марям белгиланган жойда ўтириб, отасини қута бошлади. Атрофда қора қарғалар қағиллаганча

учиб юришарди. Қирғоқдаги қушқўнмас ўти по-  
ясидан жирканч шиллиққурт ўрмалаб борарди.  
Марям оёқлари толгунча кутиб ўтирди.

Йўқ, уйга қайтмайди.

Қиз лозимининг почасини тиззасигача қатлаб,  
анҳорни кечиб ўта бошлади. У умрида биринчи  
марта Ҳиротга отланганди.

Ҳирот ҳақида ҳам Нана уни алдаган экан. Ҳеч  
ким уни қўлини бигиз қилиб кўрсатмади. Ҳеч  
ким унинг устидан кулгани ҳам йўқ. Марям сарв  
дарахтларига бурканган хиёбоннинг гавжум  
йўлагидан кетиб борарди. Ҳеч ким унга эътибор  
ҳам бермади. Унинг ортидан биров «ҳароми» деб  
бақирганини ҳам эшитмади.

Марям кўзларига ишонмасди. Юраги қувонч-  
дан ҳаприқарди. Ёнида мулла Фатҳулла бўлга-  
нида янаям яхши бўларди. Унинг жасурлигига  
офарин айтган бўлармиди? Ахир у кўрқмасдан  
шундай катта шаҳарда юрибди-я? Энди у отаси,  
туғишган ака-укалари, опа-сингиллари бағрида  
бўлади. Энди у ҳеч нарсадан қисиниб-қимтин-  
май, зориқмай яшайди.

У хиёбонни кечиб ўтиб, катта йўл бўйига чиқ-  
ди. Йўл четида юзлари офтобда қорайган аёллар,  
болалар турли меваларни сотиб ўтиришар, тўхта-  
ган машинанинг атрофини ўраб олишарди. Мар-  
ям бир четда туриб қолди. Қизиқ, атрофда шунча  
мўъжизалар бўла туриб, одамлар нега бунчалар  
лоқайд, бефарқ бўлишмаса?

У бутун журъатини тўплаб, беқасам чопон  
кийган извошчидан шаҳардаги кинотеатрнинг  
соҳиби – Жалилнинг уйини сўради.

– Сен бу ерлик эмасмисан? – сўради чол дўстона  
оҳангда. – Ахир унинг уйини ҳамма билади-ку!

– Менга кўрсатиб юборолмайсизми?

– Бир ўзингмисан? – сўради чол негадир чўн-  
тагини ковлаб.

– Ҳа!

– Ўтир, обориб қўяман, – деди чол чўнтагидан попукқанд олиб қизга узатаркан. – Ўтирганим билан бари бир миждоз келмайдиган кўринади. Уйга кетадиган вақт бўлди. Йўлим шундоқ Жалилнинг уйи олдидан ўтади.

Қиз извошдан жой олди. Икки тарафдан апелсин, ширинликлар, олма ва ноклар сотилаётган дўконлар ўтиб борарди. Арава зирк ва қарағайлар экилган кўчага бурилиб тўхтади.

– Омадинг бор экан қизим, ана, Жалил ҳам уйда экан, машинаси турибди.

Марям чолга раҳмат айтиб, аравадан сакраб тушди. Марям ҳали бирор марта машинани яқиндан кўрмаганди. Машина яп-янги эди, унинг ялтироқ сиртида ҳамма нарса, ҳатто Марямнинг қиёфаси ҳам аксланиб турарди.

Шу чоқ қулоғи остида онасининг таҳқиромуз овози янграб, баданига совуқ сув сачрагандек сесканиб кетди. Марям қўрқа-писа дарчага яқинлашиб, деворга суянди. Девор ортидан фақат ҳовлида ўсган сарв дарахтларининг учлари кўриниб турарди. Оҳиста дарчани чертди.

Эшикни пастки лабларида нақш чекилган оёқяланг қиз очди.

– Мен Жалилхон соҳибни кўрмоқчиман. Исминим Марям. Мен уларнинг қизлари бўламан.

Ялангоёқ оқсоч қиз унга бошдан-оёқ разм солиб, заиф, ожизгина жилмайди:

– Кутиб тур, мен ҳозир! – дея эшикни ёпди.

Орадан бир оз вақт ўтиб, яна эшик очилди. Бўсағада яғриндор, тунд юзли эркак мудроқ кўзларини ишқалаб турарди.

– Мен Жалилхоннинг ҳайдовчиси бўламан, – деди имкон қадар юмшоқлик билан. – Хўжайин бир иш билан чиқиб кетган.

– Машинаси шу ерда-ку! – ён бергиси келмади қизчанинг.

– У... зарур иш билан чиқиб кетганди.

– Қачон қайтади?

– Билмадим, айтгани йўқ.

– Мен кутиб тураман.

Эркак дарчани ёпди. Марям тиззаларини иягига тираганча ерга ўтириб олди. Кеч туша бошлаганди, унинг қорни очди. Бояги извошчи берган конфетни чайнашга тушди.

Бир оз пайт ўтиб дарчадан яна бояги ҳайдовчининг боши кўринди.

– Уйингга қайтишинг керак, – деди у. – Ҳозир ҳамма ёқ қоронғи бўлади, кетолмай қоласан.

– Мен ўрганиб кетганман.

– Совуқ тушяпти, юр, уйингга обориб қўяман. Хўжайинга келганингни айтишим мумкин. – Марям бир оғиз гапирмай унга тикилиб тураверди. – Хоҳласанг, меҳмонхонага олиб бориб, жойлаштираман.

– Мен уйга кираман!

– Мумкин эмас. Хўжайин қачон келишини ҳеч ким билмайди. Балки бир неча кунгача келмас.

Марям қўлларини кўксида қовуштириб олди. Ҳайдовчи ундан кўзини узмай хўрсиниб қўйди.

Қиз тунни Жалилхоннинг дарвозаси олдида ўтказди. У осмоннинг қандай қора пардага ўралиши, кўчаларнинг тун зулматига бурканишини томоша қилиб ўтирарди. Бояги хизматкор қиз бир идишда гуруч ва бир бурда нон олиб чиқди. Марямнинг қаршилигига қарамай, у қўлидагиларни унинг олдида қўйиб, ичкари кирди. Кўчага қараган деразалардан чироқлар порлади. Аҳёнан итлар хуриши эшитиларди. Ниҳоят, очлик заптига олгач, Марям гуруч билан нонни паққос туширди. Яқин орадаги



боғлардан чирилдоқлар саси янгради. Тепада бутлар оралаб рангпар ой сузмоқда эди.

Эрталаб уйғонгач, кимдир устини адёл билан ўраб кетганини тушунди. Уни ҳайдовчи уйғотди.

– Бўлди, етар энди, қани тур, уйингга жўна!

Марям кўзларини ишқалади. Елкалари зирқирай бошлаганди.

– То келгунича кутаман.

– Менга қара, Жалилхон телефон қилганди, келганингни айтдик. У сени зудлик билан уйингга олиб бориб қўйишимни тайинлади. – Ҳайдовчи орқа эшикни ёпди. – Кел, қизим, машинага ўтир!

Марям аранг қўзғалди ва ҳайдовчининг ортидан юрди. Сўнг беихтиёр ортига – дарча тарафга ўтирилди. Ҳайдовчи унинг елкасидан тутиб қолмоқчи эди, аммо қиз чаққонлик билан ўзини очиқ эшикка урди.

Мана, у Жалилнинг боғида турибди. Унинг кўз олдида орқасида нималардир ўстирилган ойнаванд деворлар, шиғил ҳосилга кирган узум ишқомлари, сиртига кулранг тошлар қопланган мрамар ҳовуз, мевали дарахтлар намоён бўлди.

Шу чоқ иккинчи қаватдаги деразадан у ўзига таниш қадрдон чехрани, ланг очилган оғиз ва бақрайган кўзларни кўрди. Шу чоқ дераза пардаси туширилди, аммо энди кеч бўлганди.

Илқис кучли қўллар қўлтиғидан тутиб, уни ердан узиб олди. Марям типирчилай бошлади, чўнтагига солиб олган тошчалар дув этиб тўкилди. Уни машинанинг совуқ чарм қопланган ўриндиғига ўтқазишганида, ўзини ҳар ёққа уриб қичқира бошлаганди. Ҳайдовчи юмшоқлик билан уни тинчлантиришга уринар, аммо Марям унга қулоқ солмасди. Йўл бўйи йиғлаб борди. Унинг юзларидан юмалаётган томчилар алам, газаб, кадар ва чуқур истиҳола кўз ёшлари эди.

Ахир нима сабабдан бу учрашувга шу қадар жиддий ҳозирланди, кимни деб қишлоқдан Ҳиротгача пиёда келди? Нима сабабдан уйга қайтишга унамай, худди дайди итдек кўчада тунаб қолди?

Нана огоҳлантирган эди-я? У ҳақ бўлиб чиқди. У энди ойисининг кўзларига қандай тикилади? Наҳот отаси ўз жигарбандининг кўчада тунаб қолишига изн берди? Кўчада-я? Марям ҳеч ким кўрмасин учун юзларини чарм филофга босди. Бу қандай кўргулик? Ёнида Мулла Фатҳулла бўлганида ҳам унга тасалли берарди. Йўлнинг ярмига бориб, машина ўнқир-чўнқирларда силкина бошлади. Бундан бу ёғига машина юрмайди. Ҳайдовчи машинани тўхтатиб, Марямнинг тушишига кўмаклашди.

– Юр, ўзим сени уйингача обориб қўяман.

Улар учқат, сутлама буталари шохлаб кетган сўқмоқдан олдинма-кейин кета бошлашди. Ҳайдовчи қизнинг қўлидан ушлаб анҳорни кечиб ўтди. Нарига қирғоққа ўтиши билан Марям қўлини тортиб олди ва олдинга қараб чопқиллаб кетди. Ҳайдовчи ҳам унинг ортидан нималарнидир ғўлдираб кетаверди. Кутилмаганда, ҳайдовчи чаққонлик билан унинг йўлини тўсди ва қизни орқага итарди:

– Бўлди, қайт, ортингга қайт, кетдик бу ердан!

У кечиккан, Марям ҳаммасини кўриб бўлганди. Мажнунтолар шамолда беҳол чайқалар, ерда таниш курси ағдарилиб ётарди. Марям аввал тол шохига боғланган арқонни, кейин унга осилиб турган жасадни кўрди...

## ОЛТИНЧИ БОБ

Нанани қишлоқ қабристонининг бир чеккасига дафн қилишди. Марям аёллар даврасида, Бибижонинг ёнида турарди. Мулла Фатҳулла узун-

дан-узоқ дуо ўқигач, эркаклар жасадни лаҳадга туширишди. Мозордан қайтишгач, Жалил Марямни кулбасига олиб борди ва йиғилганлар олдида ўзини жигарсўхта, ғамхўр отадек кўрсатди. Кейин эса, қизининг ҳамма лаш-лушларини битта жомадонга жойлаб, «айт, яна нима керак сенга?» деб сўради.

– Фатҳулла ота қаерда?

– Шу ерда эди, ҳозир чақираман, қизим!

Остонада мулла Фатҳулланинг мункайган гавдаси кўриниши билан Марям йиғлаб юборди. Чол Марямни бағрига босди:

– Йиғла, қизим, йиғлайвер, уялма! Фақат эсингда турсин. Яратган эгам ўз каломида «Кўлида мулк бўлган ва ҳамма нарсанинг устидан ҳукмрон бўлган зот буюқдир, У қай бирингиз яхши амаллар қилишингизни билиш учун ўлим ва ҳаётни яратган зотдир, У буюқ ва кечиргувчидир» дея марҳамат қилган («Мулк» сураси, 1–4-оятлар. таҳр.). Бу сўзларда катта ҳақиқат бор. Яратганнинг ўзи сенга чиройли сабр ато этсин ва ўзи сендан марҳаматини дариф тутмасин!

Не тонгки, Яратганнинг каломи ҳам Марямга таскин беролмади. Унинг қулоқлари остида бошқа сўзлар, онасининг сўнгги гаплари жарангларди: «Агар сен кетиб қолсанг, мен ўламан!» Унинг кўзларидан ситилиб тушаётган томчилар мулланинг қўлларини ивитиб юборди.

Жалил қизни машинасига ўтқазиб уйига опкетди.

– Марямжо, сен энди мен билан яшайсан. Иккинчи қаватда сенга алоҳида хона тайёрлаб қўйдим. Деразаси шундоқ боққа қараб туради.

Марям илк бор унинг сўзларини Нананинг қулоғи билан эшитди. Ҳа, бу сўзларнинг сиртигина

ялтироқ, жозибадор, аслида ҳаммаси сохтакорлик, тилёғламаликдан бошқа нарса эмас. Марям ундан нафратланди.

Машина манзилга етиб келгач, ҳайдовчи эшикни очди ва жомадонини юкхонадан олиб чиқди. Улар Марямга таниш бўлган ўша дарча орқали ичкарига киришди. У отасининг боғига киришни икки кун илгари қанчалик орзу қилганди. Аммо ҳаммаси яшин тезлигида ўзгариб кетди.

Қиз шағал тўшалган йўлакчадан бошини эгиб кириб борар, гарчи нигоҳлари ерда бўлса-да, атрофидаги кимсаларнинг унга ўқдек қадалган нигоҳларини ҳис этарди. Уй ичига кириб, одатига кўра оёқлари остига қаради. Ерга жигарранг, гулдор палос тўшалган, деворга қимматбаҳо гиламлар осилган, токчаларда биллур ва чинни идишлар, мрамар ҳайкалчалар териб қўйилганди. Жалил узун йўлак бўйлаб қизини эргаштириб бораркан, эшиклардан бирини очди.

– Булар сенинг сингилларинг, Нилуфар билан Атия. Улар баъзан шу хонада ўйнаб туришади. Ўзи бу ер меҳмонхона. Сенга ёқади, деган умиддаман.

Каравот ёпқичидаги нақшлар ҳам ари уясини эслатарди. Деворларда нотаниш одамларнинг суратлари илинган эди. Токчалардан бирида бир-бирига ўхшаш, лекин катта-кичик қўғирчоқлар туркуми териб қўйилганди.

– Буларни «матрешка» қўғирчоқлар деб аташади. Москвадан олиб келганман. Уларни истаганингча ўйнашинг мумкин.

Марям каравотга ўтирди.

– Сенга яна нима керак? – сўради Жалил.

Марям каравотга ётиб, кўзларини юмди. Бир оз ўтиб, Жалил хонанинг эшигини ёпиб чиқиб кетди.

...Марям ўз хонасидан деярли чиқмасди. Бу хонадонда уни илк бор қарши олган, лабига нақш

чекилган қиз патнисдан унга ҳар хил таомларни киритарди. Марям эса, қўпинча хилма-хил овқатларга ҳатто қўл ҳам урмасди. Жалил кунда бир неча маротаба кириб, ундан хабар олар, нима кераклигини сўрар, истаса, пастда оила аъзолари билан бир дастурхонда овқатланиши мумкинлигини айтар, аммо овозида аллақандай ишончсизлик сезилиб турарди.

Марям гоҳида бир пайтлар унинг учун беҳад гўзал ва мафтункор туюлган манзараларга ҳиссиз назар ташларди. Бу хонадон эшиги олдида турли машиналар келиб тўхтар, ҳар хил ёшдаги, ҳар хил кийинган одамлар келиб-кетиб турар, уларнинг ҳар бирини Жалил алоҳида илтифот билан қарши оларди.

«Онам тўғри айтган, мен буларнинг ичида бегонаман, – ўйларди Марям, – Хўш, унда қаер менга бегона эмас? Мен қаерга боришим керак?»

Эртаси куни хонага кичкина бир қизча кириб келди.

– Мен битта нарсани олиб кетмоқчи эдим.

Марям каравотга оёқларини ўраганча жим ўтирарди. Қизча тахмондаги шкафдан тўртбурчак қутичани чиқарди.

– Биласанми, бу нима? – деди у қутининг қопқоғини очаркан. – Бу грам-мо-фон! Унга пластинка қўйса қўшиқ айтади.

– Сен Нилуфармисан? Саккиз ёшдасан-а?

Қизча кулимсиради. Қуйиб қўйгандек Жалилга ўхшаркан. Кулгичлари ҳам худди ўзи.

– Сен қаердан биласан?

Марям индамай елка қисди.

– Қўшиқ эшитасанми?

Нилуфар граммофонни тоққа улади. Кейин чўнтагидан қоп-қора гардишни олиб, қурилмага ўрнатди. Бояги гардиш айланиши билан хонада дилрабо мусиқа таралди:

Топсам эди сенга мос калом,  
 Ёзар эдим гул япрогига  
 Сен дилимга бахш этдинг ором,  
 Ва айландинг кўз қарогига...

- Сен бу қўшиқни эшитганмисан?
- Йўқ.
- Бу битта Эрон киносидан олинган қўшиқ. Бу кинони дадамнинг кинотеатрида кўрганман. Сен кино кўришни хоҳдайсанми?
- Марям ҳали жавоб қайтармай туриб, қизча бошини полга тираб, оёқларини тикка кўтарди.
- Сенам шундай қила оласанми?
- Йўқ.
- Нилуфар бир сакраб, яна ўтириб олди.
- Сен бизникида узоқ турасанми?
- Билмадим.
- Демак, мен сенинг опангман, дейсанми? Лекин ойимнинг айтишича унақа эмас экан.
- Мен бунақа демадим-ку!
- Айтгансан. Фақат, сен ростданам менинг опаммисан, бошқами, менга фарқи йўқ.
- Мен чарчадим, – деди Марям ёнбошлаб.
- Ойимнинг айтишича, сенинг ойингни жин чалган экан, кейин ўлиб қопти.
- Етар, – деб бақирди, аммо ниманидир ўйлаб, овозини пасайтирди. – Илтимос, анавининг овозини ўчир!
- Ўша кунни уни Бибижо ҳам келиб, кўриб кетди. Ташқаридан ёмғир челақлаб қуярди. Ўша оқшом Марям ухлолмай чиқди. Деразадан қоп-қора осмонга тикилди, биринчи қаватдаги қадам товушларига, ҳовлидаги ёмғирнинг шовқинига, девор ортидаги пичир-пичирларга қулоқ тутди. Эндигина кўзи илинганида, пастдаги жанжал, шовқин-сурон овозидан уйғониб кетди. Жанжаллашаёт-

ганлар кўпчилик эди. Ниҳоят, кимдир жаҳл билан эшикни ёпиб кетди ва овозлар тинди.

Эртаси куни уни кўргани мулла Фатҳулла келди. Марям мўйсафиднинг оппоқ соқоли, кемшик табассумини кўриши билан кўз ёшларини тийиб туrolмади. Каравотдан сакраб тушди-да, мулланинг қўлларини тавоф қилди.

– Қизим, тузукмисан ўзинг?

– Ўзимни қўлга олишга ҳаракат қиляпман, – деди Марям томоғига нимадир тиқилганини ҳис этиб. – Онамнинг охирига айтган гаплари ҳалиям эсимдан чиқмайди.

– Ҳа, онангни Аллоҳнинг ўзи мағрифатига олган бўлсин, – соқолини тутамлади мўйсафид. – У катта гуноҳга йўл қўйди. Ахир ҳаёт Яратганинг буюк неъматидир. Уни қайтариб олишга ўзидан бошқа ҳеч ким ҳақли эмас. Бахтсизлик онанинг пешонасига битилган экан. Бунда сенинг заррача айбинг йўқ, қизим!

– Мен уни ташлаб кетмаганимда...

– Бунақа гапларни қўй. Ўзингни бекорга сиқиб қўясан.

Орадан бир ҳафта ўтиб, пешин пайти Марямнинг эшиги тақиллади. Хонага оқ юзли, бармоқлари узун-узун, малласоч аёл кириб келди.

– Менинг исмим Афсун, – деди аёл. – Нега сен хонангдан чиқмайсан? Бизнинг олдимизга тушмайсан?

– Йўқ, мен шу ерда овқатланавераман

– Сен мени тушунмадинг, пастга туш, сен билан гаплашиб оладиган гапимиз бор.

## ЕТТИНЧИ БОБ

Жалил ва унинг хотинлари узун столнинг атрофида ўтириб олишганди. Марям қимтинибгина уларнинг рўпарасидан жой олди. Бояги малла-



соч Афсун эркакнинг ўнг тарафидан жой олган, Наргис ва Хадича эса, чап тарафда ўтиришарди. Аёлларнинг елкаларига ҳарир қора рўмомлар ташланган эди. Афсун стол устидаги кўзадан стаканга сув қуйиб, Марямнинг олдига қўйди.

– Ҳали баҳор тугагани йўғу, иссиқни қара!

– Қалай, уйимиз сенга ёқдими? – сўради қоп-қора сочлари пешонасига тушиб турган Наргис. – Сени тушунамиз. Буям Яратганнинг бир синови, Худо сабр берсин!

Бошқа хотинлар ҳам худди ҳамдардлик билдиргандек бош ирғаб қўйишди.

Марям боши ғувилаб, томоғи қуриётганини ҳис этди. Стакандан бир ҳўплам сув ичди.

– Демак, бундоғ, – гап бошлади Афсун. – Мен... тўғрироғи, биз, сени бу ерга бир қувончли янгликни етказиш учун чақирдик.

Марям илкис бошини кўтарди. Аёллар бир-бири билан маъноли кўз уриштиришди. Жалил маъносиз нигоҳини стол устидаги кўзадан узмай турарди. Бу гал Марямга кўринишдан аёлларнинг энг каттаси бўлган Хадича юзланди:

– Сени эрга бердик.

Марямнинг ичидан нимадир узилгандек бўлди:

– Ким...га?

– Рашид исмли йигитга. Отангнинг яқин ҳамкорларидан бирининг таниши. Рашид асли пуштун, Қандаҳорда туғилган, Кобулда, Деҳи Мазанг туманида яшайди. Икки қаватли уйи бор.

Афсун Хадичанинг гапини маъқуллаб, бош ирғади.

– Форсчани ҳам ўзимиздек гапиради. Пуштунчани ўрганиб ўтирмасанг ҳам бўлади.

Марямнинг назарида бутун хона ва ундаги нарсалар чирпирак бўлиб айлана бошлади.

– Рашид этикдўз, – гапни яна илиб кетди Хадича. – Йўқ, йўқ, кўчада болғасини тақиллатиб ўтирадиган ямоқчи эмас. У Кобулдаги энг тақиқли этикдўзлардан, ўзининг дўкони бор. Унга дипломатлар, президентнинг оила аъзолари ҳам буюртма бериб туришади. Хуллас, ўзига тўқ, ишончли одам.

Марям бир оз ўзини босиб, Жалилга синовчан назар ташлади. Унинг қалби қафасдаги қушдек потирларди.

– Ростми, шу гаплар ростми?

Жалил бошини кўтариб қаролмади. Лабини тишлаганча, кўзадан кўз узмай ўтираверди.

– Фақат у сендан анча катта, – деди Афсун. – Ёши... қирқларга бориб қолган. Наридан борса, қирқ бешдадир? Ўзинг айт, Наргис?

– Ҳа, бизнинг пайтимизда тўққиз ёшли қизчаларни олтмишдан ошган эркакларга ҳам уза-тиб юборишарди. Бунақаларини кўп кўрганмиз. Сен нечага чиқдинг? Ўн бешгами? Айни етилган, эрга тегадиган пайтинг!

Аёллар бирдан жонланиб, чувиллаб кетишди.

«Опаларим Саида билан Ноҳид-чи? Ахир улар мендан катта-ку! Ҳозир «Меҳри» аёллар мактабида ўқишади. У ерни битириб, Кобул университетига ўқишга кирмоқчи. Улар ҳали етилмаганмикин?»

– Айтганча, унинг ҳам бошига оғир мусибат тушган, – давом этди Наргис. – Ўн йил илгари хотини туғуруқ пайти дунёдан ўтган. Уч йил аввал ўғли кўлга чўкиб кетган.

– Бечорага ёмон жавр бўпти-ю шу пайтгача ўзига муносиб хотин тополмагани учун уйланмапти бояқиш!

– Керакмас, – деди Марям Жалилдан кўз узмай. – Мени мажбур қилманглар, мен эрга тегмайман.

– Ақл билан иш тут! – Марям бу гапни қайси аёл айтганини англашга уринмади ҳам. У фақат Жалилнинг фикрини кутарди.

– Ахир, бутун умр шу ерда қолиб кетмассан?

– Нима, сен ўз оиланг бўлишини истамайсанми?

– Ўз уйинг, болаларинг...

– Тўғри, иложи борича сени ўзимиз тарафда турадиган, тожик қавмига узатмоқчи эдик. Лекин, ўйлаб қарасақ, Рашид бизга ҳар тарафдан маъқул келаркан. Ўз уйи, иши бор. Энг асосийси, шу-да! Яна нақ Кобулда, пойтахтда турасан! Ажойиб шаҳар! Бошқа бунақа имконият бўлмаслиги мумкин.

– Мулла Фатхулланикига бораман. У менга уйидан жой беради, – деди Марям ўжарлик билан. – У уйидан жой беради.

– Уни нима қиласан? – сўради Хадича. – У бир қари чол бўлса, бунинг устига...

Хадича гапини қандай давом эттиришни билмай каловланиб қолди.

«...Бунинг устига у бизга яқин жойда яшайди» дея хаёлан ўгай онасининг гапини тугатиб қўйди Марям. Ҳа, улар ҳам бундай имкониятни қўлдан чиқаргилари йўқ. Улар Марямни иложи борича ўзларидан узоқроққа жўнатиш тараддудиди.

– Мулланинг шарти кетиб, парти қолган, эртага ўлиб-нетиб қолса, кейин нима қиласан? Унинг оиласи учун бошоғриғи бўласан қоласан!

«...Худди ҳозир сизлар учун бошоғриқ бўлиб турганимдек!»

Марям олис, нотаниш Кобулни кўз олдига келтиришга уриниб кўрди. Жалил айтганди: Кобул Ҳиротдан 650 километр узоқликда экан. У ҳозиргача ўз кулбасидан нари борса икки чақирим узоқлашган, холос. Кобул қанақа жой ўзи? Кимнинг уйига боряпти? Қанақа эркак бўлди у? Бир

марта Нана унга эркаклар хотин зотидан қандай расво нарсаларни талаб қилишини айтиб берганди. Шуни эслаб, титроққа тушди.

У яна Жалилга ўтирилди:

– Айтинг, айтинг, уларга мени тинч қўйишсин!

– Отанг совчиларга алақачон розилик берган, – ҳозиржавоблик қилди Афсун. – Рашид ҳозир Ҳиротда, сени деб, Кобулдек жойдан келиб ўтирибди. Эртага эрталаб никоҳ ўқилади. Пешинда автобус Кобулга жўнаб кетади.

– Ахир, гапирсангиз-чи? – қичқирди Марям. Аёллар ҳам жим қолганча унга қарашди. Жимлик. Жалил қўлида никоҳ узугини айлантириб ўтирарди. Унинг юзларида ожизлик ва иложсизлик аломати зуҳур этарди.

– Бирор нима денг, – яна хонада Марямнинг овози жаранглади.

– Минг лаънат, – деди Жалил ингичка, титроқ овозда. – Сен менга бунқа оҳангда гапирма!

Нима? Отаси айтдимиз шу гапни! Марям кўзларини юмганча жим қолди. Аёллар яна алланималарни ошириб-тошириб мақташди. Аммо, энди Марямнинг қулоғига гап кирмасди.

## САККИЗИНЧИ БОБ

Эрталаб Афсун Марямга зангори камзул, оқ лозим, кўк рўмол ва бошмоқларни топширди. Марямни ўша, таниш хонага олиб киришди. Узун столнинг устида, вазада, шакарли бодом, унинг ёнида эса, Қуръон, кўк чодра ва ойна қўйилган эди. Стол атрофида иккита эркак ва мулла ўтирарди.

Жигарранг костюм кийган, қизил галстук тақиб олган, майин сочлари эндигина ювилган Жалил кулимсирашга уриниб, Марямга ўтирга-

ни жой кўрсатди. Хадича билан Афсун ҳам унинг ёнидан жой олишди.

– Чақиринглар, – деб кимгадир буюрди Жалил.

Ҳали куёв кириб келмасидан, хонага тамаки тутуни ва ширин одеколон ҳиди оқиб кирди. Жалилдан ҳеч қачон бунақа ҳид аниқмасди. Остонада кенг яғрини, баланд бўйли эркак пайдо бўлди, унинг ҳайбатини кўриб, Марямнинг нафаси ичига тушиб кетди. Кейин уялиб, кўзларини ундан олиб қочди. Куёв шаҳдам қадамлар билан столни айланиб ўтиб, Марям ўтирган қатордан жой олди.

– Билишимча, Рашид оға автобустга Кобулгача билет сотиб олган, – деди мулла қироат билан. – Келин-куёв тез орада жўнаб кетиши лозим. Вақтни тежаш учун биз расм-русумларни тезлатишимиз лозим.

Мулла аввал никоҳнинг вожиблиги, эр-хотиннинг бурчлари ҳақида бир оз маъруза қилди. Аввал Жалилдан никоҳ тузилишига розилигини сўради. Жалил бош ирғади.

Кейин Рашиддан розилик сўралди. Рашид дағал овозда «ҳа» дея жавоб берди.

Марям жим эди. Аёллардан кимдир сўз қотди:

– Рози, рози!

– Ўзи жавоб берсин, – деди мулла. – Одатда келин бўлмишдан розилик уч марта сўралади.

Савол яна икки мартаба қайтарилди. Жалил турган ерида безовталаниб типирчилай бошлади. Кейин қизи тарафга эгилди:

– Марям, қизим!

– Ҳа, – деди Марям овози титраб.

Ниҳоят, Марямга ойна тутишди. Марям аввал ўз аксига боқди: қошлари нотекис, сочлари заиф ва жонсиз, маҳзун мовий кўзлари шу қадар яқин жойлашганки, бир қарашда уни гилай деб

ўйлаш мумкин, териси ҳам дағал, пешонаси ҳаддан ташқари кенг, ияги эса, худди чархлангандек ингичка... Ҳа, унда гўзаллик нишонларини топиш қийин, айна дамда хунук ҳам деб бўлмас, алланечук истарали қиз эди.

Ойнадан биринчи марта у Рашидга яхшилаб назар солди: унинг чорпаҳил юзида маккорлик ва олижаноблик учқунлаб турар, бурни қиррадор, иккита курак тиши олдинга туртиб чиққан, қошлари жар лабидаги янтоқдек осилиб турар, қалин, қуюқ сочлари орасидан оқ толалар яққол кўзга ташланарди.

Дафъатан кўзгуда уларнинг нигоҳи тўқнашиб кетди.

Шундан сўнг Рашид чўнтагидан никоҳ узугини чиқарди, гарчи узук торроқ бўлса-да, тезкор ҳаракат билан уни қизнинг титроқ бармоғига жойлади.

– Вой, мунча чиройли узук экан, – деди аёллардан кимдир.

Никоҳ шартномаси имзоланди. Марям мим, ро, йо ва яна мим ҳарфидан иборат исмини ҳужжатнинг белгиланган ерига ёзди. Орадан яна 27 йил ўтиб, худди шундай мулла ва гувоҳлар иштирокида яна бир ҳужжатга имзо чекишини у ҳали билмасди.

– Ҳозирдан бошлаб, сизни эр ва хотин деб эълон қиламан ва табрик этаман, – деди мулла ва никоҳ хутбасини ўқишга тушди.

...Ниҳоят, Рашид автобусда ўтирганча, сигарет пуркар, тамаки тутуни очиқ ойнадан осмонга кўтариларди. Марям Жалил билан автобус олдида туришар, атрофни таниш-нотаниш болалар, хотин-халаж ўраб олишганди. Жалил қизига Кобулни мақташдан оғзи тинмасди.

– Қизим, ҳатто бутун Ҳиндистонни забт этган Мирзо Бобур ҳам жасадини Кобулга дафн этишни васият қилган.

Марям қўйиб берса отаси лаби-лабига тегмай  
Кобул таърифига тушиб кетишини билиб, шарт-  
та гапини бўлди:

– Мен ҳамиша сизни дуо қилардим, – деди  
Марям ўпкаси тўлиб. – Пайшанба келишини ку-  
тиб, кўзим тўрт бўларди. Сал кечиксангиз, отам  
тинчмикин, саломатмикин, деб ўзимни қўярга  
жой тополмасдим.

Жалил негадир қўлини кўксига қўйиб олди:

– Йўл узоқ, асалим, бирор нарса еб оласанми?  
Нон, пишлоқ олиб берайми?

– Худодан сизга юз йил умр сўрардим. Аммо,  
мен сиз учун уят ва лаънат тамғаси эканимни ўй-  
ламаган эканман.

Жалил худди ёш боладек кўзларини пирпира-  
тиб, туфлиснинг учи билан ер чиза бошлади.

– Қизим, мен сени кўргани Кобулга бориб ту-  
раман. Биз...

– Керакмас. Энди овозингизни ҳам эшитишга  
тоқатим йўқ. Орамизда ҳаммаси тугади, хайр!

– Ахир, бунақамас-да, – ёлворарди Жалил.

Марям автобус олдидаги оломонни ёриб, ол-  
динга ўзини урди. Сурма эшиклар ёпилганида  
Жалилнинг бўғиқ овози эшитилди:

– Марямжо!

Марям салонга кириб, Рашиднинг ёнидаги бўш  
ўриндиққа жойлашди. Кўз қири билан автобус би-  
лан ёнма-ён чопиб бораётган отасини кўрди. Ке-  
йин отаси орқада, оппоқ чанг ичида қолиб кетди.

## ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

– Мана, Деҳи Мазангга етиб келдик, – хирилла-  
ди Рашид бир қўлидан жомадонни тутиб, иккин-  
чиси билан ёғоч дарчани очаркан. – Бу шаҳар-

нинг жануби-ғарбий қисми. Ёнимизда ҳайвонот боғи бор. Университет ҳам яқин.

Марям ҳорғин бош ирғади. У эрининг пуштунча талаффузига кўникишга урина бошлади. Чунки, эрининг она шаҳрида ҳамма пуштунча гапиради. Эри эса форсийнинг Ҳирот лаҳжасини яхши тушунадиган кўринади.

Марям бир-бирига туташиб кетган томсувоқ уйларга, шаҳарнинг тақадек ўраб олган баланд тоғ тизмаларига қаради. Рашиднинг уйи икки қаватли бўлиб, кўкка бўялган, аммо бўёқлари ҳам ўча бошлаганди. Ҳовлининг саҳни сарғая бошлаган ўталаф билан қопланган экан. Уйнинг ўнг томонида омборхона кўзга ташланар, чапда насос билан сув чиқариладиган қудуқ бор эди. Деворга эса, эскироқ велосипед суяб қўйилганди.

– Отангнинг айтишича, балиқ овини ёқтираркансан, – деди Рашид. – Шимол тарафимизда дарё оқади. Балиқ мўл. Сени бирор куни олиб борарман.

Уй эшигини очиб, Марямни уйига таклиф қилди. Албатта Жалилнинг уйи бундан каттароқ ва саранжом эди. Аммо, онаси билан истиқомат қилган кулбага қиёсланса, бу уйни қаср дейиш мумкин эди. Рашид унга ошхонада турган идиш-товоқларни кўрсатди. Меҳмонхонада чарм қопламали яшил диван, стол, яланг деворлар бўйлаб ёғоч кресло ва йиғма стуллар жойлаштирилган эди.

Марям хонанинг ўртасида туриб ҳамма ёққа сер солиб чиқди. Бу уйдаги ҳамма нарса ҳозирча унга тамоман бегона эди. Гарчи бу хона онаси билан ўсган уйга қараганда анча кенг бўлса-да, нимадандир нафаси сиқила бошлади. Тамаки ҳидиданми ёки юзлаб чақирим ортда қолган қадрдон кулбаси соғинчиданми, билолмади...

Кўз олдидан Нана, мулла Фатҳулланинг қадрдон сиймоси ўтиб, йиғлаб юборди.



– Нима бўлди? – Рашид меҳрибонлик билан шалворининг чўнтагидан дастрўмолча олиб, Марямнинг қўлига тутқазди ва ундан кўз узмай, деворга суянганча сигарет тутатди. Марям рўмолчани кўзларига босди.

– Ўтиб кетдимми?

Марям бош ирғади. Эри унинг қўлидан ушлаб меҳмонхона деразаси тарафга бошлади.

– Қара, рўпарамизда Асои тоғлари ястаниб ётибди, чапда эса Алиобод тоғи. Унинг шундоқ этагида университет жойлашган. Шарқда, – бу ердан кўринмайди, – Шердарвоза тоғ тизмалари ястаниб ётади. У ерда ҳар куни пешинда тўп отилади.... Бўлди-да энди, йиғини бас қил... Мен кўз ёшига тоқат қилолмайман. Айниқса, аёл киши йиғлаб турса!

– Уйга кетгим келяпти, – ҳиқиллади Марям.

Рашид асабий хўрсинди. Марямнинг димоғига яна қуюқ тамаки ҳиди урилди.

– Бу гал индамадим, лекин бундан кейин... – У хотинининг қўлидан тутиб, тепага кўтарилди. Тор, қоронғи йўлак иккита ётоқхонага олиб кирарди. У ердаги жиҳозлар ҳам ўртамиёна хонадонга хос эди.

– Бу менинг хонам, – деди у биринчи ётоқни кўрсатиб. – Сен наригисида ётасан, майлими? Мен ёлғиз ухлашга одатланганман.

Марям энгил нафас олди. Унга ажратилган хонада битта каравот, иккита катта-кичик шкаф қўйилганди. Дераза ҳовлига қараган бўлиб, девор оша кўчанинги бир қисми кўриниб турарди.

Рашид жомадонни бурчакка қўйди. Марям каравотга ўтирди.

– Анавиларни кўрдингми? – Рашид дераза тоқчасида, саватда турган табаргулларга имо қилди.

– Сен учун атайин Ҳиротдан харид қилганман. Қалай, сенга ёқдими?

– Ҳа, ташаккур, – деди Марям нечукдир овози титраб.

– Сен... мендан кўрқяпсанми?

Марям ерга қараб бош чайқади. Бу унинг оилавий турмушидаги илк ёлғон эди.

– Унда яхши. Бу сенинг уйинг. Уйимизга электр ўтказилган. Аммо, кундузлари гоҳида токни узиб қўйишади. – Рашид яна нимадир дейиш учун оғиз жуфтлади, аммо, негадир фикридан қайтдими, хонадан индамай чиқиб кетди.

## **ЎНИНЧИ БОБ**

Дастлаб бир неча кун Марям хонасидан чиқмади. У ҳар эрталаб бомдод азонидан уйғониб, намозини ўқир, кейин яна кўрпасига ўраниб ухларди. Рашид эрталаб ювиниб, устахонасига кетишдан аввал унинг ёнига кирганида, Марям ҳали ётган бўларди. У деразадан қараб, эрининг велосипед юкхонасига тушлик солинган идишни чилвир билан боғлаб, ҳовлидан чиқиб кетаётганини кўрарди.

Кундузи Марям кам ҳолларда каравотидан турарди. Фақат зерикиб кетганидагина ошхонага кириб, турли тортмаларда турган қошиқ, санчқи ва бошқа рўзгор анжомларини кўздан кечириб чиқарди.

Қишлоқдаги кулбасида муайян бир пайтда қорни очқарди. Бу ерда эса, очликни камдан-кам ҳис этарди. Унга нонуштадан қолган гуруч ва суви қочган ноннинг ўзи етиб ортарди. Деразадан кўчадаги бир қаватли уйлар, ҳовлиларда кир ёяётган, боласини опичлаб юрган хотинларни,

донлаб юрган товуқлару кавш қайтараётган сигирларни бемалол кўриш мумкин эди.

Кеч кириши билан Марямни хавотир босарди. Ишқилиб, бугун кечқурун Рашид ўзининг эрлик вазифасини бажаришга киришмасмикин, деган ўй унга тинчлик бермасди. У каравотига чўзилганча, эрининг кечки овқатини еб бўлиб, хонасига чиқишини юраги безиллаб кутарди.

Овқатини еб бўлгач, Рашид албатта унинг қоронғи хонасига бош суқарди:

– Ухлаяпсанми? Ҳали соат етти бўлмасдан-а? Уйфондингми?

– Уйғоқман, – Марямнинг шу овозидан кейин эри хотиржам тортарди.

Рашид эшик кесақисига суянгача, сигарет буруқситар, куннинг қандай ўтганини, ташқи ишлар вазирининг ўринбосари буюртирган мокасинининг пулини тўлаб кетгани, полшалик дипломат хотини билан сандал тиктираётганини эринмасдан айтиб берарди.

Кейин Рашид оёқ кийимлари билан боғлиқ ирим-сиримларни сув қилиб ичиб юборганди:

– Пойабзални каравотни тагига қўймаслик керак – ўлимни чақирган бўлади. Биринчи чап оёққа киймаслик керак – жанжал чиқади. Ботинка ипини бир-бирига боғлаб миҳга осиш ҳам ёмонлик аломати эмиш. Умуман бунақа ирим-сиримлар жуда кўп – лекин мен уларга ишонмайман, шунчаки қизиқаман, холос.

Баъзида Рашид сиёсий янгиликларни ҳам хотинига ҳикоя қилиб беришга уринарди. Аммо, Марям сиёсатга умуман қизиқмасди. Унинг учун эри тезроқ сигаретасини ўчириб, хонасига чиқса, бўлди. Фақат эрининг эшиги гичирлаб ёпилгандагина, унинг кўнгли ором топарди.

Бир куни у сигаретини ўчиргач, чиқиб кетмади.

– Менимча, етар шунча пайт эркалик қилганинг. Ҳали жомадонинг даҳлизда турибди. Энди ҳаммасига кўниккандирсан? Бир ҳафта ўтди, сен эса... Эртадан бошлаб, ўзингни менинг хотинимдек тутасан, тушундингми?

Марямнинг тишлари тақиллади:

– Ҳ...ҳа, тушундим!

– Бу бошқа гап, сен нима деб ўйловдинг? Бу ер сенга меҳмонхона, мен эса, карвонсарой эгаси эмасман! Эй, Худо, мен сенга кўз ёшни ёқтирмайман, дебмидим? Марям!

Эртаси куни эри ишга кетиши билан Марям жомадондаги нарсаларни шкафга жойлаштирди. Қудуқдан сув олиб, ойналарни артиб чиқди. Полларни ювиб, бурчаклардаги ўргимчак тўрларини тозаллади, уйни тартибга келтирди. Кейин ошхонада қутилар ичидан қолган-қутган сабзи, картошка ва озроқ ловия топиб олди ва қозонга солди. Супрада қолган бор ун билан хамир қориб, нам латтага ўради. Кейин рўмолини бошига ташлаб, кеча эри айтган йўналиш бўйича новвойхонага йўл олди. (Одатда, Кобулнинг айрим маҳаллаларида аёллар уйда хамир қориб, пиширтириб олиш учун новвойхонага олиб боришади.)

Рашид унга ўргатган – кўчадан аввал чапга, кейин ўнгга қайрилиш керак. Новвойхонани топиш қийин бўлмади. Бу ерда болалар ва аёллар нон ёпиб олиш учун навбатда туришарди. Хотинлар баланд овозда гаплашишар, ҳазил-ҳузул қилиб, кулишарди. Кимдир эрининг қиморбозлигидан, яна бирови қайнонасининг зулмидан, бошқаси эридан пул ундирилмаётганидан нолирди. Марям ажабланди: ростдан уларнинг эрлари шунақа норавомикин ёки эр зотидан нолиш хотинлар учун хамир қориш, ош пиширишдек кун-

далик юмушга айланиб қолганмикин? Тез орада ўзи ҳам уларнинг сафидан жой оладими?

Марям навбатда туриб, ўзига нисбатан қизиққон нигоҳлар, шивир-шивирларни пайқади. Бирданига кафтларигача терлаб кетди: унинг ҳароми экани, отаси, оиласи учун иснод келтириб, онасининг ўлимига сабабчи бўлгани ҳаммага маълум бўлдимикан?

Шу чоқ кимдир унинг елкасига шапатилади. Марям ўгирилиб қаради. Қаршисида рангпар, қорасоч, кулчаюз, Марямдан кўра этлироқ, бағбағасида катта холи бор, мовий кўзлари чақнаб турган аёлни кўрди.

– Рашидجونнинг янги хотинимисиз? – сўради мовийкўз аёл. – Ҳиротдансиз-а? Вой, мунча ёшсиз? Исмингиз Марямжомиди? Мен Фарибаман, сизлардан беш дарвоза нарида турамиз. Яшил дарчали уй. Бу эса, ўғлим Нур.

Болакайнинг қувноқ юзи, қуюқ сочлари онасига ўхшаб кетарди.

– Салом, холажон!

– Нур тўққизга кирди. Акасининг оти Аҳмад.

– Унинг ёши ўн учда! – қўшиб қўйди Нур.

– Болааларимни «каттаси» қирққа кирди, – ҳазиллашди Фароба. – Эримни айтаман, Деҳи Мазангдаги Ҳаким муаллим десангиз, ҳамма танийди. Уйимизга юринг, қоқиндиқ, бир чойлашардик.

Шу пайт бошқа хотинлар ҳам чувиллашиб Марямни ўртага олишди:

– Демак, сиз Рашиднинг хотини экансиз-да!

– Кобулга кўникиб қолдингизми?

– Ҳиротда менинг амакиваччам яшайди.

– Биринчисига ҳаракат бошландими?

– Қиз кутяпсизми, ўғил?

– Ҳиротнинг миноралари зўр, а?

– Биринчиси ўғил бўлгани яхши!

– Бе, боқиб-боқиб охири, битта хотинга кўшқўллаб тутқазасиз-да!

– Ўғил наслнинг давомичиси бўлади-да!

Марям шошиб қолди. Нафаси тиқилиб, қулоғи шангилади. Кўзи тиниб, ортига тисарилади. Бироқ аёллар ихотасида қолганини пайқади. Марям нажот кутгандек Фаробага мўлтиради.

– Намунча ҳаммаларинг ўраб олдинглар? Қўйинглар, ўтиб кетсин! Юрагини ёрасизлар-ку!

Марям хамирни кўксига босганча издиҳомни ёриб чиқди. Кўча бўйлаб ортига югура бошлади. Йўқ, у бошқа кўчага қайрилган кўринади. Буям етмагандек, орқага қайриламан деб, тошга қоқилиб йиқилди. Тиззасида кучли оғриқ сизди.

– Ёмон лат емадингми, синглим?

– Ие, тиззанг қон-ку!

Марям ўрнидан сапчиб турди-да, яна югуриб кетди. Яна бир бурилиш. Мана уларнинг кўчаси. Рашиднинг уйи қани? Марямнинг кўзлари ёшланди. Дарвозаю дарчалар бир-бирига ўхшайди. Манави дарча ёпиқ экан. Кейингисида товуқ ва жўжалар кўринди. Уларникида ҳеч нарса йўқ эди. Ҳозир эри ишдан қайтган, у эса, уйни тополмай сарсон. Марям йиғламсираб, дуо ўқишга тушди.

Бу ҳовлимас, бунисиям. Мана топди. Омборхона, айвон, қудуқ... Худоба шукур. Марям ичкарига кириб, дарчани тамбалаб олди ва деворга суяниб кўзларини юмди. Шу пайтгача ўзини бу қадар ёлғиз ҳис этмаганди.

Ўша куни Рашид уйга қандайдир тутунчани кўтариб келди. У артилган ойнага ҳам, ювилган полга ҳам эътибор қаратмаганидан Марям бир оз оғринди. Овқат ҳам қозонда тайёр эди.

– Сизга дол (афгонларнинг қийма, ясиқ ва кўкпиёздан тайёрланадиган анъанавий таоми) пишириб қўювдим, – деди ийманиб.

– Яхши. Опкел, очман!

Рашид қўлини ювиб, артингунча, оппоқ дастурхон устида бир коса дол ва бир тақсимчада қайнатилган гуруч турарди. Марям эрига илк бор овқат пиширди: боя овқат тайёрлаётганида кўчадаги воқеадан анча ўзини йўқотиб қўйганди, ишқилиб қўли қалтираб, мурч ё занжабилни кўп солиб юбормадимикин?

Рашид бир қошиқ овқатни оғзига солгунча Марямнинг нафаси бўғилиб қолаёзди. Э Худо, овқат емай косани башарасига отса-чи?

– Иссиқ, эҳтиёт бўлинг! – аранг пичирлади Марям.

– Мазали чиқибди, – деди Рашид. – Сал тузи кўпроқ, лекин зўр!

Марямнинг елкасидан тоғ қулади. Эрига овқати ёқибди. Ич-ичидан алланечук енгиллик ҳис этди.

– Эртага якшанба. Истасанг сен билан Кобулни айланамиз. – У шундай дея бояги тугунчани очиб, ичидан мовий чодра ва узун кўйлакни олди. – Кўпинча мижозларим хотини билан келди дўконга. Ҳаммасининг юзи очиқ, кўзини лўқ қилиб қарашдан ҳам тоймайди. Лабларини бўяб, тиззадан келадиган юбкаларни кийиб юришади. Баъзан уларнинг оёқ ўлчамини олиш учун оёқларига қўлимни теккизсам ҳам, миқ этмай тураверишади. Эрларига ҳам фарқи йўқ. Улар ўзларини замонавий кишилар деб билади. Ор-номуси топталаётгани билан иши йўқ.

Рашид афсуснамо бош чайқади.

– Улар асосан Кобулнинг бойлар турадиган қисмидан. Эртага мен билан борсанг ўзинг кўрасан. Лекин бунақа беномуслар бизнинг кўчада ҳам бор. Биттаси – Ҳаким муаллимнинг хотини Фариба. Бошида битта рўмолча билан шаҳар айланади. Эрини бир пулга олмайди бу хотин.

У Марямга қатъий кўз тикди:

– Мен бунақа даюслардан эмасман. Бизнинг қавмда битта ноўрин қараш билан қон тўкилиши мумкин. Мени тушундинг-а?

Марям бош ирғаб эрининг қўлидаги чодрани олди. Айни дамда қаршисида кўнгилчан, самимий эри эмас, иродаси Сафедкўҳ қояларидан мустаҳкам инсон ўтирганини англаб етди.

## **ЎН БИРИНЧИ БОБ**

Марям умрида илк бор чодра кийди. Унга Рашид кўмаклашиб турди. Бошига бу оғир, қалин чодрани кийганида аввалига ичи сиқилиб кетди. Кейин узун куйлакни кийиб, хона бўйлаб юриб кўрди. Этаги бирам узун эканки, оёғига ўралашиб қоляпти. Чодранинг бир учи оғзига кириб кетаман дейди.

– Ҳали ўрганиб кетасан, – таскин берди эри. – Ҳали бу кийим сенга ёқиб ҳам қолади.

Улар Шаҳринав хиёбонига автобусда боришди. Бу ерда болалар арғимчоқларда учишар, тўпни баланд тўрсаватга отиб ўйнашар, варрак учиришарди. Кейин улар Ҳожи Ёқуб масжиди ёнидаги кабобхонага киришди. Кабобхонанинг поли сирпанчиқ бўлиб, тутун ва хом гўшт ҳиди анқиб турар, баланд мусиқа овози қулоқни тешгудек бўларди. Озғин кабобпаз йигит кўра устидаги сихларни бир қўли билан чаққон айлантириб, иккинчи қўлидаги елпиғич билан елпиб кўмирни яшнатарди. Марям аввалига бегона одамларга тўла бу жойда ўтиришдан ўнғайсизланди. Ҳар бир бўлак луқмани оғзига солиш учун чодранинг бир четини очиб ёпиш ҳам унга эриш туюлди.

Улар кўчаларни айланишаркан, Рашид йўл-йўлакай учраган биноларни, машиналарни таништириб борди:



– Манави Америка элчихонаси, буниси Ташқи ишлар вазирлиги, манави ялпоқ машина шўравийлар чиқарган «Волга», буниси Америкада чиқадиған «Шевроле», бу немисларнинг «Опел»и...

Кобул Ҳиротдан анчайин фарқ қилар, бу ерда дарахтлар кам, машиналар эса, анча кўп эди. Уйлар ҳам баландроқ, кўчаларда ҳар қадамда уч рангли чироқлар машиналарни тўхтатиб-юрғизиб турарди. Кобулликларнинг лаҳжаси ҳам унга ғалати туюлди. Улар исмларга қўшиб ишлатиладиган «жо» қўшимчаси ўрнига «жон» дейишар, «ҳемшири» (сингил) демасдан «ҳамшира» дейишаркан.

Рашид Марямни музқаймоқ билан сийлади. Бирам мазали эканки. Марям умрида бунақа роҳатижон ширинлик емаганди.

– Бу ер Кўчаи Мурғо, яъни Товуққўча, – таништирди Рашид катта-кичик дўконларга тўла кўчага бурилишганда. – Бу ерда асосан чет эллик дипломатлар, савдогарлар, қиролик хонадони вакиллари яшашади.

– Товуқлар қани? – соддалик билан сўради Марям.

– Э, бу кўчадан товуқнинг тухуминиям тополмайсан, – кулди Рашид. – Кимдир қачондир шунақа от қўйиб кетган-да!

Дўконларда қорақўл телпаклар, ранг-баранг гиламлар, турфа хил чопонлар илиб ташланганди. Рашид дўкондорларнинг айримлари билан бош ирғаб сўрашар, яна бировлари билан қўл олишиб, ҳатто қучоқлашиб кўришарди.

Марям кўчадаги аёлларга кўз ташлади. Чиндан ҳам «замонавий» аёллар кўп экан. Юзлари очиқ, пардоз-андозлари ўрнида, елкаларида сумка. Кўзларида қора кўзойнак тақиб олган, баланд пошна ли туфли, калта юбкаларда кетаётган хонимларни ҳам кўрди. Битта аёл ҳатто лабига сигарета қистириб машина ҳайдаб ўтди. «Улар университетни тугатган бўлишса керак», ўйлади Марям.

Рашид шу пайт унинг елкасидан секин туртиб қўлига нимадир тутқазди. Зар иплар ва мунчоқлар қадалган яшил рўмолни кўриб, Марямнинг кўзлари яшнаб кетди.

– Мунча чиройли, – ҳайратини яширолмади у.

Ўша куни кечқурун яна Рашид унинг хонасига ташриф буюрди, фақат бу гал эшикка суяниб сигарет тутатмади. Бир ҳатлаб Марямнинг каравоти ёнига келди, у ўтириши билан каравот тўри гижирлаб кетди.

Оҳиста дағал қўллари билан Марямнинг юзи, бўйинини сийпалади. Сўнг бесаранжом бармоқлари унинг ёқасидан ичкари сирғалди.

– Керакмас, – шивирлади Марям.

Ойнинг кумуш ёғдуси эркакнинг миқти тана-си, бақувват елкалари, кенг, жундор кўкрагини ёритиб турарди. Рашид унинг чап сийнасини қаттиқ гижимлади. Ингроқ овози эшитилди. Мана, улар адёл остида ёнма-ён ётишибди. Титроқ кирган бармоқлари билан иштонбоғини бўшатди ва пишиллаганча, хотинига ёпишди. Марям пиқ-пиқ йиғлаганча, кўзларини юмди, тишини-тишига босди.

Кескин ва ўткир оғриқни ҳис этди. Марям бир қўлининг биллагини тишлаб, иккинчиси билан Рашидни бағрига босди. Бўйнида эрининг иссиқ нафасини ҳис этиб, шифтга тикилди. Димоғига тамаки, пиёз ва гўштнинг омихта ҳиди урилди. Эркакнинг яқинда қиртишланган юзлари аёлнинг нафис томоғини тимдалади.

Ҳаммаси жуда тез битди. Рашид аёлнинг ёнида ётаркан, қўлларини юзига босди. Қоронғида қўл соатининг миллари ялтираб кўринди. Эр-хотин бир-бирининг юзига қаролмасди.

– Бунинг уяладиган жойи йўқ, – деди Рашид эшитилар-эшитилмас овозда. – Энди биз эр-хо-

тинмиз. Пайғамбаримиз ҳам аёллари билан шу ишни қилганлар.

Бир оз ўтиб, у хотинининг устини адёл билан ўраб, хонасига чиқди.

Марям деразадаги муз парчаларида ялтираб турган юдузлар, ойнинг юзини ҳижоб сингари тўсиб олган булут парчаси ва симилиб чекинаётган ёқимли оғриқ билан ёлғиз қолди.

## ЎН ИККИНЧИ БОБ

1974 йилда рамазон ойи кузга тўғри келди. Янги ой кўриниши билан шаҳардаги ҳаёт тарзи, кайфият ҳам бутунлай ўзгарди. Кобулнинг энг гавжум кўчалари ҳам тинчиб қолди. Одамлар орасида чекаётган, чойхоналарда чой ичиб ўтирган кишиларнинг қораси ҳам кўринмай қолди. Шердарвоза чўққилари этагидаги замбараклар отилиши билан ифторлик пайти бошланади. Ҳамма оғиз очишга югуради.

Рашид ошиб борса, бир ойда икки кунгина рўза тугар, шунда ҳам ўта жиззаки бўлиб қолар, ҳамма нарсага бақариб-чақирарди. Марямнинг овқати сал кеч қолса, у жаҳд билан қуруқ нон ва шолғом кавшай бошлар, хотини қўй гўштидан тайёрлаган қовурдоққа қиё ҳам боқмас, жаҳд билан хонасига кириб ётарди. Рамазон тугаши билан Марям ҳам энгил нафас олди.

Гулдомандаги кулбаларида ҳар йил рўза ҳайитида онаси билан Жалилни интизор бўлиб кутишарди. У костюм-шим кийиб, бўйинбоғ тақиб, совғалар кўтариб келарди. Она-боланинг ёнида бир оз ўтириб, чой ичгач, ортига қайтарди.

– Кетди ер юткур, энди хотинчалари билан байрам қилади, – дея минғирлай бошларди онаси Жалил кетиши билан.

Байрамда улардан Фатхулла ота ҳам хабар олгани келар, ҳамиша қўйинини ширинликларга тўлдириб келар, она-болага ҳайитлик улашарди. Марям ширинликларни еб бўлгач, айна дамда ҳаёт қайнаётган Ҳирот кўчаларида янги либосларда ял-ял ёниб юрган қизалоқлар, бир-бирини бағрига босиб байрам билан табриклаётган одамларни кўз олдига келтириб, юрагини ғазабгами, ҳасадгами ўхшаган бир ноаён туйғу қамраб олар, ўзини ташландиқ, ёлғиз ва кераксиз ҳис этар, ғам-андуҳ худди кафандек бутун борлигини ўраб оларди. Фақат байрам ўтиши билан яна кўнгли жойига тушарди.

Болалик тасаввуротидаги байрамни у энди ўз кўзи билан кўрди. Рашид билан бирга кўчага чиқишди. Одам шунақа кўп эдики, Марямнинг боши айланиб кетди. Марям оломон ичида бошига оқ рўмолча танғиб олган Фарибани, қўғирчоқдек кийинган иккита ўғли – Аҳмад билан Нурни узун бўйли, қотмадан келган бир эркак билан – эри бўлса керак – бирга кўришди.

Фариба уларни кўриб, қўл силкиди:

– Ҳайитингиз муборак бўлсин, қўшнилар!

– Сен бу хотинни танийсанми? – шипшиди Рашид. – Муаллимнинг хотини. Бу аёлдан узоқроқ юр. Турган-битгани гийбат. Эри-чи, афтига қара, худди кўрсичқоннинг ўзи!

Марям эри билан Шаҳринавгача боришди. Кўчаларда одамларнинг қувончини кўриб, Марямнинг юраги ҳаприқиб кетди. Қанийди ҳозир онаси ёнида бўлса? Қувонч, хурсандчилик, тантана ҳамма учун эканини бечора онаси ўз кўзи билан кўрган бўларди. Шўрлик онаси бундай фараҳли онларни кўрмай кетди.

Кўпинча Рашиднинг уйига меҳмонлар келар, Марям дастурхонни тузатиб, ўзи иккинчи қават-

да хонасига биқиниб оларди. Рашид то меҳмонлар кетмагунча уларга қорасини ҳам кўрсатмаслиги лозимлигини унга қаттиқ тайинлаганди.

Ҳайитнинг учинчи куни Рашиднинг ўзи қаргадир меҳмондорчиликка кетди. Марям меҳмонхонани йиғиштириш учун кирди. Кечаги меҳмондорчиликдан сўнг меҳмонхона роса тўзиб кетганди. У ерни тартибга солиб, Рашиднинг ётоғига кирди. Эрининг каравотига ўтирганча, хонага кўз югуртирди. Каравот ёнидаги дўлобча устида бир қути сигарет ётарди. Улардан бирини лабига қистириб, ойнага қаради. Шу аснода димоғида тамакиннинг ўткир ҳиди ва тутунини ҳис этиб, кўнгли озди ва қайтариб қутисига солди. У ҳеч қачон кобуллик замонавий аёллар сингари сигарет чекишни ўрганолмаса керак.

Марям қизиқсиниб дўлобчанинг тортмасини очди. Кўзи ёғоч дастали тўппончага тушиб, аввал сесканди. Кейин қандай турганини яхшилаб эслаб, қуролни қўлига олди. Анча оғир, бунинг устига жуда совуқ нарса экан. Бу қуролни Рашид нимага сақлаяпти? Ўзи ва унинг хавфсизлиги учун-да!

Тўппонча тагидан бир қанча журналлар чиқди. Улардан бирини варақлаб кўриши билан Марямнинг оғзи ланг очилиб қолди. Журнал саҳифаларида гўзал, аммо қип-яланғоч аёллар унга кўзларини лўқ қилиб тикилиб турарди. Айримларининг оёқлари кенг ёзилган, яна баъзилари тўрт оёқлаб турганча, бошларини ортга буриб, безбетларча кўз қисишарди. Марямнинг кўнгли ағдарилиб, журнални тортмага отди.

Астафидуллоҳ! Булар қандай аёл бўлди экан? Бу тахлит шармандаларча расмга тушишга нима мажбур этди уларни? Эри уйда ёлғиз қолганда мана шу расмларни томоша қилиб ўтирадимми? У эркакнинг ор-номуси ҳақида ваъз ўқирди-ку!

Марям дўлобчанинг қўйи тортмасини очди. Унда йўл-йўл қўйлақда, бўйинбоғ боғлаган боланинг оқ-қора рангдаги сурати ётарди. Марям дарров билди: бу Юнус! Сурат боланинг тўрт-беш ёшида олинган эди. Боланинг бурни ингичка, кўзлари қора, хиёл ботиқ, сочи қалин, қисқаси, ёқимтойгина эди. Яна битта сурат бор экан, уям оқ-қора. Унда эркак ва аёлнинг тасвири акс этганди. Рашид у пайтлар ҳали ёш, сочларига оқ тушмаган, нигоҳлари ҳам анча ўткир экан. Ёнидаги аёл эса, беҳад гўзал эди. Марям унинг ёнида ўзини анчайин кўримсиз эканини ҳис этди. Аёлнинг ияклари ўта нафис ва силлиқ, сочлари узун, ўртасидан фарқ очилган эди. Беихтиёр Марямнинг кўз ўнгида ўзининг узунчоқ юзи, юпқа, рангсиз лаблари жонланди.

Аёл стулда ўтирар, Рашид унинг елкасига қўлини ташлаганча тик турар, заифгина илжайиб турарди. Аёл эса, ўзини хиёл олдинга олган, эрининг қўлларидан қутулиб чиқишга ошиққандек кўринарди.

Марям суратларни аввалгидек жойига тахлаб қўйди. Негадир бу хонага бекорга кирганини, эрининг нарсаларига берухсат тегиб яхши иш қилмаганини англади. Биргина мана шу сурат унга кўп нарсани ошкор қилиб қўйганди.

Марямнинг негадир Рашидга раҳми келди. Тақдир унинг эрини ҳам мудҳиш зарбаларга дучор қилганди. Беихтиёр бояги болакайнинг маъсум нигоҳини ёдга олди. Ўша болакай бир пайтлар мана шу зиналардан чопқиллаб чиқиб-тушиб юрган. Ваҳший кўл болани Рашиднинг бағридан юлқиб олган. Худди Юнус пайғамбарни ютган наҳангбалиқ каби...

Шу аснода Марямнинг кўз олдида кўл соҳили бўйлаб девоналарча чопиб юрган Рашиднинг бахтиқаро қиёфаси жонланди. Илк бор эри ва ўзининг қисматидаги яқинликни теран ҳис этди.

## ЎН УЧИНЧИ БОБ

Доктордан қайтишаётганда Марям ўзини бир бошқача ҳис этди. Қаёққа қарамасин, ҳамма нарса кўзига бошқача, ёрқин рангларда намоён бўларди. Ҳатто кўримсиз бетон қутилар, темир-терсақдан тикланган дўкончалар, лойқа сувга тўла зовурлар ҳам камалак рангида товланарди. Рашид суянчиқ орқасини бармоқлари билан чертиб, аллақандай қўшиқни хиргойи қиларди. Автобус силкинган пайтда беихтиёр хотинининг қорнини оҳиста ушлаб олди.

– Сенга Залмай ёқадими? – сўради у. – Пуштунча исм.

– Қиз туғилса-чи?

– Ўғил бўлади. Мен аниқ биламан.

Йўловчиларнинг нигоҳи бараварига ойнадан ташқарига йўналди.

Ташқарида биринчи қор – паға-паға лайлак қор ёға бошлаган, ҳамманинг юзида ҳайрат ва қувонч порларди.

«Қор парчалари осмондан тушаётганда нақадар пок, тоза ва буғубор бўлади. Ерга тушгач эса, оёқости бўлиб, лойга, балчиққа беланади ва ўз тароватини йўқотади», – ўйлади Марям бир текисда, ўйноқлаб ерга қўнаётган қор зарраларига аянчли тикилиб.

– Қиз туғилса, ўзингга мос исмни қўйиб олаверасан, – тўнғиллади Рашид. – Лекин аниқ биламан, ўғил бўлади.

Эртаси куни Марям арранинг ғириллаши, болганинг тарақлашидан уйғониб кетди. Бошига рўмолини ёпиниб, ташқарилади. Қор ҳали тинмаганди. Ҳаводан ёнган кўмир ҳиди анқирди. Бутун Кобул қорнинг оқ кўрпасига бурканганди. Рашид бостирма остида лабида мих қистирганча, тахталарни бир-бирига бириктирарди.

– Сенга ажойиб совға тайёрламоқчи эдим. Болакайга каравотча ясяяпман. Ҳали қарама. Битса кўрасан!

Эри бунча шошилмаса? Ҳали ўғил бўлади-ми, қизми? Кеча Рашид енглари сариқ ва қизил каштали камзулча олиб келганди. Ўғил боланики. Бу яхшимас-да!

– Манави зиналардан хавотирдаман, – деди Рашид ердан узун ёғоч тилигини оларкан. – Катта бўлса, чиқаётиб йиқилмасмикин, деб кўрқаман. Кейин печкага ҳам эҳтиёт бўлиш керак. Айтганча. Пичоқ, санчқиларни қўл етмайдиган жойга қўй, тушундингми? Ўғил бола фирт шумтака бўлади, ушлолмайсан.

Эртаси куни Рашид уйига дўстларини меҳмонга чақирди. Меҳмонхонада астойдил дастурхон тузаб бўлгач, хонасига кўтарилди. Каравотга ётганча ўйга чўмди. Қандай яхши! Энди унинг ҳам уйи, оиласи бор! Яқинда фарзанди ҳам туғилади. Марям кулимсираб, силлиқ, юмшоқ қорнини сийпалади. Ҳали доктор нима деди? Бор-йўғи тирноқдеккина, дедими? Беихтиёр баданида ёқимли титроқ уйғониб, кўзларини юмди...

Хотинини ҳаммомга юбориш фикри биринчи бўлиб Рашиднинг миясига келди. Марям илгари ҳаммомга тушмаганди. Рашиднинг айтишича, иссиқ, буғ билан тўла ҳаммомдан ташқарига, очиқ ҳавога чиққанда одамнинг танаси шунақа роҳатланармишки...

Ҳаммомда қалин буғ пардаси ичида яланғоч хотин-қизларнинг гавдаси элас-элас кўзга ташланарди. Қизлар қийқириши, хотинлар шанғиллаши, сувнинг қизиган деворларга урилиб жазиллаши бир-бирига қўшилиб, ғалати шовқинни ҳосил қиларди. Марям бир бурчакка ўтириб, товоинини жилвиртошга ишқаб тозалай бошлади. Бир



ҳисобда бугнинг қалинлиги яхши, бегона кўздан пана қиларкан.

Шу чоқ оёқлари орасида қон халқобини кўриб, додлаб юборди. Аёллар шу ёққа ёпирилди. Туман орасидан аёлларнинг хилма-хил юзи кўринди.

Кечқурун Фариба эрига Рашиднинг хотини қон ичида туриб, қандай кўрққанини, ҳаммага ёрдам сўраб, мўлтираганини айтиб берди:

– Бечоранинг тишлари шунақа тақиллайдики, раҳмингиз келади. Нуқул менга ялинчоқлик билан «Фариба опа, ўзи шунақа бўлади-а? Бу кўрқинчлимас-а?» деб сўрагани-чи?..

Яна Рашид билан автобусда қайтишмоқда. Яна қор. Ҳамма ёқ худди кафанга ўралгандек. Уйлар ҳам, одамлар ҳам, кўчалар ҳам алланечук нохуш кўринади кўзга. Марям кўрқа-писа эрига қаради. Унинг кўзлари юмуқ. Лаблари ниманидир пичирлайди. Оёқлари музлаб кетяпти, жемпери ҳам жиққа ивиган. Тезроқ уйга ета қолишса эди.

Рашид каравотда гужанак бўлиб ётган аёлининг устини адёл билан ўради. Ҳаракатлари кескин, қарашлари совуқ.

– Гапини қара, – ўзича минғирлади Рашид. – «Худони иродаси» эмиш. Сен дўхтирмисан ёки муллами?

– Дам олсангиз бўлармиди?

Марям адёл қатидан бошини чиқарди.

– «Худонинг иродаси» – докторга тақлидан хириллади Рашид ва сигарет тутатганча хонасига чиқиб кетди.

Эри кетгач, Марям дераза оша ерга эркаланиб қўнаётган учқунларга тикилди. Қачондир онаси айтганди: «Ҳар бир қор учқуни бир аёлнинг қалбидан учган нола. Бу оҳлар булутга айланиб самога кўтарилади, кейин эса, қорга айланиб ерга инади. Ҳа, қизим, биз аёллар фақат ғам-андуҳ учун яратилганмиз!»

## ЎН ТЎРТИНЧИ БОБ

Ҳар гал бостирма остида чалалигича ётган каравотчага, Рашиднинг шкафида осиглиқ турган камзулчага қараганда, Марямнинг яраси бир янгиланади. Кўз ўнгига чақалоқнинг типирчилаши келади. Қулоғи остида унинг ёқимли «инга»-си. Сийнаси учуда митти гўдакнинг ширин дудоқчаларини ҳис этиб, эти жунжикади. Ё тавба, ҳали кўзи билан кўрмаган, аммо армонга айланган боласи учун шунча эзилса...

Вақт ўтиб, қайғу оташи бир оз пасайгандек бўлди. Аммо оғриб, каравотга михланиб қоладиган одат чиқарди. Айрим пайтларда ҳатто эрига тушлик қилиш учун ҳам қўзғалоқмай қолди.

У уйдан чиқишга ҳам кўрқарди. Учта-тўртта-лаб бола туққан қўшнилари билан юзма-юз келишдан чўчирди. Улар нақадар бахтли! Парвардигор ҳам улардан марҳамини дариф тутмаган. Унинг тирноқдеккина зурриёдини эса, мағзава оқизиб кетди. Вужудида бир неча кунгина меҳмон бўлган гумонаси унга муваққат қувонч бахш этди-ку, кўп ўтмай қайғу-аламлар гирдобига ташлаб кетди.

Фақат бир таскин бор. «Ҳали ёшман, болаларим кўп бўлади, ҳаммаси олдинда» дея ўзини ўзи юпатади. Балки, у онасини хўрлаб, уни ташлаб кетиб, Худонинг ғазабини қўзғандир? Шунинг учун тақдир унга ана шу мусибатни раво кўргандир? Ахир онасининг бўйнига тушган сиртмоққа унинг ўзи сабабкор бўлмадими? Нонкўр қиз она бўлишга муносибми? Кечалари босириқиб чиқар, онасининг елкасига миниб оладиган шайтон унинг ортидан қушлаб юрар, Нана эса, уни кўриб қаҳ-қаҳ куларди.

Йўқ, ҳаммасига Рашид айбдор! Элбурутдан хурсанд бўлиб, шодмарг очишга бало бормиди? Туғилмаган болага от қўйиб, бешик йўнишга-чи? Яна ҳаммомга боришни ҳам у ўйлаб топди-ку! Ифлос сув, иссиқлик, буғ... мана оқибати! Йўқ, Рашидда айб йўқ! Ўзида! Кечалари нотўғри ётган, мева-чева емади, кўп чой ичди. Балки шунгадир?

Балки Яратганнинг ўзи унинг устидан кулдикан? Аввал бахт бериб, кейин қайтариб олди! Йўқ, ўзинг кечир, астафидуллоҳ! Ахир Фатҳулла ота айтарди-ку: «Яратганнинг каломи бор, У бандаларнинг қай бири яхшироқ амаллар бажариши учун ўлим ва ҳаётни яратган».

Марям шаккоқ фикрлари учун кечирришни сўраб, бошини саждага қўйди.

Ҳаммомдаги нохушликдан кейин Рашид ҳам ўзгариб қолди. Энди ишдан қайтмас, хотинига чурқ этиб оғиз очмас, еб-ичар, сигарет чекар, кейин эса хонасига гум бўларди. Гоҳида кечалари уни қўполлик билан уйғотиб, нафсини қондирар, кейин эса, хотини билан иши бўлмай чиқиб кетарди. Ҳамма нарсадан айб қидирар, бўлар-бўлмасга тўнғиларди.

Жума кунлари Кобулни айлангани чиқишганда ҳам шунақа тез юрарди. Марям унинг ортидан ҳарсиллаб югуришга мажбур бўларди. Эри энди камдан-кам ҳолларда куладиган бўлиб қолди. Марямнинг саволлари унинг энсасини қотирарди, холос.

Кунларнинг бирида кечкурун меҳмонхонада радио эшитиб ўтиришганди. Қиш оёқлаб қолганди. Икки ҳафта ўтиб дарахтлар ҳам куртак ёза бошлайди. Рашид қўшиқ оҳангига мослаб, оёғини тапиллатар, кўзларини қисганча сигарета чекарди.

– Мендан хафамисиз? – сўради Марям.

Рашид индамади. Қўшиқ тугаб, янгиликлар эшиттирила бошлади. Сухандон қиз президент

Довуднинг Кремдан норозилиги туфайли бир гуруҳ шўравий маслаҳатчилар гуруҳи Кобулдан чиқариб юборилганини маълум қилди.

– Нега хафа бўларканман?

– Билмадим. Назаримда, ўша боламиз нобуд бўлганидан кейин...

– Сенга бирор марта бирор нима дедимми?

– Йўқ!

– Бўлмаса, мени тинч қўй!

– Мени кечиринг, Рашид!

Эри сигарета қолдигини кулдонга босиб ўчираркан, янги сигаретани ўт олдирди.

– Менимча...

– Яна нима дейсан? – жаҳл билан пешонасини артиб, радио қулоғини буради.

– Боламизни... бирор маъракасини ҳам қилмадик. Ахир уям боламиз эди. Мусулмончилик, расм-русум.

Марям бу ҳақда узоқ ўйлаган, жигарпорасининг худди сувга тушган тошдек унутилиб кетишини истамасди. У ўз аждодлари анъаналарини ҳам эъзозларди.

– Эсингни едингми?

– Сал бўлсаям, кўнглим таскин топарди-да!

– Ҳе ўргилдим кўнглингни кўчасидан. Агар керак бўлса, расм-русумингни ўзинг қилавер. Мен битта боламни ерга бериб бўлдим. Яна битгасига мотама тутгим йўқ. Энди эса, халал берма, радио эшитяпман.

У радио овозини янада баландроқ қилди.

Эртаси куни Марям ҳовлининг бир кунжида чуқур қазиб, унга эри олиб келган камзулчани ташлади ва тупроқ тортди:

– Бисмиллаҳир роҳманир роҳим! Яратган эгам, жигарбандимдан ўз раҳматингни дариф тутма, – дея пичирлади унинг лаблари. – Сен кечани кун-

дузга, кундузни эса кечга киритгувчисан! Ўликдан тирикни, тирикдан эса ўликни чиқаргувчи зотсан!

Кейин эса, ҳосил бўлган митти тепалик ёнида тиз чўкди:

– Поко парвардигор! Ўзинг меҳрибонсан ва карамлисан!

## ЎН БЕШИНЧИ БОБ

1978 йил, апрел. Марям 19 га қадам қўйган куни Мир Акбар Ҳайбар деган кишининг мурдасини топишди. Икки кун ўтиб, Кобулда катта намойиш бўлди. Ҳамманинг оғзида шу гап. Марям уйининг деразасидан кўчада қўшниларнинг транзистор карнайига қулоқ тутиб янгиликларни эшитишини, оғироёқ Фарибанинг нотаниш, сариқсоч хотин билан қўлини белига тираб гап сотиб ўтирганини кўриб турарди. Марям малласоч хоним қўлидан ушлаб турган рангпар болакайни таниди. Уни Тариқ деб чақиришарди.

Марям билан Рашид кўчага чиқмай, уйларида радио тинглашарди. Хабар қилинишича, 10 минг намойишчи ҳукумат уйи олдига тўпланибди. Рашиднинг айтишича, улар ўша, ўлдирилган коммунист Мир Акбар Ҳайбарнинг тарафдорлари бўлиб, улар бу қотилликда Довудхонни айблаётган эканлар.

– Коммунист дегани ким? – сўради Марям.

– Булар Карл Марксга сигинадиганлар, – тўнғиллади Рашид пешонасини тириштириб.

– Карим Маркиз деганиз ким?

Рашид чуқур уф тортди. Сухандон қиз Нурмуҳаммад Тараққийнинг намойишчилар қаршисида туриб нутқ сўзлаганини айтаётганди.

– Мен сўрамоқчи бўлганим...

– Бунақа нарсаларга ақлинг етмайди. Миянғ қовоқнинг ўзгинаси. Шунинг учун овозингни ўчириб ўтир!

Марям жим қолди. У эрининг бу тахлит қўпол муомаласи, мазах ва истеҳзоларига аллақачон кўникиб бўлганди. Тўрт йиллик турмуши мобайнида у эрининг олдидаги эътибори қанчалик эканига ишонч ҳосил қилганди. Эрига бир гап кам, икки гап ортиқча бўлиб қолган.

Шу тўрт йил ичида, ҳаммомдаги нохушликдан сўнг умид шамчироғи бу хонадонда олти маротаба ёниб ўчди. Ҳар гал доктор қабулидан нохуш кайфиятда қайтаётганда Марямнинг қайғу юки ва Рашиднинг қаҳр халтаси бир сидра оғирлашарди. Эндиликда эрини ҳамма нарса асабийлаштирадиган бўлиб қолган. Ҳолбуки, уйи ёғ тушса ялагудек, кийимларига гард юкмаган, оби овқати ҳам ўз ўрнида бўларди.

Бир кун эрининг келиши олдидан Марям янги сотиб олган пардоз-андоз бўёқлари билан безаниб қарши олди. Аммо, эри уни кўриб, афтини буриштирганча гижиниб қўйди, холос. Марям ҳам шу заҳоти юзини ювиб ташлади.

Кеч кириши, эшик гичирлаши билан Марямнинг юраги безиллаб қолганди. Эри келдими, демак ҳозир яна бир дилхиралик бошланади. Ахир шўрлик Марям нима қилсин? Рашиднинг ўғлини ортга қайтариш унинг инон-ихтиёрида эмас-ку! Лоақал унинг ўрнида бошқасини туғиб берганида эди.

– Энди нима бўлади? – сўради у яна бир оз ўтиб. Эри унга ер остида бир ўқрайиб қўйди-да, радиони ўчириб хонасига йўл олди.

27 апрел куни ҳамма ёқда отишмалар бошланди. Марям ўқ овозидан чўчиб ўзини меҳмонхонага урди. Рашид ички кийимда дераза олдида турарди. Шаҳар осмонида ҳарбий самолётлар қузғундек чарх урарди. Узоқдан нималардир портлаб, ҳавога қуюқ тутун ўрларди.

– Нима бўляпти, Рашид?

– Худо билади, – радионинг қулоғини буради Рашид.

– Биз нима қиламиз?

– Қутамиз.

Куннинг ўтиши қийинлашмоқда эди. Рашид эса, радиоприёмник ёнидан жилмас, Марям ошхонада исмалоқ ва гуручдан овқат тайёрлашга уннаганди. Бу уйда қувонч шарпаси кезмаётганига ҳам анча бўлди. Эри энди фақат унинг овқатидан айб топадиган бўлиб қолган.

Марям эрининг олдига тақсимча қўйган пайтида радиодан мадҳия садолари жаранглай бошлаганди.

– Сабзи (афғонча таом – таҳр.) тайёрлагандим.

– Жим! – эри қулоғини радиоприёмникка босди.

«Ҳарбий ҳаво кучлари полковниги Абдулқодир гапиради», эълон қилди диктор.

Полковникнинг баёнотига кўра, уларнинг дивизияси аэропортни, шаҳарнинг асосий магистрал йўлларини, «Кобул» радиосини, бир қатор вазирликларни эгаллабди. Довудхон тарафдорлари таслим бўлибди.

– Қуролли кучлар инқилобий кенгаши тузилди, – тантанавор эълон қилди полковник. – Энди бизнинг юртимизда тенгсизлик, ноҳақлик ва истибдод тузуми барҳам топди. Ҳукумат халқнинг қўлига ўтди. Ватандошларимиз, Ватанимиз тарихида янги саҳифа очилди. Бизни порлоқ келажак кутаётир.

Рашид радиони ўчирди.

– Бу яхшими, ёмонми? – сўради Марям.

– Бойларга қийин бўлади, – деди Рашид бош чайқаб. Кейин эса, шокосадаги гуручга имо қилди, – иссиқми?

– Ҳозир ўчоқдан олдим.

– Унда суз-чи.

...Фариба оғриқдан бадани зирқираб, тирсагига таяниб турар, қизил, сариқ учқунлар тун бағрини ёриб ўтарди. Фарибанинг сочлари парижон, юзларида тер резалаганди. Кекса доя Важма, ота-бола янги туғилган чақалоқнинг сариқ сочларига, қизғиш юзчаларига, чимирилган лабларига, кўм-кўк кўзларига ҳайрат билан тикилиб туришарди. Қизалоқнинг йиғиси худди мушук миёвлашини ёдга соларди. Ҳамма хурсанд. Оиланинг энг тақводор вакили Аҳмад чақалоқнинг қулоғига азон айтди.

– Демак, исми Лайло бўлдимиз? – сўради Ҳаким қизчасини қўлига олиб. – «Лайло» – тун гўзали дегани!

...Рашид гуручни думалоқлаб соққача ясади ва оғзига солди. Кейин яна битта... Кейин афтини буриштириб, дастурхонга тупурди.

– Нима бўлди? – юраги ҳаприқиб кетди Марямнинг.

– «Нима бўлди?» – хириллади Рашид. – Ҳар доим шу аҳвол!

– Ҳар доимгидек, ўзингиз айтгандек узоқроқ қайнатдим.

– Алдама!

– Ўлай агар!

Рашид овқат тўла тақсимчани нари суриб, кўчага чиқиб кетди. Марям тиззалаб олганча, дастурхонга сочилган гуруч доналарини тера бошлади. Унинг қўллари асабий титрарди. Чуқур-чуқур нафас олишга уринди.

Яна эшик очилиб, Рашид кириб келди.

– Эй, бу ёққа кел!

Рашид ҳовучини очганида бир сиқим майда тошлар сочилиб кетди.

– Оғзингга сол!

– Нима?



– Анави тошларни оғзингга сол, деяпман!

– Рашид, қўйсангиз-чи!

Эри куч билан унинг иягидан тутиб, жағини қисди ва очилган оғзига майда тошчаларни жойлади. Марям унинг қўлидан юлқиниб чиқмоқчи эди, бўлмади.

– Чайна!

Марям чамаси шафқат сўраб, гўлдиради. Аммо, тошлар орасидан бирорта сўзни илғашнинг иложи йўқ эди.

– Чайна! – бақирди эри оғзидан тамаки иси уфуриб.

Марям ноилож чайнашга тушди. Оғзида нимадир қасирлаб кетди.

– Яхши! – пишқирди эри ёноқлари ўйнаб. – Пиширган овқатинг қанчалик ширин эканини билдингми? Мен сенга уйланиб нимага эга бўлганимни энди пайқагандирсан? Ҳа, мен ҳар куни ана шундай овқат ейман! – Унинг қораси ўчди.

Марям қонга беланган тошчаларни бирин-кетин тупура бошлади. Ерга сочилган тошчалар орасида иккита курс тиши ҳам бор эди.

### **Биринчи қисм тугади**

## ИККИНЧИ ҚИСМ

### БИРИНЧИ БОБ

Кобул, 1987 йил, баҳор.

Ҳар тонгда Лайло фақат бир нарсани – тезроқ ўртоғи Тариқни кўришни истарди. Икки ҳафта илгари уларнинг оиласи Ғазнига, Тариқнинг тоғасиникига меҳмон бўлиб кетишганди.

– Анча пайт қолиб кетасанми? – сўрагани Лайло сафар олдидан.

– Ўн уч кунга, холос!

– Вой-вўй, наmunча кўп?

– Ҳа, нега қовоғинг осилиб кетди? Йиғлаворма тагин?

– Нима? Мен-а? Ҳечам-да! – Лайло эркаланиб боланинг соғ оёғини (унинг бир оёғи протез эди) туртиб қўяр, бунга жавобан Тариқ ҳам унинг елкасига енгил шапатиларди.

Ўн уч кун бу қарийб икки ҳафта дегани. Лайло вақт ҳам худди Тариқнинг отаси баъзан пуштунча ашула айтган чоғида чаладиган аккордеоннинг гижимасига ўхшаб, кенгайиб қисқаришини ана шунда тушунди.

Яна Лайлонинг ота-онаси жанжални бошлашди. Ҳар доимгидай онаси бақириб, уйни бошига кўтаряпти, отаси эса бир четда мунғайганча бошини қуйи солиб ўтирибди. Лайло шовқин кирмаслиги учун хонасининг эшигини қаттиқроқ ёпиб олди.

Ҳар куни эрталаб пастдан отасининг овози эшитилади:

– Қизим, мен ишга кечикяпман!

Лайло шошилганча туфлисини кияди. Ойнага қараб, елкасига тушадиган малларанг сочларини тарайди. Онасининг айтишича, унинг сочлари ҳам, ол ёноқлари ҳам, ширин кулгичию, қалин киприклари ҳам она томонга тортган экан. «Бувим Панжшер водийсидаги энг гўзал қиз бўлган эканлар, йигитлар бувимни деб жон беришга тайёр туришаркан. Ана шу гўзаллик икки авлод ўтиб, сенга насиб қилган, қизим», дерди онаси.

Унинг ота-онаси Панжшер тожикларидан эди. Улар турмуш қургач, Кобулга кўчиб келишган, кейин отаси университетга кирган эди. Лайло онасининг ўз хонасидан чиқмаслигига умид қилиб, зинадан пастга тушарди.

Ҳозир отаси эшик кўзига ҳашаротлар кирмаслиги учун қопланган дока рўмол қаршисида чўккалаб турарди.

– Кўряпсанми? – отаси унга икки ҳафта олдин мато юзида пайдо бўлган тешикчани кўрсатди.

Лайло отасининг ёнидан жой олди.

– Яқинда тешилган шекилли?

– Менам ойингга шунақа десам, нега қарамайсан. Уй пашшага тўлиб кетди, деяпти.

Лайло ич-ичидан отасига, калта бўйли, чуваккина, қўллари аёлларники сингари нозик бўлган бу эркакка ич-ичидан ачинди. У уйда отасини китобсиз ўтирганини тасаввур қилолмасди. У мутолаа пайтида ҳамма нарсани унутарди. У Румий, Ҳофиз газалларининг деярли барини ёддан билар, Афғонистоннинг Россия ва Британия билан уруши ҳақида соатлаб гапира оларди, ердан қуёшгача бўлган масофани ҳам аниқ биларди. «Кобулдан Ғазнигача бўлган масофадан беш минг марта кўпроқ» деган бир марта у тасаввур уйғотиш учун. Лекин уйдаги арзимас юмушларни қилишга ҳам отасининг уқуви етмасди. Эшиклар

ёғланмагани учун ҳамиша ғичирлаб турар, ошхонадаги жавонларни моғор босиб ётарди. Онасининг айтишича, шу пайтгача бундай юмушлар Нур билан Аҳмаддан ортмасди. Аммо улар ҳозир шўравийларга қарши урушга кетишган.

– Бугун ойнинг нечанчиси? Бешинчими, олтинчими? – сўради отаси паришонхотирлик билан.

– Билмадим, кунларни ҳисоблаб юрмайман, – деди Лайло ерга қараб.

Ниҳоят, улар кўчага чиқишди. Лайло велосипеднинг орқа ўриндиғига жойлашаётганида, қўшнилари Рашид этикдўз ва унинг одамови хотини турадиган уй дарвозаси олдида «Мерседес-бенц» машинасини кўришди. Машина ичида иккита нотаниш одам ўтирарди.

– Булар ким? – сўради қизча.

– Бизга нима? – деди отаси. – Тезроқ қимирла, кеч қоламиз!

Шу тобда қизчанинг қулоғига яна онасининг отасига айтган кинояомуз гаплари жаранглади: «Нуқул гапингиз шу, «менга нима?». Ҳа, сизга нима? Иккита ўғлингиз урушга жўнади – сизга нима? Ўз болаларингиз худди ўйнашдан туғилган болалардек ўз ҳолича чиқиб кетди – сизга нима? Сизга фақат китоб бўлса бўлди!»

Отаси тепкини айлантириб велосипедни ҳайдаб кетди. Велосипед «Мерседес-бенц»нинг ёнидан ўтиб бораркан, орқа ўриндиқда ўтирган жигарранг костюмда, кўкрак чўнтагидан оппоқ рўмолчасининг учи кўриниб турган озғин оқсоч эркакка қизиқсиниб қаради. Машинанинг рақамидан уларнинг ҳиротлик эканини пайқади (*Афғонистонда машина рақамларида вилоят ва шаҳар номлари тўлиқ ёзиб қўйилади – тарж*).

Лайло синфда паришонхотир бўлиб ўтирди. Ҳаёли Тариқда эди – қачон келаркин? Тинчмикин?

Ўқитувчи хотиннинг исми Шанзай бўлиб, ҳамма уни орқаваротдан «Бўёқчи хола» деб чақирарди. Чунки у тартиббузар болаларни худди чўтканинг икки тарафини айлантириб девор оқлаётган бўёқчидек кафтнинг икки томони билан навбат-навбат шапатилаб қўярди. У ҳамиша ўзининг хостлик камбағал деҳқон оиласида туғилганини таъкидлашдан чарчамас, ўқувчи қизларнинг юзини бекитишларига рухсат бермас, нуқул эркак ва аёлларнинг тенглигини уқтирарди. Унинг фикрича Шўравийлар давлати Ер юзидаги энг яхши ва қудратли давлат эди. У Афғонистонда ҳам ана шундай ёруғ бахтиёр кунлар келади, деб болаларни ишонтирмоқчи бўларди.

«Бўёқчи хола»нинг орқасида ушбу бепоеён мамлакатнинг харитаси, президент Нажибуллонинг портрети (отаси бу одам бир пайтлар даҳшатли махфий полициянинг бошлиғи бўлган, дерди), кулиб турган шўравий аскарларнинг суратлари осилиб турарди.

Лайло айнан апрел инқилоби пайтида туғилгани уни ўқитувчи уни «инқилобчи қизалоқ» деб атарди.

Ўша куни дарслар тутаганида, онаси Лайлони олиб кетиш учун келмади. У синфдошлари Жити ва Ҳасина билан йўлга тушди. Жити қовоғидан қор ёғиб турадиган қиз бўлиб, икки ўрим сочи худди улоқчанинг думидек диккайиб турар, дарсликларни худди қалқондек кўксига босиб олганди. Ҳасина эса ўн икки ёшда бўлиб, дарсларни ўзлаштиролмагани учун уч йил бир синфда қолиб кетганди. Унинг тили ҳам ўткиргина бўлиб, муаллимага «Бўёқчи хола» лақабини ҳам у ўйлаб топганди.

Ҳасина бу гал уларга ёқинқирамаган куёвларни қандай рад этишдан дугоналарига «сабоқ» бериб кетди:

– Ҳали мен кичкинаман-ку, – деди Жити. – Менда куёв нима қилсин? Ҳали менга совчи келгани йўқ.

– Соқолинг чиққани учун эр олмаётгандир-да, – атай унинг жигига тегди Ҳасина. Ҳазилни тушунмайдиган Жити қўрқиб кетиб, иягини ушлади ва мўлтираб Лайлога термилди. Лайло эса, кулиб бош чайқаб қўйди.

– Хуллас, куёв сизларга ёқмадимми, уйдан икки банка ловия опчиқасиз ва эндигина чой хўплаётган пайтда юз-кўзига қараб сепворасизлар, тамом.

Қизчалар кулиб юборишди. Лайлога ҳали бундай насиҳатларнинг кераги йўқ эди. Чунки отаси бари бир уни ҳаливери эрга бермайди. Гарчи у ҳозир нон заводида ишласа-да, университетни тугатган. Коммунистлар давлат тепасига келгунча мактабда дарс берарди. Кейин уни мактабдан ҳайдашди. Ҳозир отасининг ягона истаги қизини ўстириб, ўқитишдан иборат эди.

– Қизим, турмуш қуриш қочмайди, аммо вақтида билим олиш керак. Шунинг учун сен албатта ўқийсан. Уруш тугаса сендек билимли қизлар Ватанга керак бўлади.

Лайло отасининг маърифатпарварлигидан фахрланар, ўзи ҳам аъло ўқишга тиришар, ҳар йили мактабдан мақтов ёрлиғи оларди. Ҳасинанинг отаси эса, баджаҳл, тўпори таксичи эди. Яна уч йилдан сўнг Ҳасинани ўзидан 20 ёш катта амакиваччасига эрга беришаркан.

– Демак, эслаб қолдинглар-а, қизалоқлар, – Ҳасина оҳиста Лайлонинг қулоғига шивирлади. – Сени эса, бари бир ўша бир оёқли шаҳзоданг келиб опкетеди.

Лайло илкис қўлини тортиб олди. У Тариқ ҳақида бунақа қўпол ва совуқ гап эшитишни кутмаганди.

– Бошқалар ҳақида бунақа деб бўлмайди! – деди Жити ёвқараш қилиб. – Ахир бечора уруш туфайли шунақа бўп қолган-ку!

– Ие, Ҳали Житибону ҳам Тариққа ошиқ бўп қоптиларми? Лайло, нега жим турибсан?

– Мен ҳеч кимга ошиқ бўлмаганман, – ўзича тўнғиллади Жити.

Шу жойда уларнинг йўллари айриларди. Қизлар Лайло билан хайрлашиб, яна ўз йўлларида давом этишди. Уч кварталгача Лайло бир ўзи кетди. Кўк «Мерседес» ҳалиям қўшниларининг эшиги олдида турарди. Жигарранг костюмли оқ-соч одам машинасига хаёлчан суяниб турарди. Кимдир уни чақиргандек бўлди:

– Эй, малласоч! Бу ёққа қара!

Лайло ўгирилди. Унинг юзига кимдир тўппонча ўқталиб турарди.

## ИККИНЧИ БОБ

Тўппончанинг ранги қизил бўлиб, тепкиси зангори тусда эди. Бу ранг-баранг ўйинчоқ ортидан Хадим тишларини фижирлатиб турарди. Тариқ сингари унинг ҳам ёши 11 да эди. Отаси қассоб бўлган бу кемшик, баланд бўйли, озгин бола ўз тенгқурлари ичида энг безорилиги билан ном чиқарган эди. Танаффусда Тариқ кўринмай қолса, Лайлонинг ортидан худди соядек эргашиб, унга еб қўйгудек термилиб юрарди. Бир гал у қизчанинг елкасига қоқиб, пичиралаганди: «Малласоч, сен менга шу қадар ёқасанки, ўзим уйланиб оламан сенга!»

Мана, у қўлида ўйинчоқ тўппонча билан қандайдир шумликни кўзлаб турибди.

– Қўрқма, ҳеч қандай доғ қолмайди, – муғом-бирона жилмайди бола. – Айниқса сенинг мана-ви малла сочларингда.

– Агар менга яқинлашсанг, ўзингга ёмон бўлади.

– Хўш, нима қила олардинг? Анави чўлоқ ўртоғингга айтасанми? – кейин овозини ингичкалайтиб, қизчани мазах қила бошлади. – Оҳ, Тариқжон! Уйга қайта қол, мени манави аблахдан қутқар!

Лайло ўзини қўлга оламан дегунча Хадим тўп-понча тепкисини босди. Илиқ суюқлик томчилари қизнинг бошидан ёғилди. Қўли билан юзларини беркитиб олди. шу пайт бутун кўчани бир тўда боланинг қийқириғи босиб кетди. Лайло ўзи маъносини тушунмайдиган, кўча безорилари тез-тез тилга оладиган сўкишни ишлатди:

– Ҳе, онангни хўроз қувласин!

– Ўзингни нимжинни онангни... – сўкинди Хадим. – Ўша лапашанг, сўлақмон отангга қўшиб...! Сен аввал қўлингни бир ҳидлаб кўр-чи?

– Ҳидлаб кўр-чи, маза қиласан, – ҳиринглади болалар жўр овозда.

Лайли кафтини бурнига яқинлаштирди ва ҳаммасини тушунди. Кўз ёшларини тиёлмай, ўзини уйга урди. Қудуқдан сув чиқариб, тоғорани тўлғазди. Кийимлари ва сочини қайта-қайта ювиб ташласа-да, кўнгли тўлмади. Бутун бадани дағ-дағ қалтирарди. Юзлари қизариб кетгунча мочалка билан ишқалади.

– Агар Тариқ бўлганида, лоақал онам мени олиб келгани мактабга борганида, ярамас Хадим бунчаликка бормасди, – дея ҳиқиллади Лайло кийимларини алмаштираркан. Лайло нимадан-дир ижирғаниб ўзини каравотга ташлади. Унинг қўллари мушт бўлиб тугилганди. Сал ўзига келиб олгач, туриб, онасининг эшигини чертди. Ичкаридан жавоб бўлмагач, ўзи эшикни очиб кирди.

Бир пайтлар онасидан тартибли, яхши аёл йўқ эди. Ҳар куни эрталаб бардам, тетик бўлиб уйғонар, чиройли, янги кийимларини кияр, Лайло эса,



онасининг сочларини тараб кўярди. Кейин улар шаҳар айлангани чиқишар, баъзида онаси унга турли ширинликлар олиб берарди. Кечки пайт отаси ишдан қайтиши билан уйлари янада тўлиб қолгандек бўлар, Лайло ўзини худди еттинчи осмонда юргандек ҳис этарди. У пайт акалари ҳам шу ерда эди, хуллас, бир бутун, тўкис оила эдилар.

Кўпинча уларнинг уйига таниш аёллар меҳмонга келар, Лайло онаси билан меҳмонларни қаршилашга алоҳида тайёргарлик кўришарди. Онаси турли пишириқлар пиширса, Лайло идишларни ювишга ёрдамлашарди. Меҳмонлар келишгач, Лайло бир четда уларнинг суҳбатига қулоқ тутиб ўтирарди. Айниқса, онаси дадасини оғиз кўпиртириб мақташини жон қулоғи билан тингларди:

– Эрим жуда ажойиб ўқитувчи эди, ўқувчилари уни ҳаддан ортиқ ҳурмат қилишарди. У болаларни чизғич билан уриш у ёқда турсин, ҳатто қаттиқ гапирмас, болаларни ҳурмат қилар, шунинг учун ҳам улар муаллимни жонидан ортиқ кўришарди.

Ойиси эри билан қандай танишиб қолганини айтишни жуда ёқтирарди:

– Мен ўшанда 16 да эдим. Улар Панжшерда биз билан қўшни туришарди. Ҳа, дугонажонлар, биз бир-биримизни шу қадар севардикки! Мен ҳовлимизнинг ўртасидаги деворни ошиб ўтиб, унинг ёнига борардим. Лекин Ҳаким катталар бу учрашувимиздан хабардор бўлиб қолишидан ёмон кўрқарди. Ўшанда ҳам жуда жиддий, эҳтиёткор эди. Мен ўзим таклиф қилганман: «Ҳакимжон ака, сизсиз яшолмайман. Ўзингиз совчи кўясизми ё дадангизга ўзим айтайми?» О, ўша пайтда унинг юзлари қандай қизариб кетганини кўрсангиз эди?

Фариба қаҳ-қаҳ урганча қарсак чалар, бир уй аёл унинг кулгисига қўшиларди. Ҳа, у пайтларда

отаси ҳақида шунақа ёниб, тўлқинланиб гапирарди, хоналари ҳам алоҳида эмасди. Эҳ, ҳаммаси ортда қолди.

Хотинлар «гапи»да суҳбат кўпинча келгусидаги орзу-ҳавасларга бориб тақаларди. Уруш тугаса, йигитлар қайтиб келса, уларни уйлантириш керак. Шу боис, кўпинча аёллар ўзларига келин қидиришга тушардилар: дарвоқе, ҳадемай Лайлонинг акалари Аҳмад билан Нур ҳам қайтиб келишади. Лайло уларни роса соғинганди.

– Азита қалай?

– Анув гиламдўзнинг қизими? – Онаси афтини буриштирарди. – Вей, у қизни мўйловини кўрганмисиз? Эримникидан қалинроқ!

– Ноҳида-чи? Ўз синфида биринчи экан!

– Э, тишлари сўйлоқ-ку! Кечаси кўрган одамнинг юраги ёрилади! Бўлмайди у!

– Воҳиднинг сингилларига нима дейсиз?

– Анави калтабақай қизларми? Йўқ– йўқ. Йўқ, нима, менинг ўғилларим кўчада қоптими? Ҳар йигитларки, ҳар тола сочи битта қизга бериқсиз!

Бу пайтда Лайло бир четда ўтирганча Тариқ ҳақида хаёл сурарди...

Мана онасининг ҳужраси. Деразага қалин парда тортилган, қоп-қоронғи. Бу ҳужрада ҳар хил ҳид – тер, овқат қолдиғи, атир ва бошқа ёқимли, ёқимсиз ислар қоришиб кетганди. Лайло кўзи қоронғига кўниккунча бир оз кутиб турди. Кейин ерда сочилиб ётган кийимларни оёғи билан пайпаслаганча дераза ёнига борди ва пардани очди. Кўзи бир жойда уюлиб турган тўшак жилдларига тушди.

Деворга Аҳмад ва Нурнинг бир қанча суратлари илиб ташланган эди.

Онасининг каравоти остидан пойабзал қутисининг бир учи кўриниб турарди. Унда Покистонда чоп этилган исёнчилар ҳақида мақолалар эълон қилинган газета қирқимлари йиғиб қўйилганди.

– Ойи!

Бояги тўшак уюми бирдан жонланди. Онаси бир инграб олди.

– Туринг, ойи. Уч бўлди.

Аёл устидаги матоларни бир четга сурди. Керишганча ўрнидан турди. Кейин таралмаган сочларини бир четга суриб, қўлларини ёзиб керишиб олди. Деразадан тушаётган ёруғлик унинг кўзини қамаштирганди.

– Мактабдан келдингми? – сўради мудроқ овозда.

Ҳар куни шу аҳвол. Бир хил, ҳиссиз савол-жавоблар. «Қанақа дарс ўтдинглар?», «Овқат еб олдингми?», «Неччи баҳо олдинг?»

Онаси кўзларини кафти билан тўсиб олди:

– Шунақа бошим оғриб кетяптики!

– Дори опкелайми, ойи?

Онаси чаккаларини ишқалади.

– Йўқ, кейинроқ! Отанг келмадимми?

– Ҳали энди уч бўлди-ку!

– Э, ҳа, боя айтдинг-ку! – ойиси эринчоқлик билан эснади.

– Ойи, битта бола юзимга тўппончаси билан сийдик сепди, – ҳиқиллади Лайло.

– Нима? Вой, қўлгинаси синсин! – Фариба бир оз сергак тортди. – Эртага бориб ўзим гаплашаман.

– Ҳали кимлигини айтмадим-ку!

– Ҳа-а-а, ким экан?

– Сизга нима фарқи бор?

– Тавба, нега бунақа тўнингни терс кийиб олдинг, қизим?

– Нега мени мактабдан олиб келгани бормадингиз?

– Ҳа, бормоқчи эдим, – онаси бармоқларини сочлари орасига тиқиб, бир оз жим қолди. – Анави ўртоғинг бориди-ку, оти нимаиди? Тариқмиди? Уям юрибдимми?

- Унинг кетганига икки ҳафта бўлди.  
Онаси унинг сочларини ҳидлаб кўрди:  
– Ювиниб олдингми?  
– Ҳа!  
– Ювиниб олган бўлсанг бўпти-да! Тоза бўпсан, шунгаям шунча ваҳимами?  
Лайло ўрнидан қўзғолди.  
– Уй вазифаларимни қилишим керак!  
– Ҳа, унда бор, нега турибсан, оппоғим, бориб дарсингни бажар! – Онаси яна чойшабга ўралиб олди.  
Лайло деразага яқин борганида ҳиротлик кишининг мовий «мерседес»и чанглар булутги ичидан ўтиб борарди. Лайло машинага узоқ тикилиб қолди:  
– Эртага албатта мактабингга бораман, ваъда бераман.  
– Кечаям шунақа дегансиз!  
– Сен билганингда эди, Лайло...  
– Нимани?  
Фариба кўксига муштлади:  
– Мана бу ерда нималар бўлаётганини билганингда эди...

### УЧИНЧИ БОБ

Бир ҳафта ўтди. Кейин яна бир ҳафта... Тариқдан дом-дарак йўқ эди. Лайло вақтни қисқартириш учун эшик кўзидаги докани ямаб қўйди, отасининг китобларига ўтириб қолган чангларни артиб, уларни алифбо тартибида жойлаштириб чиқди. Дугоналари билан Товуққўчани айланишга чиқди. Аммо, дунёда кутишдан азобли иш йўқлигини у шундагина билди.

Лайлони ваҳимали ўйлар қуршай бошлади. Балки энди у умуман қайтмас? Балки улар Ғазнига батамом кўчиб кетишгандир? Унда Тариқ нега у би-

лан хайрлашмади? Яна минага учраган бўлса-чи? У биринчи бор, 1981 йилда минага дуч келганида беш ёшли бола бўлган. Ўшанда ҳам улар Ғазнига кетишган экан. Яхшиям портлаш натижасида унинг битта оёғи узилиб қолган. Ахир буткул парчаланиб кетиши ҳам мумкин эди.

Бу мудҳиш фикр Лайлонинг бошини ғувиллатиб юборди.

Бир куни кечаси кўчада қандайдир учқун чақнади. Лайло ўзида йўқ қувониб кетди. Каравот остидан бекитиб қўйган фонарчани олди. Жин урсин, батареикаси ўтириб қопти. Майли, энг муҳими, у қайтибди-ку! Ҳа, Лайлонинг қувончи чегара билмасди.

Ташқаридаги фонар ёғдуси эса, зулмат кўксини тилиб, тинимсиз ёниб ўчарди.

Эртаси эрталаб Лайло Тариқнинг ёнига югурди. Бу пайтда кўчада Хадим ва унинг ўртоқлари негадир қўлларидаги таёқни лойга санчганча, ҳиринглаб туришарди. Лайло бошини ҳам қилиб, уларнинг ёнидан хўмрайганча ўтиб кетди.

– Нима қип қўйдинг? – дея ҳовлиқди у эшик очган Тариққа кўзи тушиши билан. У Тариқнинг дадаси саргарош эканини унутганди. Тариқ тап-тақир қилиб қиртишланган бошини сийпалаб, илжайди:

– Ёқдимми?

– Худди янги хизматга борган аскарга ўхшаб қолибсан.

– Ма, ушлаб кўр, – бошини эгди Тариқ.

Боши шунақа текис, думалоқки, бошқа болаларникига умуман ўхшамайди. Тариқнинг бўйни ва пешонасини офтоб урибди.

– Бунча узоқ қоп кетдинг? – чўччайди Лайло.

– Амаким касал бўп қопти. Кир уйга!

Бола қизчани меҳмонхонага олиб кирди. Лайло бу уйдаги ҳар бир майда жиҳознинг кўрини-

ши ва жойлашган ўрнини ёд биларди. Девордаги эски гиламдан тортиб, йиғма каравот устидаги ёпинчиққача, эски журналлардан то аккордеон филофигача – ҳамма-ҳаммаси унинг кўз ўнгида муҳрланиб қолган.

– Ким келди? – сўради Тариқнинг онаси ошхонадан туриб.

– Лайло, – деди бола уни стулга таклиф қиларкан. Меҳмонхонанинг деразалари ҳовлига қараб очиларди. Дераза олдида Тариқнинг онаси ёпиб қўйган тузлама ва мурабболар териб қўйилганди.

– Ие, келинимиз кеп қопти-ку! – деди хонага кириб келган оқсоч, қотма дурадгор – Тариқнинг отаси ва қулочини кенг ёйди.

У қизчанинг пешонасидан ўпаётганида Лайлонинг димоғига нам ёғоч ва пайраҳанинг ёқимли ҳиди урилди.

– Қизимни кўпам уялтираверманг, кейин бизникига кирмай қўяди, – деди шарбат тўла идиш, сузгич ва тўртта финжон терилган патнисни столга қўяркан. Стол устида қизил тусдаги ой ва юлдузлар тасвири туширилган дастурхон ёзиғлиқ турарди. Деворда Тариқнинг болаликдаги сурати осифлиқ турар, унда болакайнинг ҳар иккала оёғи бус-бутун эди.

Тариқнинг ота-онаси жудаям меҳрибон, самимий кишилар эди. Тариқ туғилганда онаси эллик ёшга яқинлашиб қолган экан. Ҳозир уларнинг ҳар иккиси чол-кампирга ўхшаб қолганди.

– Отанг яхши юрибдими? – сўради Тариқнинг онаси. Аёлнинг бошидаги эски парик бир тарафга қийшайиб тургани учунми, тагидан унинг оппоқ сочлари кўриниб турарди.

– Яхши, раҳмат, – деди Лайло. – Аввалгидек нон заводда ишлайдилар.

– Ойинг-чи?

- Ҳар доимгидек, бир ундоқ, бир бундоқ.  
 – Ҳа, она учун фарзанд соғинчидан ёмони бор эканми?  
 – Биз билан овқатланасан-а? – сўради Тариқ.  
 – Бўмасам-чи, – деди онаси. – Мана, шўрвамиз ҳам пишай деб қолди.

Лайло уялиб бош эгди. Аслида бу хонадонда, Тариқ бор даврада овқатланиш Лайло учун жуда ёқимли эди. Овқат устида ҳам суҳбат тўхтамасди. Улар пуштун бўлишса-да, Лайло бор пайтда форсийда гаплашишарди. Отасининг айтишича, тожиклар ва пуштунлар орасидаги муносабат у қадар силлиқ эмас экан.

– Пуштунлар бизни унча менсимайди, – деганди бир гал унга отаси. – Пуштунлар давлатни 250 йил бошқарган, тожиклар эса 1929 йилда 9 ой ҳукмронлик қилган, холос. Аслида миллатчилик энг катта хато. Пуштун ҳам, тожик ҳам, ҳазорий ҳам, ўзбек ҳам шу тупроқ фарзанди, Ватанимиз бир. Шундан кейин бир гуруҳ одамнинг бошқа бир гуруҳ устидан ҳукмронлик даъво қилиши нотўғридир. Лекин қаерга қарама, тенгсизлик, айирмачилик, тарафкашликни кўрасан...

Лайло ҳеч қачон Тариқ ва ўзи орасида, умуман унинг оиласида ана шундай тенгсизликни, менсимасликни ҳис этмаганди. Тариқнинг ота-онаси Лайлони ҳам худди ўз фарзандидай кўрар, ундан меҳр ва эътиборни дариг тутишмасди.

- Юр, панжпар ўйнаймиз, – деди Тариқ.  
 – Майли, ўғлим, чиқинглар, юқори қаватда ўйнайсизлар! – деди Тариқнинг онаси. – Мен овқатга қарай-чи.

Тепадаги хонада полга кўкрак берганча, панжпар ўйнашга киришдилар. Ўйин давомида Тариқ унга тоғасиникида ўтказган кунлар, кўрган-кечирганлари ҳақида гапиришга тушди. Бу хонада

улар кўпинча бирга дарс тайёрлашар, карталардан уйчалар қуришар, ёмғир ёққан пайтида дераза олдида турганча, ёмғир томчиларини томоша қилишарди.

– Кел, топишмоқ айтиш ўйнаймиз, – деди Лайло карталарни аралаштираркан. – Бурчакдан силжимай, дунёни кезиб чиқар, бу нима?

– Ҳозир, – Тариқ негадир афтини буриштирганча, чўлоқ оёғини аранг кўтариб, унинг тагига ёстиқ қўйди. – Ана бўлди!

Лайло шу онда тариқ илк бор чўлтоқ оёғини очиб кўрсатганини эслади. Боланинг нотекис гадир-будир суяклари ҳилвиरोқ тери остидан туртиб чиққанди. Тариқнинг айтишича, оёғини кесиб ташлашганидан кейин ҳам суяк ўсишдан тўхтамас экан. Протез эса, куннинг иссиқ пайтида терисини сиқиб, ловулатиб юбораркан. Ўшанда Лайло йиғлаб юборганди.

– Марка, – деди Тариқ. Бу пайтда Лайло топишмоқни ҳам эсдан чиқарганди.

– Аввалдан биларкансан-да!

– Ҳечам, ўйлаб топдим.

– Алдама!

– Топқирлигимдан аламинг келяптими? – илжайди Тариқ. – Тушдан кейин ҳайвонот боғига борамизми?

– Топқирмиш! Шахматда доим ютқизасанку!

– Сенга атайин ютқизиб бераман, – деди Тариқ кулимсираб.

– Ўзинг мендан катта синфда ўқисанг ҳам, математикадаги мисолларни менга ечтирасан-ку!

– Э, қўй бу гапларни, борамизми?

– Борамиз, – жилмайди Лайло.

...Улар кўчага чиқишганда, Хадим ўз шотирлари билан ҳамон ўша жойда ҳиринглашиб турарди. Лайло ҳар қанча ўзини босмасин, бари



бир ўша кунги нохуш воқеани айтмасликнинг иложини тополмади. Йўқ, у айтмади, беихтиёр кўксидан отилиб чиқди бу гаплар.

– Нима қилди, дединг?

Лайло такрорлади. Тариқ қўлини Хадим томонга бигиз қилди:

– Шуми? Мана шу аблаҳ шунақа қилдими?

– Ҳа.

Тариқ пуштунчалаб нимадир дея сўқинди. Кейин яна Лайлога ўтирилди:

– Сен шу ерда тур, мен ҳозир.

– Тариқ, шошмагин, керакмас...

Бу пайт Тариқ йўлнинг нарига бетига ўтиб олганди. Хадимнинг юзидаги масхарали табассум сўнди. Белига тиралган қўллари ҳам икки ёнга осилиб қолди. Унинг атрофидаги болалар безовталаниб қолишди.

– Улар неча киши? – қўрқиб кетди Лайло. – 10, 12... Ҳаммаси бирданига Тариққа ёпишса нима бўлади?

Тариқ Хадимдан бир неча қадам берида тўхтади. Эгилиб, шимининг боғичини ечди. Аввалига Лайло ҳеч нарсани тушунмади. Шу пайт Тариқ қаддини тиклади ва бир оёқда ҳақкалаб, протез оёғини шамширдек баланд кўтарганча, Хадим тарафга отилди. Болалар тумтарақай бўлишди. Чанг-тўзон ичида Хадим ҳам, Тариқ ҳам кўринмай кетди. Зарб ва бақир-чақир овозлари қоришиб кетди.

Шу-шу Хадим қайтиб Лайлога хиралик қилмади.

Ўша оқшом Лайло одатдагидек отаси билан бирга овқатланди. Онаси иштаҳаси йўқлигини пеш қилиб, хонасига кириб кетди.

Ҳар оқшом овқатдан кейин отаси бирга дарс тайёрлашади. Отаси қизининг бошқа болалардан ажралиб туриши учун ҳали ўтилмаган мавзу-

ларни ҳам ўргатиб борарди. Гарчи коммунистлар Ҳаким муаллимни ишдан бўшатишган бўлишса-да, у аёлларнинг таълим олишдаги тенгҳуқуқлиги борасидаги фикрларини тасдиқларди. Аини пайтда Кобул университети талабаларининг ҳам учдан икки қисмини қизлар ташкил этарди.

Ота-бола овқатланиб бўлишганида, Лайло дарс тайёрлашни бошламай туриб, отасига Тариқ ва Хадим воқеасини айтишга оғиз жуфтлаганди, бирдан эшик тақиллаб қолди. Бўсағада юзлари шамолдан дағаллашган, гирдигумдан келган, бошига пакол (*афғонистонлик тожикларнинг анъанавий бош кийими – тарж*) бостириб олган киши турарди.

## ТЎРТИНЧИ БОБ

– Мен ота-онанг билан гаплашмоқчи эдим, қизим, – деди нотаниш одам Лайлога қараб.

– Сиз ким бўласиз? Нима деб қўяй уларга!

У билан изма-из чиққан отаси Лайлонинг елкасини туртди.

– Ичкарига кир, қизим, борақол!

– Мен Панжшердан келяпман, сизга нохуш хабар келтирдим, – деган гаплар юқорига чиқиб кетаётган қизчанинг қулоғига чалиниб қолди. Зум ўтмай онаси ҳам дарвоза тарафга ошиқди.

Пакол кийган киши паст овозда уларга нималарнидир тушунтира бошлади. Ҳаким муаллимнинг юзи докадек оқариб кетганди. Онаси эса, дод солиб, сочларини юла бошлади.

Эртаси кунни бутун қўни-қўшнилар уларни-кида тўпланишди. Хатми Қуръон қилинди. Кўз ёшларига фарқ бўлган онаизор каравотдан қимирламас, рўмолчаси жиққа ивиб кетганди. Унинг тепасида турган икки аёл навбатма-нав-

бат унинг қўлларини, кўксини, оёқларини уқалаб туришар, бир ҳушига келиб, бир ҳушини йўқотаётган Фариба уларни илғамасди ҳам. Лайло онасининг ёнига бориб, тиз чўкди:

– Ойижон!

Фариба карахт алфозда қизига қаради.

– Қизим, сен бу ёққа юр, онангни безовта қилма, – деди аёллардан бири унинг қўлидан четга тортиб.

Лайло у хонадан бунисига дайдиб юрар, қаерга боришини билмасди. Шу пайт Лайлонинг дугоналари ҳам кириб келишди. Жити ингичка кўлчалари билан Лайлони маҳкам қучиб, йиғлаб юборди.

– Ўзингни қўлга ол, – дея маъюс пичирлади.

Ҳаким муаллим ҳам ўзини қўярга жой тополмай қолганди. Хотини аёлларга «ёнимга киритманглар, кўзимга кўринмасин» дея тайинлаган экан. Ниҳоят, у даҳлизда турган курсига бечораҳол, хокисор қиёфада ўтириб қолди. Кимдир «йўлни тўсиб қўйманг» дея танбеҳ бергач, узр сўраб четлашди, бир оз ивирсиб юргач, ўз хонасига қамалиб олди.

Кечқурун эркаклар Карте-Седа ижарага олинган залга эҳсонга ўтишди. Аёллар уйда қолди. Лайло меҳмонхона даҳлизида, онасининг ёнидан жой олганди. Қариндош ва қўшни хотинлар бирин-кетин ҳол сўрашга киришди. Мана, бошига қора дурра ташлаган Тариқнинг онаси, манави кампир эса, Лайлонинг туғилишида доялик қилган Важма хола... Лайло маҳзун жилмайиб, улар билан сўрашган бўлди.

Магнитофон тасмасидан қорининг ширали овози янгради. Хонада чўккан сукунатга Қуръон оятлари оқа бошлади.

Рашид этикдўзнинг хотини Марям ҳам кириб келди. Қора ҳижоб остидан унинг жингалак кокиллари тошиб турарди. У Лайлонинг рўпарасига келиб ўтирди. Фарибадан ҳол сўраган бўлди.

Аммо, Фароба худди ҳаммасини тушида кўраётгандек, барчага бефарқлик билан боқарди.

– Ойижон, сув ичасизми? – пичирлаб сўради Лайло. Фароба эса, маъносиз кўзларини деворда осилган гилам нақшларига қадаб ўтирарди.

Лайло секин-аста оилалари бошига тушган мусибатнинг моҳиятини тушуниб ета бошлади. Аммо, бари бир у сукутга толган онасининг қалбидаги беомон қайғу пўртанасини ҳис этишга ожизлик қиларди. У акалари Аҳмад ва Нурнинг тирик пайтини эслолмасди. Унинг тасавурида ҳар иккиси баайни эртак қаҳрамонлари сифатида из қолдиришганди.

Унинг назарида Тариқ улардан яқинроқ, ҳақиқий қондош ва жондош мақомида эди. У Тариқнинг нималарни ёқтириши, қандай гапиришию қанақа овқатланишигача биларди. Унинг ўмровидаги митти рубоб тасвирини эслатувчи нори ҳам кўз ўнгида муҳрланиб қолганди.

Алҳол, у онасининг ёнида ўтирганча марҳум акалари учун кўз ёш тўкарди. Ҳолбуки, унинг ҳақиқий акаси фақат битта, у ҳали ўлмаганди...

## **БЕШИНЧИ БОБ**

Дард Фаробани тамомила ҳолдан тойдирганди: кўкраги оғрир, боши айланар, бўғинлари зирқирар, қулоқлари шанғиллар, баданида турли ғурралар пайдо бўлганди. Ҳаким муаллим уни докторга олиб борди. Аммо текширувлар бирор самара бермади, унинг касалини ҳеч ким аниқлаб беролмади.

У аҳён-аҳёнда жазавага тушиб, сочларини юлар, дод солар, айрим пайтларда эса, соатлаб бир нуқтага тикилиб ўтирарди. Гоҳо худди телбадек хоналарни изғиб юрар, ўғилларининг болалиги ўтган хонага киргач, юзида табассум уйғонар-

ди. Худди шу хонада икки ўғли шаталоқ отиб, жанжаллашишар, бир-бирига ёстиқ ирғитар, ниҳоят, шумликдан чарчаб, уйқуга кетишарди. Энди улар йўқ, ҳеч қачон бўлмайдди ҳам. Бу уйда фақат бўшлиқ ва жимлик ҳукмрон.

Онаси фақат беш вақт намознигина мукаммал адо этарди. Бошқа ҳеч нарсанинг унинг учун қизиғи қолмаганди. Уйдаги ҳамма юмушлар Лайлонинг зиммасида қолганди. У ҳамма ишларини битириб, онасининг ёнига ётиб олар, унинг қалин сочлари орасига юзларини босарди. Онаси ожиз қимирлаб олар, қизини бағрига босганча, ўғиллари ҳақида гапира бошларди:

– Аҳмад болагидан мард, жасур бола эди, ўзидан уч ёш катта болаларни ҳам йўриғига соларди. Нур бўлса, расм чизишни ёқтирарди. Уйларни, кўприкларни шунақа ўхшатиб чизардики... Ундан ажойиб меъмор чиқарди... Бизга бу хабарни етказган одамнинг айтишича, болаларимнинг дафн маросимида Аҳмадшоҳ Масъуднинг ўзи шахсан қатнашибди. Ҳа, улар ҳақиқий қаҳрамон эди.

Онаси оғир ҳаракат билан ўгирилиб олди. Лайло унинг кўксига бош қўйди.

– Назаримда ҳар бир сония мен учун дақиқадек, соатдек чўзилади, – хўрсинди она. – Эҳ-ҳе, олдимда яна қанча гам-андуҳга тўла сониялар турибди. Яна уларсиз қанча умрни, эҳтимол, ойлари, йилларни ўтказишим керак. Лайло, кимдир юрагимни босиб тургандек, нафасим қайтади, бўғиламан. Шу даражада ҳолсизланаманки, ҳозир ўлиб қолсам керак деб ўйлайман.

– Ойижон, айтинг, сиз учун нима қилай?

– Сен жудаям яхшисан, қизим, – унинг юзларини силади Фариба. – Фақат мен нолойиқ онаман сенга!

– Унақа деманг! Ойижоним менинг!

Онаси юзларини ёстиққа босди. Мана, Фарибанинг сочлари орасида оқ толалар анча кўпайибди. Томоғи ҳам салқиб, осилиб қолибди. Тикмачокдек бармоқларидаги узук ҳам ўйнаб қолган...

– Ойи, сиздан бир нарсани сўрасам, майлими?

– Сўра.

– Мабодо сиз... – Лайло гапини давом эттиролмади. Бу ҳақда сал аввалроқ у Ҳасина билан гаплашиб қолган, кейин уйдаги ҳамма хапдориларни ахлатхонага ташлаб, ошхонадаги сих, пичоқ ва санчқиларни беркитиб қўйишганди. Ҳасина ҳовлидан топиб олган арқонни ҳам кўздан бекитишди. Ҳаким муаллимнинг устараси, пискалари ҳам қаёққадир йўқолди. У бу ҳақда отасини огоҳлантириб, ундан бирор таскин кутганди. Аммо отасининг кўзлари маъносиз бўшлиқни кўра олди, холос.

– Ойи, мабодо сиз... – чайналди яна Лайло. – Мен ёмон кўрқяпман.

Онасининг юзларида синиқ табассум жонланди:

– Бу гапни эшитган куним, ўзимни бир нима қилиб қўйишим аниқ эди, – шивирлади онаси. – Кейин ҳам бир неча бор шу ҳақда ўйладим. Лайло, энди кўрқмасанг ҳам бўлади. То Ватанимиз озодлигини ўз кўзим билан кўрмасам, ўлмайман. Ёруғ кунларни болаларим менинг кўзим билан кўришади. Кўрқма, қизим!

## ОЛТИНЧИ БОБ

Таксичи узун ҳарбий «уазик»лар ва БТРлар карвонини ўтказиб юбориш учун, машинани йўл четида тўхтатди.

– Армияни, техникаларни қаранг, – деди ҳайдовчи. – Шунча кучни сопқонидан бошқа қуроли бўлмаган деҳқонлар тўдасига қарши ишлатиш кулгили эмасмикин?

Ҳарбийлар ўтиб кетгач, улар яна йўлга тушишди.

– Агар яна тўхтатишмаса, олдимизда мана шунақа карвон чиқиб қолмаса, бир соатда етиб борамиз.

Бу саёҳатнинг ташаббускори Ҳаким муаллим, иштирокчилар эса, унинг ўзи, Лайло ва Тариқ эди. Ҳасинани ҳам таклиф қилишганди, аммо отаси рухсат бермади. Ҳаким муаллим бир кунга такси ёллаб, уларни мана шу сафарга олиб чиққан, қаёққа боришларини айтмаган эди.

Улар эрталаб соат бешда йўлга тушишган. Аввал машина ойнасидан қорли чўққилар ўта бошлади, кейин улар ўрнини қуёшда қовжирган тепаликлар, ялангликлар, лойсувоқ кулбалар, буғдойзорлар эгаллади. Уфқда кўчманчиларнинг ўтовлари қорайиб кўринарди. Ниҳоят, куйиб кетган совет танклари, уриб туширилган вертолёт қолдиқлари кўзга ташланди.

Тушга яқин иккита блокпостдан ўтиб, водийга чиқиб олишди. Ҳаким муаллим узоқдан қизариб турган деворларни кўрсатди:

– Бу Шаҳри Зоҳак. Бу ерда бир пайтлар қалъа бўлган. Уни 900 йил муқаддам босқинчилардан ҳимояланиш учун ота-боболаримиз қуришган. 13-асрда бу ерни босиб олмоқчи бўлган Чингизхоннинг невараси мудофаачилар томонидан ўлдирилган. Кейин Чингизхоннинг ўзи катта қўшин билан келиб, қалъанинг кулини кўкка совурган.

– Ҳа, азизларим, – енгил хўрсинди таксичи. – Ватанимиз босқинчилар зулмидан қутулмади, қутулмади. Аввал Искандар, кейин Сосонийлар, араблар, мўғуллар, энди эса, шўравийлар...

Яна ярим соат ўтиб, машина тўхтади.

– Қани, болакайлар, тушинглар-чи, – деди муаллим машина эшигини очиб. – Қаранглар қани!

Рўпарасидаги манзарадан Тариқнинг оғзи ланг очилиб қолди. Лайлонинг ҳам ҳайрати уникидан

кам эмасди. Улар буюкликнинг бу қадар бетимсол кўринишига илк бор дуч келиб туришарди.

Тоғ бағрини ўйиб ишланган иккита баҳайбат Будда ҳайкали ҳар қандай инсонни чексиз ҳайратга фарқ этарди. Икки минг йил илгари ҳам бу буюк ҳайкаллар пойида Буюк ипак йўли бўйлаб карвонлар ҳаракатланишган. Ҳайкалларнинг турли қисмидаги катта-кичик тирқиш – форлар худди пишлоқ бетидagi тешикчаларни ёдга соларди.

– Биз унинг олдида қанчалик кичкинамиз, – шивирлади Тариқ.

– Тепага чиқамизми? – сўради Ҳаким муаллим. Болалар унга эргашишди. Тошлар ичидан уйилган қоп-қоронғи зинапоялар бўйлаб тепага ҳаракатланиш Тариқ учун осон эмасди. У бир қўли билан Лайлога, иккинчи қўли билан муаллимга суяниб борарди. Бу тор зинали туйнук тўппа-тўғри чўққига олиб чиқар, унинг нариги учидан ёруғлик кўзга ташланарди.

– Эҳтиёт бўлиб қадам босинглар, оёқларинг тойиб кетмасин, – муаллимнинг овози деворларга урилиб акс садо берди. – Пастга қараманглар, бошларинг айланиб кетади.

– Бир пайтлар бу форларда беш минг нафарга-ча будда руҳонийлари яшаган, – тушунтирди муаллим. – Фор деворларига улар ўз кечинмаларини ёзиб қолдиришган. – Яна бир оз тепага чиқиш-гач, муаллим илова қилди. – Мана, болалар, биз ҳайкалнинг бошига чиқиб олдик. Бу ердаги туйнукдан ташқарини бемалол кўриш мумкин.

Улар уч киши сифадиган унгурга аранг жойлашиб олдилар. Чиндан ҳам бу ердан бутун водий кафтдек кўриниб турарди. Кенг буғдойзору бедзорлар, баланд тераклар, сув тўла ариқлар худди китоб саҳифасидаги сувратдек аниқ-тиниқ кўринарди. Бу ердан одамлар шунақа кичкина кўри-



нарканки! Бомийнинг ҳар бир кўчаси, чойхона ва дўконлари ортидан баланд тоғ чўққилари кўзга ташланарди. Тепада эса, булутсиз, мовий осмон...

– Қанчалик жимжит, – ҳайратини яширолмади Лайло олисларда жимгина ўтлаб юрган отлар ва қўйлар подасига ҳавас-ла тикилиб.

– Ҳа, бу ердаги сокинлик ва фароғатни бошқа ҳеч қаердан тополмайсиз, – деди муаллим қизининг гапини маъқулаб. – Кўряписизларми, болаларим, юртимиз нақадар буюк ва олис ўтмишга эгалигини. Албатта, китобларда ҳаммаси ёзилган, аммо кўз билан кўрган бошқача!

Тариқ водий узра эркин парвоз қилаётган лочинга хаёлчан термилиб қолганди.

– Ойимни ҳам бу ерга олиб келганмисиз? – сўради Лайло.

– Ҳа, сизлар туғилмасингиздан аввал ҳам, кейин ҳам олиб келганман. У бунақа саёҳатларни жонидан ориқ кўрарди. Сен унинг шодон кулгисини эшитганмисан? Ҳа, мен айнан ана шу беғубор, қувноқ кулгиси учун ҳам унга уйланганман. Рост, унинг кулгисидан тамомила эсимни йўқотиб қўярдим.

Лайлонинг юраги алланечук жўшқин ҳисларга тўла бошлади.

– Форларни кириб кўрса бўладими? – сўради Тариқ.

– Фақат эҳтиёт бўл!

Пастда учта кичкина одам нималарнидир қизгин муҳокама қилиб борар, улар устидан қизил, яшил, сариқ барглар ёғиларди.

– Ўғилларимни жуда соғинаман, – тан олди Ҳаким муаллим ғамгин нигоҳларини бир нуқтага қадаб. – Мен буни сездирмасликка тиришаман. Онанг эса бошқача, шодлиги ҳам, қайғуси ҳам сиртида. Мен умуман бошқачаман. Болаларимнинг ўлими мени тамоман букиб қўйди. Лайло,

кунларнинг ўтиши мен учун қанчалик қийин эканини билсанг эди...

Муаллим сездирмай намланган кўзларини артиб олди. Овози ҳам бўғилиб қолди. Тишини-тишига босиб, бўғзини куйдириб келаётган йиғини ичига ютди.

– Бахтимга сен бор экансан, – у қизининг малла сочларини сийпалади. – Худога ҳар куни минг бор шукур қиламан. Онанг аламдан ўзини ҳам, бошқаниям билмай ётган бир пайтда сен мен учун бу ҳаётнинг яккаю ёлғиз мазмуни бўлиб туюласан.

Лайло отасининг торгина кўксига бошини қўйиб жим қолди. Анча пайт шу алфозда қотиб қолишди.

– Мен бу заминни ҳар қанча севсам-да, гоҳида узоқларга бош олиб кетгим келади.

– Қаёққа? – сўради Лайло.

– Бошим оққан тарафга! Аввал Покистонга. У ерда ҳужжатларни тайёрлагунча бир-икки йил вақт керак бўлади.

– Кейин-чи?

– Дунё кенг. Масалан, Америкага кетсак. Денгиз яқинроқ жойга. Калифорнияга. У ерда ишлаб, анчагина пул орттирардик. Кейин кичкина афғон ресторани очардик. Деворда афғон гиламлари, Кобул манзараларини осиб қўярдик. Ойинг қўли гул пазанда, бизнинг ресторан тез орада миждозлар билан гавжум бўлиб кетарди. У ерда сенам ўқишни давом эттирасан. Олдин ўрта мактабни, кейин коллежни битирасан. Бўш вақтингда ресторан ишларига, онангга қарашардинг. Бизнинг ресторанимизда туғилган кунлар, байрамлар, тўйлар ҳам ўтказилади. Миждозларимиз асосан афғон муҳожирларидан иборат бўлади. Кечқурун ресторанда одам сийраклашиб қолгач, биз учовлон ўтириб чой ичардик. Тасаввур қиляпсанми, бир кунлик ҳордиқ ана шу чой билан чиқиб кетади.

Отаси жим қолди. Лайло ҳам лом-мим демади. У онасини билади. Бу ердан бир қадам ҳам жилмайди. Аҳмад ва Нурнинг тириклигида ҳам у Ватанидан кетишни хаёлига келтирмасди. Мана, ўғиллари Ватан учун шаҳид бўлишди. Уларнинг қони шу заминга тўкилди, хоки шу тупроққа қоришди. Энди бу муқадас заминни тарк этиш энг аввало фарзандлар хотирасига нисбатан хиёнат-ку.

Шу чоқ Лайлонинг қулоғи остида онасининг жаҳддор овози жаранглади: «Бу гап миянгизга қай гўрдан кеп қолди? Бу ҳаётда мен фақат битта таскин билан яшаяпман: мен болаларимнинг покиза қони томган ерда юрибман, бу ердан менинг тиригим тутул ўлигимни ҳам олиб кетолмайсиз!»

Отаси усиз ҳеч қаёққа кетмайди. Демак, унинг барча орзулари шамолга соврилади.

Онаси қачондир «Мен эътиқодсиз, шаккок бандага эрга теккан эканман», деганди. Лекин у асосий нарсани унутганди. У эридаги ишонч ва эътиқодни пайқаш учун ойнага, ўз кўзларига боқиши етарли эди.

Пастга тушишгач, учовлашиб уйдан олиб келинган тухум, нон ва картошка билан тамадди қилишди. Кўп ўтмай, ҳайдовчи шаҳарчадан қовурилган бодом олиб келди. Кейин муаллим сумкасидан юмшоқ муқовали, Лайлога таниш китобни олиб варақдай бошлади. Бу Эрнст Хемингуэйнинг «Чол ва денгиз» китоби эди. Унда катта балиқни тутиш учун қайиғида очиқ денгизга чиқиб кетган Сантяго исмли чолнинг саргузаштлари ҳақида ҳикоя қилинарди. Чол қирроққа етиб келганида, у тўрга туширган улкан балиқни ақулалар аллақачон нимталаб ташлашган, ундан фақат суякларгина қолган эди.

Лайло ариқ бўйида сувга оёқларини тиқиб ўтирганча хаёлга чўмди. Унинг боши узра чивинлар гужгон ўйнар, мезонлар учиб юрарди. Олислардан эшаклар ҳанграши, дизел генераторининг тариллаши эшитилди.

Отаси денгиз бўйига кетмагани ҳам тузук. Ахир соддадил Жити, ҳазилкаш Ҳасина ва энг асосийси – Тариқсиз Лайло яшай олармиди? Ахир атиги икки ҳафталик айрилиққа чидолмади-ку! Бутун умр ундан ажралиш...

Яна ким билсин, фақат яқин инсонингдан узоқлашмаслик учун бутун умрни уруш ва таҳликали ҳаёт ичида ўтказиш ҳам тўғри эмасдир? Бехтиёр, негадир айна дамда Тариқнинг Хадимни ясама оёғи билан боплаб туширгани кўз олдига келди. Орадан олти ой ўтди. 1988 йилнинг апрели етиб келди. Кунларнинг бирида Ҳаким муаллим ошиқиб кириб келди.

– Шартнома имзоланди, – дея қичқирди у оstonадан туриб. – Женевада. Шўравийлар кетишади. Тўққиз ойдан кейин Афғонистонда битта ҳам шўравий аскар қолмайди.

– Бари бир коммунистик тузум қолади-ку, – деди Фароба каравотдан силжимай. – Нажибулло ҳеч қаерга кетмайди-ку! Уруш ҳам тугамайди. Ҳали қувонишга эрта.

– Нажибулло узоқ турмаса керак, – деди Ҳаким негадир ишонч билан.

– Ойи, улар кетишади, кетишади! – ирғишлади Лайло.

– Ҳа, дадажонинг билан қувонаверинглар. Лекин мужоҳидлар Кобулга ғалаба билан киришмас экан, мен ҳали-вери қувонмайман.

Онаси бошини аделга буркаб олди.

## ЕТТИНЧИ БОБ

1989 йил, январ. Яна уч ой ўтиб, Лайло 11 ёшга тўлади. Кун тунд ва совуқ эди. Одамлар Кобул кўчаларини тарк этаётган шўравийларни кузатиш учун кўчага оқарди. Лайло ота-онаси ва Ҳасина билан Вазир Акбархонда масжиди олдида турар, уларнинг олдидан танклар, БТРлар, юк машиналари тўхтовсиз ўтиб борар, қор учқунлай бошлаганди.

Кимдир масхараомуз ҳуштак чалади, кимдир бақиради. Афғон армияси аскарлари эса, кўчадан ўтаётган шўравийларни ихота қилиб турарди. Фароба ўғиллари Аҳмад ва Нурнинг ҳовлидаги нок дарахти остида тушган расмини баланд кўтариб олган, у сингари вафот этган яқинларининг портретларини кўтариб олган одамлар кўп эди.

Кимдир Лайлонинг елкасини қоқди. Унинг ортида Тариқ турарди.

– Бизни қандай қилиб топдинг?

– Қалай, ярашибдимми? – Тариқ бошидаги русларнинг қулоқчин телпагини ушлаб қўйди.

– Афтинг бирам кулгили!

– Ўзим атайин кийиб олдим.

– Ота-онанг ҳам шунақа кийимлар кийиб олишганми?

– Улар уйда ўтиришибди.

Ўтган ёзда Тариқнинг Ғазнидаги амакиси юрак хасталигидан вафот этди. Бир неча ҳафта ўтиб, отасининг ҳам юраги хуруж қилди. У ҳозир анча заифлашиб, жиззаки бўлиб қолган, олдингидек ҳазилкашлигидан асар ҳам қолмаганди.

Ҳаким муаллим, Фароба, Тариқ ва Лайло автобусда уйга қайтишди. Онаси суратни кўксига босганча, автобус ойнасидан кўз узмай келарди. Автобусдагилардан бири «шўравийлар

кетса-да, Нажибуллога қуrol етказишни тўхта-тишмайди», деди.

– Ҳа, уруш энди янгича кўринишда давом этади, – фалсафа сўқиди яна кимдир.

Шу куни кечкурун Лайло Тариқ билан «Парк» кинотеатрига тушишди. Атайин қилгандек, форсчага дубляж қилинган қандайдир совет филми берилаётган экан. Унда савдо кемаси капитанининг Алёна исмли қизини унинг ёрдамчиси севиб қолади. Филм тўй саҳнаси билан тугайди. Капитан ҳам қизининг ёрдамчиси билан турмуш қуришига розилик беради. Келин-куёв ҳамманинг ичида ўпишиб, ароқ ичишади.

– Ўлсам ҳам уйланмайман, – пичирлади Тариқ.

– Менам турмушга чиқмайман, – унга қўшилди Лайло.

– Тўй шунақа аҳмоқлик бўладиган бўлса... Турган-битгани галва, тўполон. Ортиқча чиқимдорлик.

– Нимаси чиқим?

– Умрингда бир марта киядиган кийим учун қанча пул кетади, биласанми? Агар мен уйлансам, саҳнада фақат уч киши бўлади. Мен, келин ва чаккамга тўппонча тираб турган киши.

Орқа тарафдан кимдир тўнғилади. Экранда йирик планда ўпишаётган келин-куёвни кўрсатишди. Лайлонинг юраги қафасдаги қушдек потирлади. Қулоқлари шанғиллаб, юзлари ловуллаш бошлади. Тариқнинг ҳам бир кўзи экранда, иккинчиси Лайлода эди. Наҳотки, у ҳам қизнинг ботинидаги тўфондан хабардор бўлса...

Ростакамига ўпишиш қанақа бўларкин? Тариқ бетоқат типирчилади.

– Биласанми, Лайло, Сибирда аксирадиган бўлсанг, мишифинг нўхатдек ерга тарақлаб туншармиш!

Икковлари ҳам кулиб юборишди. Аммо уларнинг кулгиси алақандай асабий эди. Кинодан

чиқишганида қоронғи тушиб қолган, Лайло қоронғида Тариқ унинг юзини аниқ кўролмаслигидан хурсанд эди.

### САККИЗИНЧИ БОБ

1992 йил, апрел. Тариқнинг отаси ўтган уч йил ичида бир неча бор инсултни бошидан кечирди. Энди унинг чап қўли ўзига умуман бўйсунмас, нутқи ҳам тушунарсиз бўлиб қолганди. Айниқса, у газабланиб, бақирганда ҳеч нарсани тушуниб бўлмасди.

Тариқнинг соғлом оёғи ўса бошлагач, «Қизил Хоч»дан янги протез олди. Албатта, ярим йил кутиш эвазига. Ҳасинани Лаҳорга олиб кетиб, ўша ердаги қариндошига эрга беришди. Лайло ва Жити уни кузатишга боришганида, бўлажак эри Германияга кетиш учун ҳужжатларни тайёрлаганини айтди. Улар йиғлаб, қучоқлашиб видолашишди. Чунки, қайта кўришмоққа ҳеч ким ишонмасди.

Шўравийлар ҳукумати кутилганидан тезроқ парокандаликка юз тутди. Ягона таянчидан айрилган Нажибулло ҳам ўз сиёсатини ўзгартириб, тақводор мусулмонга айланди.

– Ўғри қариса сўфи бўларкан, – дея бунга изоҳ берди Ҳаким муаллим. – Кеча мусулмонларнинг қонини ичган золим бугун мачитга кириб, намоз ўқиса-я?

Кобул атрофидаги ҳалқа торайиб боравергач, Нажибулло ҳам мужоҳидлар билан келишишга қарор қилганди. Аммо, иложи бўлмади. Ниҳоят, Лайло ўн тўртга тўлган кунларда Нажибуллони ағдаришди. У Доруломон қасри яқинидаги БМТ ваколатхонасидан паноҳ топди.

Коммунистлар билан жанг ниҳоялаб, мужоҳидлар ўн йиллик уруш сўнгида Кобулга тантана би-

лан кириб келишди. Уларнинг йўлбошчилари сафида Фарибанинг кумири – Панжшер арслони номини олган тожик Аҳмадшоҳ Масъуд ҳам бор эди. Эртаси куни Фароба умуман бошқача кайфиятда уйғонди. Беш йилдан бери қора кийимини ечмаган аёл, энди фақат байрамларда киядиган мовий кўйлагини кийди. Дераза ва полларни ювиб чиқди. Уйларни тозалаб, ваннани қатрон қилди.

– Бугун зиёфат қиламиз, – деди у тантанавор оҳангда.

У ошхонага кириб, қўлларини биқинига тиради ва норози қиёфада Лайлога юзланди:

– Вой-вўй, ошхонамни нима қип қўйдинглар, – сўради у беозор норозилик билан. – Ҳамма нарса-ни жойини алмаштириб ташлабсизлар, ҳеч нарса-ни топиб бўлмаяпти.

Лайло онасидаги бу кутилмаган ўзгаришдан ҳам ҳайратда, ҳам бир оз хавотирда эди. Онаси байрам дастурхони таомномасини тузиб чиқди: кўкатли шўрва, ош, котлет, устига ялпиз сепилган, қатиқ сурилган манти...

– Қошларингни терибсанми? – гуручнинг тошини тераётиб, қизидан сўради.

– Озгина!

Онаси гуручни кафти билан ишқалаб юваркан, яна қизига юзланди:

– Тариқ дўстинг юрибдими?

– Ҳа, отаси касал бўп қолган.

– Ҳозир неччига кирди?

– Билмадим, олтмиш-етмишларда шекилли!

– Мен Тариқни сўраяпман.

– Ҳа, уми, яқиндагина 16 га тўлди.

– Чиройли бола, тўғрими?

Лайло уялиб, елка қисди.

– Нима демоқчисиз бу билан, ойи?



– Ҳеч нарса, – самимий жилмайди онаси. – Биласанми, бир пайтлар сизлар бирга ўйнасанглар, у ер-бу ерга бирга борсанглар ҳамма кулиб, жилмайиб қарарди. Энди эса, сизлар катта бўлдинглар, қарашлар ҳам ўзгаради. Сен... сийнабанд тақяпсанми?

Лайло бу саволдан гангиб қолди.

– Нега менга бир оғиз айтмадинг? – ҳаддидан ошаётганини билган онаси сал юмшади. – Тариқ минг қилсаям ўғил бола. Қизлар билан юрсаям ҳеч ким уни айбламайди. Сен эса, қиз боласан. Сендек чиройли қизлар учун ор-номусни асраш жуда нозик масала. Тасаввур қил, қўлингда кичкина майнани ушлаб турибсан, кафтингни ёзишинг билан у йўқ – учиб кетади. Номус, иффат ҳам ана шу майнага ўхшайди.

– Ўзингизам бир пайтлар отамни кўриш учун девор ошиб ўтганингизни айтгандингиз-ку!

– Биз қариндош эдик. Ва турмуш ҳам қурдик.

– Биз Тариқ билан дўстмиз, холос, – деди Лайло бир оз қатъиятсизлик билан. – У... худди акамдек...

– Ҳеч қанақа аканг эмас, – онасининг қовоғи солинди. – Сенинг акаларинг Ватан учун шаҳид бўлишди. Ўша дурадгорнинг чўлоқ ўғли сенга ака бўп қолдимми?

– Ойи, кечиринг, унақа демоқчи эмасдим...

Онаси оғир хўрсинди.

– Нима бўлганда ҳам, энди қадамингни билиб бос, одамлар гап-сўз қилишмасин!

Лайло нимадир демоққа оғиз жуфтлади, аммо индамади. Онаси ҳақ эди. Лайло Тариқ билан кўчаларни айланиб юрганида, одамларнинг уларга қаратилган қизиқувчан нигоҳларини кўп бора ҳис этган. Унинг назарида ҳамма уларга бошдан-оёқ назар солиб, ортларидан пичирлашиб қоладигандек туюларди. У айни чоғда Тариққа нисбатан бўл-

ган ҳисларига ич-ичидан иқрор бўлишдан бошқа чора топмаганди. Тариқ ёнида бўлганида миясига турли қарама-қарши ўйлар гужғон ўйнар, уларни қувиб ҳайдашга эса мажзоли етмасди. Кечалари алламаҳалгача уни ўйлаб уйғоқ ётар, баъзида Тариқнинг юмшоқ лабларининг нафис, нозик вужуди бўйлаб сузаётганини, унинг қўллари бўйни, елкалари оша қуйи интилаётганини ҳис этарди. У бундай хаёлларнинг гуноҳ эканини билса-да, бошдан-оёқ бутун танасини қоплаб оладиган лаззат тўлқинидан ҳам юз ўгиролмасди.

– Сизлар Лайли ва Мажнуннинг худди ўзисизлар, – деганди кунларнинг бирида қўшнилари Рашид этикдўз.

Онаси ҳақ. Аммо энди қизига насиҳат қилишга ҳаққи бормикин? Бу гапни отаси айтса бошқа гап эди. Шунча пайтгача қаерда эди? Ақалли онасининг эътиборини ошхонадаги буюмчалик торта олдимми?

Лайло онасининг бугунги ажойиб кайфиятини бузмаслик учун лом-мим демади. Мутелик билан бош ирғади.

– Балли, қизим, айтганча, отанг кўринмайди-ми? Қани менинг муҳтарам эргинам?

Кун жуда ажойиб ва беғубор эди. Эркаклар ҳовлининг бир четида эски йиғма курсиларда ўтирганча, чой ичишар, сигарет чекишар, мужоҳидларнинг режаларини муҳокама қилишарди. Бу мамлакат энди Афғонистон Ислом Давлати деб ном олганди. Ҳукумат Пешоварда ташкил этилган йирик гуруҳлар қўлига ўтганди.

Каттароқ болалар эса уйнинг ҳар тарафига тарқаб кетишган. Магнитофондан Устод Сабоҳанг ижросидаги ғазаллар жарангларди.

Эркаклардан бири кўра устига терилган кабоб сихларини бир маромда айлантитар, Ҳаким му-

аллим билан Тариқнинг отаси қари нок дарахти остида шахмат ўйнашарди. Тариқ уларнинг рўпарасида ўтирганча, ўйинни томоша қилар, ора-сира суҳбатга қулоқ берарди. Лайло билан Жити эса, бу пайтда ошхонада кўзачаларга қаттиқ солиш билан банд эдилар. Житининг қиёфасидаги одатий тортинчоқлик ва жиддийлик йўқолганди. Унинг бундай шўх-шодон қиёфада кўрмаган Лайло ҳам аввалига ҳайрон бўлди. Сочларини ҳам бошқачасига турмаклаб, кокиллари-ни қизғиш тусга бўяб опти. Маълум бўлишича, ҳаммасига сабаб Житининг катта акаси ўйнаётган футбол жамоасининг дарвозабони – ўн саккиз ёшли Собир деган йигит экан.

– Сочлари тим қора, шунақа ширин жилмаядики, эриб кетаман, – деганди бир гал у дугонасига. – У билан бор-йўғи икки марта учрашдик. Менинг қўлимни сўрамоқчи. Шу йил ёзда тўйимиз бўлиши мумкин, Лайло! Эртаю кеч фақат уни ўйлаяпман.

Жити ҳозир ҳам хаёлчанлик билан бодринг тўғрар, чамаси ўша йигитни ўйлаётган бўлса керак, юзида орзуманд табассум жилва қиларди. Унинг рўпарасида Фариба хоним оҳорли кийимида тухум арчиш билан овора эди. Унга доя Важма билан Тариқнинг ойиси ҳам кўмаклашиб туришарди.

– Мен бош қўмондон Масъудга ўғилларимнинг суратини совға қиламан, – дерди Фариба Важма кампирга. – Ахир у болаларимнинг жанозасида шахсан иштирок этган. У ақлли, бағрикенг инсон.

Аёллар ошхонадан олиб чиқилган хилма-хил таомлар – мастава, нон ва курма солинган идишларни дастурхонга тера бошлашди. Шу пайт бўсағада Тариқ кўринди:

– Эркаклар кириши мумкинмас, – дея қовоқ уйди Жити.

– Қани жўна, – бобиллади Важма кампир.

Тариқ эса, илжайиб тураверди. Унга аёлларнинг ҳайдови ҳам, ўзининг ўжарлиги ҳам хуш ёқаётгандек эди.

Тариқнинг ҳам анча бўйи чўзилиб, қад-қомати келишиб қолганди. У энди юзларини қиртишлаб, тифдек дазмолланган шимларни кийиб юрар, кўйлагининг калта енги остидан бақувват, мускулдор билаклари бўртиб турарди.

Лайло ер остидан Тариққа мўралади. Унинг ўғринча қарашини пайқаб қолган онаси, айронга тўғралган бодрингни аралаштираётиб, лабларини қаттиқ тишлади-да, кулимсираб бош чайқади.

Эркаклар ташқарида, аёллар меҳмонхонада овқатланишга ўтиришди. Таом еб бўлингач, чойхўрлик бошланди. Тариқ Лайлога сирли им қоқиб, ўзи ташқарига отланди. Орадан беш дақиқа ўтиб, Лайло ҳам ташқарилади. Тариқ уни кўчада, уч ҳовли нарида лабида сигарета қистирганча кутиб турар, Устод Ақвал Мир ижросидаги эски пуштунча ашулани ўзича хиргойи қиларди:

*Да зе ма, зига ватан,  
Да зе ма дада ватан!*

(«Бу менинг гўзал ватаним, бу менинг севимли ватаним!»)

– Ойинг кўриб қолса, ўлдиради, – деди Лайло торкўчага қайрилиб, йигитнинг юзига баралла тикиларкан.

– Билмайди, – деди Тариқ тутун пуркаб. – Нима, чақиб берасанми?

Лайло оёғи билан оҳиста тепинди:

– Сирингни шамолга айтиб, дарахтдан ўпкалама, – деган экан Халил Жаброн.

– Қара-я, билмабман!

– Қани, бер сигаретани!

Тариқ ортга чекиниб, бош чайқади ва қўлини елкасига қўйди.

- Сенга чекиш мумкинмас!
- Сенга мумкинми унда?
- Ҳа, қизларга бу ёқади.
- Қанақа қизларга ёқаркан?
- Чекадиган йигитлар уларнинг эътиборига

тезроқ тушармиш.

- Ҳечам-да, ким айтди шунақа деб?
- Демак, сенингча, ёқмайди, шунақами?
- Афтингга қара, худди тентакка ўхшайсан!
- Ўлдирасан-да одамни, Лайло!
- Энди айт, қанақа қизларга ёқишингни?
- Рашк қиляпсанми?
- Шунчаки сўрадим, жинни!

– Бу ерда туришимиз хавфли, – деди Тариқ сигарета қолдигини четга улоқтириб. – Менимча, ҳозир бизни роса «чайнашяпти».

Лайлонинг қулоғи остида онасининг гаплари қайта жаранглади: «Тасаввур қил, қўлингга кичкина майнани ушлаб турибсан, кафтингни ёзишинг билан у йўқ – учиб кетади. Номус, иф-фат ҳам ана шу майнага ўхшайди!». Қизнинг виждонини нимадир санчиб ўтгандек бўлди. Аммо Тариқнинг ёқимли чехраси олдида бунақа санчиқлар нима бўпти?

– Узун соч сенга шунақа ярашарканки! – деди Тариқ.

«Юзим уятдан қизардимикин» ўйлади Лайло.

- Мавзуни ўзгартирамиз.
- Қанақа мавзуда гаплашаётувдик?
- Сендек тентакни ёқтирадиган аҳмоқ қизлар

ҳақида.

- Ахир, ўзинг ҳам биласан-ку!
- Нимани?
- Бу ҳаётда мен учун сендан бўлак қиз йўқ!

Лайлонинг боши айланиб кетди. Бироқ Тариқнинг юзида мавҳум табассумдан бўлак маънони илғаб бўлмасди. У ерга тушган сигарета қолдигини оёғининг учи билан эзфилади. Лайло эндигина нимадир демоққа оғиз жуфтлаган пайтда уларнинг уйидан бақир-чақир, шовқин овози эшитилди. Лайло ўрnidан ирғиб турди. Ортидан оқсоқланганча, Тариқ эргашди.

Бир-бирини энг таҳқиромуз гаплар билан ҳақоратлаётган икки эркак ерда ағанаб олишишарди. Лайло уларнинг ҳар иккисини таниди: бири боя сиёсат ҳақида қизғин баҳслашаётганди. Иккинчиси эса, кабоб пишириш билан машғул эди. Бошқалар уларни ажратишга уринар, Ҳаким муаллим деворга суянганча уларга жим қараб турар, Тариқнинг нотавон отаси эса юм-юм йиғларди.

Маълум бўлишича, «сиёсатчи» асли пуштун бўлиб, Аҳмадшоҳ Масъудни саксонинчи йилларда шўравийлар билан яширин битим имзолаган сотқин дея таҳқирлаган. Тожик кабобпаз ундан бу гапи учун узр сўрашни талаб қилган. Пуштун рад этган. Шунда тожик «Сен Масъудни қўятур, ўз синглингни бил, бир пайтлар шўравийлар аскарларнинг кўнглини овлаб юарди», дея ҳақорат қилган. Шундан кейин ур-тўполон бошланган. Кимдир пичоқ чиқарган.

Бир пайт Тариқ олатасир ичига тушиб қолганини кўриб, Лайлонинг кўзи қинидан чиқиб кетди. Бу пайтда уларни ажратаётганлар ҳам негандир бир-бири билан ёқалашиб кетишган, уларнинг орасида қолиб кетган Тариқ зўр бериб, ўзини четга олишга уринарди. Лайло кейинчалик уларнинг уйидаги меҳмондорчилик жанжалга айланиб кетгани ва Тариқнинг ёқалашаётганлар ичига тушиб қолгани ҳақида анча пайт эслаб юрди.

Шундан кейин раҳбарлик кенгаши Раббонийни президентликка сайлади. Бошқа қуроли гуруҳлар ичида зиддиятлар яна авж олди. Миллий ва сиёсий қарама-қаршиликлар пуштунлар, тожиклар, ҳазорийлар ва бошқа миллатлар ўртасидаги мавжуд келишмовчиликларни янада кучайтирди. Айирмачи гуруҳлар бир-бирига қарши овлоқ-овлоқда тиш қайрай бошлади. Умумий душман йўқолгач, тиш-тирноғигача қуролланган гуруҳлар ўзларининг собиқ иттифоқчилари қиёфасида ашаддий рақибларни кўришди.

Ракеталар ёмғири ёғилган чоғда, одамлар ўзини панага урди. Фароба яна мотам либосига бурканиб, хонасига биқиниб олди.

## ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

– Бу лаънати чинқириқни бирам ёмон кўраман, – деди Лайло. Тариқ маъқуллаб бош ирғади.

Аммо гап бу асаббузар чинқириқда эмас, санокли сониялардан кейин у келтириб чиқарадиган оқибатда эди. Хўш, бу «чинқириқ» кимга наф, кимга мусибат келтирди экан? Ҳуштакни эслатувчи бу чинқириқдан сўнг аллақерда, узоқларда портлаш овози эшитилди ва Лайло ҳам, Тариқ ҳам енгил нафас олди. Ҳарқалай, портлаш уларнинг уйидан анча олисда юз берди-ку! Лекин, кимдир айна пайтда хонавайрон бўлгани аниқ. Агар жони омон қолган бўлса, яқинлари саломат қолган бўлса, уй садқаи сар!..

Ҳар бир портлашдан кейин Лайло ичида дуо ўқиб Худога ёлворар, ишқилиб, Тариқнинг жони омон бўлсин, дея илтижо қиларди.

Кейинги пайтлар Лайло камдан-кам ҳолларда кўчага чиқар, ҳар гал Тариқ унга қўриқчилик қилиб юрар, бу эса, қизга ғоят ёқарди.

– Тўппонча сотиб олдим, – дея мақтанганди у кунларнинг бирида. – Қара, ярим автоматик «беретта!»

Лайло қоп-қора, қўрқинчли қуролга хавотир билан тикилди.

– Мен қуролдан жуда ҳам қўрқаман.

Тариқ тўппончани бармоғида айлантирди:

– Ўтган ҳафта Карте-Седаги бир уйдан учта мурда топишибди. Уч опа-сингил экан. Аввал зўрлаб, кейин сўйиб кетишибди. Қизларнинг бармоғидаги узукларни ҳам тишлаб суғуриб олишибди.

– Илтимос, бунақа гапларни гапирма!

– Қўрқитмоқчи эмасман, лекин бунақа қурол билан ўзимни анча хотиржам сезаман.

– Наҳотки шу сенга ярашса? Наҳот сен ҳам кимнидир ўлдиришга қодир бўлсанг? – сўради Лайло.

– Сен учун ўлдиришга ҳам тайёрман, – деди Тариқ тўппончани камарига қистириб.

Шунда беихтиёр қўллар бирлашди. Кейин эса, лаблар... Бу онда, мана шу ўтли бўсалар, ширин эркалаш олдида Лайло учун Кобул ва унинг тева-рагидаги отишмалару, биродаркушликлар ҳам, онасининг ор-номус чангалдаги майна ҳақидаги насиҳатлари ҳам абас бўлиб кўринди.

1992 йил, Фарбий Кобулда пуштунлар ва ҳазорийлар ўртасидаги шиддатли отишмалар давом этарди. Уйлар вайронага айланган, электр таъминоти издан чиққан, шаҳар зулматга фарқ бўлганди. Турли қийноқлар изи яққол кўриниб турган мурдаларни кўчаларда ҳар кун учратиш мумкин эди.

Ҳаким муаллим хотинини кетишга яна бир бор ундади:

– Ҳаммаси изига тушади, – деди хотини. – Ҳадемай қирғинбарот тугайди. Тинчлик қарор топади.

– Фарйба, бу одамлар урушдан бошқа нарса-ни билишмайди. Уларнинг комини уруш билан кўтарган.



– Ҳамма гапирсаям сиз гапирманг, – қичқирди хотини. – Сиз қўлингизга қурол олиб Ватанни ҳимоя қилдингизми? Шу замин учун нимани қурбон қилдингиз? Энди яна тинчгина жуфтакни ростламоқчимисиз? Сиз хоинсиз!

– Мен? Қанақасига хоин бўлай?

– Кетинг! Қизингизни олиб, истаган жойингизга бораверинг! Етиб борсангиз, менга откритка юборарсиз! Лекин билиб қўйинг, тинчлик албатта қарор топади. Ёруғ кунлар келади.

Ҳақим муаллим индамади. Аммо қўчадаги нотинчликлар сабаб қизини мактабдан чиқариб олди. У энди қизини ўз уйида ўқита бошлади. Ташқарида ўқлар ёмғиридек ёғилаётган пайтда ота қизи билан ўз ҳужрасида Ҳофиз ва Ҳалилий ғазаларини таҳлил қилишар, квадрат тенгламалар ечишарди.

– Қизим, пирамиданинг майдони нимага тенг? – сўради муаллим.

Айни дамда Тариқнинг қалин лаблари, қайноқ нафаси, тим қора кўзлари унинг хаёлини банд этганди. Ўша кундан кейин улар илк бор тунда сирлашган торкўчада икки марта ўпишишди. Охирги марта Тариқ қизнинг гунчадек кўкрагини ҳам оҳиста силаганди...

– Лайло! Пирамиданинг майдонини сўрадим. Хаёлинг қаерда?

– Кечиринг... ҳозир... асосни баландликка қўпайтириб, кейин учга бўлиш керак.

Муаллим қониқиб бош ирғади. Айни чоғда хаёлида Тариқ ҳукмрон, у қизнинг латиф вужудини қучганча, пайдар-пай ўпарди.

Ўз кунларининг бирида икки дугонаси билан мактабдан қайтаётган Житининг олдида дайди ракета келиб тушибди. Лайло кейинчалик Житининг онаси Нила холанинг кўчада дод солганча қизчасининг парчаланиб кетган тана аъзоларини териб юрганини айтиб беришди...

Житининг ўлимидан сўнг Лайло анчагача ўзига келолмади. Биринчидан у яхши билган, яхши кўрган бир инсон энди йўқ. Аммо Житининг тортинчоқ, уятчан қиёфаси ҳеч қачон унинг кўз олдидан кетмаса керак. Яқиндагина Жити унинг тирноқларини бўяб, қошларини териб қўймаганмиди? Яқинда дарвозабон Собир билан тўйимиз бўлади, деб ич-ичига сифмай юрганди-я, бечора! Энди у йўқ! Қаттол ракета унинг пок, беғубор орзуларини ҳам худди гул вужудидек парчалаб ташлади.

Ҳатто ўз акаларининг дафн маросимида кўзидан ёш тирқирамаган Лайло энди йиғидан ўзини тутиб туrolмади. Ўксиб-ўксиб йиғлади.

## **ЎНИНЧИ БОБ**

1992 йил, август. Кун дим ва иссиқ эди. Онасининг кун бўйи қорни оғригани учун отаси уни докторга олиб кетган, уйда у Тариқ билан қолганди. Мана, Тариқ у билан ёнма-ён йиғма каравотда, ерга қараганча жим ўтирибди.

Улар кетишаркан, Кобулдан эмас, умуман мамлакатдан кетишаркан. Лайлонинг кўз олди қоронғилашиб кетди. Худди бутун аъзои бадани бетон қоришмаси ичида қолиб кетгандек, қўл-оёғини қимирлатолмай қолди.

– Қаерга... кетяпсизлар?

– Аввал Пешоварга... Покистонга! Кейин, билмадим. Ё Ҳиндистонга ё Эронга кетсак керак.

– Анча кетасизларми?

– Билмадим.

– Аллақачон бир қарорга келгандирсизлар?

– Икки кун бўлди. Сенга аввалроқ айтай дедим, тилим бормади. Сен қанчалик ранжишингни билгандим.

– Қачон? – Лайлонинг овози титради.

- Эртага...
- Эртага?
- Лайло, азизам! Менга қарагин.
- Эртагами?
- Ҳаммаси отамни деб бўлди. Унинг юраги бунақа даҳшатларни кўтара олмайди.

Лайло қўли билан юзини бекитиб олган, бармоқлари орасидан шаффоф томчилар сизарди.

Лайло танийдиганларнинг кўпи шаҳарни тарк этди. Ҳасиналарнинг оиласи май ойидаёқ Техронга жўнаб кетишганди. Ваҳма хола кўпгина яқинлари билан ҳозир Исломободда яшайпти. Житининг отаси унинг ўлимидан кейин кўчиб кетишди. Айтишларича, ҳозир Машҳадда эканлар. Уларнинг ҳувиллаб қолган уйларини ҳозир мужоҳидлар ёки тамоман бегона одамлар эгаллаган. Мана, Тариқ ҳам кетяпти...

- Ойим ҳам қариб қолган, – тўнғиллади Тариқ.
- Унга ҳам қийин. Лайло, менга қара!
- Нега менга аввалроқ айтмадинг?
- Илтимос, жоним, менга қара!

Лайло хўнграб юбормаслик учун чуқур уҳ тортди. Тариқ кафтининг қирраси билан унинг кўз ёшларини сидирмоқчи эди, қиз унинг қўлини нари сурди. Ахир бу қанақаси? Тариқ уни ташлаб кетадими? Қандай журъат этди? Лайло-чи? У нима қилсин энди? Урсинми, сочларини юлиб ташласинми бу худбин боланинг?

Тариқ нималарнидир гапирар, аммо Лайло ҳеч нарсани эшитмасди. Фақат бу сўзларининг майин, ёқимли оҳанги унинг юрагидан жой олмоққа уринарди. Нима бўлди? У Тариқнинг қучоғига қандай тушиб қолди? У яна майин лаблар, қайноқ нафаслар таъқибига дуч келди. Ҳа, бу оламда ана шу лаблар ва қайноқ нафаслардан бўлак ҳамма нарса эриб йўқолди.

Кейинчалик Лайло ўша дамлардаги ҳар бир ҳаракат, ҳар бир қараш, ҳар бир товушни ёддан чиқармаслик, йўқликка фарқ этмаслик учун кўп бор эслаб юрди. Аммо, вақт шафқатсиз, хотира эса маҳдуддир. Фақат эсида қолгани: қорнининг пастки қисмидаги кучли оғриқ, гилам устида жилваланган қуёш ёғдуси, протез оёқнинг совуқ тафти, тўнтарилган рубоб кўринишидаги қизғиш нор, юзига тегиб турган жингалак сочлар... Қўрқувга йўғрилган кучли ҳаяжон, таърифлаб бўлмайдиган даражадаги самовий лаззат, Тариқнинг юзида акс этган эҳтирос, истиҳола, иштиёқ ва кучли истак инъикоси...

Кейин улар шоша-пиша кийимларини тартибга келтиришди. Сочларини текислашди. Улар яна ўша йиғма каравот устида лоладек қизарганча, бир-бирига сўзсиз тикилиб ўтирибди. Ҳа, улар ҳозиргина гайририхтиёрий тарзда юз берган бу ҳаяжонли ҳодисадан сўнг сўз қотмоққа ожиз қолишганди.

Лайло гилам устига ёйила бошлаган уч томчи қон доғини кўрди. Бу унинг қони, иффат нишонаси!.. Ота-онаси сезиб қолишса-чи? Йўқ, бу қон доғлари гилам устидаги қирмизи гуллар нақшидан фарқланмайди. Лайло айна дамда виждонини қанчалик ингранаётганини пайқади. Иккинчи қаватда турган соатнинг овози бу қадар кўтарилиб кетди? Бунча қаттиқ чиқилламаса? Худди «уят, уят, уят» дея ҳамма ёққа жар солаётганга ўхшайди.

– Мен билан кетасан, – деди ниҳоят Тариқ.

Кетишади! Тариқ уни олиб кетади. Жомадонларни автобусга ортишади ва Тариқнинг ота-онаси билан олис-олисларга, даҳшат ва ваҳшатдан холи ҳудудларга кетишади. Тақдир уларни нимани раво кўради – севинчними, кадарними, фарқи йўқ – улар бирга бўлишса бас.

– Лайло, менга турмушга чиқ, – деди Тариқ унинг кўзларига тик боқиб, бу кўзларда фақат самимият, ростгўйлик ва мунг бор эди. – Бугуноқ, ҳозироқ сен билан турмуш қуришга розиман. Ҳозироқ масжидга борамиз, муладан илтимос қиламиз ва икки нафар гувоҳ топиб, никоҳдан ўтамиз.

Шу аснода Лайлонинг кўз олдига худди мужоҳидлар сингари қайсар, исёнкор онаси, ҳар қандай вазиятда хотинининг гапига кўнадиган муте, беозор отаси гавдаланди. Қулоғи остида отасининг маҳзун овози янгради: «Қайғули кунларда сен мен учун бу ҳаётнинг яккаю ёлғиз мазмуни бўлиб туюласан!»

– Мен Ҳақим амакимдан қўлингни сўрайман. У албатта рози бўлади. Лайло, мен биламан.

Тариқ бир пичирлар, бир овозини кўтарар, ялиниб-ёлворар, ишонтиришга уринарди... Негадир дастлаб унинг овозида тўла ҳукмрон бўлган ишонч сўна бошлади:

– Бунинг иложи йўқ, – такрорлади Лайло.

– Унақа дема! Сени севаман.

О, бу сўзларни унинг оғзидан эшитишни қанчалар истаганди у! Мана ўша сўзлар! Бу нима, тақдир киноясими?

– Отамни ташлаб кетолмайман, – аранг пичирлади Лайло. – Мен унинг бор-йўқ бойлигиман. У менсиз яшолмайди.

Тариқ буни яхши биларди. Шундай бўлса ҳам имкон қадар қизни кўндиришга уринарди.

– Мен албатта қайтаман, – деди Тариқ. – Сени олиб кетиш учун қайтаман.

Эшик ёпилди. Ҳовлидан унинг узоқлашиб бо раётган қадам товуши эшитилди. Ҳамма ёқ жимиб қолди. Бу жимликни аҳёнан тоғ тарафдан келаётган ўқ садолари, юрагининг беором тепкиси бузиб турарди.

## ЎН БИРИНЧИ БОБ

Жазирамага чидаб бўлмасди. Қизиб турган тоғларнинг ҳовури кўтариларди. Бир неча кунки, электр узилган. Шу боис шаҳарда бирорта вентилятор ишламайди. Лайло меҳмонхонада йиғма каравотда ётарди. Иссиқ ҳаво ўпкани куйдираман дейди. Ота-онаси нариги хонада нималарнидир муҳокама қилишмоқда. Кейинга пайтда уларнинг суҳбати ҳечам тугамайдигандек кўринарди.

Ташқарида автоматнинг узлуксиз тариллаши эшитилди. Лайлонинг ботинида ҳам ана шундай отишмалар давом этарди. Бир тарафда уят ва виждон азоби аёвсиз қийнаса, иккинчи тарафда Тариқ билан бирга содир этилган гуноҳнинг даҳшати, муқаррарлиги ва... лаззати тинчлик бермасди. Энг ёмони, улар энди кўришадими, йўқми, фақат Худога аён!

Ўша аснода Тариқ унга эҳтирос билан пичирлаб айтган сўзларни ҳали-ҳануз аниқ эслолмайди: нима деганди? «Оғримаяптими» деб сўради, «сени қийнаб қўймаяпманми» дедими? У кетганига атиги икки ҳафта бўлди. Аммо, мана, хотира унга ҳозирдан панд бермоқда. Афсуски, бу хотиралар абадий эмас.

У хаёллар уммонига фарқ бўлиб ўтирган чоғда, эшикдан отасининг овози эшитилди:

– Онанг рози бўлди, – деди титроқ, ҳаяжонли овоз билан. – Биз кетамиз, Лайло! Учовлашиб, Кобулдан кетамиз!

Улар онасининг ётоғида жамланишди. Уй тепасида ракеталарнинг чийиллаб учгани эшитилар – Ҳикматёр ва Масъуд кучлари ҳамон қирпичоқ бўлаётган эдилар. Лайло аниқ биларди: ҳозир қардадир, кимнингдир уйига бомба тушиб, ёниб кетди, эртага ўша уйнинг ўрнидан косовга айлан-

ган одам жасадлари, қорайган култепаларнигина топишади. Кимнингдир омади чопса, жасади кафанга чулғаниб, дафн этилади, омадсизларнинг эса танаси одам гўштидан мазахўрак бўлиб қолган Кобул итларининг ошқозонидан жой олади.

Айни дамда Лайло хурсандчиликдан кўчага чиқиб бақиргиси, югургиси келарди. Бир жойда ўтира олмасди. Отасининг айтишича, яқин кунларда Покистонга кетишади, у ерда виза учун ҳужжат топширишади. Тариқ кетганига 17 кун бўлди. Агар онаси эртaroқ розилик билдирганида, 17 кун илгари Тариқлар билан бирга кетишган бўларди. Лекин муҳими бу эмас. Улар аввал Пешоварга боришади, албатта Тариқ ва унинг ота-онасини излаб топишади. Уларнинг ҳужжатларини ҳукумат бир пайтнинг ўзида кўриб чиқади. Кейин қаерга кетишади? Европагами? Америкагами? Отаси айтганидек, денгиз соҳилида бўлса бас.

Онаси каравот суянчигига суянганча чала ёнбошлаганди. Кўзлари нам, қўллари сочига ёпишганди.

Уч кун илгари Лайло тоза ҳаводан нафас олиш учун ташқарига чиққанди. Кўчада ҳеч ким йўқ. Шу онда қулоғининг остидан нимадир чийиллаб ўтди-да, дарвоза тахтасига урилиб, унинг пайраҳаларини ҳар тарафга сочиб юборганди. Шу пайтга қадар на юзлаб вайронага айланган уйлар, на Кобул узра ёғилган минглаб ракетаалар, на Житининг ўлими Фарибанинг муз қотган қалбини ҳаракатга келтира олмаганди. Аммо, Лайлонинг қулоғи остидан ўтиб, дарвозага санчилган дайди ўқ уни сескантириб юборди: икки ўғлидан ажраган шўрпешона она навбат қизига етганини тушуниб, қарорини ўзгартирди.

Отасининг ётоғида илинган суратда Аҳмад ва Нур жилмайиб туришарди. Онаизор жигарбанд-

ларининг юзига ҳам афсус, ҳам қайғу, ҳам видо нигоҳи билан кўз тикиб ўтирарди.

– Бу ерда бизни боғлаб турадиган нарса қолмади, – деди Ҳаким. – Икки ўғлимиздан айрилдик, аммо шукрки, Лайло қизимиз ёнимизда. Биз биргамиз. Янги ҳаётни бошлашимиз керак. – У шундай дея Фарибанинг қўлларидан тутди. Аёлнинг юзларида мунг ва мутелик акс этарди. Кейин оҳиста юзини эрининг торгина кўксига босди.

Ўша оқшом Лайло ухлаёлмади. Тонг қизара бошлаганида кўзи илинди. Туш кўрди. Қумлоқ соҳил эмиш. Ҳаво булутли, сарин шабада эсармиш. Тариқ билан ёнма-ён юмшоқ қум устида осмонга тикилиб ётишганмиш. Қатор саф тортган палмалар тагида хилма-хил машиналар тизилиб турганмиш. Тўлқинлар узра елканли кемалар оҳиста чайқалиб кетаётганмиш.

Эртаси куни отаси уйда қўлга илингулик нарсаларни сотишга қарор қилди. Отасининг айтишича, Пешоварда вақтинча яшаб туришлари учун ана шу пул асқатаркан.

Лайло ҳам ўз хонасидаги нарсаларини йиғиштиришга тушди. Улар орасида Ҳасина совға қилган шиша қутича, Жити эсдалик учун берган футбол тўпи шаклидаги брелок, Тариқ билан ариқдан топиб олишган чинни ҳайкалча ҳам бор эди.

Онаси ҳам алланечук тушкун кайфиятда сафар роҳиласини кўраётганди. У чинни идишлар, сочиқлару ёпинчиқлар, ортиқча кийимларнинг ҳаммасидан қутулмоқчи эди. Ҳатто ялтироқ тугмалар, чиройли тасмалар ва антиқа безаклар қадалган никоҳ кўйлагини ҳам эътиборсизлик билан бир четга иргитди.

Энг қийин вазифа отасининг зиммасига тушаётган эди. Лайло унинг хонасига кирганида, отаси Сан-Францисконинг туманли манзараси,



икки тарафида миноралар қад ростлаган қизил кўприк тасвирланган футболкасини кийиб олган, ўзининг китоб жавонларига маънос термиблиб ўтирарди.

– Бунча китобни нима қиламан энди? – деди у худди ўз-ўзига гапираётгандек. – Умр бўйи йиққандим. Олиб кетишнинг иложи йўқ, ташлаб кетай десам...

– Дада, биз янги жойда янги-янги китоблар сотиб оламиз. Ўз кутубхонамиз бўлади.

– Кобулни ташлаб кетаётганимга ишанолмаман, – деди у ғамгин оҳангда. – Шу ерда ўқидим, ишладим. Болаларимнинг киндик қони шу шаҳарда тўкилди. Ҳадемай, бошимиз устидан бошқа қуёш, бошқа юлдузлар чарақлайди.

– Қуёш ва юлдузлар? – ажабланди Лайло.

– Биласанми, буюк Озарбайжон шоири Соиб Табризий Кобулни қандай таърифлаган?

*Чулгонур ҳар томи беҳад моҳитоб анворида.  
Минг қуёшнинг шугласи порлайди ҳар деворида!*

Ҳаким муаллимнинг кўзлари жиққа ёшга тўлди.

– Отажон, биз албатта қайтиб келамиз, – Лайло ҳам йиғлаб юбормаслик учун аранг лабини тишлади. – Ҳали, иншооло, уруш тугайди. Кўрасиз!

Учинчи куни Лайло ҳамма лаш-лушларини кўтариб дарча ёнига чиқди. Отаси такси ушлаб келиши, ҳамма ортиқча нарсаларни чайқовчиларга топшириш лозим эди. Лайлонинг юраги ҳаяжондан тўлиб-тошарди. Қанийди бу дардисар нарсалардан тезроқ қутулсалар-да, Лайло тезроқ Тариқ турган манзилга етиб олса...

– Каттароқ машина олиб келинг, – деди Фароба қизининг ётоғи деразасидан бошини чиқариб. Унинг оқарган сочларида тўғридан тушаётган

қуёш нури зарраланарди. Лайло энди эътибор қилди: онаси фақат энг хурсанд лаҳзаларда, байрам ва тўйларда киядиган мовий кўйлагини кийиб олибди.

– Қизим, сен уйга кир, – дея унга юзланди ойиси.  
– Тухум қайнатганман, кечаги овқатдан ҳам бор.

– Хўп, ойижон!

Шу аснода Лайлонинг кўз олдида кеча кўрган туши жонланди. Денгиз, қумлоқ соҳил... Шу аснода ернинг ёриғидан кулранг калтакесак югуриб чиқди, у ёқ бу ёққа аланглади-да, сал наридаги тош остига кириб кўздан йўқолди. Лайлонинг қулоғи остида эса, денгизнинг ёқимли шовуллаши аниқ эшитилиб турарди. Кейин бу товушлар мутлақо ноаён тус олди. Бу ниманинг овози экан-а? Аввал узун чийиллаш эшитилди. Лайло ҳеч нарса ни тушунмай осмонга қаради. Шу аснода портлаш юз берди. Елкаси оша оппоқ аланга кўкка ўрлади. Ортидан бостириб келган қайноқ бир куч уни олдинга улоқтириб юборди. Бир лаҳза ўзини ҳавода муаллақ ҳолатда кўрди. Замину осмон чирпирак бўлиб айлана бошлади. Дафъатан пастда ёнаётган уйлар, бурқсиётган тутун, ҳар томонга сачраган ойна парчаларида акс этган қуёш зарраларини аниқ кўрди. Кейин Лайлонинг танаси деворга зарб билан урилди ва анча нарига бориб тушди. Унинг энг охирида кўргани ерда ётган, аллақандай матога қоришган каттакон гўшт парчаси бўлди. Матода икки тарафи минорали қизил кўприк тасвири кўзга чалинарди.

Атрофида шарпалар айлана бошлади. Шифтдан қандайдир ёруғлик тушди. Ғира-ширада аёл кишининг нечукдир мулойим чеҳраси ажралиб чиқди ва ҳавода чарх ура бошлади. Кейин атрофни қуюқ қоронғилик босди. Сўнг эркак кишининг таниш юзи кўринди. Лаблари нима-ларнидир шивирляпти, аммо ҳеч нарса эшитил-

майди. Қўлини силкитиб, юзини буриштирдими? Яна лаблари пичирлай бошлади.

Ҳамма ёғи оғриқдан зирқиради. Нафас олиш ҳам бунчалик азоб бўлмаса? Унга аввал сув, кейин пуштиранг дори ичиришди. Кейин кўз ўнгида бошқа бир аёлнинг узунчоқ юзлари жонланди. Уям нимадир деди. Аммо қулоғи узлуксиз чинқирқдан бошқа нарсани эшитмасди. Кўкраги, оёқ-қўллари зирқиради. Кўз ўнгида яна ҳаммаси қоришиб кетди.

Тариқ қани? Нега у кўринмаяпти? Яна Ўша узунчоқ юзли аёл кўз олдига келди. Аллақердан аккордеон саслари янгради. Яна пуштиранг хап дори ичиришди. Кейин яна бутун борлиқ сукунатга фарқ бўлди.

## УЧИНЧИ ҚИСМ

### БИРИНЧИ БОБ

Марям:

– Сен мени танимаяпсанми? – деб сўради.

Қизнинг киприклари бир силкинди.

– Нима бўлганини эслай оласанми?

Унинг лаблари оҳиста қимирлади. Кўзларини юмди. Ютинди. Қалтироқ қўллари билан чап ёноғини ушлади. Марям унга яқинлашди.

– Ҳеч нарса... эшитилмаяпти, – ингранди қиз.

Дастлабки бир ҳафта давомида у фақат ухлади. Чамаси, Рашид госпиталдан сотиб олиб келган пуштиранг хапдорилар кор қилганди. У фақат тушларида алаҳлаб чиқар, нотаниш исмларни тилга олар, баъзида йиғлаб тўлғанарди. Шунда Марям уни тинчлантиришга уринар, Лайло эса унинг қўлидан юлқиниб чиққудек бўларди.

Марям баъзида унга мажбурлаб овқат едирар, ammo кўп ўтмай, еган-ичгани оғзидан варақлаб отиларди. Эрининг амри билан Марям қизнинг юзи ва бўйнидаги жароҳатлар, қўл-оёғидаги чоклар ўрнига малҳам суриб чиқди. Яраларни спирт билан юва бошлаганда қиз дод солиб чинқирар, Марям эса баъзида сочидан тортиб, ишини битиришга мажбур бўларди.

– У бизникида қачонгача туради? – сўради Марям эридан.

– Тузалгунича. Сен фақат унга кўз-қулоқ бўлиб тур. Қаёққа ҳам борарди бечора?

Қизчани харобалар орасидан Рашид тортиб олганди.

– Бахтинга мен уйда эканман, сенинг бахтинга, – дерди у унинг каравоти ёнида чўккалаб. – Мана шу, яланг қўлларим билан сени чиқазиб олдим. Мана шунча, – у бошмалдоғи ва кўрсаткич бармоғи орасини кўрсатди, – катталиқдаги темир парчаси елкангдан чиқиб турувди. Бир амаллаб чиқариб олдик. Худога шукур, ҳаммаси ўтиб кетди. Яна бир оз вақт ўтсин, кўрмагандек бўлиб кетасан.

Рашид Ҳаким муаллимнинг кутубхонасидаги китобларнинг бир нечтасини сақлаб қўйганди.

– Жуда кўп китоблар куйиб кул бўлди, бутун қолганини ҳаммасини олиб келиб қўйибман.

Биринчи ҳафта Рашид меҳрибончиликни жуда қойиллатди. Гоҳ бошига ёстиқ қўяди, гоҳ қизнинг устига адёл ёпади, гоҳ хапдори топиб келади.

Тариқларнинг уйига янги одамлар кўчиб келганини ҳам Лайлога Рашид етказди.

– Бамаъни, яхши йигитлар, – дея таърифлаганди бир гал у хотинига. – Сайёф (маҳаллий пуштун дала командирларидан бири. – тарж.) ўз одамларига нисбатан жуда олижаноб экан. Учта болага битта катта уйни бериб қўйибди-я!

Учовининг ҳам юзи офтобда обдан қорайган, ҳаммаси бир хил тусдаги камуфляжда юрарди. Марям кўпинча уларни ҳовлида, дарча ёнида чекиб турган ёхуд автоматларига суянганча карта ўйнаётган ҳолатда учратарди. Уларнинг энг каттаси ўта жиддий, қовоғидан қор ёғиб турар, кичкинаси эса, ҳали ўсмирлик остонасидан ҳатламаган бўлиб, бир оз тортинчоқ, Марямни кўриши билан қимтингача, бош ирғаб салом берарди.

Кунларнинг бирида улар яшаётган уйга ракета келиб тушди. Кейинчалик маълум бўлишича, бу ракетани ҳазорийлар отишган экан. Шўрлик йигитчаларнинг таналари майда-майда бўлиб, ҳар ёққа сочилиб кетибди.

«Ҳалиям қизчанинг омади бор экан», ўйларди Марям. Ахир уларнинг ҳам уйи култепага айла-ниб қолганди. Қизнинг ўзи тобора тузалиб бор-моқда эди. Иштаҳага кира бошлади, ўзи ювиниб, таранадиган, пастда Рашид ва Марям билан бир-га овқатланадиган бўлди. Албатта, ҳали заифлик уни тарк этмаганди. Боши айланар, кўнгли ай-нир, кечалари алоқ-чалоқ тушлар кўриб, тўлға-ниб чиқарди.

– Мен нега бошқа ердаман? – дея чинқирди бир гал.

Марям унинг чойшабини алмаштирди. Бу пайтда қиз иягини кучоғидаги тиззасига тираб ўтирарди.

– Отам китоблар солинган қутиларни кўчага олиб чиқаётганди. Менга «огир» деб бермади. Ле-кин бари бир битта қутини олиб чиқа бошлаган-дим, бир пайт қарасам...

Марям каравот устига янги дазмолланган чой-шабни тўшаркан, унинг сарғиш, жингалак соч-ларига, мовий кўзларига, баланд ёноқлари ва қа-лин лабларига тикилди. Бир пайтлар у миттигина бўлиб, онасининг ортидан новвойхонага югуриб, кўчадаги қизчалар билан тўп ўйнаб юрарди.

Мана у, кимдандир таскин, тасалли кутганча мунғайиб ўтирибди. Марям уни юпатиш учун нима десин? Ахир, онасини кўмишганида, Мулла Фатхулла ҳам унга бирор илиқ гап айтолмаганди. Хўш, бу маъсум, муштипар қизалоқнинг дарди-ни аритиш, ҳасратини енгиллатиши учун нима қилиш мумкин?

Тилига бирор тузукроқ гап келмади.

– Мазам қочяпти, кўнглим айнияпти, – деди қиз хириллаганча гужанак бўлиб оларкан.

– Шошма, қимирламай тур, ҳозир жом олиб ке-ламан... Ахир полни ҳозиргина ювгандим. Оббо... Эй Худойим-эй!

Бир ой ўтди. Кунларнинг бирида кимдир эшик қоқди. Марям бўсағада турган нотаниш эркакни кўрди. Ўзини таништириб, ким кераклигини айтди.

– Сени чақиринг, – қичқирди Марям. Лайло ёстиқдан бошини кўтарди. – Абдул Шариф деган одам.

– Мен бунақа одамни танимайман.

– У сени чақиряпти. Тушиб ўзинг гаплашиб чиқ,

## ИККИНЧИ БОБ

Лайло чўтир юзли, пакана, картошкабурун кимса – Абдул Шарифнинг рўпарасида ўтирар, унинг калта қўнғир сочлари типратиканнинг игналаридек диккайиб турарди.

– Кечир мени, синглим, – ҳалиги киши ёқасининг тугмасини қадаб, пешонасидаги тер резасини рўмолчаси билан сидирди. – Сал мазам йўқроқ, яна ўн кунча манави дори... Нимаиди... ҳа, сульфамид қабул қилишим керак экан.

Лайло ҳамсуҳбатининг гапини яхшилаб эшитиш учун ўнг қулоғини ўша тарафга тўғирлади.

– Сиз ота-онамни танийсизми?

– Йўқ, йўқ, – деди Абдул Шариф шошилиб. – Кечирасан, – у Марям опкелиб қўйган стакандан сув ҳўплади. Ва бармоғини кўтарди. – Бир бошдан айта қолай. Ўзим тадбиркорман, эркалар либослари сотиладиган бир нечта дўконим бор эди. Кобулнинг ўзида иккита дўконим бор. Айтганча, яқинда уларни сотиб юбордим. Яна Покистонда, Пешоварда ҳам иккита дўконим ишлаб турибди. Омборхонам ҳам ўша ерда. У ерга бориб-келишнинг ўзи бўлмайди, биласан, – бояги киши ҳиринглаб қўйди. – Яқинда иш билан Пешоварга борувдим. Оилам билан ҳам кўришиб келдим. Айтганча, учта қизим бор. Мужоҳидлар

қирпичоқ бўла бошлагач, оиламни Покистонга олиб бордим. Бу ерда кўриб турибсиз тўполонни. Ўзимам нариги дунёга шошаётганим йўқ.

У яна алланималарни гапириб томоғи қуригач, стаканни бир кўтаришда бўшатди ва Марямга тутқазди:

– Синглим, иложи бўлса, яна бир стакан!

Марям сув олиб келгани кетди. То сув келгунича у ўзининг хасталаниб қолганию, докторга боргани тафсилотларини ҳикоя қилиб берди. Марям тутқазган стаканни бир қўлида тутиб, иккинчи қўли билан чўнтагидан каттакон оқ хапдорини олди-да, тилининг остига ташлади.

– Хуллас, мени энг оғир касаллар ётадиган госпиталга ётқизишди. Доктор қонимни тозалаш кераклигини айтди. Хуллас, ана ўша ерда сенинг ўртоғинг – Муҳаммад Тариқ Вализай билан танишиб қолдим.

Лайлонинг юраги қинидан чиққудек потирлай бошлади. Тариқ госпиталга тушибдими? Яна энг оғир касалларнинг ёнига-я? Лайло оғзи қуруқшаб, ўрнидан турди. Йўқ, ўзини қўлга олиши лозим. Касалхона ва касаллар ҳақидаги фикрни ўзидан нари суриши лозим. У Тариқнинг тўлиқ исмини қачон эшитганди? Эслади: ўшанда форс тилини мустаҳкамлаш курсларида қатнар эди. Ўқитувчи йўқлама пайтида «Муҳаммад Тариқ Вализай» исмини тилга олган, бу қизнинг қулоғига қандайдир жарангдор, расмий ва ҳатто бир оз қулгили эшитилганди.

– Унга нима бўлганини менга ҳамшира қиз айтиб берди, – Абдул Шариф хапдори ўтиб кетиши учун кўкрагига бир-икки муштлиди. – Мен Покистонда кўп бўлганман, шунинг учун урду тилини жуда яхши биламан. Худди она тилимдек бўлиб қолган. Тушунишимча, Тариқ бошқа қочоқлар



билан бирга юк машинасида келаётганда чегара яқинда отишма юз берган. Машинага ё тасоди-фан, ё атайин ракета келиб урилган. Машинада-ги 23 йўловчидан 17 нафари воқеа жойида ҳа-лок бўлган. Яна уч киши бир кундан сўнг вафот этган. Икки опа-сингилга зарар етмаган экан, шу кунидеъ чиқариб юборишган. Сенинг дўстинг, жаноб Вализай ҳам госпиталга ётқизилган эди. Мени ётқизишган маҳалда Тариқнинг келганига уч ҳафта бўлган экан.

«Демак, у тирик. Лекин офир ярадор бўлган. Агар ўшандан бери шифохонадан чиқмаган бўл-са, демак аҳволи офир!»

Лайлонинг аъзои баданидан дув-дув тер ёғи-ла бошлади. Ёмон нарсаларни ўйламасликка ти-ришди. Кўз олдига отаси ва Тариқ билан бирга баҳайбат Будда ҳайкалини томоша қилиш учун боришганини келтиришга уринди. Лекин ҳай-кал ўрнида афдарилиб ётган юк машинаси, бо-шидаги париги аланга олганча, дод солиб ўғлини чақириб юрган Тариқнинг онаси пайдо бўлди. Лайлонинг нафаси бўғзига қадалди.

– Унинг каравоти меники билан ёнма-ён эди, ўртамизда юпқагина парда бор эди, холос. Уни яққол кўриб турардим. – Абдул Шариф бармоғи-даги узукни айлантира бошлади. У шошилмасдан нутқида давом этди. – Сенинг ўртоғинг қаттиқ яраланган эди. Жуда офир эди унинг аҳволи. Унинг ҳамма ёғидан резина ичаклар чиқиб ту-рарди. Аввалига, – у енгил йўталиб олди. – Ав-валига унинг ҳар иккала оёғини кесиб ташла-шибди-да, деб ўйладим. Аммо, ҳамширанинг ай-тишича, чап оёғидан болалик пайтида ажраган экан. Унинг ташқи жароҳатлари ҳам анчагина экан. Уни уч марта операция қилишди. Аввали-га ичагининг бир қисмини... яна алақаерини

кесиб ташлашибди. У ўт-олов ичида ётар, кечалари билан оҳ-воҳ қилиб чиқарди. Менимча, шу етарли, а? Рангинг ҳам оқариб кетди. Ўз дардинг ўзингга етиб турганида, мен яна...

Демак, Тариқ тамомила оёқсиз бўлиб қолган... Битта гавдаю иккита қўл! Қанийди имкон бўлсаю, ҳозир ўрнидан сагчиб туриб, бу шум хабарни келтирган кимсадан йироқроққа, умуман ҳеч ким кўрмайдиган, ҳеч ким эшитмайдиган бир овлоққа қочиб кетса... Фақат бу мудҳиш тасаввурлар, эзгин хотиралардан қочишнинг имкони бормикин?

– Унга оғриқни қолдирувчи уколлар қилишди. Аммо бир оз ўтиб, бари бир дори ўз кучини йўқотар, бола бечора яна дод сола бошларди. Мен унга ўзим ҳақимда, оилам, қизларим, дўконларим ҳақида гапириб беришдан чарчамасдим, лекин чамамда унга буларнинг умуман қизиғи йўқ эди. Сал оғриқлар чекинган пайтда у ҳам ўз уйи, ота-онаси, Ғазнида яшайдиган тоғаси ҳақида узук-юлуқ хотираларини гапириб қоларди. Лекин у ҳамиша сен ҳақингга гапиришни ёқтирарди. Унинг айтишича, унинг илк хотиралари сен билан боғлиқ экан. Сен ҳақингга гапирганида кўзлари чақнаб кетарди. Билдимки, сен унинг ҳаётида катта ўрин тутасан. Аммо сен унинг ёнида эмаслигингдан хурсанд ҳам бўларди.

Лайло яна оёқлари оғирлашиб бораётганини ҳис этди. Аммо унинг хаёллари Кобулдан анча нарида, жигарранг тошлоқ тепаликлар, паст-баланд қум барханлари, қорли тоғлар ортида эди.

– Мен Кобулга келишимни айтганимда, у сени қидириб топишимни илтимос қилди. «Фақат у ҳақда ўйлашимни, уни қаттиқ софинганимни бориб айтинг» деб тайинлади. Мен ваъда бердим. У менга жудаям ёқиб қолганди. Яхши йигит, ҳақиқий эркак экан. – Меҳмон пешонасини ар-

тиб олди. – Бир куни қўққисдан уйғониб кетдим. Ҳали ярим кеча бўлса керак деб ўйлагандим. У ерда дераза йўқ. Кеча билан кундузни фарқлаб бўлмайди. Кўз олдимда ғалати шарпалар изғиб юрарди. Чамамда, дўхтирлар унинг атрофини ўраб олишган, ташвишли овозда нималарнидир муҳокама қилишарди. Яна кўзим илинибди. Эрталаб турсам, унинг каравоти бўш турарди. Ҳамширадан сўрасам, йигит сўнгги кучи қолгунча мардонавор курашди... деб айтди.

Лайлонинг кўз олдини қалин туман қоплаб олди, бу туман ортида бояги кишининг ликиллаётган боши элас-элас кўзга ташланарди. У ҳамма-ҳаммасини тушуниб етганди. Бу нотаниш кимсани кўриши билан кўнгли бир нохушликни сезганди.

– Аввалига сен ҳаётда умуман бўлмагандирсан, булар ҳаммаси унинг наркоз таъсиридаги ҳаёлотли маҳсулидир деб ўйлагандим. Одамларга нохуш хабар етказишни умуман ёқтирмайман. Лекин нима қилай, ваъда бергандим. Кобулга келганимга учтўрт кун бўлди. Сени роса сўраб-суриштирдим. Уйларибни топиб бордим. Қарасам, култепага айланибди. Юрагим «шиғ» этиб кетди. Илож қанча? Тақдир экан-да, синглим!

Абдул Шариф кафтини Лайлонинг тиззасига қўйди.

– Мен унинг сўнгги илтижосини бажардим. Ўзи бўлганида ҳаммасини батафсил гапириб берарди. Мени кечир, синглим!

Бошқа бирорта ҳам сўз унинг қулоғига кирмади. Кўз олдида Панжшердан акаларининг ўлими ҳақида шум хабар келтирган бошқа бир одамнинг қиёфаси жонланди. Ўшанда отасининг юзи бўрдек оқариб кетган, онаси сочларини юлиб дод солганди. Ўшанда Лайлонинг юраги қилт этмаганди-я? Мана, яна шум хабар, яна ўлим! Балки ўшанда

онасининг дардига шерик бўлмагани учун тақдирнинг ўзи ундан шу тариқа ўч олдимикин?

Онаси ўшанда ерга ётволиб, тўлганиб-тўлганиб дод солганди. Лайло эса, фалажга учраган каби жойидан жилолмай қолди.

У жойида тош қотган, қўллари тиззаси устида тахланган, кўзлари эса бўшлиққа тикилиб турарди. Унинг тахайюлида арпа далалари яшнаб ётар, ариқларда сувлар жилдирар, оёқларини сув мавжлари эркалаб ўпар, Тариқ қўл қовуштирганча, мудрабгина ўтирар, уларнинг қаршисида эса, тошга ўйилган ҳайкаллар сиймоси улуғвор қад ростлаб турарди.

### **УЧИНЧИ БОБ**

– Ҳамдарлик билдираман, – деди Рашид хотинига қарамасдан унинг қўлидаги бир коса маставани оларкан. – Биламан, сизлар жуда яқин эдинглар. Болаликдан бирга катта бўлгансизлар. Лекин, жуда ёмон иш бўпти. Қанчадан-қанча афғон йигитлар мана шундай жувонмарг бўлишяпти.

Рашид қиздан кўз узмай хотинига қўл узатди ва у берган салфетка билан лунжини артди.

Марям эрининг қандай ейишини ёддан биларди. У мастава келтирилгач, бир қўли билан гуручни ҳовучлаб думалоқлар ва оғзига солар, иккинчиси кафтининг орқаси билан лабини артиб оларди. Неча йилдирки, у овқат пайти умуман оғиз очмас, икки кўзи овқатда бўлар ва баъзида «чой қуй», «нон қани» дея тўнғиллаб қўярди.

Энди-чи? Бир қўлда қошиқ, бошқасида салфетка. «Марҳамат, ёқимли иштаҳа, ош бўлсин» каби «маданий» жумлаларни ўрганибди. Яна гапиришдан чакаги тинмайди.

– Америкаликлар 80-йилларда Ҳикматёрга бекорга қурол етказиб беришди. ЦРУ шўравийлар билан урушда тоғ-тоғ қурооларни етказди. Кейин бу қисталоқ шунча қуролни бегуноҳ одамларнинг қонини тўкиш учун ишлатди. Сенинг ота-онанг ҳам шулар қатори қурбон бўлишди. Ҳих, яна жиҳодмиш? Бегуноҳ аёллар, болаларни ўлдириш қанақасига жиҳод бўлсин? Шундан кўра, ЦРУ бермайдими ўша қурооларни мард қўмондон Масъудга?

Марямнинг қошлари таажжубдан керилиб кетди. Нима деди? Масъудни мард қўмондон дедими? Бир пайтлар эри Аҳмадшоҳ Масъудни сотқин, коммунист деб сўкарди-ку! Э, ҳа, ахир Масъуд ҳам, Лайло ҳам тожиклардан-ку!

– Бунақа мард инсоннинг садағаси кетсанг арзийди-да! Ана мардлигу ана шижоат! Ҳақиқий афғон! – Рашид бир хўрсиниб олди. – Америкаликлар бизга унча қизиқишмайди. Пуштун, ҳазорий, ўзбек, тожик бир-бирини қиргани билан уларнинг нима иши бор? Улар бир миллатни иккинчисидан ажратиб билмайди. Улардан ёруғлик кутишнинг ҳам кераги йўқ. Шўравийлар чиқиб кетганидан сўнг, америкаликлар бизга тупурди. Тўғрими, Лайложон?

Лайло косадаги овқатга нон тўғраётиб, нимадир деб гўлдиради. Рашид худди доно жавоб эшитгандек қониқиш ила бош ирғади. Марям юзини чирт ўгириб олди.

– Биз раҳматли отанг билан сиёсат ҳақида кўп гаплашардик. У пайтлар ҳали сен туғилмаган эдинг, отанг китобни жуда ёқтирарди. Адабиёт ҳақида кўп тортишардик. Эсингдами, Марям?

Марям стаканга чой қуйди.

– Сиёсат ҳақида гапиравериб бошингни қотириб юбормадимми, ишқилиб?

Кечки овқатдан сўнг Марям идиш-товоқларни ювишга киришаркан, ич-ичидан аламли бир

хўрсиниқ отилиб чиқди. Йўқ, унинг гапларидаги ёлғон, иккиюзламачилик, ясама ҳамдардлик унга алам қилгани йўқ. Рост, у Лайлони харобалар остидан тортиб олганидан бери, Марямга ҳали бир оғиз ҳам ёмон гапирмади, дилини оғритмади. Алам қиладигани шуки, у тамомила ўзгариб қолганди. У атайин қизда яхши, ёқимли таассурот қолдиришга тиришмоқда эди. Ҳа, унинг шубҳаларида жон бор эди. Илк бор бу хонадонга келганида Рашид ўзини худди ана шундай тутганди.

Марям бор журъатини тўплаб, Рашиднинг ҳужрасига кирди:

– Мумкинми?

Рашид каравотида чалқанча ётганча, сигарет тутунини шифтга қараб пуфларди:

– Албатта мумкин! Келинг, хоним!

Марям оғиз очиши билан эри тутақиб кетишини, ҳамма даъволарини ўжарлик ила рад этишини кутганди. Шундай ҳолатда Марям унга қайтариши лозим бўлган жавоблар, уни уялтирадиган иддаоларни тил учида шайлаб турганди. Бироқ эрининг юзидаги хотиржамлик, бепарволик унинг шаштини сўндирди:

– Ўтир, – деди Рашид сўник оҳангда. – Яна нафасинг бўғзингга тиқилиб, ўлиб қолма!

Марям эрининг қаршисидаги стулга бўшашибгина ўтирди.

– Менга кудонни узатвор-чи! – Марям тобелик билан айтганини қилди.

Эри чамаси ҳозир олтмишни қоралаб қолган, аммо унинг ҳақиқий ёши наинки Марямга, ҳатто Рашиднинг ўзига ҳам маълум эмасди. Унинг қалин сочлари деярли оқариб улгурган, бўйнини ажин қоплаган, кўзларининг ости салқиб тушган, юзлари ҳам сўлиб қолганди. Қомати ҳам анча букчайиб қолган, аммо кенг елкалари, кучли би-

лаклари, бақувват кўкраклари ҳали салобатини йўқотмаганди.

– Менимча, ҳаммасини қонунийлаштириб оладиган пайт келди, – кулдонни қорни устига қўйиб, хунук илжайди Рашид. – Ўзинг ўйла! Одамлар нима деб ўйлайди? Ахир ёшгина, бўй етган қиз менинг уйимда яшаб юрса... Менинг номимга, унинг номусига доғ тушмайдами? Э, айтганча, сенинг ҳам шаънинг бор ўртада?

– Ўн саккиз йил... – Марямнинг овози титради. – Ўн саккиз йил сиздан бирор нарса сўрамадим. Лекин ҳозир сўрамоқчиман!

Эри бир тўлганиб, тутун пуркади.

– У бу ерда яшамасин, демоқчимисан? Рост, уни боқишга, еб-ичиришга, кийинтиришга менинг ортиқча пулим йўқ. Ахир биз «Қизил ярим Ой жамияти» эмасмиз-ку, тўғрими?

– Унда қандай қилиб...

– «Қандай қилиб»? Шундай! Сенингча, у жудаям ёш, тўғрими? Ўн тўртга кирибди. Демак, ёш боламас энди. Ўзинг ўн бешдамидинг? Онам мени 14 ёшида туққан. Демак, 13 да эрга теккан!

– Мен... мен истамайман! – ўпкаси тўлиб ҳиқиллади Марям.

– Сен аралашма!

– Менинг ёшим ўтиб қолди...

– Ҳа сенинг ёшинг ўтди, у жуда ёш... Шунисига доғман-да!

– Менинг ёшим ўтиб қолди, бунақа ўзгаришларга энди дош беролмайман! – Марям қўлларини қаттиқ сиқди, вужуди зирқираб кетди. – Энди шу ёшимда мени ёш болага масхара қилиб кўясизми?

– Жа оласан-да! Ўзинг ҳам биласан, ҳамма шундай қилади! Айрим ошналаримнинг уч-тўрттадан хотини бор. Отангнинг ҳам учта хотини

бор эди. Менинг ўрнимда бошқаси бўлганда аллақачон уйланворган бўларди.

– Мен розимасман!

Рашид қовоқ уйди:

– Яна бир йўли бор. Бўпти, қизни кўчага чиқариб ҳайдайман. Тўрт томони қибла! Лекин узоққа бора олмайди. На ейишга нони, на чўнтагида бир чақа пули йўқ. Бунинг устига ўқ ёмғирдек ёғияпти. Ракеталарни айтмайсанми? Бундан ташқари кўчага чиқиши билан тутиб олишади, зўрлашади, кейин бўғизлаб, зовурга тиқиб кетишади. Шунда яхши бўладими?

Кейин у йўталиб, боши остидаги ёстиқни тўғирлаб қўйди.

– Йўллар каллакасер, безориларга тўла. Улардан қочиб қаерга ҳам борарди? Пешоварга етиб борган тақдирда ҳам, ҳеч нима ўзгармайди. Қочоқлар лагеридаги вазиятни биласанми? Одамлар картон қутиларнинг ичида жон сақлаяпти. Очлик, муҳтожлик, ичбуруғ, вабо... Бу ёқда қиш келиб қолди, ўпкасини шамоллатса нима бўлади? У ерда одамлар музлаб, тарашага айланиб қолади.

Рашид яна бир қўзғалиб олди:

– Рост, фоҳишахоналар анча иссиқ. Пешоварда унақаси қадамда учрайди. Бунақа ёш, таранг қизчани ким қўлдан чиқарарди? Ё сен бошқа фикрдамисан?

У кулдонни тумбочка устига қўйиб, ўрнидан турди:

– Менга қара! – деди амирона оҳангда. – Қарши чиқишингни билардим. Сени тушунаман, лекин сен ҳам кўриб турибсан. Бошқа иложимиз йўқ. Сен ёрдамчига, у эса, бошпанага эга бўлади. Ҳозирги кунда уй ва эр ҳар бир хотин-қизнинг энг катта орзусига айланди. Кўчада ётиб-туриб юрган беваларни кўрмаганмисан? Улар умр йўл-



доши топиш учун ҳатто қон тўкишга ҳам тайёр. Демак, мен тутаётган йўл жуда олижаноб ва тўғри йўлдир. – У ишшайиб қўйди. – Бу ишим учун медал беришса арзийди.

Қоронғи тушганда Марям қизга эрининг хоҳишини етказди.

– У эртага эрталаб сендан жавоб кутади, – эслатиб ўтди Марям.

– Мен розиман, – деди қиз уйқусираб. – Ҳозироқ етказишингиз мумкин!

## ТЎРТИНЧИ БОБ

Эртаси куни Лайло тўшагидан турмади. Эрталаб Рашид ундан бирров хабар олиб, сартарошга кетаётганини маълум қилди. Лайло эса адёлга янада маҳкамроқ ўралиб олди. У куннинг иккинчи ярмида сочларини янги услубда қисқартириб, деярли яп-янги костюм ва никоҳ узуги билан қайтиб келганида ҳам қиз ҳали ўрнидан турмаганди.

Рашид каравотда, унинг ёнига ўтириб, қўлидаги қутичанинг тасмасини ечди ва ундан эҳтиёткорлик билан тилла узукни чиқарди. Бунинг соғитиб олиш учун Рашид Марямнинг эски узугини чиқариб сотган эди.

– Қўявер, унга бари бир, пайқамайди ҳам.

Лайло иложи борича Рашиддан нарироққа силжишга уринди. Пастки қаватдан дазмолнинг кийим устидан шиғиллаб сирғалиши эшитилиб турарди.

– Керакмас, – деди Лайло заиф овозда. – Истамайман. Унинг узугини қайтариб беринг!

– Қайтариб берай? – Рашиднинг юзида ранж ва ғазаб аломати қанча тез пайдо бўлган бўлса, шу тезликда ғойиб бўлди. – Мен бунинг устига яна қанча пул қўшиб берганимни биласанми?

Нақ 22 қиротлик тоза тилладан. Ол! Истамай-санми? – У қутичанинг оғзини ёпди. – Гулларни ёқтирасанми? Қанақа гул ёқади? Табаргулми? Лолами? Балки настарин ёқар? Гул керакмасми? Яхши! Сенга нима ёқишини ҳам билмасам... Деҳи Мазангда бир таниш тикувчи бор, эртага сени унинг ёнига олиб бораман, сен ёқтирган матодан, бўйингга ўлчаб кўйлак тикиб беради.

Лайло бош чайқади. Рашиднинг қошлари чи-мирилди.

– Мен фақат... истардимки...

Лайло негадир гапини охирига етказа олмади. Елкаси қўйилган катта, қўпол ва қаримсиқ кафтдан ижирғангандек бўйнини қисди.

– Ҳўш?

– Ҳаммасини ортга қайтаришнинг иложи бўлганда эди?

Ҳайратдан Рашиднинг оғзи очилиб, сарғайган тишлари кўринди:

– Тоқатим тоқ бўлди, – деди аранг пишиллаб.

Абдул Шариф келгунига қадар Лайло Покистонга кетиш ниятида эди. У Лайлога ҳамма гапни етказганида ҳам, бу ердан кетиш қароридан воз кечмаганди. Фикри-зикри ҳар бурчагида ажал пистирма қўйган, ҳар кўчасида бахтсизлик ҳиди анқиб турган шаҳардан узоқроққа кетиш эди. Энди эса, бошқа ҳеч қандай иложи йўқлигини англаб етганди.

Кўнгли айниганини ҳис этди. Ичи ағдарилгудек бўлди.

Лайло бир зум ўзини увада чодирлар билан тўлиб-тошган қочоқлар лагериде тасаввур этиб кўрди. Мана, у қўлида Тариқнинг зурриёди – ёлғиз жигарбандининг совуқдан тош қотиб кўкариб кетган жасадини қучоқлаганча жим ўтирибди. Мана, бегона одамлар унинг миттигина

танасини ювиб, кир, ифлос латгага ўрашди ва узоқлардан ўлжасини пойлаб ўтирган ўлаксахўр қузғунларнинг ҳафсаласини пир қилиб, торгина чуқурга туширишди. Тупроқ тортишди. Тамом!..

Йўқ, кетмайди. Ҳеч қаёққа!

У ўз яқинларини бирма-бир кўз ўнгига келдирди. Аҳмад билан Нур ўлган, Ҳасина кетган, Жити парчаланган, ота-онаси ҳам энди йўқ... Мана энди Тариқ ҳам...

Уни аввалги ҳаётга, аввалги Лайло билан боғлаб турадиган ингичка, ожизгина бир ришта қолган, у ҳам бўлса, вужудида улғая бошлаган Тариқнинг зурриёди. У вақти-соати етиб бу дунёни кўриши лозим. Ахир Лайло умрининг энг масъуд дамларини эслатиб тургувчи бу нурли риштани қандай қилиб барбод этсин?

У яшин тезлигида қарор қабул қилди. Тариқни сўнги бор кўрганидан бери орадан олти ҳафта ўтди. Яна бир-икки ҳафта чўзилса, Рашид шубҳаланиб қолиши мумкин. Албатта, у режалаштирган иш қабоҳатдан бошқа нарса эмас. Уят! Шармандалик! У Марямга нисбатан ҳам ноҳақлик қилаётганини билади. Бироқ, гарчи фарзанди ҳали майиздеккина бўлса-да, Лайло бир ҳақиқатни англаб етди: она ўз фарзанди учун ҳамма нарсани, ҳатто виждони, инсонийлигини ҳам қурбон қилиши мумкин. У қўлини қорнига босиб, кўзларини юмди...

Шундан кейинги маъракаю маросимлар Лайлонинг ёдида узуқ-юлуқ сақланиб қолди. Эсида қолгани – Рашиднинг йўл-йўл костюми, арзон атирнинг ўткир ҳиди, устарадан қолган жароҳат изи, Тамакидан сарғайган бармоқларда айланаётган никоҳ узуги... Мана, қўлида қалам, никоҳ ҳужжатига қўл қўймоқда. Бўёғи тугабди, янгиси бор экан! Имзолар қўйилгач, ҳужжат домлага узатилди. Майин қироат овози янгради. Кейин унга кўзгу

тутишди. Рашид қошларини қайчилаб келганини ўшанда пайқади.

Унинг ёнгинасида бир нуқтага тикилганча Марям ўтирарди. Лайло унинг кўзларига қарашга ботинолмади.

Ўша оқшом муздек чойшаб устида чалқанча ётганча Рашиднинг ҳаракатларини кузата бошлади. Рашид пардаларни тушириб, қўйлагининг тугмаларини ечди. Кейин эса, шалворининг боғичини бўшатди. Чамаси унинг қўллари ўзига бўйсунмасди. Беихтиёр Лайло эркакнинг осилиб тушган кўкраклари, кўксини қоплаган оқ, қалин жунларини, қаршисидаги норасида вужудга ҳирс билан қадалган кўзларни кўрди...

– Ё Аллоҳ, ўзинг шарманда қилма, ўзинг қувват бергил, – тўнғилади Рашид қизга яқинлашаркан. – Мен сени севаман!!!

Лайло тишларини тараклатиб, чироқни ўчиришини ўтинди.

Нафси қонган Рашид дарров ухлаб қолди, Лайло сал аввалроқ уйга опкириб, тўшак остига яшириб қўйган пичоқчани чиқарди ва...

...Кўрсаткич бармоғини тилимлаб чойшабга ишқалади...

## **БЕШИНЧИ БОБ**

Марям унинг борлигини кундузлари фақатгина тепа қаватдаги каравотнинг ғичирлаши, боши устида қадам товушлари, ваннадаги сувнинг шовуллаши ва стаканга урилган қошиқчанинг жарангидан биларди, холос. Улар деярли кўришмасдилар. Гоҳ-гоҳида зинопоядаги қадам товушлари уни сергак торттирар, лекин имкон қадар унга кўринмасликка тиришарди. Рост, гоҳида тор йўлакда, ошхонада, эшик олдида улар

юзма-юз келиб қолишар, шунда баайни уларнинг ўртасида ўт чақнагандек бўларди. Шунда қизча довдираганча ундан узр сўрар, Марям унинг ёноқлари қандайин тез ловуллаб қизарганини кўриб турарди.

Марям гоҳида Лайлодан Рашиднинг ҳидини – тамаки, тер ва шаҳват исини пайқагандек бўларди. Марям сўнгги бор эрининг қачон эркалагани, вужудидаги энг инжа торлар қачон чертилганини эслолмайди. У тўшакни фақат эркак нафсини қондиришидан бошқа нарсага ярамаслигига аллақачон ишонч ҳосил қилганди.

Аммо кечқурунлари улар бир-биридан қоча олмасди. Рашиднинг айтишича, улар бир оила аъзолари экан, шу боис, кечки овқат бир дастурхон атрофида қилиниши лозим.

– Бу қанақаси? – тўнғиллади у бир куни кечқурун кўли билан гўштни суякдан ажратаркан (тўйдан кейин санчқи ва қошиққа яна дам берилганди). – Мен иккита ҳайкалга уйланган эканман-да? Қани, Марям, гапдан ол! Зерикиб қолмасин кундошинг! Бунақаси кетмайди. – Кейин эса, суякдан илик сўраркан, Лайлога юзланди. – Ундан хафа бўлма! Жуда камгап, камсуқум аёл. Шукурки, ҳар гапини мулоҳаза билан айтади. Энди сен билан мен шаҳарликмиз. У эса, ғирт қишлоқи! Бўлиб ҳам бир тупканинг тагида, лойсувоқ катакда катта бўлган! Айтганча, Марям, сен бунга ҳароми эканингни айтганмисан? Ҳа, бу ғирт ношаръий туғилган! Лекин унинг кучли тарафлари ҳам бор! Ўзинг ҳали кўрасан! Ишчан, меҳнаткаш, хокисор! Агар уни бирорта машинага ўхшатиш керак бўлса, шўравийларнинг «Волга»сига қиёслаган бўлардим.

Марям ўттиз учга тўлган, аммо «ҳароми» деган сўз ҳали-ҳануз унинг қулоғига қўрғошиндек боғтарди. У ойисининг чинни идишини синдирган

пайтдаги қарғиши ҳали қулоғи остидан кетмайди: «Бу митти ҳароми мени хонавайрон қилмаса гўргайди!»

– Сен эса, – Рашид кичкина хотинига юзланди. – Яп-янги «Мерс»сан! Янги, ярақлаб, тирсилаб турган «Мерс»! Лекин, «Мерс»ни авайлаш керак. Эҳтиёт қилиш зарур! – Рашид ҳозир юмалоқдаган гуруч соққасини тақсимчага қўйди ва Лайлога қўл ниқтади. – Ўлганларнинг орқасидан ёмонламайдилар. Ота-онангни қаттиқ ҳурмат қилардим, уларни Аллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин! Лекин улар сени жуда эркалатиб юборишганди. Очиқ гапирганим учун кечирасан!

Марям қизчанинг қанчалик нафрат билан эрига қараб тургани пайқаб қолди.

– Майли, ўтган ишга салават. Муҳими, мен сенинг эрингман, сенинг, умуман оиламизнинг шаъни, ори учун масъулман. Бу менинг бурчим. Сен бу уйда маликасан! Бу уй сенинг қасринг. Марям сенинг ҳар қандай хизматингга шай туради, унга буюрсанг бас. Тўғрими, Марям? Агар бирор жиддий ният туғилиб қолса, унда ўзимга айтасан. Мен ана шунақа эрман. Бунинг эвазига сендан бир нарса ни талаб қиламан. Уйдан менинг ижозатимсиз бир қадам ҳам чиқмайсан. Агар бирор нима керак бўлиб қолса, ана, Марям турибди. Айтсанг, физилаб келтириб беради. Нега иккингишга икки хил муносабат, биласизларми? Ахир «Волга»ни мингандай миниб бўлмайди «Мерс»ни. Ҳа, дарвоқе, мен билан чиққанингда, албатта, чодра ёпиниб чиқасан. Кўчада нафсини жиловлай олмайдиган, кўзи қонга тўлган эркаклар кўп!

Рашид бир йўталиб олди:

– Уйда йўғимда, Марям менинг кўзим ва қулоғимга айланади. – У шундай дея дафъатан Марямга ўгирилди. – Бу сенга ишонмайман деганим

эмас. Аксинча, сен жуда ёшсан ҳали. Ёшлар эса, хато қилишга мойил бўлишади. Марям эса анча ақли кириб, қуйилиб қолган. Хато қилсанг тузатади. Маслаҳатлар беради.

Рашид яна анча гапирди. Марям кўз қири билан Лайлога назар солди. Қизча деразадан ташқарига қараганча жим қотган, чамаси, унинг хаёли тамомила бошқа ёқда эди.

...Марям меҳмонхонада қуриган кийимларни тахлаш билан овора бўлиб, Лайлонинг қачон кириб келганини ҳам пайқамай қолди. Лайло бўсағада қўлида бир финжон чойни ушлаб турарди.

– Кечирасиз, халақит берганим учун...

Марям индамай унга тикилиб қолди. Қуёшнинг заррин нурлари унинг кулча юзларига, текис пешонасига, баланд ёноқларига, қалин қошларига, мовий кўзларига, ўртасидан фарқ очилган сочларига тенг ёйилганди. Марям қизнинг қўлидаги чой бир текисда чайқалаётганидан унинг қаттиқ ҳаяжонда эканини пайқади.

– Барглар тўкиляпти, – Лайло деразадан уч бериб турган дарахт шохларига қаради. – Кузни жудаям ёқтираман. Айниқса, боғлардан келаётган куйдирилган хазон ҳиди ёқади. Ойим ҳаммадан ҳам баҳорни ёқтирарди. Сиз уни яхши танирмидингиз?

– Унчамас.

Қизча кафтини қулоғига карнай қилди:

– Лаббай?

– Биз у билан унча яқин эмасдик, – деди Марям бақиргудек бўлиб.

– Ҳа-а-а.

– Сенга нима керак?

– Марям опа, мен... кеча уларнинг айтган гаплари...

– Ўзим сен билан бу ҳақда гаплашиб олмоқчи эдим.

– Марҳамат, – деди қиз шошилиб. Унинг овозида аллақандай хотиржамлик акс этарди. Бир қадам илгарилади. Ташқарида тўрғай сайрарди. Кўчада кимдир судраб бораётган араваچанинг гичирлаши эшитилди. Кейин изма-из ўқ отилди.

– Мен сенинг чўринг бўлмайман, – деди Марям бош чайқаб. – Бўлмайман, тамом-вассалом.

– Албатта, – деди қиз титраб.

– Малика бўласанми, гўрми, ерми, менга бари бир, сенларга ўзимни хор қилдириб қўймайман. Эрингга айтасанми? Қўрқмайман, менга деса сўйиб ташласин! Эшитдингми? Сенга чўри бўлмайман!

– Менам айтмоқчи эдимки...

– Агар мендан қутулиш учун ўзингнинг чиройинг, ёшлигингни ишга солмоқчи бўлсанг, эшитиб қўй, ҳеч нима қилолмайсан! Мен бу ерга сендан олдинроқ келганман. Мени шунчаки бу ердан чиқариб юбора олмайсанлар! Мен ўзимни хафа қилдириб қўймайман.

– Бунақа қилиш хаёлимга...

– Кўриб турибман, яраларинг битиб қопти. Демак, уйдаги ишларнинг бир қисмини қилсанг, ўлиб қолмайсан!

Қиз шоша-пиша қўлидаги финжондан чой хўплади.

– Ўзим ҳам айнан ғамхўрлигингиз, менга қилган яхшиликларингиз учун миннатдорчилик билдириш учун кирувдим.

– Агар эримни мендан тортиб олишингни билганимда, сенга қайрилиб ҳам қарамаган бўлардим.

– Ахир мен...

– Овқат қилиш, идиш-товоқ ювиш менинг вазифам. Кир ювиш ва уй тозалаш сенинг зиммангда. Қолган ҳамма ишни навбати билан қи-



ламинз. Сен менинг ичимга илондек киришни ўйламай қўяқол. Мен ёлғизликка ўрганганман. Мен сенга тегмайман, сен менга! Бу ерда ана шундай, менинг қоидаларим асосида яшаймиз.

Марям нутқини тугатаркан, юраги беором типирчилаётганини сезди. Ахир у умрида ҳеч ким билан бунақа оҳангда гаплашмаганди. Мислсиз газаб вулқони шу тариқа унинг оғзидан отилиб чиқди. Қизнинг кўзлари филт-филт ёшга тўлганди. Марямнинг унга ичи ачиса-да, сездирмади, таҳланган кўйлақларнинг бир қисмини узатди.

– Буларни шкафгамас, жавонга қўй. У ич кийимлари юқорида, қолганлари пастда туришини ёқтиради.

Лайло финжонни полга қўйиб, кийимларни қўлига олди.

– Илтимос, мени кечиринг, – деди секингина.

## ОЛТИНЧИ БОБ

Илкис онасининг энг бахтиёр кунларидан бирини кўз олдига келтирди. Қўшни хотинлар уларнинг ҳовлисида ўтириб, тутхўрлик қилишарди.

– Унинг ўғли қандай ўлганини биласизларми? – сўради Важма кампир марвариддек, йирик тут донасини танлаб оғзига соларкан.

– Уни Қарға қўлига чўкиб кетган дейишувди, – гапга аралашди Житининг онаси Нила.

– Ўша куни Рашид ўлардек ичиб, маст бўлиб қолган экан, – Важма кампир оғзини тутга тўлдириб, ҳафсала билан чайнашга тушди. – Айтишларича, ичавериб, думалаб қолган, тушда замбарак отилганда ҳам қилт этиб қўймаган экан. – Кампир ютиниб олгач, ҳикоясини давом эттирди. – Кейин нима бўлгани аён. Ўғли қачон сув бўйига бориб қолганини ҳам билмаган. Ҳу-

шига келиб караса, ўғлининг жасади сув бетиде қалқиб юрган экан. Одамлар уни кўриб, ёрдамга ошиқишибди, ҳалиги бир нима қилишарди-ку, ҳа, сунъий нафас олдиришибди. Аммо, бола ўлиб бўлган экан. Шунинг учун ҳам Яратган ичкиликни ҳаром қилган-да, – дея гапига хотима ясаганди Вазма кампир.

...Лайло фарзанд кутаётганини айтиши билан эри дарҳол велосипедига мингашганча, Парвардигорга шукрона бажо келтириш учун масжидга қараб йўл олди. Кечки овқат пайтида Рашид Марямга ота бўлажagini тантанавор истехзо билан маълум қилди. Марям аввал кўзларини пирпиратди, кейин қовоғи осилди, юзи қизарди.

Эри тепага, радио эшитиш учун хонасига кўтарилгач, Лайло дастурхонни йиғиштиришга кўмаклаша бошлади.

– Тушунолмайд қолдим, энди сен ким бўласан? – сўради Марям дастурхон устидан гуруч ва нон увоқларини сидириб оларкан. – Олдин «Мерс» эдинг-ку, энди ким бўларкинсан?

– Поезд бўлсам керак, – гапни ҳазилга бурди Лайло. – Балки реактив самолёт бўларман?

– Лекин уй ишларидан қутулдим, деб хаёлингга ҳам келтирма, уқдингми? – ўдағайлади Марям. Лайло эндигини огиз жуфтлаган чоғда, бу хонадонда фақат Марямгина бегуноҳ эканини англаб, индамади. Айтганча, бу ёқда бола ҳам бор.

Лайло хонасига қайтиб, ўзини каравотга отди ва ҳўнграб юборди.

– Нима бўлди? – унинг иягидан ушлаб ўзига қаратди Рашид. – Мазанг йўқми? Боланг тузукми? Хайрият! Марям хафа қилдимми? Очигини айт!

– Йўқ, йўқ!

– Ҳозир энасини кўрсатаман. Бадбахт ҳароми сени хафа қилгани қандай журъат этди?

– Йўқ.

Бироқ Рашид ўрнидан туриб бўлганди. Лайло унинг қўлидан аранг тутиб қолди:

– Керакмас! У менга жудаям меҳрибон. Бир дақиқа, ҳозир ҳаммаси ўтиб кетади.

Рашид ўзича нималарнидир гўлдираб, хотинининг бўйинини сийпалади, кейин елкасини уқалашга тушди, қўли оҳиста пастга қараб сирғала бошлади:

– Ҳозир ҳаммаси яхши бўлади, – деди ишонч билан.

\* \* \*

...Даставвал ўтинчининг болтасидан омон қолган дарахтлар мисранг, тўқ-қизил япроқларини тўқди. Кейин совуқ шамоллар шаҳарни забт этиб, барча дарахтларни қип-яланғоч қилиб ташлади. Жигарранг тепаликлар фонида яланғоч шох ва новдалар янада қўрқинчлироқ кўринарди. Биринчи қор ҳам ёғди, аммо ерда узоқ турмади. Кейин йўлларни муз қоплади. Том ва бўғотларга сумалаклар осилди. Қор билан бирга Кобул осмониде шафқатсиз ракеталарга қасдма-қасд варраклар ҳам пайдо бўлди.

Рашид бу гал ҳам уруш ҳақидаги энг янги хабарларни олиб келганди. Лайло ким-ким билан уришаётганинию ким билан бирлашганини аранг тушуна бошлади. Рашиднинг айтишича Сайёф ҳазорийлар билан уришаётган экан. Ҳазорийлар эса, Масъуд билан қирпичоқ эмиш. Дўстум қайси тарафга ўтишини билиб бўлмасди.

Кобулда отишмалар, ракеталар зарбаси давом этарди. Элчихоналар ёпилган, мактаблар ишламасди. Рашиднинг айтишича, шифохоналарнинг қабул бўлимида ярадорлар навбат кутиб, қонига беланиб ётса-да, биров қарамасмиш. Жарроҳ-

лик бўлимларида оёқ-қўллари наркозсиз кесиб ташлашаётганмиш.

– Лекин сен қайғурма, асалим, – дерди Рашид.  
– Мен сени худди тош қалъадек ҳимоя қиламан. Бирортаси сени хафа қилгудек бўлса, ичагини суғуриб, оғзига тикаман.

Ўша қиш Лайлонинг атрофини аллақандай метин девор ўраб олгандек бўлди. Энди болалик пайтидаги мусаффо осмон, отаси билан бирга борган кўпқари мусобақалари, онаси билан кезган савдо дўконлари, болаликдаги дугоналари, айниқса, Тариқ билан кечган хушнуд дамлар қўл етмас орзуга айланганди.

Тариқнинг хаёли уни тамомила ақлдан оздираёзганди. Унинг аллақайси олис госпиталда ётган яланғоч танаси кўз олдига келиши билан, дунё кўзига тор бўлиб қолар, томоғига муштдек бир нима келиб тиқиларди.

1992 йилнинг қиши кир ювишу уй тозалаш билан ўтди. Ҳовлида қаттиқ совуқ чўкканида, Лайло уйга қамалиб олганча, деразасидан ёғаётган қорга тикилиб, соатлаб хаёл суриб ўтирарди.

Кунларнинг бирида Рашид уни етаклаб, ўзининг устахонасига олиб борди. Чодранинг ичида юриш қанчалик ноқулай, қийин ва машаққатли эканини Лайло ўшанда билди. Ҳар қадамда чалишиб йиқилишига сал қолади. Бир томондан шуниси ҳам яхши, Чодра аёлни бегона кўзлардан асрайди. Уни қай аҳволда кетаётганини ҳеч ким кўрмайди, танимайди ҳам.

Устахона Лайло тасаввур қилгандан кўра, кенг ва ёруғ экан. Бироқ хона анчайин тартибсиз ва бесаранжом эди. Тери парчалари, пошна ва болғачалар, иш қуроллари ҳар ёққа сочилиб кетган.

Кутилмаганда, Рашид қўлини хотинининг этагига солиб, унинг силлиқ, дўмбоқ қорнини сийпа-

лади. Беихтиёр шу онда Тариқнинг силлиқ кучли қўлларин эслади. О, унинг қўллари Лайлонинг бадани узра сирғалган чоғда Лайло бутун оламни, барча ташвишларни унутарди.

– Жуда тез ўсяпти, – деди Рашид. – Ҳали қўчқордек ўғил туғилади. Отасига ўхшаб, ҳақиқий паҳлавон бўлади.

Лайло негадир бир сесканиб, қорнини ёпди.

– Марям билан ораларинг яхшими?

– Ҳа, жуда ажойиб.

– Унда яхши.

Беихтиёр Лайлонинг ёдига икки кун аввалги тортишув тушиб қолди. Ўшанда у нимадир иш билан ошхонага тушганди. Марям асабийлик билан тортмаларни ковлаштириб, ҳамма ёқни тарақлатиб юрган экан. Маълум бўлишича, унинг гуруч аралаштирадиган ёғоч чўмичи ғойиб бўпти.

– Қаерга қўйгандинг? – деди Лайлога ўтирилиб.

– Мен? – Лайло ажабланди. – Кўзим тушмади, ўзи ошхонага кам тушаман.

– Ҳа, биламиз, эрка-тантиқсиз!

– Ахир, ўзингиз ишни бўлиб бергансиз, пишир-қуйдир менинг вазифам эмас-ку!

– Демак, чўмич оёқ чиқариб, қочиб кетибди-да, шунақами?

– Мен унақа демоқчимасман, – Лайло ўзини қўлга олишга уринди. – Балки сиз бошқа жойга қўйгандирсиз?

– Бошқа жойга? – Марям кўзларини олайтирди. – Бу ёққа келганингга қанча бўлди? Бир неча ой! Мен бу ерда 18 йилдан бери яшайман, қоқиндиқ! Шу пайтгача чўмич жойида турарди. Эшитдингми? Бу чўмич сен иштонингни булғаб юрган пайтларингдан бери бир жойда туриб келган.

– Ким билсин, – тишларини фижирлатди Лайло. – Қўйган жойингизни эслолмаётгандирсиз?

– Балки менинг жонимни чиқариш учун ўзинг атайин яшириб қўйгандирсан?

– Пасткаш аёл экансиз! – Лайло бу сафар ўзини тутиб тура олмади.

Марямнинг бутун бадани титраб кетди.

– Сен эса, ўғри ва фоҳишасан, текинхўр манжалақисан, эшитдингми?

\* \* \*

Ўшанда аёллар бисотларидаги бор таҳқиромуз ва беҳаё сўзларни тўкиб солишди. Аммо, хайриятки, бу галги жанг жисмоний куч ишлатишга бориб етмади. Мана, ўшандан бери икки кундош бир-бири билан гаплашмайди.

Фақат, Лайло ўшанда, бор овози билан бақириб, юрагида йиғилиб қолган дардини тўкиб солганидан сўнг ўзида алақандай қониқиш ҳис этди. Қизиқ, ўшанда Марям ўзини қандай ҳис қилган бўлса?

Ўша куни, жанжалдан сўнг Лайло юқорига – эрининг ётоғига чиқиб, ўзини каравотга отган, юзини ёстиққа босганча, бор овози билан хўнграб йиғлаган эди. Унинг наздида ота-онасини эндигина ўлдиришган ва бу мусибатдан янги хабар топгандек эди. Ошхонадан Марямнинг қарғанган овози эшитилди:

– Кўзингга тупроқ тўлсин, илоё! Тилгинанг кесилсин, балога учрагин, Худоё худовандо!

Дафъатан Лайлонинг нафаси бўғзига қадалди. Шу топда қурсоғидаги гумона бир қимирлаб олганди.

## ЕТТИНЧИ БОБ

1993 йил. Баҳор. Эрта тонг. Марям меҳмонхона деразаси олдида турганча, эри Лайлони қандай қилиб дарчадан ўтишга кўмаклашаётганини кузатиб турарди. Лайлонинг қаппайган қорни

ҳатто кенг паранжи остидан ҳам якқол билиниб турарди. Рашид унинг атрофида гирдикапалак бўлар, худди йўл нозири сингари хотинининг ҳар бир ҳаракатини назорат қилар, «Секин, яна озроқ, мана бу ерга оёқ қўй, бўлди, асалим!» сингари гаплари Марямгача етиб келарди.

Улар кечки пайт қайтишди. Рашид бу гап биринчи бўлиб дарчадан ичкари кирди ва дарчани қарсиллатиб ёпаркан, орқада келаётган Лайлонини туртиб юборишига сал қолди. Тез ва йирик қадамлар билан уй томон юрди. Юзлари анча бўғриққан, кайфияти тунд эди.

– Овқат борми? Дастурхонинг қани? – дея ўшқириб берди.

У билан изма-из хонага Лайло кириб келди. Қўлидаги катта тугунни ерга қўйиб, эшик ортига ташлаб келган сумкасини олиб келиш учун яна ташқарига чиқди. Ошхонага чиқаётган Марям у билан бир кўз уриштирди-ю, ўтиб кетди...

... – Қулоқларимни тешворай дейди-я! – деди оқ сочлари тўзғиб турган Рашид шишган кўзларини ишқалаб, бўсағада турган Марямга зимдан нигоҳ ташлаб қўяркан. – Йиғлагани-йиғлаган. Чидаб бўлмайди-я!

Тепадан боласини қўлида кўтарганча хонанинг у бошидан бу бошига бориб келаётган Лайлонинг алласи эшитилди.

– Икки ойдан бери умуман уйқу йўқ, – шикоятда давом этди Рашид. – Хона худди халажойга ўхшаб сасиб ётибди. Қаёққа қарама, чақалоқнинг булганган тагликлари сочилиб ётади.

Марям сезилар-сезилмас кинояли илжайди.

– Ҳовлига олиб туш, – елкаси оша бақирди Рашид. – Тоза ҳавога чиқсаларинг-чи!

– Ўпкаси шамоллаб қолса, нима қиламан? – бу Лайлонинг овози эди.

– Вей, ёз келиб қолди-ку!

– Нима?

Рашиднинг тишлари гижирлади.

– Ташқари иссиқ, деяпман!

– Оптушмайман, бўлдими?

Яна алланинг мунгли оҳанглари таралди.

– Ўлай агар, шу йиғлоқини бир куни қутига солиб, Кобул дарёсига оқизвораман. Худди Му-со пайғамбарни гўдакдик пайтида Нилга оқи-зишгандек.

Марям бирор марта чақалоқни ўз оти билан – Азиза деб атамаган. Фақат ё бола, ё бўлмаса ҳо-зиргидек «йиғлоқи» дейди.

Марям баъзан кечалари тепадан уларнинг даҳа-наки жанжаллари овозидан уйғониб кетарди. Шунда Марям оёқ учида тепага кўтарилар, эшик туйнугига қулоқ тутарди. Эри ҳар доим Лайло-нинг бефаросатлигидан, уйдаги бесаранжомлик ва қўланса ҳиддан, бола билан бўлиб, эрига умуман қарамай қўйганидан нолирди. Лайло ҳам ўз навба-тида эрининг хонада чекиши, шанғиллаб болага уйқу бермаётганини айтиб вижирларди.

Гоҳида тамомила бошқа сабаб билан жиқилла-шиб қолишарди.

– Дўхтир олти ҳафтагача деганди.

– Йўқ, ҳозир вақтимас, тушунсангиз-чи! Илти-мос, ёпишманг менга! Бас қилинг!

– Икки ойлик бўлди-ку!

– Тсс! Ана айтмадимми? Уйғониб кетди. – Анча пайтгача чақалоқнинг гингшиши тинмади, яна бир муддат жимлик чўкди. Яна Лайло норози минғирлади. – Ана, кўнглингиз жойига тушдими энди? Нафсингиз қондими?

Шунда Марям соядек шарпасиз юриб, хонаси-га қайтарди...

... – Балким, сенинг ёрдаминг тегиб қолар?



– Мен болаларга қарашни билмайман, – дерди Марям совуққонлик билан.

– Дадаси! Анави сут шишани олиб келинг! Жавонда турибди. Азиза эммаяпти. Балки шишадан ичар.

Чақалоқ бўғзи йиртилгудек бўлиб биғилларди.

– Бу боламас, нақ дала командирининг ўзи! Ҳикматёр бу! Ҳа, Лайло менга яна битта Гулбиддин Ҳикматёр туғиб берган.

Кунлар ўтиб борар, Лайло Марямнинг кўз ўнгида болани эмизар, таглигини алмаштирар, тебратиб аллаларди. Кейин яна ҳаммаси бошдан бошланарди. Чақалоқ ухлаб қолганида, Лайлони ифлосланган тагликни олиб, кукунли сув солинган челаққа ивитиб тозалар, кейин уларни дорга ёйиб қуритарди. Баъзан эри айнан чақалоқнинг нарсалари сабабли ҳам гап ковларди:

– Анавиларни нимага четга қўйгансан?

– Улар ўғил боланики. Бизники қиз-ку!

– Нима фарқи бор! Ҳаммаси пулга келганми? Энангни пули кетганми уларга? Вей, сенинг гапиришинг менга умуман ёқмаяпти. Бу охириги огоҳлантиришим!

Ҳар ҳафта Лайло темир жомга исириқ солиб тутатар, бола ётган хонани тутунга тўлғазиб, бало-қазоларни қувиб соларди.

Лайлонинг кундан-кунга бола парвариши туфайли бошқача қиёфа касб этиб, улғайиб боришини кўриб, негадир Марям ҳам анча эрий бошлади. Баъзида у Лайлонинг фарзандига қараб, ёришган юзларини кўриб ич-ичидан севинар, завқланар, аммо ҳеч нарсани сездирмасди. Баъзида, Лайло кечаси билан ухламай, эрталаб кўзлари қизариб турса-да, унинг юзларидан алланечук хуррамлик уфурарди. Қизалоғидаги ҳар бир

ўзгариш, ҳар бир янги ҳаракат Лайлода чексиз ҳайрат, қувонч уйғотарди.

– Вой, унинг шақилдоққа қараб интилишини қаранг! Кўрдингизми? Вой бунинг ақллилигини!

– Ҳа, газетага хабар бериш керак, – эрмакларди Рашид.

Ана шундай ҳолатлар деярли ҳар кечқурун қайтариларди. Лайло қизига қараб бутун олам ва унинг ташвишларини унутар, эри эса парвойи палак эди. У қизғиш бурнини кўтариб, чақалоқ тарафга бирров кўз ташлаб қўяр, кейин пишиллаганча овқатга ёпишарди. Қизиқ, бир пайтлар мана шу қизча эндигина бу хонадонда пайдо бўлганида унга парвона бўлиб, бисотидаги бор ширин гапларини тўкиб солган, унинг ҳар бир саволига эринмай, батафсил жавоб қайтарган, ҳали сочиқ, ҳали санчқи, ҳали қошиқ узатиб, айланиб-ўргилган ҳам шу – Рашид эмасмиди?

Лайлонинг эса, фикри-зикри гўдагида, худди ҳар қандай бало-қазо фақатгина унинг қизига кўз тикиб турганга ўхшайди. Ичбуруғми, зотилжамми, қизамиқми, сариқми – ҳаммасидан хавотир олар, «ишқилиб, менинг боламга юқмасмин» деб безовтабўларди.

– Қизингга кўпам боғланиб қолаверма, – деди бир куни Рашид бефарқ қиёфада.

– Нимага энди?

– Кеча радиодан эшитдим, Афғонистонда ҳар тўртта боланинг биттаси беш ёшга етмасдан нобуд бўлармиш!.. Ие, ҳа? Қаёққа? Вей, сенга гапиряпман! Қайт орқангга! Қайт ҳозироқ!

Кейин эса елка қисиб Марямга қаради:

– Унга нима жин урди? Мен бир ёмон гапирдимми?

Ўша оқшом ярим тунда Марям ўз хонасида бедор ётганида, тепада яна жанжал бошланди. Ода-

тан Кобулда саратон иссиқ ва қуруқ келади. Марям деразани очиб қўйди. Қилт этган шабада йўқ. Қайтага бир уй чивин учиб кирди. Тепадан Лайлонинг қулоқни ёриб юборгудек қичқириғи эшитилди. Изма-из чақалоқ йиғлади.

Кейин тепа ётоқнинг эшиги зарб билан очилди. Марям отилиб чиққач, яна нимадир қарсиллаб кетди. Зум ўтмай Марямнинг эшиги остонасида ғазабдан оқариб кетган Рашид кўринди. У оқ лунгида ва қўлтиқ ости тердан ивиб кетган енгил кўйлақда турарди. Қўлида ёш хотини билан тўйи олдидан сотиб олинган янги, теридан ишланган камарни осилтириб турарди.

– Ҳаммаси сенинг ишинг, – вишиллади Рашид у тарафга бир қадам ташлаб. – Ҳаммасига сен айбдор!

Марям сакраб турди ва қўллари билан кўкрагини тўсганча деворга суянди. Илк зарба ҳам айнан кўкрагига келиб тушди.

– Нима бўлди... ўзи? Мен нима қилдим? – сўради у ўзини зарбалардан ғимоялашга беҳуда уриниб.

– У нимага мени ўзига яқинлаштирмаяпти? Уни сен йўлдан ургансан! Сен!

Ўтган йиллар мобайнида Марям эрининг ҳамма иддаолари, масхараю таъналарига худди чиндан ҳам айбдордек миқ этмай чидаб келарди. Аммо, эрининг кўзи ғазабдан ёниб, қонга тўлганида, қўлида камар қарсиллай бошлаганида, худди йўлбарс қафасига ташланган улоқчадек қалтираб қоларди. Ҳозир ҳам худди шундай бўлди.

– Аввалдан билувдим у сендан яхши нарса ўрганмаслигини, – ўқирди Рашид камарнинг тўқасини шилдиратиб.

– Бўлди, бас қилинг! – Дафъатан Лайлонинг ўт-кир овози жаранглади. – Бўлди дедим!

– Уйга кир!

Лайло жойидан жилмади.

– Тўхтатинг!

– Йўқол, дедим.

Навбатдаги зарба Марямнинг юз-кўзи ара-лаш тушди. Шу пайт кутилмаган ҳолат юз берди. Лайло Марямнинг қўлига худди канадек ёпишиб олди. Ҳатто Рашид қўлини ҳам қимирлатолмай қолди. Урмади, бироқ жон ҳолатда қичқирди:

– Йўқол, қанжиқ!

– Сизга ўша нарса керакми? Керакми? Юринг, фақат тегманг унга! Илтимос қиламан!

Марям худди қоққан қозикдек жойида қаққа-йиб қолди. Улар эса ҳамон бир-бири билан олишиб ётишарди. Шундагина Марям зарбалар тўхтаганини ҳис этди. Рашид ваҳшатли қиёфада бир зум терга ботганча қотиб турди, кейин камар ушлаган қўлини пастга туширди. Лайло эса ҳамон эрининг қўлига ёпишиб турарди.

– Жавоб берасанлар, – хириллади Рашид. – Ҳали иккаланг ҳам жавоб берасанлар. Мени шунчаки аҳмоқ қилиб кетолмайсанлар. Яна ўз уйимда-я? Мен бунга йўл қўймайман!

У Марямга газаб билан тикилди, кейин Лайло-ни кўксидан итариб, чиқиб кетди.

Ёлғиз қолган Марям бошини ёстиқ остига бер-китиб, қалтироғи босилишини кутиб ётди. Ўша кечаси у уч марта уйғониб кетди. Биринчисида, Карте-Чор тарафда портлаган ракетанинг чинқи-риғидан сапчиб тушди. Энди кўзи илинганида чақалоқнинг йиғиси яна уйқусини бузди, кейин Лайлонинг алласи, идишга урилаётган қошиқча-нинг жиринглаши қулоғига чалинди. Яна уйқу бос-ди. Кўп ўтмай, кучи ташналикдан уйғонди.

Ошхонага кетаётиб, йўлакда ётган катта бир нарсага кўзи тушди. Диққат билан тикилиб, Лайло билан чақалоқ эканини тушунди. Онаси ухлаб қол-ган, чақалоқ эса уйғоқ эди. Марям керосин-чироқ-

ни ёқиб, биринчи маротаба қизалоқнинг юзларига диққат билан тикилди. Сочлари, кўзлари қоп-қора, киприклари қалин, ёноқчалари пуштиранг, лаблари худди ғарқ пишган анор рангидек... Чақалоқ ҳам унга диққат билан қараб ётарди. Хиёл ёнбошида ётган гўдак унга қизиқиш билан қадалиб турди-да, мамнун чийиллаб қўйди.

– Тссс, – шивирлади Марям. – Ойингни уйғотмагин, тагин! Яхшиям, бечоранинг бир қулоғи эшитмайди.

Қизалоқ митти муштини оғзига солиб жилмайди, кейин эса, оғзидан пуфакча чиқарди.

– Вой-вўй, онанг сени намунча ўраб-чирмаб ташламаса? Шундай иссиқда-я?

У оҳиста эгилиб, боланинг устидаги адёлни очди, унинг остида яна бир қават адёл борлигини кўриб, ҳайратга тушди ва аянчли бош чайқади. Кўксига тоза ҳаво теккан гўдак шодон қиқирлаб, қанот қоқишга уринаётган полапондек оёқ-қўларини қимирлатишга тушди.

– Энди қалай? Енгил тортдингни?

Марям болани жойига тўғрилаб ётқизаётганда хўл бармоқчалари билан аёлнинг бошмалдоғини ушлаб олганди. Гўдак аёлга қарата «қу» деди.

– Хўп, хўп, фақат қўлимни қўйвор, етар энди!

Марям бармоғини оҳиста бўшатиб олгач, чақалоқ яна «қу-қу»лаб, илжайди ва муштини оғзига солди.

– Намунча хурсандсан, а? Кулишини қара буни! Отанг қўрс, онанг тентак бўлса-ю, сенинг кулишингни қара! Агар буни билганингда ҳеч қачон қулмасдинг. Ухла энди.

Марям ўрнидан туриб, икки қадам босмасидан чақалоқ ҳиқиллашга тушди. «Ҳозир йиғлаб оламни бузади», ўйлади Марям.

– Ҳа, нима керак сенга? Нима хоҳлайсан?

Чақалоқ тишсиз милкларини кўрсатиб, илжайди. Марям хўрсинганча ўтирди ва бир бармоғини тўла-тўкис чақалоқнинг ихтиёрига топширди. Аввалига гўдак яна хурсандчилигини сездирмоқчи бўлгандек хушҳол қийқирди, оёқлари билан ҳавони «тепкилади», Марям болакай тинчиб қолгунча, қимирламай ўтирди.

Мана, у ширингина бўлиб ухлаб қопти.

Ховлида ҳаққушларнинг сайроғи эшитилиб турарди. Негадир Марямнинг чанқоғи ҳам эсидан чиқаёзган, ўтирган ерида қотиб қолганди. Азиза уйқусида ҳам унинг қўлини маҳкам ушлаб олганди.

### **САККИЗИНЧИ БОБ**

Лайло учун бу оламда Азизанинг ёнида ётиб, унинг қорачиқлари кенгайиб торайишини томоша қилиш, бармоқларини боласининг текис, юмшоқ бадани бўйлаб юргизиш, гўдак тирсагидаги митти чуқурчани пайпаслашдан ҳам завқлироқ машғулот йўқ эди. Гоҳида, ҳеч ким йўғида Лайло қизининг қулоғига шивирлаб, ҳақиқий отаси – Тарик ҳақида, унинг топқирлиги, шўхлиги, қилиқлари ҳақида ҳикоя қилиб берарди.

– Унинг киприклари шу қадар қалин эдики, ҳатто қизларнинг ҳасадини кўзғатарди. Худди сеникига ўхшарди. Ияги ҳам, юмалоқ пешонаси ҳам худди сеникидек эди. Сенинг отанг ҳаммадан чиройли йигит эди. Сен ҳам худди унинг ўзисан!

Лайло эҳтиёткорлик юзасидан бирор маротаба унинг ҳақиқий исмини тилга олмас, фақат «отанг» деб гапирарди.

Рашид эса... Ҳар гал қизига кўзи тушиб қолса, негадир пешонаси тиришарди. Бир гал оёғидаги қадоқни олиб ташлаётиб, луқма ташлаб қўйди:

– Сизнинг орангизда нима гап ўтган ўзи?

Лайло ажабланиб эрига қаради:

– Кимнинг ўртасида?

– Лайли ва Мажнуннинг ўртасида! Сен ва ана-ви якланг чўлоқ бола ўртасида! Ораларингда ни-мадир бўлганди, тўғрими?

– У менинг дўстим эди, – Лайло сут шишани қўлида айлантириб, аниқ ва равон гапиришга уринди. – Ўзингиз ҳам билардингиз-ку!

– Нимани биламан? – Рашид оёғидан ажратиб олган қадоқ парчаларини бир тарафга черткилаб юборди, ўзини каравот устига ташлади. – Сизлар чегарадан чиқадиган ишлар билан шуғулланган-сизлар, дўст бўлсаларинг ҳам.

– Қанақа чегарани айтяпсиз?

Рашид лоқайд кулимсиради. Кейин совуқ кўз ташлади.

– Энди айтаман-да! Ўпишганмисизлар у билан? Офтоб тегмаган жойларингдан ушлагандир?

Лайло тишини-тишига босиб, ғазабини ютди

– У менга... акамдек эди.

– Дўстмиди ёки акамиди?

– Ҳам акам, ҳам дўстим эди.

– Шунақами? Бунақа «ака-сингиллар»нинг кўпини кўрганмиз. Биргалашиб шунақа бемаъни ишлар қилишадик, бунақасини чет эл кинола-рида ҳам кўрмайсан.

– Бас қилинг, бунақа аҳмоқона гапларни!

– Ҳа, шунақа қилиб, ҳеч нарса бўлмаган, де?

– Бу ҳақда бошқа гапиришни ҳам истамайман.

Рашид бошини буриб, лабини тишлади.

– Икковинг одамларнинг тилидан тушмасди-ларинг-ку! Шамол бўлмаса, дарахтнинг шохи қи-мирламайди.

Лайло ўзини мажбурлаб, эрига қаради. Рашид киприк қоқмасдан унга қадалиб турарди. Лай-ло бефарқ қарашларини йўқотмаслик мақсади-да қўлидаги шишани шу қадар қаттиқ сиқдики, бармоқлари оқариб кетди.

Қизиқ, агар эри унинг пулларида ўмараётганини билиб қолса, қандай аҳволга тушаркин? Азиза туғилганидан сўнг Лайло Рашиднинг ҳамёнини титкилайдиган одат чиқарган, эри ухлаётганда, ҳожат учун ташқари чиққанда сездирмай, бир-иккита қоғоз пулни четга олиб қўядиган бўп қолганди. Агар ҳамёнда пулнинг чўғи камроқ бўлса, беш афғоний билан чекланар ёки умуман тегмас, агар лиқ тўла бўлса, бир-иккита ўнталик ёки йигирматаликни гум қиларди. У пулларни ўзининг палтоси астараридаги яширин ҳамёнга жойларди. Келаётган баҳорда, ёзга чиқмай туриб, Лайло қочиб кетишни режалаштирганди. Унгача жамғарган пули минг афғонийга етиб қоларкан. Пешоварга етиб олиши учун беш юз етади. Унга навбат етиб келгунча никоҳ узуги ва Рашид ҳали «малика»лигида туҳфа қилган тақинчоқларни сотиб, кун кечиради.

– Майли-да, – деди Рашид қорнини сийпалаб.  
– Хафа бўлма! Ахир мен сенинг эрингман-ку! Эр зоти ҳамма нарсага қизиқаверади. Лекин... унинг омади бор экан, ўлиб кетибди. Бўлмаса, у билан ўзим ҳисоблашиб қўярдим.

– Ўлганлар ҳақида ёмон гапириб бўлмайди.

– Қўриб турибман, жа унақа ўлганга ҳам ўхшамаяпти, назаримда, – дея тўнғиллади Рашид.

Орадан икки кун ўтиб, Лайло уйқудан уйғониб, эшиги остонасида, пол устида бир уюм болаларнинг нарсаларига кўзи тушди. Улар орасида балиқ тасвири туширилган қалпоқчалар, мовий жун камзулчалару, пайпоқчалару, қўлқопчалар бир талай эди.

– Гап-сўзлар юрибди, – деди Рашид янги кийимларда ширингина бўлиб ўтирган Азизага қиё ҳам боқмай. – Дўстим Ҳикматёр тарафга ўтиб кетмоқчиймиш. Икковлашиб Масъудни энаси-



ни кўрсатишади, энди. Бу ёқда ҳазорийлар ҳам эзворди, – Рашид Марям ёзда тайёрлаган бақлажон икрасини ҳузур қилиб кавшади. – Ишқилиб, ҳаммаси миш-миш бўп чиқсин-да! Бўлмаса, шу пайтгача кўрганларимиз энди бошланадиган урушлар олдида ҳолва бўп қолади.

Рашид қорни тўйиши билан пишиллаганча хотинига ёпишди ва бир зумда ишини битиргач, ўзини каравотга ташлаб, дарҳол ухлаб қолди.

...Лайло ётоғидан сирғалиб чиққанида Марям ошхонада балиқ тозалаб ўтирганди. Гуруч ивигилган шокоса унинг ёнида турарди. Ошхона тутун, қоврилган пиёз ва балиқ ҳидига тўлганди.

– Раҳмат, – деди Лайло бурчакда тиззасини букиб ўтираркан.

Марям уни пайқамасдан, балиқларни чаққонлик ва ҳафсала билан тўғрашда давом этарди. Унинг қўллари шу қадар чаққон ишлар, балиқларнинг ичини шунақа тезкорлик билан тозалардики, Лайлонинг оғзи очилиб қолди:

– Балиқни бунақа тез тозалашни қаердан ўргангансиз?

Марям Лайлога бир қараб олди:

– Мен болалигимда анҳор бўйида яшаганман, балиқни ўзим тутардим.

– Мен бирор марта ҳам балиқ тутмаганман.

– Бу қийин эмас, кутишга ҳафсаланг етса бас.

Лайло унинг чаққон қўлларидан кўз узмади.

– Бояги кийимчаларни ўзингиз тикканмисиз?

Марям бош ирғади.

– Қачон?

Марям бир бўлак форелни сув тўла идишга бо тирди.

– Эсимда йўқ, биринчи марта бўйимда бўлганмиди ўшанда, иккинчи мартами? 18-19 йил бўп қолди. Бари бир уларни кимдир кийиши керак эди-ку!

– Чиройли тикар экансиз, менгаям ўргатасизми?

Марям навбатдаги балиқни тозалаб, унга бе-  
лаб, идишга соларкан, умрида биринчи маротаба  
Лайлога тик қаради:

– Ўша оқшом... Ўша оқшомгача... ҳали бир  
банда менинг ёнимни олмаганди!

Лайло қаршисида осилиб тушган юзларни, кўз  
бурчагидаги ажинларни кўриб, кўнгли бир ҳап-  
риқиб тушди. Қаршисида... ўзининг 18-19 йил-  
дан кейинги ҳолатини кўрди.

– Мен қараб туrolмасдим. Ахир бу ваҳший-  
лик-ку! Мен катта бўлган уйда ҳеч ким бундай  
йўл тутмасди.

– Энди сенинг уйинг – шу! Кўникасан!

– Зўравонликками? Ўлсам ҳам!

– Мен ҳам эдим сенингдек, сенам бўласан менинг-  
дек, – Марям қўлини кир латгага артди. – Сен унга  
қиз туғиб бергансан. Демак, айбинг катта.

Лайло ўрнидан турди.

– Ташқарида ҳаво бирам ёқимли. Юринг бу  
ерда тиқилиб ўтирганча ҳовлида чой ичамиз.

Марям юзида таажжуб акс этди.

– Иложим йўқ. Ҳали ловия тозалашим керак.

– Эрталаб ўзим сизга қарашвораман.

– Ҳали ошхона йиғиштирилмаган.

– Эртага ўзим йиғиштирарман. Уйда озроқ  
ҳолва қолганди. Чой билан жа кетади-да!

Марям латтани столга қўйиб, рўмолини боши-  
га ташлади, пешонасини тўсиб турган сочларини  
йиғиб олди.

– Бир кун чой ичмаслик уч кун овқат емаслик-  
дан кўра ёмонроқ, деган экан хитойликлар.

Марям кулимсиради.

– Тўғри айтишибди. Лекин ишим жуда кўп...

– Бир пиёлагина.

Ҳовлидаги супа устида ўтирганча бир тақсим-  
чадаги ҳолвани икковлашиб баҳам кўришди.

Бирпасда икки чойнак чойни бўшатишганини ҳам сезмай қолишди. Тоғлар ортида ўқ овозлари тинганида, баркашдек ой осмонни забт этганди.

Иккинчи қаватдан Азизанинг чинқириб йиғлагани, кейин эса Рашиднинг «манави чиридоқнинг овози ўчирсанг-чи!» дея бақиргани эшитилди.

Лайло ва Марям бир-бирига термилиб қолди. Уларнинг қарашларида душманликдан асар ҳам қолмаганди.

### ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Ўша оқшомдан Лайло ва Марям ҳамма уй ишларини биргаликда бажарадиган бўлишди. Улар ошхонада биргаликда хамир қоришар, пиёз тўғрашар, саримсоқ эзгилашарди. Азиза уларнинг атрофида йўрғалаб, қошиқларни бир-бирига урар, сабзиларни юмалатарди. Улар кир ювишаётганда, болакайни бешикка белаб ухлатиб қўйишарди.

Марям шу тариқа ёлғизлик балосидан қутулаёзди. Ҳар кун кечки пайт улар ҳовлида ўтириб, чойхўрлик қилардилар. Ҳар эрталаб Марям зиналардан Лайлонинг пошнаси туфлисининг овози эшитилишини, Азизанинг саккизтагина тишини кўрсатиб, беғубор табассум қилишини орзиқиб кутадиган бўлди. Агар Лайло ва қизчаси эрталаб сал ҳаяллаб қолишса, Марям ўзини қўярга жой тополмас, ўзини овутиш учун ювилган идиш-товоқларни қайта-қайта ювар, чиннидай ярақлаб турган токчаларнинг чангини артишга уринарди.

Азиза Марямни кўриши билан кўзларини катта-катта очиб, қиқирлашга тушар, онасининг қучоғидан чиқишга ошиқиб, меҳр билан унга томон интиларди.

– Қўрқма, Марям холанг сени ташлаб ҳеч қаёққа кетмайди, – дерди Лайло қизчасини оҳиста ерга қўяркан. – Тинчлан! Мана, холажониси!

Азиза Марямнинг қўйнига кириши билан унинг бошмалдоғига маҳкам ёпишганча елкасига бош қўйиб оларди.

Марям эса, ҳам хурсанд, ҳам ҳайрон эди. Қизча нимага уни бу қадар яхши кўриб қолдийкин? У бунча меҳрни, бунчалик самимиятни қаердан олдийкин? Болани бағрига босган Марям кўзларидан шашқатор ёшлар тирқираётганини ҳам пайқамай қолди.

– Мен қари ажинанинг нимасини бунча ёқтириб қолдинг? – деди боланинг қулоғига шивирлаб. – Мен бир қоп-қора қишлоқи хотин бўлсам! Мендан сенга нима фойда?

Азиза нимадир дея чулдириганча унга маҳкамроқ ёпишиб олди. Марямнинг юраги телбавор ура бошлади. Шунча йиллар ичида энг яқин инсонларини йўқотиб, турфа алдов ва қабоҳат ичида қолган Марямга шу миттигина жон чексиз завқ ва бокира туйғулар инъом этганди.

1994 йилнинг бошларида Дўстим Масъуд билан келишолмай, Гулбиддин Ҳикматёр тарафга ўтган, айти чогда Шердарвоза тоғ тизмалари бағрида қад ростлаган қадимий қалъани ўзига истеҳком қилиб олганди. Масъуд ва Раббонийга тобе кучлар эса Мудофаа вазирлиги, Президент саройи ва бошқа бир қатор муҳим иншоотларни эгаллаб олишганди. Икки ўртада қирғинбарот отишмалар кунда-кунора давом этар, кўчалар ойна синиқлари, снаряд ва ракета парчалари ва ўликларга тўлиб-тошганди. Турли ваҳимали хабарлар ҳар ёққа ёйилганди.

Минемётлар тариллай бошлаганида, Азиза чирқираб, йиғлашга тушарди. Уни тинчлантириш учун Марям қайнатилган гуручдан уйлар, хўрозчалар, юлдузлар шаклини ясаб, турли хил расмлар чизиб берар, айниқса, қаламни қоғоз-

дан узмасдан туриб фил расмини чизиб беришда ҳеч ким унга бас келолмасди.

Рашиднинг айтишича, тинч аҳоли орасидан юзлаб, минглаб одамлар ўлиб кетаётганмиш. Госпитал ва омборларда дори-дармонлар захираси ўққа тугилган, озиқ-овқат ортилган юк машиналарини шаҳарга кирмасдан туриб, талон-торож қилишарди.

«Ҳиротда ҳам шунақа урушмикин? – ўйларди Марям. – Мулла Фатхулла ҳалиям тирикмикин? Болалари, неваралари омонмикин? Жалил-чи? Балки уям хотини ва болалари билан бирор кавакка беркинган ёки мамлакатни тарк этгандир?»

Жанглар шу қадар шиддатли тус олдики, ҳатто Рашид ҳам кун бўйи уйда ўтирадиган, ташқарига бош чиқариб қарашга ҳам журъат этолмайдиган бўлди. У эшик ва дарчаларни ичкаридан маҳкам танбалаб ташлаган, яна биров эшикни бузиб кирмасин деб диванни тираб қўйган, ўзи эса, ҳар куни револверини тозаллаганча деразадан кўз узмай ўтирарди.

– Қани битгаси менинг уйимга яқинлашиб кўрсин-чи? – дея одатича қариллашга тушди Рашид. – Нақ моягини мўлжаллаб отаман. Сен иккалангнинг жа омадинг бор экан. Эрларингга шайтоннинг ўзиям бас келолмайди.

Шу пайт Азиза унинг оёғи остига ўрмалаб келди:

– Қани йўқол! Жўна! Менга осилма, тушундингми? Ҳатто ялиниб-ёлворсанг ҳам қўлимга олмайман. Босиб-нетиб олмасимдан даф бўл!

Азиза норози чулдираб, Марям тарафга эмак-лади. Қизчанинг ранжигани юзчасидан кўриниб турарди. Марям уни бағрига олиши билан бош-малдоғини сўрганча, хўмрайиб Рашидга термилди. Марям эса, болани овутишга чоғланди. Начора, отани танламайдилар!

Жанглар тиниши билан Марямнинг елкасидан тоғ қулагандек бўлди. Рашиднинг ҳибсхонасида яшашга энди бардоши қолмаганди. Унинг тунд кайфияти бутун уйни эгаллаб олгандек эди. Яна эри Азизанинг олдида ўқланган револверини ўйнай бошлаганида, Марямнинг юраги отилиб чиққудек бўларди. Ахир фалокат оёқ остида бўлса...

Мана, Лайло Марямнинг сочларини майда ўриб ўтирибди. Марям рўпарасидаги кўзгудан Лайлонинг бармоқлари қанчалик чаққон гивирлаётганини кўриб, завқланади. Азиза Марям ясаб берган латта қўғирчоқни бағрига босиб, пол устида гужанак бўлганча ухлаб қолган.

Марям шу аснода айни дамга қадар ҳеч кимга оғиз очмагани – Жалил, Нана ва унинг бўйнига миниб олган шайтон ҳақида гапиришга тушди. Лайло қўллари муз қотганча, Марямнинг ҳикоясини тингларди. Шу аснода Лайлонинг кўз ўнгида Бибижонининг, Мулла Фатҳулланинг, Жалилнинг қиёфалари, унинг қизига қилган ноинсофликлари, Нананинг ўз жонига қасд қилиши, Рашиднинг никоҳига ўтиши, Кобулга келиши, илк ҳомиладорлик ва армонга айланган умидлар бирин-кетин жонлана бошлади.

Кейин Лайло полга чўккалаб, қизчасининг сочига ёпишиб қолган бир қатим ипни олиб ташлади:

– Сизга битта гап айтмоқчи эдим, – деди у Марямга.

...Шу оқшом Марям ухлаёлмади. Каравотида ўтирганча, ташқарида учқунлаётган қор зарраларига тикилиб чиқди.

Ойлар, йиллар ўтиб борар, Кобулда давлат раҳбарлари бирин-кетин алмашар, салтанатлар барбод бўлар, эски уруш ўчоқлари кулга ботиб, янги си аланга олар, аммо буларнинг бари Марямнинг кўз ўнгидан олисдаги поезд вагонлари мисол би-

рор маъно касб этмасдан ўтиб борарди. Унинг юраги тап-тақир қўриқ ерга ўхшар, унда на умид, на истак, на хоҳишлар ниш урарди. Аммо сўнгги икки ой ичида ҳаёти тамомила ўзгариб кетди. У ана шу қўриқ далада иккита чиройли гул ғунча очаётганини пайқади. Уларнинг бири Лайло, иккинчиси эса унинг ўзи сингари никоҳсиз туғилган (буни Марям кейинроқ билди) Азиза эди. Айнан шундан кейингина шу пайтга қадар бирор марта нолимаган ўтмиши битмас-туганмас изтиробларга кон эканини англаб етди.

Лайло, Азиза ва Марям энди кетишади.

Ўтган йиллар уқубатда кечди. Онаси «сенга ўхшаган ҳаромиларга бахт кулиб боқмайди» деб нотўғри айтган. Мана, Худо унга ҳам бахтни раво кўрган кўринади.

Қор зарраларига тикилиб ўтирган Марямнинг қулоғи остидан Мулла Фатхулланинг майин, маҳзун овози жаранглади гўё: «Бу икки гулни сенинг қалбингда Яратганнинг ўзи эккан кўринади, қизим! Унинг иродаси шу!»

## ЎНИНЧИ БОБ

1994 йил. Баҳор. Эрта тонг. Лайло кутилмаган босинқирашдан чўчиб уйғонди. Ҳа, унинг ишончи комил. Эри ҳаммасидан хабардор. Ҳозироқ сапчиб ўрнидан туради-да, «Мени ким деб ўйловдиларинг, мен ҳаммасини биламан, сиз ўйлаганларинг сингари эшшак эмасман» дея бўкиришга тушади.

Дафъатан азон садоси янгради. Хўрозлар қичқирди ва бошқа бирор-бир фавқулодда ҳол юз бермади. Рашид ваннахонада соқолини олиб, чой ичди, кейин велосипедига ўтирганча, ишига равона бўлди.

– Лайло!

Бўсағада Марям пайдо бўлди. Афтидан, у ҳам бу оқшом ухламаган эди.

– Ярим соатдан кейин жўнаймиз, – деди Лайло.

Мана, улар таксининг орқа ўриндиғида ўтирганча жим кетишмоқда. Қўғирчоғини бағрига маҳкам босиб олган Азиза машина ойнасидан кўз узмай боради. Нималарнидир кўриб ҳайратга тушади, Марямга жажжи бармоқчалари билан кўрсатиб, алланималарни шодон бижирлайди.

Лайлонинг эса кўнгли алағда эди. Кўчадаги ҳар битта эркак унга Рашид бўлиб кўринарди. Марям эса, юзига чодрасини туширганча, дуо ўқиб борар, Лайлонинг ҳам юзи ёпиқ эди.

Лайло бир неча ҳафта уйдан чиқмаганди. Фақат куни кеча заргарга бориб, ўзининг никоҳ узугини пуллаб қайтди. Кечадан буён ўзини қўярга жой тополмайди.

Кечагина рўй берган шиддатли отишмаларнинг излари кўчаларда яққол кўзга ташланади: парчаланган гиштлар, девор қолдиқлари, ёниб кетган автомобил қисмлари бир-бирига айқаш-уйқаш бўлиб кетган. Масжид олдида одамлар тўпланиб турганига қараганда, кимнингдир жанозаси ўқилмоқда. Аёллар дод солиб, сочларини юлади.

Лайло хавотир билан қизчасига қараб, унинг қўлчаларини сийпалаб қўйди. «Лаҳор дарвозаси» бекатида, Кобулнинг шарқий қисмидаги Пули Маҳмудхон масжиди ёнида автобуслар карвони қатор тизилган. Уларнинг томига лиқ тўла қилиб жомадон ва сумкалар юкланган, эркаклар уларнинг тушиб кетмаслиги учун арқон тортиб бойлашмоқда. Автобуслар панасида паранжига ўранган аёллар ва болалар тўпланиб туришибди.

Яна ҳамма ёқни бошига пакол қўндириб, қўнжи баланд ҳарбий ботинкалар кийиб олган му-



жоҳидлар босиб кетганди. Ҳар бирининг елкасида автомат.

Лайло чодраси остидан уларга қўрқув билан қарар, худди ҳамманинг нигоҳи уларга қаратилгандек эди.

– Биротасини кўрдингизми? – сўради Лайло.

– Қараяпман, – деди Азизани кўтариб олган Марям.

Уларнинг биринчи навбатдаги режаси вақтинча қариндош вазифасини ўтай оладиган эркакни топиш эди. Зеро, аёлларнинг эркин, озод даври ортда қолганди. Ҳукумат мужоҳидлар қўлига ўтгач, мамлакат Афғонистон Ислоҳ Давлати номини олган, Раббоний бошчилигидаги Олий судни чаламуллалар эгаллаб олган, бир пайтлар аёлларга берилган имтиёзларнинг бари бекор қилинган, хотин-қизлар яқин қариндоши ҳамроҳлигидагина сафарга чиқа олар, эрига хиёнат қилган хотинлар эса тошбўрон қилинади. Шунинг учун ҳам чегарадан ўтишда бирор эркак «қариндош» топиш жуда муҳим эди.

Иккинчи мақсад эса қандай бўлмасин, Покистонга етиб олиш эди. Айни пайтга қадар икки миллиондан ортиқ афғон қочоқларини бағрига олган Покистон энди чегараларини ёпиб қўйганди. Энди у томонга фақат виза билангина ўтиш мумкин эди. Бироқ, чегаралар у қадар қатъий беркитилмаган, таниш-билиш, пора эвазига минглаб қочоқлар ўтиб олишмоқда эди.

– Ўтиб олсак бўлди, у ёғини бир амаллардик, – дерди Лайло.

– Анави эркак бўладими? – сўради Марям йўловчилардан бирини кўрсатиб.

– Кўринишидан унчалик... ишончли одамга ўхшамаяпти.

– Анави-чи?

– Жуда қари экан. Бунинг устига ёнида яна иккита эркак бор.

Ниҳоят, Лайло қидирган одамани топди. У хиёбонга кираверишдаги ўриндиқда чодрали хотин ва Азиза тенги бола билан ўтирарди. Ўттизларга бормаган бу эркакнинг кийимлари бир оз эски униққан бўлса-да, тоза ва ораста эди.

– Мени кутиб туринг, – деди Лайло ва у тарафга юрди.

Марям ичида қанақадир дуоларни пичирлашга тушди. Лайло яқинлашиши билан ҳалиги эркак кўзини қуёшдан пана қилиб ўрнидан турди.

– Кечирасиз, ака, сиз Пешоварга кетяпсизми?

– Ҳа, – деди эркак бир оз кўзини қисиб.

– Бизга бир яхшилик қила олмайсизми?

Эркак қўлидаги болани ёнидаги аёлга бериб, Лайлони сал четроққа бошлади.

– Сизга қандай ёрдам керак, синглим?

Унинг юз-кўзларидан алланечук самимият балқиб турарди. Лайло аввалдан тўқиб қўйилган «кечмишини» айтиб беришга тушди. Бева эканини, Кобулда онаси ва қизидан бошқа ҳеч қандай қариндоши қолмаганини, Пешоварга амакисиникига кетаётганини айтди.

– Сиз биз билан бирга кетмоқчисиз, шунақами? – унинг гапини илиб кетди эркак.

– Биламан, сизга ортиқча ташвиш бу. Аммо кўринишингиздан жуда инсофли, художўй одамга ўхшайсиз.

– Синглим, сиз хавотир олманг. Тушунаман, қўлимдан келганича ҳаракат қиламан. Сизга чипта опкелиб берайми?

Лайло паранжиси остидан пул солинган конвертни узатди. Унда шу пайтгача йиғиб юрган пулларининг қарийб ярми – 1100 афғоний бор эди.

Эркак конвертни шимининг чўнтагига жойлади.

– Мени шу ерда кутиб тулинг!

У рўпарадаги чиптахона биносига кириб кетди. Ярим соатлар чамаси вақт ўтиб қайтиб чиқди.

– Чипта олдим, улар менда тургани маъқул. Автобус бир соатдан кейин, роппа-роса 11 да жўнайди. Автобустга чиқиб ўтира турамиз. Менинг исмим Вакил. Биз сиз билан амакиваччамиз, тушунарлими? Мабодо сўраб қолишса, айтасиз. Менимча, сўраб ўтиришмаса керак, уларга ўзим ҳаммасини тушунтираман.

– Мен эса Лайло. Менинг онам – Марям. Қизимнинг исми эса Азиза.

– Эслаб қоламан. Биздан узоққа кетиб қолманглар.

Улар қўшни ўриндиқдан жой олишди. Тонг қуёшли ва илиқ эди, олисдаги тепаликлар узра икки-уч тўп оппоқ булут сузиб юрарди. Марям ўзи билан уйдан олиб чиққан печенедан Азизага едираркан, Лайлога ҳам манзират қилди:

– Томоғимдан ҳозир сув ҳам ўтмайди, – деди Лайло. – Ҳамма ёғим титраб кетяпти.

– Менам қўрқяпман.

– Яхшиям сиз бор экаксиз, Марям опа! Бир ўзим қаёққа ҳам борардим?

– Қўйсанг-чи.

– Ҳали ҳаммаси яхши бўлади, мана кўрасиз!

Марям оҳиста унинг қўлидан тутди.

– Қуръонда айтилган: «Мағриб ҳам, Машриқ ҳам Аллоҳга тегишлидир. Қаёққа юзланма, Аллоҳнинг сиймосини кўрасан. Дарҳақиқат, Аллоҳ буюк ва қудратлидир!»

– Анна, биби, – Азиза бармоғини автобус тарафга ниқтади. – Майам, анна, биби!

– Кўряпман, Азизажо! Биз ҳозир чиқамиз бибига! Буни қувонишини қара!

Лайло жилмайди. Рўпарадаги устахонада дурад-гор ёғоч арралар, атрофга қипиқлар худди қор зарралари сингари сочиларди. Уларнинг шундоққина ёнидан чанг ва тутундан ойналари қорайиб кетган машиналар ўтиб қайтар сал нарида ёнбошида товус, аждар, шер, қуёш ва бошқа жонли, жонсиз нарсалар тасвири туширилган автобусларнинг мотори қулоқни қоматга келтирарди.

Лайло бугунги қатъияти, ботирлигидан ўзи ҳам ҳайратга тушган, қувончи ичига сиғмасди. Соат ўн бирга бир неча дақиқа қолганда мегафон кўтариб олган бир одам Пешоварга жўнай-диган автобусга йўловчиларни чақира бошлади. Автобус эшиги ёғирлаб очилиши билан буртда оломон ўзини ўша ёққа урди.

Вакил ўғлининг қўлидан маҳкам ушлаб бораркан, Лайлога «келаверинглар» дегандек ишора берди.

– Мана, кетяпмиз, – деди Лайло.

Вакил олдинда кетиб борар, автобус деярли тўлиб бўлган, пастдаги хайрлашув, оқ йўл тилаш маъносида тинимсиз қўл силкитишарди. Эшик олдида ёш кўнгилли аскар чипталарни текшира бошлади.

– Биби, биби, – дея тинимсиз ирғишларди Азиза.

Аскар Вакил узатган чиптани ўртасидан иккига бўлиб, қайтариб берди. Вакил аввал хотини ва ўғлини ўтказиб юборди, кейин эшик олдида турган назоратчи билан кўз уриштириб, ўзи автобуснинг биринчи поғонасига қадам қўяркан, эгилиб, аскарнинг қулоғига нимадир деб пичирлади. Аскар бош ирғади.

Бунинг нохушлик аломати эканини пайқаб, Лайлонинг юраги товонига тушди.

– Сизлар, бола кўтарган икки хотинга айтяпман, қани, бу ёққа ўтинлар!

Лайло худди ўзини ҳеч нарсани эшитмагандек кўрсатиб, автобус зинасига оёқ босди. Назоратчи эса, унинг биллагидан тутганча, навбатда турган оломон сафидан четга чиқарди.

– Сен ҳам, – деди у Марямга ўтирилиб. – Тез-тез, имилламаларинг!

– Нима гап ўзи, ака? – сўради Лайло лаблари титраб. – Бизнинг чиптамиз бор. Қариндошимиз уни сизга бермадимиз?

Назоратчи «жим тур» дегандек бармоғини лабига босиб, ўнг юзи узунасига чандиқ билан қопланган ялпоқбашара шеригига нималарнидир пичиради.

– Орқамдан юрларинг! – деди тиртиқ соқчи уларга юзланиб.

– Биз манави автобустга чиқишимиз керак, – чирқиради Лайло асабий овозда. – Бизнинг чиптамиз бор. Нега бизни ушлаб ўтирибсизлар?

– Сизлар ҳеч қаёққа бормайсизлар, эшитдиларингми? Орқамдан юр дедим! Ёки манави ёш қизчаларингни кўз ўнгида сизларга қарши куч ишлатишимни истаяпсанларми?

Уларни катта юк машинасига чиқаришди. Беихтиёр Лайло автобус тарафга қаради. Вакилнинг ўғли автобус ойнасидан уларга қараб шодон қўл силкитарди.

«Тўрабозхон чорраҳаси» полицияси бўлинмасида уларнинг ҳар иккисини одамлар билан лиқ тўла йўлакнинг икки бурчагига ўтқизиб қўйишди. Ўртада узун стол бўлиб, унинг ортида бир эркак ўтирар, лабига сигарет қистирганча ёзув машинасини тарақлатиб қандайдир матнни оққа кўчиради. Орадан уч соатча вақт ўтди. Азиза йўлакнинг у тарафидан бу тарафига пилдираб чарчади, бояги котиб унга ўйнаб туриш учун берган қисқичларни бир четга улоқтирди, Марям

берган печенени еб тугатгач, ойисининг кўйнида ухлаб қолди.

Соат учларга яқин Лайлони сўроқ қилгани олиб киришди. Марям йўлакда қолди. Хужранинг тўрида қора костюм, оқ кўйлак кийиб, бўйинбоғ боғлаган, соқоли ўзига ярашган, сочлари қисқартирилган, қошлари ўсиқ, ўттиз ёшлардаги хушбичим эркак ўтирарди. У Лайлодан кўз узмай столни қалам билан тарақлата бошлади.

– Биламиз, – деди у бир-икки йўталиб олгач. – Синглим, сиз бугун бир марта алдадингиз. Бояги, автошоҳбекатдаги йигит сизнинг қариндошингиз эмас эди, тўғрими? Буни унинг ўзи бизга айтди. Хўш, яна алдаш ниятингиз йўқми? Мен фақат рост гапиришни маслаҳат берган бўлардим.

– Биз амакимникига бораётгандик, – деди Лайло ердан кўз узмай. – Ростини айтяпман.

Полициячи бош ирғади.

– Йўлакда турган аёл онангизми?

– Ҳа!

– Лекин у Ҳирот шевасида гапиряпти-ку! Сиз эса, ғирт кобулликка ўхшайсиз.

– Ойим Ҳиротда, мен эса Кобулда туғилганман.

– Бунга ҳам ишондик, дейлик. Сиз бева эканингизни айтибсиз. Таъзиямни қабул қилинг. Амакингиз қаерда яшайди?

– Пешоварда.

– Ҳа, буни айтдингиз. – У қаламни оппоқ қоғоз сутига қўйди. – Пешовар катта шаҳар. Айнан қарерида туради амакингиз? Қайси туманда? Қайси кўча ёки маҳаллада?

Лайло бугун кучини тўплаб баданида турган титроқни босишга уринди. Беихтиёр ойиси мужоҳидларнинг Кобулга кириб келиши муносабати билан берган зиёфатда эркакларнинг оғзидан эшитган жумла эсига тушди:

– Жамруд кўчасида!

– Яхши, бу кўчада машҳур «Континентал-марварид» меҳмонхонаси бор, амакингиз бу ҳақда айтган бўлсалар керак-а?

– Ҳа, ҳа, айтгандилар, – деди Лайло нафаси тикилиб.

– Йўғ-е, «Континентал» меҳмонхонаси Хайбар кўчасида-ку!

Йўлакдан Азизанинг йиғиси эшитилди.

– Қизим нимадандир қўрққан кўринади, ака, рухсат берсангиз...

– Мен сизга «ака» эмасман. Хизмат бурчимни бажаряпман. Шу боис менга «Жаноб полициячи» деб мурожаат қилсангиз. Ҳозир қизингиз ёнингизда бўлади. Амакингизнинг телефон рақами бордир?

– Бор. Бор эди! – Лайло чодра ортидан полициячининг таъқибли нигоҳини хис этди. – Вой, эсим қурсин, унутиб қўйибман. Ўлсин, кейинги пайтларда эсим кирди-чиқди бўп қолган ўзи.

Эркак бир хўрсиниб қўйди. Кейин Лайлодан амакисининг, янгасининг исмини, уларнинг нечта боласи борлигини, уларнинг ёши ва исмини, амакиси қаерда ишлаши, ёши нечадалигини сўради. Шу оддий саволлар ҳам Лайлони боши берк кўчага олиб кириб қўйганди.

Полициячи қаламни бир четга суриб, бармоқларини чирмаштирди ва Лайлога оталарча хайрихоҳлик билан сўз қотди:

– Синглим, ўзингиз тушунасиз, аёл кишининг уйдан қочиб чиқиши – жиноят. Сизга ўхшаганларнинг қанчасини уйига қайтарамиз ҳар куни. Ҳаммасининг баҳонаси бир хил – эри ўлган, қариндошиникига кетяпти! Албатта, битта-иккита рост гапирадиганлар ҳам чиқиб туради. Қочганингиз учун сизни қамашлари мумкин. Бунни айтмасам ҳам биласиз.

– Бизни қўйворинг, жаноб... – у эркакнинг ёқасига ёпиштирилган ёрлиқдан исмини ўқиб олди. – Жаноб Раҳмон. Юзингиздан яхши одам-лигингиз шундоққина билиниб турибди. Бизга раҳм қилинг. Иккита муштипар аёлни қўйиб юборсангиз бирор ерингиз камайиб қолармиди? Биз нима ёмонлик қилдик ахир? Ахир биз ашаддий жинойтчи эмасмиз-ку!

– Иложим йўқ.

– Ўтинаман.

– Мен қонунга қарши боролмайман, синглим, – таъкидлади Раҳмон. – Тартиб-қоидани сақлаш менинг бурчим.

Лайло ҳар қанча асабийлашмасин, беихтиёр юзига заҳарханда югурди. Мужоҳидларнинг ўзи хоҳлаганча қонунбузарлик қилиб турганда, ҳамма ёқ ўғирлик, талончилик, қотиллик, зўравонлик, ноҳақлик ва адолатсизликка тўлиб турганида, яна қанақа тартиб-қоидани гапиради бу олифта? Уялмаганини-чи? Аммо Лайло тилига бошқа гапни чиқарди:

– Агар сиз бизни уйга юборсангиз, эрим бизнинг бошимизга қандай ўйин очишини тасаввур ҳам қилолмайсиз.

Полиция киприк ҳам қоқиб қўймади:

– Ҳар бир эркак ўз уйида хўжайин, синглим.

– Унда сиз айтган қонун қаерда қолади, жаноб Раҳмон? – Лайлонинг кўзларида алам ва изтироб ёшлари тирқиради. – Сизнинг бурчингиз, тартиб-қоидангиз нима бўлади?

– Полиция оилавий ишларга аралашмайди, синглим.

– Қаердан ҳам аралашсин? Эркаклар ҳақида гап бораркан, сиз полициячилар ҳамиша уларнинг ёнини оласиз.

Полициячи ўрнидан турди:



– Сўроқ тугади. Сизга шуни айтишим мумкин-ки, ҳамма кўргуликлар учун ўзингиз айбдорсиз. Энди эса, йўлакка чиқиб, анави... сиз билан кетмоқчи бўлган хотинни чақиринг.

Лайло депсинди, кейин дод солиб, тўполон кўтарди. Шу заҳоти икки нафар соқчи уни қўлтигидан тутиб, ташқарига олиб чиқди.

Марямни сўроқ қилиш беш дақиқага ҳам чўзилмади. Лайлонинг олдига қўллари қалтираб чиқди.

– У менга шунақа кўп саволлар бердики, Лайло! Мени кечир, бир саводсиз хотин бўлсам! Нима деб жавоб қайтаришни ҳам билмадим, тўғриси...

– Бу ерда сиз эмас, ўзим айбдорман, – деди Лайло ожизона бош ирғаб. – Фақат ўзим!

Кеч соат еттиларда полиция машинаси уларнинг уйи дарчаси олдида тўхтади. Лайло ва Марямга мужоҳид аскарлар назоратида машинада кутиб туриш буюрилди. Ҳайдовчи дарчани муштлади. Зум ўтмай Рашиднинг башараси кўринди. Ҳайдовчи машина тарафни кўрсатиб нималарнидир гапирди. Кейин эса, машина эшигини очди:

– Марҳамат, хонимлар, уйингизга келдингиз, – деди соқчилардан бири илжайганча сигарет тутатиб.

... – Сен шу ерда тур, – деди Рашид бўғиқ, аммо таҳдидли оҳангда Марямга. – Қимирламай ўтир!

Марям итоаткорлик билан диванга чўкди.

– Сен эса, чиридоғингни кўтариб, юқорига жўна!

Рашид эса, Лайлонинг тирсагидан тортқилаганча, зинадан судраб чиқа бошлади. Қўлидаги соати, оёғидаги ботинкаси, ерда ётган палтосига қараганда, ишдан қайтганига бир соат ҳам бўлмаганди.

– У хоҳламаганди, мен уни мажбур қилдим, – деди Лайло ётоққа кириши билан.

Лайло зарба қандай келиб тушганини пайқамай қолди. Бир лаҳзада ўзини ерпарчин ҳолда

кўрди. Нима бўлди ўзи? Нафас олишга ҳам қийналяпти, юз-кўзи қонга беланибди. Худди катта тезликда келаётган машина уриб кетгандек сезди ўзини. Қулоғига Азизанинг чинқираб йиғлагани эшитилди. Ҳа, эслади, ҳозиргина уни қўлидан тушириб юборганди. Нафас керак, нафас, оғзидан кўпик чиқа бошлаганини элас-элас ҳис этди.

Рашид бир қўлида Азизани кўтарганча, иккинчиси билан Лайлонинг сочидан судраб борарди. Азизанинг оёқчалари ерга тегар-тегмас судраларди. Шиппакчалари ҳам оёғидан тушиб қолди. Кейин Марямнинг хонаси эшигини очиб, Азизани каравотга иргитди. Кейин эса, бор кучи билан Лайлонинг орқасига тепди. Лайло бақирмади, оғриқдан аранг инграб қўйди, холос. Эшик ёпилиб, калит буралди.

Азиза чинқиритишга тушди. Лайло хириллаганча ўпкасини тўлдириб нафас олишга тиришди. Кейин эса қизининг ёнига аранг эмаклаб борди ва уни қўлига олди. Жиққа ивиб кетибди.

Пастдан кучли зарб товушлари эшитиларди. Худди боксчи осмақопни уриб машқ қилаётгандек. Ҳеч қандай дод-фарёд, оҳ-воҳ эшитилмайди. Кейин тезкор ва қўпол қадам товушлари, ойналарнинг жаранглаб сингани эшитилди. Тапир-тупир овозлар тинай демасди. Лайло қизчасини аста ётқизиб, деразага яқинлашди.

Рашид ҳовлида Марямнинг бўйнидан судраб чиққан экан. Марям букчайиб олган, оёқлари яланг, юзлари қонга беланган, сочлари тўзиб, рўмоли йиртилганди.

– Кечиринг, Марям опа! – дея чинқирди Лайло, аммо овозини ёпиқ дераза тутиб қолди.

Рашид Марямни омборхонага итариб, дарчани ёпди. Қўлига болға олиб, дарчани михлашга тушди. Кейин оғзида бир нечта михни тишлаб, қўлида уч-тўртта тахта кўтариб, уй деразаси ёнида

пайдо бўлди ва ёғочларни дераза ромларига қоқа бошлади. Кўп ўтмай, деразанинг кўзлари тахталари ортида қолиб кетди. Хона зулматга тўлди. Тахталар орасида қолган тирқишларни ҳам Рашид мум билан суваб чикди. Ҳатто эшикдаги калит тешигига ҳам нимадир тиқиб қўйди.

Тамом, энди кўзлар учун қиладиган иш қолмади. Фақат қулоқларгина бирор янгиликни илғаш мумкин. Йўқ, қулоқлар эмас, биттаси умуман эшитмайди. Азон ва хўроз қичқириғи тонг отганини, ошхонадаги коса-товоқ ва радиодаги сухандон овозидан кеч тушганини билиш мумкин, холос.

...– Қойним очди, – дея эркаланди Азиза. – овқат бейинг.

– Озгина чидагин, асалим, – Лайло қизчасининг пешонасидан ўпмоқчи эди, Азизанинг боши беҳол эгилиб, титроқ лаблари унинг энса тарафига ўтиб кетди. – Ҳозир сенга сут бераман, озроқ сабр қил.

Лайло қизини алдаш учун заиф овозда алла айтишга тутинди.

Иккинчи бор азон садоси янгради. Икки кундирки, на ейишга, на ичишга ҳеч вақо йўқ. Атроф худди дўзахдек қизиб кетган. Лайло қуруқшаган лабларини ялаб, ҳовлидаги қудуқ ва муздек сув ҳақидаги хаёлларни нари қувишга уринди. Азиза тинимсиз йиғлар, Лайло унинг қуп-қуруқ ёноқларини сийпалаб даҳшатга тушарди. У Азизани ечинтириб, елпишга, куҳ-куҳлашга уринди. Мана, ниҳоят ўзи ҳам ҳолдан тойиб, боши айлана бошлади. Тез орада Азизанинг қўл-оёғи шалпайиб, уни қандайдир ғалати мудроқ элитди.

Лайло ўрнидан сапчиб турди-да, бор кучи билан деворни муштлашга, овози бўғилгунча ёрдам сўраб қичқиришга тушди. Аммо унинг овози бу кар, метин деворларни ёриб ўтишга ожизлик қилар, фақатгина беҳол ётган қизчасини қўрқи-

тишга яради. Азиза ҳар-ҳар замонда бир сесканиб тушар, кейин ожиз овозда инграб қўярди. Лайло ҳам ахири чўзилиб қолди. Илкис виждонида санчиқ турди. Шўрлик Марямнинг ҳоли нима кечди? Ўтиргандир-да, қоп-қоронғи, диққина-фас омборда, ҳоли нима кечдийкин?

Бирдан кўзи илинибди. Катта, гавжум кўча эмиш. Одамлар шунақа кўпмишки, олма ташласа ерга тушмасмиш. Шу пайт одамлар орасидан Тариққа кўзи тушибди. У тикувчилик устахонасида қўйнида бир сават анжир олиб ўтирганмиш.

«Бу сенинг отанг, – шивирлармиш Лайло қизининг қулоғига. – Сенинг ҳақиқий отанг шу!»

Бироқ шовқиннинг кўплиги туфайлими, Тариқ уни кўрса ҳам, овозини эшитмасмиш.

Уй тепасидан учиб ўтган ракета овози уни уйғотиб юборди. Автоматлар узоқ ва асабий тариллади. Лайло кўзларини юмди. Пастдан Рашиднинг оғир қадам товушлари эшитилди. Лайло эшиккача эмаклаб борди ва ожиз муштлари билан эшикни дўшпослади.

– Бир пиёла сув беринг, Рашид, бир пиёлагина! Менгамас, қизимга! Бегуноҳ боланинг уволига қоласиз.

Рашид чамаси унинг овозини эшитса-да, парво қилмай ўтиб кетди. Лайло ялиниб-ёлворишга, тавалло қилиб йиғлашга тушди – фойдаси бўлмади. Бисотида бор қарғишларини тўкиб қолди – наф бермади. Пастки эшик қарсилаб ёпилди. Радиодан таниш сухандоннинг овози янгради.

Яна муаззин мўъминларни нажотга чорлади. Хонадаги ҳарорат ҳамон юқори эди. Азиза тамом сўлиб қолганди. Энди у йиғламасди ҳам. Ҳар замон, ҳар замонда Лайло унинг оғзига қулоқ тутарди. Нафас оляпти. Худога шукур! Сал жонлироқ ҳаракат Лайлонинг бошини айлантитарди. Яна кўзи илин-

ди, яна уйғониб, Азизага томон сурилди. Лаблари худди олма қоқисини эслатади. Мана, бўйинчаси, томири ҳамон заифгина уриб турибди.

Ҳа, уларнинг куни худди шу ерда битган кўри-нади. Наҳотки, қизчаси Лайлодан кўра камроқ яшаса? Ахир у онасидан-да нимжон ва нозик. Яна неча соат ёки дақиқалик умри қолдийкин? Ҳадемай, қизалоқнинг митти танаси совуб тара-шага айланади. Кейин Лайло ҳам...

Яна уйқу. Яна уйғониш,.. Борлик ва йўқлик орасида сарҳад эриб битаёзганди...

Бу гал уни азон ҳам, хўрозлар бонги ҳам эмас, эшикнинг туйқусдан ғижирлаб очилиши уйғотди. Хонага кучли ёруғлик худди денгиз тўлқинидек ёпирилиб кирди. Лайло бошини кўтарди. Кўзларида худди кимдир найза санчгандек азобли оғриқ турди. Унинг қаршисида баҳайбат, бесўнақай бир шарпа турарди. У Лайло сари юриб келди ва эгилиб алланималарни тўнғиллай бошлади. Аввал сўзларининг маънисига етолмади. Кейин Лайлонинг мия ҳужайралари секин-секин ғимирлашга тушди.

– Яна бир марта шунақа қилиб кўр, мен сени нима қиларканман! Пайғамбаримизнинг муборак номи билан қасам ичаман. Бу қарғиш урган мамлакатда бирорта суд сенларнинг оҳинг-ни эшитмайди. Энг аввал Марямни ўлдираман, кейин манави чирилдоқ болангни, энг охирида сенга навбат келади. Ҳа, ҳаммаси сенинг кўз олдингда рўй беради. Тушундингми? Ана шу даҳшатларни томоша қилишга мажбур қиламан сени.

Рашид хотинини зарб билан тепди ва кўздан йўқолди. Бир неча кун Лайлонинг пешоби қон аралаш келиб юрди.

## ЎН БИРИНЧИ БОБ

1996 йил, сентябр. Орадан икки ярим йил ўтди. 27 сентябр куни Марям кўчадаги шовқин-сурондан уйғониб кетди. Кўчада оломон қайнаб тошар, мушаклар чақнар, баланд мусиқа садола-ри янграрди. Марям шартта меҳмонхонага югурди. Лайло ҳам дераза олдида турар, Азиза унинг елкасига осилиб олганди. Лайло Марямни кўриб, ортига ўтирилди.

– Толиблар шаҳарга кириб келишди!

«Толибон» ҳаракати ҳақида Марям биринчи бор эридан икки йил илгари эшитганди. Ўшанда Рашид кўчадан келиб, ҳовлиққанча ушбу ҳаракат аъзолари Қандаҳорни қўлга олганини айтиб берганди. Унинг гапларига қараганда, толиблар – шўравийлар уруши даврида Покистонга қочиб ўтган оилаларнинг фарзандлари экан. Улар Покистондаги мадрасаларда диний таълим олиб, жуда катта ҳарбий тайёргарлик кўришган. Бу ҳаракатга алақандай Муҳаммад Умар деган часасавод мулла раҳбарлик қиларкан.

– Буларнинг илдизи йўқ, – деди у худди ўз-ўзига гапираётгандек бепарволик билан.

Марям ҳам, Лайло ҳам омадсиз қочишдан сўнг унинг наздида қандайдир жирканч мавжудотларга айланишган, уларга қараб фақат ич-ичидан ғазаби тошарди, холос. Улар билан гаплашаётганида ҳам бўшлиққа ёхуд алақандай номаълум кўринмас суҳбатдошига қараб гапираётгандек тутарди ўзини.

– Уларнинг ўтмиши йўқ, – деди Рашид сигарет тутунини осмонга пуфларкан. – Улар на ўз ватани, на дунё ҳақида бирор тушунчага эга. Уларга солиштириб кўрилса, Марямни нақ университет профессорига қийслаш мумкин. Атрофимизда-

ги мужоҳид, героинфуруш командирларга солиштира, улар анча тоза, ҳалол кўриниши мумкин. Ким билсин, балки улар мамлакатга тинчлик ва фаровонлик бахш эта олар? Ахир халқ жонидан тўйиб бўлди. Кўчага чиқишга ҳам қўрқасан, нақ пешонангдан дарча очишади. Хўш, кўрайлик-чи, охири бахайр бўлсин ишқилиб.

Толиблар Кобулни эгаллагунча йўл-йўлакай бир қанча шаҳарларни қўлга киритиб келишди. Толиблар қўлга олган жойларда тинчлик қарор топди, гуруҳлар ўртасидаги қирғинбарот тўхтади. Улар ҳазорийлар етакчиси Абдул Али Ҳазорийни тутиб қатл этишди. Кобул атрофидаги қасабаларда Аҳмадшоҳ Масъудга қарашли дасталар аёвсиз ўққа тутилди. Сентябрьнинг бошида улар Жалолобод ва Сароби шаҳарларини қўлга олгандилар.

– Толибларнинг мужоҳидлардан афзал тарафлари кўп, – деди Рашид. – Улар ягона куч бўлиб, бирикиб ҳаракат қилишяпти. Майли, уларнинг келгани яхши бўлди. Ишқилиб охири бахайр бўлсин.

Эртаси куни улар тўртовлон Кобулдаги янги ҳаёт, янги раҳбарларни олқишлаш учун кўчага чиқишди. Одамлар ҳар томондан оқиб келар, ҳамманинг юз-кўзида қувонч намоён эди. Бир кампир тишсиз милкларини кўрсатиб илжайганча, ўтган-кетганларни қайнатилган гуруч билан сийларди. Эркаклар бир-бирининг елкасини қоқиб қучоқлашар, болалар осмонга мушак отишарди. Машиналарнинг сиреналари қулоқни қоматга келтирар, атрофдан миллий мадҳия садолари жаранг сочарди.

– Қаянғ, Майам хола! – Азиза Марямни турткилади.

Жаддаи Майванд кўчасида болакайлар пачоқланган консерва қутиларини ипга бойлаб

судраганча, «Масъуд ва Раббоний тарафдорларига ўзларича мушт дўлайтириб қичқир шарди. Кимдир деразасига «Зинда бод Толибон!» (Яшасин толиблар!) шиори битилган чойшабни илиб қўйибди. Бундай шиорларни ҳар қадамда, дераза ва деворларда, машина антенналаридаги байроқчаларда ўқиш мумкин эди.

Толибларни улар илк бор Пуштунистон майдо-нида тўпланган оломон орасида яқиндан кўришди. Одамлар бўйинини чўзиб, майдон марказидаги қуриб қолган фаввора тарафга интилишарди. Бу ерда эски «Хайбар» ресторани қад ростлаганди. Азиза ўша тарафга бир қарадио, кейин қўрққанидан чинқирганча, юзини Марямнинг кўксига босди. Давра марказидаги қора саллали, соқолли одам ресторан олдида, ёғочдан қурилган минбарсимон катак устида туриб, қўлидаги «стингер»ини силкитганча, овозкучайтиргичдан оташин нутқ сўзларди. Унинг ортида турган светофорда иккита мурда осилиб турарди. Уларнинг эғнидаги кийимлар йиртилиб, юзлари шишиб, кўкариб кетганди.

– Мен анавини танийман, – деди Марям паст овозда. – Чапдагисини.

Олдиндаги ёш аёл унга ўтирилди.

– Ҳа, бу Нажибулло-ку! Ёнида осилиб тургани акаси!

Бу мўйловдор, кулчаюз одамнинг суратини шўравийлар даврида ҳамма учратиш мумкин эди. Маълум бўлшича, толиблар Нажибуллони бир пайтлар яширин бошпана топган БМТ ваколатхонаси биносидан топиб олишган, узоқ қийнашган, кейин оёғидан машинага боғлаб Кобула кўчалари бўйлаб айлантиришган.

– У кўплаб мусулмонларнинг қонига зомин бўлди, – дея қичқирди қора саллали ёшгина толиб форс ва пуштун тилларида, автомати билан мур-



даларни турткилаб. – Унинг жиноятларини ҳар биримиз яхши биламиз. У коммунист ва сотқин эди. Қўриб қўйинг, исломга қарши жиноят қилган кофирларнинг ҳоли ана шундай бўлади.

Рашиднинг юзларида табассум ўйнади. Азиза ҳамон чинқириб йиғларди.

Эргаси уни Кобул кўчаларида юк машиналари тўлиб кетди. Қора саллали, соқолтойларга лиқ тўла қизил «Тойота»лар Хойирхон, Шаҳринав, Карте – Парвона, Вазир – Акбархон кўчаларини босиб кетганди. Машиналарда ўрнатилган овозкучайтиргичлар орқали янги қонунлар эълон қилинарди. Бу қонунларни масжидларда ҳам, «Овози шариат» радиоси орқали ҳам ўқиб эшитиришди. Шамол минглаб варақаларни шаҳар бўйлаб сочиб ташлади. Ана шу варақаларнинг бири Марямнинг ҳам қўлига тушиб қолди.

«Бизнинг мамлакатимиз эндиликда Афғонистон Исломи Амрилиги деб номланади. Ушбу қонунлар эълон қилингани ҳамано кучга киради ва барча учун ижроси қонунийдир.

Барча фуқаролар кунда беш маҳал намоз ўқишлари шарт. Намоз пайти бошқа иш устида ушланганлар жисмоний жазога тортилади.

Барча эркаклар камида бир муштга сиққулик узунликда соқол қўйишлари шарт. Бош тортганлар жисмоний жазога тортилади.

Қўшиқ айтиш тақиқланади.

Рақс тушиш тақиқланади.

Карта, шахмат, турли қимор ўйинлари ўйнаш, варрак учириниш тақиқланади.

Китоб ёзиш, нашр қилиш, филм томоша қилиш, расм чизиш тақиқланади.

Тўтиқуш боқиш тақиқланади. Барча тўтиқушлар тутиб йўқ қилинсин.

Ўғирлик устида қўлга тушганларнинг бармоқлари қирқиб ташланади.

Муҳтарам аёллар!

Сиз ўз уйларингизни ташлаб кетманглар! Аёлларнинг кўчаларга беҳуда чиқиши тақиқланади. Фақат яқин қариндошлари ҳамроҳлигида чиқиши мумкин.

Ҳар қандай вазиятда ҳам юзингизни бегонага кўрсатмаслигингиз лозим. Чодрасиз кўчага чиқиш тақиқланади.

Пардоз-андоз қилиш мумкин эмас.

Тақинчоқлар тақиш мумкин эмас.

Фақат сизга гапиришсагина гапиришингиз мумкин.

Одамлар ичида кулиш тақиқланади.

Тирноқларни бўяш тақиқланади.

Қизлар мактабга бориши мумкин эмас. Қизлар мактаблари ҳаммаси ёпилсин.

Аёлларга ишлаш тақиқланади. Турмушига хиёнат қилганлар тошбўрон қилиб ўлдирилади.

Диққат билан эшитинглар, қонунларга амал қилинглари, Аллоҳу акбар!»

Нажибулло осиб ўлдирилганидан бир ҳафта ўтиб, оила аъзолари бир дастурхон атрофида овқатланиб ўтиришарди.

– Ахир қанақасига аҳолининг тенг ярми уйда ўтириши, ишламаслиги мумкин? – тутақиб кетди Лайло.

Рашид радиоприёмникни ўчирди.

– Шунақасига!

– Ахир бу ер қишлоқ эмас-ку! Пойтахт-ку! Бу ерда қанчадан-қанча юрист, шифокор аёллар бор. Қанча аёллар ҳукумат идораларида ишларди.

Рашиднинг юзлари тиришди:

– Отанг университетда ўқигани шу ерда ҳам билинди. Жуда без бўлиб кетгансан. Тожиксан-да, бунинг устига ғирт шаҳарлик олифтасан! Бирор марта пойтахтдан чиқиб кўрганмисан? Мамлакатнинг ғарбида, жанубида, Покистон билан чегара-

дош ерларда бўлмагансан! Ҳақиқий Афғонистонни ана ўша ерда кўрасан. Бизнинг мамлакат халқи азалдан ана шундай яшайди. Ёки деярли шундай. Нима, билмасмидинг?

– Ишонгим келмайди. Ахир сал жиддийроқ бўлиш керак-да!

– Нима, Нажибуллонинг ўлдирилиши ҳам жиддий масала эмасми? Улар менимча жуда тўғри қилишди. Сен бошқача фикрдамисан?

– У коммунист эди, махфий полицияга раҳбарлик қилган.

Рашид кулиб юборди. Унинг кулгисида шундай жавоб ўқиш мумкин эди: рост, коммунист ва жаллод кимса толиблар назарида ҳар қандай жазога лойиқ. Аммо, қонунни бузиб юрган аёлларнинг гуноҳлари олдида унинг қилмишлари тош босмаса ҳам керак.

## ЎН ИККИНЧИ БОБ

Толиблар астойдил ишга киришган пайтида Лайлонинг миясига бир шафқатсиз фикр келди: отаси вақтида ўлиб кетган экан. Бўлмаса, бу ҳодисалар уни тамомила эзиб ташлаган бўларди. Одамлар Кобул музейига ўроқ-болталар билан бостириб кириб, у ерда мужоҳидлар ҳамласидан омон қолган, исломгача бўлган даврга оид ёдгорликларни ер билан яксон қилишди. Университет ёпилди, талабалар тарқатиб юборилди. Толиблар деворлардаги суратларни найзалар билан йиртиб ташлашди, телевизорларни мажақлашди. Қуръондан бўлак барча китоблар гулханга ташланди. Китоб дўконлари ёпилди. Ҳофиз, Жомий, Низомий, Румий, Хайём, Бедил, Ансорий, Халилий, Пажвак, Ҳожи Деҳқон, Ашрақий сингари буюк шоирларнинг девону дostonларининг кули кўкка соврилди.

Лайлога етиб келган хабарларга кўра, намозга чиқмаган одамлар кўчаларда сазойи қилиниб,

мажбуран масжидларга юборилаётганмиш. Товуққўчадаги «Марко Поло» ресторани эндиликда «бенамозлар» сўроқ қилинадиган қозихонага айлантирилибди.

«Парк», «Ориёна», «Ориуб» сингари кинотеатрлар ҳам ёпилди. Киномеханикларнинг дўкончалари бузиб ташланди, кинотасмалар ёндирилди. Лайло бу кинозалларда Тариқ билан қанчадан-қанча кинофилмларни томоша қилганди. Уларнинг аксарияти ҳиндча кинолар бўларди. Кўпинча, бу филмларда ошиқ-маъшуқлар отонанинг айби билан айро тушар, йигит юртидан бош олиб кетар, қизни мажбуран бошқага узатишар, дардли куй-қўшиқлар куйланар, севишганлар тақдирнинг турфа зарбаларига дучор бўларди. Лайло бундай киноларни кўзидан шашқатор ёшлар оқиб, томоша қилиб ўтирар, Тариқ унинг кўнгли бўшлигидан мириқиб куларди.

– Ҳиротда отамнинг ҳам кинотеатри бор эди, – деди бир гал Марям шу ҳақда гап очилганида. – Униям аллақачон бузиб, ер билан яксон қилишгандир-да!

Кобулнинг анъанавий мусиқа шайдолари жамланадиган «Харобот» маркази ҳам сув қуйгандек жимжит. Мусиқачиларни аямай дўппослашди, турмаларга тиқишди. Чолғу асбобларини майдалаб ташлашди. Толиблар машҳур хонанда Аҳмад Зоҳирнинг қабрини ҳам таҳқирлашди. Унинг сағанасини аёвсиз ўққа тутишди.

– Бечоранинг ўлганига йигирма йил бўлганди, – ачинди Лайло. – Уни яна бир марта ўлдиришнинг кимга кераги бор экан?

Рашиднинг эса парвойи палак эди. Соқол қўй, дейишибдими – бир қарич соқол қўйди. Масжидга қатна, дейишдими – бир оёғи ўша ёқдан узилмайди. Қонунми – қонун! У толибларга ўта эҳтиром билан ёндашарди.

Ҳар чоршанба «Шариат овози» радиосидан турли жазоларга ҳукм этилганлар рўйхати ўқиб эшиттириларди. Жума куни Рашид қатл ва бошқа жисмоний жазолар ижро этиладиган «Ғози» стадионга йўл олар, у ердан бир шиша «пепси» сотиб олиб, ҳафсала билан томошага бериларди. Кечқурун тўшақда Лайлога қандай қилиб маҳкумларни дарра билан савалашгани, қўли ёки бошини кундада чопишгани, дорга осишгани ҳақида завқ билан ҳикоя қилиб берарди.

– Бугун бир одам ўз акасининг қотилини қўйдек бўғизлади, – деди Рашид паға-паға тутунларни шифтга пуфлаб.

– Нақадар ваҳшийлик, – деди Лайло титраб.

– Сен шунақа деб ўйлайсанми? Бу дунёда ҳамма нарса нисбий. Шўравийлар бир миллион одамни қирворишди. Мужоҳидларнинг касрига қолиб, Кобулнинг ўзида 50 минг одам нобуд бўлди. Уларнинг олдида уч-тўртта ўғрининг қўли қирқилгани нима бўпти? Қонга – қон, жонга – жон. Қуръонда ҳам шунақа ёзилган. Ўзинг айт-чи, кимдир Азизани ўлдириб қўйса, кейин ўша одамни тутиб, сенга ундан қасос олиш имконини беришса, нима қилардинг? Наҳотки, уни кечириб юбора оласан?

Лайло унга нафрат билан тикилди.

– Мен мисол тариқасида айтдим, холос, – деди Рашид заррача хижолат чекмай.

– Сиз ҳам худди ўшаларга ўхшайсиз.

– Айтганча, қизинг, Азизанинг кўзи қанақа рангда? Жа қизик, а? Сенинг кўзингга ўхшамайди, меникига ҳам. – Рашид Лайлонинг сонини чимчилаб қўйди. – Биласанми, сенга нима демоқчиман? Агар менинг овим бароридан келса, эҳтимол бароридан келмас, яна ким билсин, Азизани кўчага улоқтириб юбораман. Хўш, бу сенга ёқадими? Кейин толибларнинг ёнига бораман-да, сендан шубҳаланишимни айтаман. Шу-

нинг ўзи етарли уларга. Сенингча, уларга кимга ишонишаркин? Менгами ё сенга? Хўш, шунда ҳолинг нима кечади?

Лайло бошқа тарафга ўгирилиб олди.

– Рост, мен бунчаликка бормасам керак. Яна ким билсин? Сен мени биласан-ку!

– Сиздан нафратланаман, – деди Лайло ўзини босолмай.

– Тилинг намунча заҳар бўлмаса! Ўлай агар, газабим қўзийди. Бир пайтлар анави мишиқи, чўлоқ жазманинг билан кўчаларда қўл ушлашиб юрганингда ҳам «мен ҳаммадан ақллиман, мен кўп китоб ўқиганман» деб бурнингни кўтарармидинг? Қани энди ўша ақлинг? Жа фойда бердими, а? Уйингга снаряд тушганда сени ким асраб қолди, китобларингми ё менми? Шундан кейин ҳам мен нафратга лойиқ бўлдимми? Сен биласанми, бу шаҳарда қанчадан-қанча аёллар мендек эрга эга бўлиш учун ҳамма нарсага, ҳатто бир-бирини ўлдиришга ҳам тайёр туришади.

Рашид яна бир силтаниб шифтга тугун пуркади.

– Сенга жарангдор сўзлар ёқармиди? Масалан: истиқбол! Ҳа, газетчилар тили билан айтганда, мен сенинг истиқболинг порлоқ бўлиши учун ҳамма нарса қияпман.

У албатта ҳақ эди. Айнан ана шу ҳақиқат Лайлонинг нафратини ўн чандон оширарди. Ҳатто кўнглини ҳам айнитарди.

У туни билан кўнгли айнаиб, ўқчиб чиқди. Эртасига ҳам ўзига келолмади. Уч-тўрт кун юраги бежо бўлиб юрди.

Совуқ, тунд кунларнинг бири эди. Лайло ваннахонада беҳол чўзилиб ётар, Марям эса, Азиза билан ўз хонасида чўзилганди.

Лайлонинг қўлида узун, қаттиқ сим. Кечагина Лайло бир пайтлар Тарик билан ўпишган тор-кўчада ташландиқ велосипед филдирагига кўзи

тушган, бу симни айнан ана шу гилдирак ўқидан омбур билан суғуриб олганди. Лайло оёқларини кенг ёзиб, оғир-оғир нафас оларди.

Азизанинг борлигини вужудида ҳис этган биринчи сониялардан бошлаб, унга нисбатан чексиз меҳр ҳиссини туйган, бирор-бир нохуш фикр унинг миясини ҳатто чертиб ўтмаганди. Энди эса ана ўша нохуш ўй, шафқатсиз истак унга тинчлик бермайди. Ҳар қанча даҳшатли бўлмасин, Лайло яна бир бўлажак фарзандига етарлича меҳр бера олмаслиги, уни Азизачалик севмаслигини сезиб турибди. Ахир унинг отаси Тариқ эмас, Рашид-ку!

Мана сим, унинг қўлида. Биргина ҳаракат билан гумонанинг мавҳум ҳаётига нуқта қўйиши мумкин. Аммо, нега қўллари қалтираяпти? Уни нима тўхтатиб турибди?

Дақиқалар югурарди. Йўқ, қўлидан келмади. Сим парчаси ерга тарақлаб тушди. Йўқ, у беҳуда қон тўкилишидан, гуноҳга қўл уришдан қўрққани йўқ. Рашид билан унинг ўртасида эса, уруш кетмоқда. Аммо, урушда ҳамма воситалар ҳам иш беравермас экан. Мужоҳидлар ёки толиблар беғуноҳ қурбонларга қўл силташи мумкиндир. Аммо Лайло ҳали дунё юзини кўрмаган митти гумонасининг қонини тўка олмади.

Ахир шунча тўкилган қон етмайдими?

## ЎН УЧИНЧИ БОБ

1997 йил, сентябр.

– Шифохона аёлларга хизмат кўрсатмайди, – қичқирди қоровул зинапоянинг юқори поғонасида турганча, пастда, «Малалай» госпитали ҳовлисида тўпланган оломонга совуқ нигоҳ ташлаб. Оломон «уҳ» тортиб юборди.

– Ахир бу аёллар клиникаси эди-ку, – деди Марямнинг орқасида турган аёллардан бири.

Марям Азизани бир қўлидан иккинчисига ўтказиб, беҳол инграётган Лайлони маҳкамроқ ушлади. Иккинчи елкасидан уни эри суяб келарди.

– Энди унақамас, – бўйинини чўзиб чийиллади толиб.

– Менинг хотиним туғай деб турибди, – бақирди миқтидан келган бир эркак. – Нима, катта кўчада туғиб кетаверсинми?

Январ ойида аёллар ва эркаклар бошқа-бошқа касалхонада даволансин, деган янги қонун кучга кирган эди. Аёлларнинг ҳаммаси Кобул шифохоналаридан чиқарилиб, битта муассасага кўчирилди. Толиблар бу қонунни ҳаётга татбиқ этишга бунчалик жидду жаҳд билан киришади, деб ҳеч ким ўйламаганди.

– Алиобод госпитали-чи? – сўради бошқа бир эркак.

Қоровул бош чайқади.

– «Вазир Акбархон»-чи?

– Фақат эркаклар учун.

– Энди биз нима қиламиз?

– «Робия Балхий» шифохонасига боринглар!

Оломон орасидан бир аёл ажралиб чиқди:

– Мен ҳозир ўша ердан келяпман. У ерда тоза сув ҳам, кислород ҳам, дори-дармон ҳам, электр ҳам йўқ.

– Боринглар, ўша ёққа бораверинглар! – чўрт кесди қоровул.

Одамлар орасида шовқин бошланди. Кимдир сўкинди, кимдир қарғанди. Ҳатто тош отганлар ҳам бўлди. Толиб милтигини осмонга қаратиб ўқ узди. Унинг шериги эса, қамчисини қарсиллатди. Издиҳом тарқалиб кетди.

«Робия Балхий» қабулхонасидан тер, пешоб, тамаки ва карбол кислотаси ҳиди анқиб турар, ўранган аёллар ва болалар билан лиқ тўла эди. Шифтда-



ги вентилятор парраклари ҳам ишламас, ичкарида ҳаво етишмасди. Марям Лайлони нураган девор ёнидаги стулга ўтқазди. Лайло қорнини ушлаганча тинимсиз типирчиларди.

– Озроқ чида, Лайложон, ҳамма сенга қара-япти, – шивирлади Марям.

Рўйхатга олиш дарчасида бола кўтарган аёллар тиқилишиб турарди. Эшик олдида ҳам одамлар тўпланиб қолган, фақат қуролланган толиб уларни ичкарига қўймасди. Марям бир амаллаб одамлар орасини ёриб кирди. Навбат кутиб турганлар Марямни туртишар, чимчилашар, тепишар, юзига чанг солишар, Марям эса, ҳаммасига чап бериб олдинга интиларди.

«Она бўлиш нақадар қийин, – ўйларди у ҳар томондан тушаётган зарбалардан ўзини ҳимоялашга уриниб. – Турган-битгани азоб-ку!»

Беихтиёр онаси ёдига тушди. Шўрлик Нана бутун шармандаликни бўйнига олиб, ҳароми боласини дунёга келтирди, боқиб тарбиялади. Марям эса, ундан кўра Жалилни афзал биларди. Қанчалик аҳмоқ, кўрнамак бўлган экан-а? Ўшандай онанинг қадрига етмади-я!

Шу пайт Марямнинг қаршисида бошдан-оёқ куланг чодрага ўранган баланд бўйли ҳамшира пайдо бўлди. Унинг ёнида кийими буткул қонга беланган яна бир ёшгина жувон турарди.

– Менинг қизимдан анчадан бери сув кетяпти, лекин ҳали ҳомиладан дарак йўқ, – деди Марям ҳамширага юзланиб.

– У билан мен гаплашяпман, – тўнғиллади қонга беланган жувон. – Навбатингизни кутинг!

Бутун оломон худди шамол эсган майсазордек чайқалди.

– Менинг қизим дарахтдан йиқилиб, қўлини синдирибди, – нолиди Марямнинг ортида турган бир аёл.

– Менинг қизимнинг ичи қон аралаш кетяпти,  
– кўшилди яна бир аёл.

– Ҳарорати борми? – сўради ҳамшира. Марям савол ўзига қаратилганини даставвал пайқамади.

– Йўқ.

– Қон кетяптими?

– Йўқ.

– Қани ўзи?

Марям анча нарида, Рашиднинг ёнида ўтирган Лайло томонга имо қилди.

– Бўпти, ўзимиз қараймиз, – деди унга ҳамшира.

– Қачон?

– Билмадим. Бизда иккитагина врач бор. Иккови ҳам операцияда.

– Қизимнинг жони оғрияпти, ахир! – зорланди Марям.

– Меникиям оғрияпти, – суқилди қонга беланган аёл. – Навбатингизни кутинг.

Марям четга чиқди.

– Бир айланиб келинглар, – деди ҳамшира Марямга. – Кейин кутиб турасизлар.

Ҳамшира уларни чақирганида, қош қорайиб қолганди. Туғуруқ залида саккизта каравот бўлиб, улар орасида на тўсиқ, на парда тортилган эди. Аммо доя хотин бошдан оёқ ўралиб олганди. Икки аёлнинг кўзи ёриётган экан. Лайлони қора бу ёқ сурилган дераза ёнидаги каравотга олишди. Девордан эски, чирик раковина туртиб чиққан, унинг тепасидаги арқонда қонга беланган жарроҳлик қўлқоплари осилиб турарди. Жўмракдан анчадан бери сув оқмагани шундоқ билиниб турибди. Хонанинг ўртасида икки қаватли, катта алюминий стол бўлиб, тепа қисмига адёл тўшалган, пасти бўш турарди.

– Тирикларни тепага ётқизишади, – ҳайратдан оғзи очилиб турган Марямга уқтирди кўшни каравотда ётган аёл.

Тўқ кўк ҳижобга бурканган, паканагина доя аёл бир қарашда тумшуқсиз қушни эслатарди. Унинг овози бир оз зардали ва кескин эди.

– Биринчи боласими?

– Иккинчиси, – деди Марям.

Лайло кучли тўлғоқ азобидан букчайиб, Марямнинг қўлига ёпишди ва додлаб юборди.

– Биринчи туғуруқ пайтида қийинчилик бўлмаганми?

– Йўқ.

– Сиз унинг онасимисиз?

– Ҳа, – алдади Марям.

Доя чодрасини кўтариб, четда турган конусимон асбобни олди ва Лайлонинг қорнини очиб, аввал ҳалиги конуснинг бир тарафи, кейин иккинчисини босиб, ниманидир эшитиб кўрди.

– Ҳозир болани ушлаб кўришим керак, синглим.

У шундай дея арқонга илинган қўлқопни кийди-да, бир қўли билан Лайлонинг қорнини босиб, иккинчисини ичкари киритди. Лайло инграб юборди. Доя ишини битириб, қўлқопни ҳамширага берди, у эса наридан-бери чайиб, яна арқонга илди.

– Қизингизни кесарово йўли билан туғдирамиз. Биласизми бу нима дегани? Қорнини ёриб боласини оламиз. Тос суяги жуда тор экан.

– Тушунмадим.

– Бола ногўгри ётибди. Оддий йўл билан туғолмайди қизингиз. Кейин анча вақт ўтиб кетибди. Уни тезда жарроҳлик хонасига олиб бориш керак.

Лайлонинг юзлари тиришиб, бошини ён тарафга бурди.

– Фақат сизга бир гапни айтишим керак, – доя хотин сал хижолатланиб, Марямнинг қулоғига ниманидир шивирлади.

– Нима бўпти? – ингранди Лайло. – Болага бирор нима бўптими?

– Ахир... у қандай чидай олади? – қичқириб юборди Марям.

Доя аёл худди кимдир уни айблаётгандек ту-тақиб кетди:

– Нима, мен атай қиялпманми? Мен ҳам но-иложман ҳозир. Бизга керакли нарсаларни бе-ришмаса мен нима қилишим керак? Уйимдан олиб келолмайман-ку! Бизда рентген ҳам, сўриш мосламаси ҳам, кислород ҳам, ҳатто оддий анти-биотиклар ҳам йўқ. Хайрия ташкилотлари бера-ётган ёрдамни ҳам толиблар бошқа мақсадларга сарфлашяпти.

– Хоним, айтинг, мен нима қилай, қўлимдан келганини қиламан! – деди Марям.

– Нима бўляпти ўзи? – фингшиди Лайло.

– Дориларни ўзингиз ҳам олиб келсангиз бўла-ди, фақат...

– Ёзиб беринг, – деди Марям қатъий. – Беринг менга қоғозни!

Доя хотин бош чайқади:

– Бунга вақтингиз етмайди. Биринчидан, яқин орадаги бирорта дорихонада бу дорини то-полмайсиз. Бутун шаҳарни кезиб чиқсангиз ҳам топишингиз даргумон. Соат тўққиз ярим бўлди. Демак, сизни комендант соатини бузган ҳисоб-лаб ҳибсга олишади. Қолаверса, операцияни жуда тез қилишимиз керак.

– Илтимос, менга тушунтиринг, нима бўляпти ўзи? – зорланди Лайло тирсагига таяниб, ўрнидан тураркан.

Доя хотин оғир хўрсиниб шифохонада оғриқ-ни қолдирадиган бирорта ҳам восита йўқлигини билдирди.

– Нима қилсангиз қилинг, – деди Лайло ўзини тўшакка ташлаб, тиззаларини букаркан. – Фақат болам эсон-омон туғилса бас.

Ниҳоят, Лайло деворлари кўчиб тушган эски жарроҳлик хонасида ётарди. Доя қўлларини тоғорада чайиб олди. Ҳамшира Лайлонинг қорнини алақандай жигарранг суюқликка ивитилган тампон билан артиб чиқди. Ҳар бир ҳаракатдан Лайло безгак тутгандек қалтирарди. Иккинчи ҳамшира негадир эшикни очиб, йўлакка мўралади. Доктор аёл энди ҳижобини ечиб ташлаган, Марям унинг салқи қовоқлари, оқарган сочлари, юзидаги ажинларини аниқ кўриб турарди.

– Улар операцияни ҳам ўранган ҳолимизда қилишимизни хоҳлашади, – деди доктор аёл ҳамшира тарафга имо қилиб. – Бу эса, йўлакда бирорта шарпани сезиши билан ишора беради. Мен эса, дарров ўраниб оламан.

Марям унинг бефарқ, сокин овозидан сездики, шўрлик ишсиз қолмаганидан хурсанд.

Операция столининг ҳар тарафи тепадан тушган пўлат стерженга маҳкамланган эди. Бояги ҳамшира бир парча матони бемор ва жарроҳ ўртасидаги парда сифатида бояги стерженга қисқич билан илиб қўйди. Марям Лайлонинг тепасида эгилган, уларнинг юзи ҳам бир-бирига деярли тегиб турарди. Лайлонинг тишлари тақиллар, Марям унинг қўлидан маҳкам тутиб олганди. Парда ортидан доктор аёл ва ҳамширанинг соялари кўринарди холос. Лайлонинг оғзи қийшайиб бир томонга ўтиб кетган, тишлари маҳкам жипслашган, лаблари орасидан оппоқ кўпик сизиб чиқарди.

– Бардам бўл, синглим, – деди доктор аёл Лайло томонга эгилиб.

Лайлонинг кўзлари ҳам, оғзи ҳам катта очилди. Бўйнидаги қон томирлари бўртиб кетди. Юзлари тердан жиққа ивиди. Мушлари тугилди.

Лекин у эмас, қувонганидан Марям қичқариб юборди.

## ЎН ТЎРТИНЧИ БОБ

1999 йил, куз ойлари...

Чуқур қазиш фикри биринчи бўлиб, Марямнинг хаёлига келганди.

– Мана бу ер, – деди у омборхонага кираётиб.  
– Ҳар томонлама қулай.

Улар навбат билан қақшаб ётган ер бағрини ўя бошлашди. Бир қарашда иш унча кўп эмасди. Ўра ҳам унча чуқур ва катта бўлиши шарт эмас. Аммо ер тошдек қотиб кетган. Иккинчи йилдирки, қурғоқчилик авжига чиққанди. Қишда қор кам ёғди, баҳорда эса, ёмғир ёғмади, ҳисоб.

Бутун мамлакат бўйлаб деҳқонлар сувсизликдан мол-мулкани сотиб, қишлоқма-қишлоқ саргардон бўлишди, Эронга, Покистонга кўчиб кетишди. Бир қисми Кобулга келиб жойлашди. Бироқ, шаҳардаги кичик қудуқлар ҳам қуриб, ерости сувлари сатҳи ҳам пасайиб кетганди. Лайло ва Марям соатлаб сувга навбат кутишарди. Кобул дарёси ҳам қуриб, унинг ўзани шаҳар аҳлининг ахлатхонасига айланиб қолганди.

Марямнинг ёши қирққа қараб борарди. Сочларига оқ тушиб, кўзларининг ости салқиб қолди, иккита олд тишидан айрилди: биттаси ўзи тушган бўлса, иккинчисини Рашид Залмайни беҳосдан тушириб юборгани учун уриб синдирганди. Кун бўйи ҳовлида офтоб тагида юрганидан бадани қоп-қора тус олди.

Аёллар нафас ростлаб, Залмайнинг опаси билан қувлашмачоқ ўйнашини бир оз томоша қилишди, кейин яна ер қазишга тушишди. Анча ковлашгач, Марям чуқур нафас ростлади:

– Етади!

Залмай икки ёшга тўлди. У дўмбоққина, сочлари жингалак, кўзлари қуралай, юзлари Рашид-

никидек қорамағиз, пешонаси ҳам отасиникидек тор эди.

Лайлонинг ёнида қолганида, Залмай жуда қувноқ, ёқимтой болага айланарди. У кимнингдир елкасида сайр қилишни, онаси ва опаси билан бекинмачоқ ўйнашни жуда ёқтирарди. Баъзида онасининг тиззасига ўтирганча, унинг қўшиқларига қулоқ тутарди. Айниқса, «Мулла Муҳаммаджон» қўшиғини эшитишни жуда ёқтирарди. У қўшиқнинг охирги мисраси – нақаротини ҳар доим ойиси билан қўшилиб айтарди:

*«Рафтем ба Мозори Шариф, Мулла Муҳаммаджоон!»*

(Кетдик Мозори Шарифга, Мулла Муҳаммаджон!)

Лайло болакайнинг нам ўпичларидан маст бўлар, тирсагидаги чуқурчаси, пуштиранг дудоқларини эркалар, болакай учун адёл ва ёстиқлар ёрдамида «кўприкчалар» қуриб берар, бола онасининг қулогини ушлаб уйқуга кетганида у ўзини дунёдаги энг бахтиёр инсон деб биларди. Лайло бир пайтлар ваннахонада ўтирганча гилдирак сими билан ҳомиласини нобуд қилмоқчи бўлганини эслганида, бутун вужуди увишиб кетарди. Биргина ҳаракат билан тузалмас хатога йўл қўйиши тайин эди. Ўзи бу фикр унинг миясига қай гўрдан ёпишганди ўшанда? Ўғли энди унинг учун Яратганнинг ҳақиқий туҳфасига айланганди. Ҳамма кўрқув ва таҳлика беҳуда бўлиб чиқди. У Залмайни ҳам худди Азиза сингари ардоқларди.

Залмай эса, отасини жону дилдан ёқтирарди. Рашид келиши билан бола ҳам тамомила ўзгариб қоларди. У қулоқсиз, қўпол, шумтакага айланар, бўлар-бўлмасга хархаша қилар, тўполон кўтарарди. Отаси унга чекланмаган ҳуқуқ берганди.

У ўғлининг эркаликларини кўриб, завқланар, «Бунинг зеҳни, идрокини қара» деб гурурланиб қўярди. Дастлаб Залмай ота-онаси билан битта ўринда ётарди. Кейин Рашид унга четларида шер ва леопардлар тасвири туширилган каравотча олиб берди. У ўғлидан пулни аямасди. Ҳали Азизанинг нарсалари бус-бутун турганига қарамай, ўғлига янги тагликчалар, шақилдоқлар, ўйинчоқлар сотиб олишдан чарчамасди. Бир куни у кунгабоқар шаклидаги токли ўйинчоқ олиб келди. Унинг шохига арилар қўниб олган бўлиб, тутмасини бошиши билан зувиллашга тушар, кейин қандайдир шўх мусиқани «куйлашарди». Рашид бу ўйинчоқни ўғлининг каравоти тепасига осиб қўйди.

– Кейинги пайтда буюртмалар кам тушяпти, демаганмидингиз? – сўради Лайло норозилик билан.

– Ҳечқиси йўқ, қарз олиб турармиз.

– Қарзниям қачондир қайтариш керак-ку!

– Ҳали ҳаммаси яхши бўлади. Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ. Қара, ўғлимга ёқди янги ўйинчоқ.

Кейинги пайтларда Лайло ўғлини кам кўрадиган бўлиб қолди. Рашид уни ўзи билан устaxonасига опкетар, отаси ишлаган пайтда бола стол тагида ўтирганча тери ва резина парчаларини ирғитиб ўйнарди. Ўғли пойабзаллар терилган столни афдариб юборганида ҳам, Рашиднинг жаҳли чиқмас, ўғлига енгилгина танбеҳ берарди.

Кечқурунлари ота-ўғил уйга қайтишар, Рашиднинг елкасида уйга кириб келган Залмайдан тери ва елим ҳиди анқиб турарди. Дастурхон бошида ҳам Марям, Лайло ва Азиза алоҳида ўтиришса, Залмай ҳамиша отасининг ёнидан жой оларди. Ота-ўғил ҳамиша бир-бири билан ҳазиллашиб, қиқирлашиб ўтиришар, нималарнидир шивирлаб



гаплашишарди. Лайло ўғлига гап қотган чоғида Рашиднинг пешонаси худди уйга чақирилмаган меҳмон келгандек тиришиб кетар, боланинг ўзи ойиси ёнига боришни хоҳлаганда эса, умуман тўнини терс кийиб оларди. Бунақа пайтда Лайло дарҳол ўзини четга олишни маъқул кўрарди.

Залмай икки ёшга тўлганидан кўп вақт ўтмай, Рашид уйга телевизор ва видеомангитофон олиб келди. Кунлар иссиқ бўлишига қарамай, кечалари анча салқин тушиб қолганди. Рашид меҳмонхонада гердайганча чордана қураркан, буларни «Қора бозор»дан сотиб олганини айтди.

– Яна қарз олдингизми? – сўради Лайло.

– Бу «Магнавокс».

Азиза қизиқсиниб, телевизорга яқинлашди.

– Эҳтиёт бўл, Азизажо, – деди Марям. – Илтимос, тегмагин, бачам!

Азизанинг сочлари худди ойисиникига ўхшар, ёноғидаги кулгич ҳам айнан Лайлоники билан бир хил эди. Қизнинг оғир-вазминлиги, мулоҳазакорлиги, ҳар бир гапни териб-чертиб гапиришини кўриб, ҳеч ким уни олти ёшда демасди. Лайло ҳар кун эрталаб унга Залмайни уйғотиб, кийинтиришни, овқатлантиришни буюрарди. Азиза баъзида укасини ухлатиш учун алла айтар, хархаша қилганида овутишга уринарди.

Азиза телевизорнинг тугмасини босиши билан Рашид сакраб турди ва қизчанинг қўлини зарда билан нари сурди.

– Бу Залмайники, сен қўл теккизма!

Азиза Марямнинг ёнига борди ва тиззасидан жой олди. Уларни асло ажратиб бўлмасди. Марям унга Қуръондаги баъзи кичик сураларни ёд олдирган, Азиза «Алҳамду» билан «Қул ҳуваллоҳу аҳад»ни аллақачон ёддан айта оларди. Зотан, Марямнинг ўзи шундан бошқа нарсани билмасди ҳам.

Хонага Залмай кириб келганида, Рашид унга худди кўчадаги афсунгарларни кузатаётган томошабин сингари қизиқувчан назар билан тикилди. У телевизор симини, тугмачаларини ўйнашга тушди, бўм-бўш экранни митти кафти билан сийпалаб чиқди. Шу аснода экранда ҳўл излар қолди. Рашид эса, ўғлига мамнун тикилиб ўтирарди.

Толиблар телевизор кўришни ман этишганди. Видекассеталар, тасмалар мажақланган, йўлдош антенналар олиб ташланган, аммо бу тақиқ одамларнинг қизиқишини йўққа чиқаролмаган эди.

– Эртага мултфилм топиб келаман, – деди Рашид. – Чайқов бозорида ҳаммаси бўлади.

– Ундан кўра, янги қудуқ қаздирсак бўларди, – деди Лайло норози оҳангда. Унга жавобан Рашид бир ўқрайиб қўя қолди.

Кечки овқатда қуруқ гуручнинг ўзи чойсиз (курғоқчилик-да) тановул қилинди. Кейин Рашид сигарет тутатиб, Лайлога янги қарорини айтди.

– Йўқ, – деди Лайло қатъият билан.

– Мен сенинг фикрингни сўраганим йўқ.

– Мен ҳам сизникини сўрамадим.

– Агар сен ҳозирги аҳволни тушунганингда бошқача фикрлаган бўлардинг.

Маълум бўлишича, Рашид анчагина қарздор бўлиб қолган, топаётган даромади бу қарзни узишга урвоқ ҳам бўлмас экан.

– Мен сени ранжитмаслик учун аввал бу ҳақда индамагандим. Сен уларнинг бир кунда қанча топишини кўрганингда эди.

– Йўқ, – деди Лайло кескин.

Улар меҳмонхонада баҳслашишар, Марям ошхонада идиш-товоқ ювар, болалар унинг ёнида эдилар. Залмайнинг кулгиси ва Азизанинг овози барабар эшитилди.

– Ундан кичкина болалар ҳам юради. Ҳозир Кобуликларнинг ярми шу иш билан шуғулланади.

– Мени бошқалар болаларни нима аҳволга солиши қизиқтирмайди.

– У ҳар доим кўзимнинг олдида бўлади, – Рашиднинг овозидан асабийлашаётгани сезиларди. – Масжид шундоққина йўлнинг нариёғида.

– Мен ҳеч қачон боламни тиланчилик қилишига йўл қўймайман.

Тарсаки овози уй деворига урилиб, жаранг берди. Лайлонинг боши айланиб кетди. Ошхонадаги овозлар ҳам тиниб қолди. Кейин тапир-тупур қилиб, Марям ва болалар уйга югуриб келишди.

Лайло ҳам қараб турмади. У илк бор бошқа бир инсонга қўл кўтарди. Албатта, болаликдаги Тарик билан қилган шўхликлари, талашиб-тортишишлари ҳисобга ўтмайди. Ҳозир эса у муштини туганча Рашиднинг устига бостириб борди. Буни кутмаган Рашид беихтиёр ортига тисарилди. Чуқур хўрсиниқ эшитилди. Кимдир «ух» тортди, кимдир қичқирди. Орадан бир муддат ўтиб, нима юз берганини ўзи ҳам англолмай қолган Лайлонинг юзларида кинояли табассум уйғонди. Рашид жимгина хонадан чиқиб кетди. Назарида, шу биргина зарба билан унинг вужудида йиғилиб келаётган барча хўрлик, алам ва изтироблар ҳам чиқиб кетгандек эди.

Улар Рашиднинг қандай кириб келганини ҳам сезмай қолишди. У кутилмаганда Лайлонинг бўғзига чанг солиб, деворга қапиштирди. Лайло эрининг ажин босган, қип-қизил башарасини бу қадар яқиндан кўрмаганди. Рашид бир оғиз ҳам гапирмади. Зотан эрининг тўппончаси Лайлонинг оғзига қадалиб турганидан, ҳеч қандай гап-сўзга ўрин қолмаганди...

...Улар чуқурни оммавий тафтиш натижасида қазишмоқда эди. Бундай текширувлар илгари ойда, ҳафтада бир ўтказилса, кейинги пайтларда кунда-кунора бўлаётганди. Толиблар ниманидир

мусодара қилишса, унинг эгасини таёқ ва қамчи билан аямай сийлашарди. Жазоланган одамлар эса, лоақал халқ олдида дарра уришмаганидан хурсанд бўлишарди.

– Эҳтиёт бўл, – шивирлади Марям тиз чўкканча, сувқоғозга ўралган телевизорни чуқурга тушираркан.

Кейин эса, чуқур устидан оҳиста тупроқ тортишди. Қачонки текширишлар тугаса (қачондир яқун топар, ахир), телевизорни яна уйга қайтаришга қарор қилишганди.

Лайло ўша оқшом туш кўрди. Марям билан омбор ёнида чуқур қазишаётганмиш. Бу гал улар телевизорни эмас, Азизани кўмишибди. Селлофанга ўралган Азизанинг кўзлари даҳшат ва илинж билан термилиб турганмиш. Унсизгина шафқат тиланармиш. Лайло эса, унга таскин берармиш: «Озгина чида, болажоним, озгина, текширишлар ўтиб кетсин, биз сени холанг билан бирга яна чиқариб оламиз. Кейин маза қилиб ўйнаймиз!»

Лайло белкуракни тўлдириб, чуқурга тупроқ ташлаган чоғида чўчиб уйғонди.

Лекин у тупроқ селлофан ўрамига урилиб, шиғиллаб овоз чиқарганини аниқ эшитди-ку! Оғзида худди ҳозиргина тупроқ егандек, нохуш таъмни туйди.

## **ЎН БЕШИНЧИ БОБ**

2000 йилда ҳам қурғоқчилик давом этарди. Йил жуда даҳшатли ўтди. Кобул, Қандаҳор, Ҳилманд вилоятларида бутун-бутун қишлоқлар аҳолиси, мол-ҳоли, қўй-эчкиси билан бошқа жойларга кўча бошлади. Ҳеч нарса тополмай, мол-ҳоли ҳам ҳаром қотган одамлар эса, ўзларини Кобулга уришди.

Карте Ориёна тоғ ён бағирларида бутун-бутун қасабалар пайдо бўлди. Бу ерда битта кулда 10 – 15 кишилаб одамлар яшай бошлади.

«Титаник» фильми доғруғ олған пайтлар. Азиза ўзича Жекка тақлид қила бошлар, шу масалада Марям билан келиша олишмасди.

– Азизажо, бўлди, тинчлан энди!

– Холажон, мени Жек деб чақиринг! Тушундингизми? Жек! Қани айтинг-чи?

– Отангни уйғотворасан ҳозир! Роса бақириб беради.

– Бари бир, мен – Жекман! Сиз эса Роуз бўласиз.

Марям ноилож «Роуз бўлишга» розилик билдирди.

– Жек, сен ахир ёшлигингда сувга чўкиб кетасан-ку, – деди Марям кулимсираб. – Мен эса, қариб-чиригунимча яшайман.

– Лекин мен қаҳрамонларча жон бераман, – деди Азиза кўксига муштлаб. – Сен эса, Роуз, бутун умр мени соғиниб яшайсан. Энди эса, кел иккимиз ўпишамиз.

– Жинни, унақа демайди ёш бола, уят бўлади! – қошларини чимирди Марям.

Шу пайт бўсағада Залмай пайдо бўлди:

– Мен-чи? Мен ким бўламан унда? – дея чийиллади.

– Сен кемани чўктирган Айсберг бўласан.

«Титаник» энди бутун Кобул бўйлаб сузарди. Фильмнинг сохта нусхалари Покистондан яширинча келтириб сотиларди. Комендант соати бошланиши билан ҳамма уйига биқиниб, эшик-тешикларни беркитар, кейин эса, телевизор қаршисида ўтириб, Жек ва Роузнинг, шунингдек, кемадагиларнинг тақдирини ўйлаб кўз ёш тўкишарди. Электр узилиб қолмаса, Марям, Лайло ва болалар ҳам экрандан кўз узмай ўтиришарди. Шу пайтга қадар телевизорни ўн икки марта ярим кечаси «қабр»дан қазиб олишга тўғри келди. Ҳар гал уйнинг деразаларига қора парда тутганча, фильм томоша қилишарди.

Кобул дарёсининг қуриган ўзани чайқов бозори-га айланган, бу ерда «Титаник» гиламлари, «Титаник» дастурхонлари, «Титаник» атирлари, «Титаник» тиш пасталари, ҳатто шу номли аёллар ҳижоби ҳам сотувга чиққанди. Қайсидир девона тиланчи ҳатто ўзини-ўзи «Титаник» деб аташгача журъат қилибди.

Хуллас, ҳамманинг оғзида «Титаник» эди.

– Ҳамма ўша сариқмашак Жекни гапиради, – деди бир куни Марям Лайлога. – Худди ўша келиб ҳаммани қутқазадигандек. Ахир, у ўлган-ку! Ўзи бир кино бўлса...

Ўша йили ёзда бир савдогар қўлидаги сигаретани ўчирмасдан мудраб қолибди. Шундан ёнғин чиқиб, эски киймлар дўкони, новвойхона, мебел дўкони куйиб кул бўлибди.

Кейинчалик Рашидга айтишларича, агар ўшанда шамол шарқдан эмас, ғарбдан эсганида, унинг устахонаси ҳам омон қолган бўларкан. Устахона ҳам ёнғиннинг бемон ҳамласига дош беролмаганди.

Улар ҳамма нарсани сотишди. Аввал Марямнинг нарсаларини пуллашди. Кейин Лайлоникини ҳам. Кейин Рашидга ялиниб-ёлвориб Азиза учун сотиб олинган ўйинчоқлар, кийим-кечаклар ҳам пулланди. Рашиднинг соати, радиоприёмниги, галстук ва никоҳ узуги ҳам чайқовга тушди. Диван, стол, гилам ва стуллар ҳам эҳтиёж қурбонига айланди. Рашид телевизорни сотганида Залмай бутун уйни бошига кўтариб тўполон қилди.

Устахонасига ўт кетиб, Рашид хонанишин бўлиб қолди. У кун бўйи уйдан чиқмай хотинлари билан жанжаллашар, Марямни дўппослар, Азизани турткилар, Лайло билан фикиллашарди. Гоҳ Лайлонинг кийинишидан, гоҳ ундан нохуш ҳид келишидан, гоҳида тишлари сарғая бошлаганидан нолирди.

– Сенга нима бўлди, ўзи? Мен парига уйландим, оқибатда у алвастига айланди-қолди.

Қара, Марямдан умуман фарқинг қолмаган сенинг!

У Ҳожи Ёқуб майдонидаги кабобхонага ишга жойлашганди. Аммо, миждозлардан бирини «маймун» деб ҳақорат қилгани учун у ердан қувиб солишибди. Маълум бўлишича, у овқатланиш учун келган бир ўзбекни «маймун» деб таҳқирлаган. У жаҳди чиқиб, тўппончасини чиқарган, Рашид унга кабоб сихини ўқталган, одамлар бир амаллаб уларни ажратиб қўйишган. Рашид гарчи «мен бўшаган сихларни унинг олдидан олиб кетаётгандим», деб ўзини оқдаса-да, Марям бунга унча ишонмади.

– Чўзилиб олган вақтингизни қаранг, – деди Лайло беғам сигарет тутатаётган эрига қарата.

– Қўй, Лайло, жаҳдини чиқарма, – паст овозда ўтинди Марям.

– Ёмон жонимга тегяпсан-да! – тишларини ғижирлатди Рашид.

– Яна ётволиб сигарет тутатишига ўласанми?

– Худо ҳақи, қасам ичаманки...

– Букрини гўр тузатади, деб шуни айтсалар керак-да!

Рашид ўлжасига отилган шердек унга ташланди. Аёлнинг боши, қорни, кўкрагига зарбалар дўлдек ёғила бошлади. Азиза билан Залмай онасини қутқариш учун Рашиднинг кўйлагига ёпишиб олишди. Аммо, Рашид тобора қутурадди. У Лайлони аямай тепкилашга тушди. Марям эса, эрининг оёғига йиқилганча, шафқат сўрарди.

Рашид эса янада ғазаб отига минди. То ҳолдан тойиб қолгунча хотинини дўппослади.

– Ўлай агар, тоқатимни тоқ қилдинг, – нафаси қайтиб, хириллади Рашид. – Бир кунмас бир кун сени ўлдираманку-я!

Кейин дарчани қарсиллатиб ёпди-да, кўздан йўқолди.

Уйда пул тугади, қўлга илинадиган нарса ҳам қолмади. Очлик бўй кўрсатди. Очликка қарши кураш уларнинг асосий ҳаёт тарзига айланди. Уйда қозон қайнамай қўйганига анча бўлганди. Дастурхонда оддий гуруч ҳам камдан-кам кўриниб қолди. Баъзи-баъзида Рашид кўчадан бир банка сардинка, икки бўлак суви қочган нон ёки қаердан-дир бир халтача ўфирланган олма олиб келар, шунда ҳам улушнинг каттаси Залмайга тегарди. Гоҳида эса, хом шолғом ёки кашнични тузга белаб ейиш билан ошқозонни алдашарди.

Очлик ўлим тимсолига айланиб, бутун шаҳарга қора қўланкасини ташлаган. Куни кеча Марям кўчадан мудҳиш бир хабар билан қайтди. Нариги маҳаллада турадиган бир аёл еттита боласига маргимушга беланган нон едирибди, охирида ўзини ҳам унутмабди.

Тез орада Азизанинг ҳам эти устихонига ёпишиб, ёноқлари қошиқдек бўртиб, оёқлари гугурт чўпига ўхшаб қолди, юзлари нимтатир дамланган чой тусини олди. Залмай ҳам кечалари уйқусида гапириб, фингиб чиқадиган, тез-тез уйғонадиган одат чиқарди. Марямнинг кўз ўнгида оқ нуқталари пайдо бўлиб, қулоқлари шанғиллашга тушди. Шунда у мулла Фатҳулла асосан рўза ойлари кўп тилга оладиган иборани эсларди: «Илон чаққан одамни уйқу элитаркану, оч одам ухлолмас экан».

– Болаларим ўляпти, – деди Лайло юраги зирқираб. – Шундоққина кўз ўнгимда жон беришяпти, бечоралар.

– Йўқ, улар ўлмайди, – деди Марям қатъият билан. – Мен бунга йўл қўймайман. Ҳаммаси яхши бўлади, Лайложо! Мен нима қилишни яхши биламан.

Куннинг тифида Марям чодрасига ўраниб, эри билан изма-из «Интерконтинентал» меҳмонхона-



сига йўл олди. Энди автобус улар учун етиб бўлмас орзу эди: Марям тик йўлдан юқорига чиққунча, ўпкаси оғзига тиқилди. Икки марта мазаси қочиб, йўл четида ўтириб олди.

Меҳмонхонага кираверишда Рашид тўқ қизил костюм ва фуражка кийиб олган эшик оғаси билан қучоқлашиб кўришди. Улар анчагача дўстона суҳбатлашиб туришди. Рашид хотинига имо қилиб кўрсатган эди, иккови ҳам ўша тарафга қарашди. Эшик оғасининг юзи Марямга жуда таниш кўринди. Эшик оғаси меҳмонхонага кириб кетди. Марям билан эри ташқарида қолишди. Меҳмонхона анча баланд ерда жойлашган бўлиб, Политехника институти, Хайирхон даҳаси, Мозори Шарифга олиб борадиган катта шоссе яққол кўриниб турарди. Жанубдаги «Сило» нон заводининг хароба деворларида ўқ излари қорайиб кўринарди. Рўпарада эса, «Доруломон» қасрининг вайроналари кўзга ташланар, бир пайтлар Марям эри билан ўша тарафга тамадди қилгани ўтиб туришарди. Энди ҳаммаси Марям учун бир рўёдек туюлади.

У қаршисидаги манзараларни томоша қилиб, хаёлини чалғитишга уринди. Муҳими, ўзини қўлга олиши, журъатни йўқотмаслиги лозим.

Ҳар-ҳар замонда меҳмонхона ҳовлисига жишлар ва таксилар келиб тўхтар, эшик оғаси қорасоқол, саллали меҳмонларни қуюқ илтифот билан қаршиларди. Улар турли тилларда – форс, пуштун, урду ва араб тилларида ҳам гаплашишарди.

– Янги хўжайинларимизни кўриб қўй, – эҳтиёткорлик билан пичирлади Рашид. – Булар араб ва покистонлик исломчилар. Толиблар уларнинг қўлида қўғирчоқ, холос. Аслида ҳамма иш буларнинг қўлида. Айтишларича, толиблар улар учун Афғонистон ҳудудида террорчи-худкушлар

тайёрловчи лагерлар очишга ҳамма шароитларни яратиб беришган экан.

– Намунча қоп кетди? – бетоқатланди Марям.

Рашид ерга тупуриб, оёғининг учи билан тупугини эзгилади.

Бир соатлар ўтиб эшик оғаси уларни чақирди. Меҳмонхона вестибюлида алақандай салқин ва ёқимли ҳаво уфурарди. Холнинг ўртасида иккита жангари автоматларини четга қўйганча, чақчақлашишар, журнал столи устидаги тақсимчадан уч қанд упасига ботирилган пирожний турар, икки финжон қаҳвадан енгилгина буғ кўтариларди. «Азиза пирожнийни жуда ёқтирарди», хаёлидан кечирди Марям. Эшик оғаси ортидан Марям билан Рашид балконга кўтарилишди. Рашиднинг таниши киссасидан кичкина қўл телефони ва қандайдир рақамлар битилган бир парча қоғозни олди.

– Бу бошлиғимизнинг қўл телефони. Фақат беш дақиқага сўраб олдим. Тушунарлими?

– Ташаккур, – қуллуқ қилди Рашид. – Олдинда қарздорман.

Эшик оғаси бош ирғаб, чиқиб кетди. Рашид рақамни териб, телефонни Марямга тутқазди. Узун гудоқлар эшитиларкан, Марямнинг ёдига 1987 йилнинг баҳори, отаси билан кўришган охирги лаҳзалар тушди. Мана, Жалил, мовийранг «Мерс» машинасига суянганча қизининг деразасидан кўз узмай ўтирибди. Бир пайтлар Марям унинг Ҳиротдаги ҳовлиси олдидан туриб, отасини қандай чақирган бўлса, у ҳам қизини шу тахлит бир неча маротаба чақирди. Марям парданинг бир четини тортиб, пастга бирровгина кўз ташлади. Жалилнинг сочлари оқариб, қадди букчайиб қолибди, кўзига кўзойнак тақибди. Фақат жигарранг костюмию унинг кўкрак чўнтагидан учи чиқиб турадиган рўмолчаси ўзгармаб-

ди. Кийимлари ҳам худди ёғоч кўрикчиникидек шалвираб турибди.

Уларнинг нигоҳлари аввал ҳам бўлгани каби, бир онгина тўқнашди. Кейин Марям ўзини парда ортига яширди. У ўзини каравотга ташлаганча, отасининг кетишини кута бошлади. Мана, отаси кетди. Фақат кетиш олдидан эшикка битта конверт қистириб қўйди. Марям анча пайт конвертни очмасдан ёстиғи тагида беркитиб юрди. Кейин эса, йиртиб ўчоққа отди. Мана, орадан йиллар ўтиб, яна отасига телефон қилаётир.

Марям айни дамда ўзини ҳаддан ортиқ такаббурлиги ва қизлик гурури учун койишга тушди. Ўшанда отасини уйга киритмай чакки қилди. Ахир шўрлик озмунча йўл босиб келганмиди? Минг қилса ҳам, у отаси эди-ку! Унинг гуноҳи шу қадар оғирмиди? Рашидга таққослаганда, Жалилни фаришта деса бўларди.

Марям хатни йўқотиб юборгани учун қаттиқ афсусда эди.

– Сиз Ҳирот шаҳар ҳокимлигига тушдингиз, – телефондан эркак кишининг йўғон, дағал товуши жаранглаб чиқди.

Марям йўталиб олди.

– Ассалому алайкум! Ака, мен ҳиротлик бир кишини қидираётган эдим. У киши ҳозир ҳам бормикин? Исми Жалилхон, Шаҳринавда турарди. Унинг кинотеатри ҳам бор. Уни қандай топсам бўларкин-а?

Ҳокимлик вакилининг овози қаҳрли тус олди:

– Шунини билиш учун ҳокимликка телефон қил-япсизми?

– Бошқа кимдан сўрайман? Илтимос, акажон! Тушунаман, ишингиз кўп, лекин гап ҳаёт-мамоот устида кетяпти.

– Мен бунақа одамни танимайман. Бу замонда кинотеатр қоптими?

– Балки уни танийдиган бирорта одам бордир? Ким бўлсаям...

– Қаердан топай унақа одамни?

– Барака топинг, ака, ёш болаларимга раҳмингиз келсин.

Гўшакдан офир хўрсиниқ эшитилди.

– Ёнингизда ҳеч ким йўқми бошқа?

– Қоровул бор пастда. Унинг бутун умри Ҳиротда ўтган. Балки у танир?

– Ўшандан сўраб беринг, Худо хайрингизни берсин.

– Эртага қўнғироқ қилинг, билиб бераман.

– Ҳеч иложим йўқ, телефонни беш дақиқага сўраб олдик.

Гўшакнинг стол устига қўйилгани, қадам товушларининг узоқлашаётгани эшитилди. Марям телефонни бошқа қўлига олиб, кўзларини юмди.

Яна отасини кўрди. У жилмайганча чўнтагини ковлаштиришга тушди. Кейин учига ой ва юдуз шакли солинган тангаси бор занжирчани олиб, қизининг бўйнига илди.

– Қани, Марямжо? Худди маликанинг ўзи бўлдинг!

Орадан бир неча дақиқа ўтди. Яна қадам товушлари эшитилди.

– Қоровул таниркан.

– Йўғ-е, ростданми?

– Ўзи шунақа деди.

– Қаерда экан? – нафаси тиқилди Марямнинг.

– У Жалилхоннинг қаердалигини ҳам айтдимиз?

Бир оз жимлик чўкди.

– Сиз сўраган одам анча йил аввал, 1987 йилда қазо қилган экан.

Марям ҳолсизланиб балкон панжарасига суяниб қолди. Атрофдаги файзсиз манзараларга маъносиз термилди.

– Узр, синглим, менга рухсат, – деди телефондаги одам ва алоқа узилди.

...Жалил анҳордан почасини кўтариб ўтиб олгач, ортига бурилиб, қизига қўл силкиди. У ҳаргал ана шу дамларда «Э Худо, отам билан мени яна тез фурсатда учраштир», дея дуо қиларди.

Эри унга еб қўйгудек термилиб турарди. Марям бош чайқади.

– Ўзи билувдим, – тўнғиллади у телефонни юлқиб оларкан. – Қизидан нима ёруғлик чиқувдики, отасидан чиқса...

Вестибюлдаги креслолар бўшаб қолган, тақсимча устида пирожнийларнинг биттаси турарди. Рашид тезлик билан пирожнийни чўнтагига урди.

Кечки пайт пирожнийни Залмай паққос туширди.

## ЎН ОЛТИНЧИ БОБ

Совуқ апрел тонгларида бирида Азиза қоғоз пакетга гулдор камзулчаси, бисотидаги бир жуфт пайпоғи, пойма-пой жун қўлқопчаси, жигарранг адёл ва ёрилган елим пиёласини, банан ва суяк-ошиқларни жойлади.

Лайло 2001 илнинг баҳорида 23 га тўлди. Бир неча кун аввал Аҳмадшох Масъуд Францияга бориб, Европа парламенти ҳузурида чиқиш қилганини эшитганди. Масъуд энди толибларга бўйсунмаган ягона куч – шимолий альянсга бошчилик қиларди.

Лайлога етиб келган гап-сўзларга қараганда, бир ой илгари Бомбейдаги баҳайбат Будда ҳайкалларида даҳрийлик тимсоллари сифатида портлатиб юборишибди. Дунёнинг ҳар ёғидан, давлат раҳбарларидан, тарихчи олимлардан, халқаро ташкилотлардан бу тарихий ёдгорликни

асраб қолишни сўраб, толибларга илтимоснома-лар жўнатилди. Аммо, толиблар бу илтимосларга қулоқ ҳам солишмади. Аввалига икки минг ёшли бу ҳайкалларнинг турли қисмларини миналашти-риб чиқишди. Кейин кучли портлаш садолари «Аллоҳу акбар» хитоблари билан қоришиб кетди ва кўҳна обидалар чанг зарраларига айланди.

Бундан бир неча йил муқаддам – 1987 йилда Лайло отаси ва Тариқ билан бирга Бомиеънга, ана шу муҳташам обидаларни томоша қилишга бо-ришганди. Аммо ҳозир Лайло бу обидаларнинг ҳалокатидан афсус чекадиган ҳолатда эмас. Ахир унинг бутун ҳаёти барбод бўлди-ку, бунинг олдида иккита ўлик маъбуд нима бўпти?

Рашид «кетдик» деб қистамаганида, Лайло уй-нинг бир бурчагида тошдек қотиб ўтиравермаган бўларди. Гарчи у кўксини тўлдириб нафас олишга интилса-да, бари бир ҳаво етмайдигандек туюлди.

Улар Карте Се тарафга йўл олишди: Рашид Зал-майни кўтариб олган, Лайло Азизани етаклаб бо-рарди. Кучли шамол эсарди. Азизанинг юзчалари қадам-бақаддам тундлашиб борар, чамаси, у ал-данганини сезиб турарди. Бор ҳақиқатни айтиш-га Лайлонинг кучи етмасди. Азизага, уни болалар ётиб ўқийдиган мактабга беришлари, у ерда еди-риб-ичиришлари, кийим-бош билан таъминлашлар-и айтилган эди. Икки кундан бери Азиза Марямга фақат бир хил саволларни беради: ўқувчилар бош-қа-бошқа хоналарда ётишадими ёки биргами? У ерда болалар билан дўстлашса бўладими? Ўқитув-чилар қаттиққўл, уришқоқ эмасми?

Лекин битта саволни у ҳаммасидан кўпроқ бе-рарди: мен у ерда қачонгача бўламан?

Улар казармага ўхшаб кетадиган бир қаватли бинодан анча берида тўхташди.

– Биз сизларни шу ерда Залмай билан кутиб ўтирамыз, – деди Рашид. – Айтганча, бир нарса эсимдан чиқай дебди.

У чўнтагидан бир дона сақич чиқариб, қизи билан ажрашишни истамаётган отанинг куюнчаклиги ва ҳотамтойлиги билан қизчага узатди.

– Катта раҳмат, – деди Азиза мулоимлик билан. Лайлонинг юраги эзилди, кўзларида ёш ҳалқаланди. Бу митти вужуд бунча самимият, бунча нафосатни қаердан оларкин? Оҳ, бугун кечқурун у ойсининг елкасига бош қўйиб ухламайди, унинг илиқ нафаси бу оқшом Лайлонинг бағрини иситмайди. Ахир бунга чидаш мумкинми?

Залмай отасининг қўлидан юлқиниб, «Зиза, Зиза!» деганча бақириб қолди. Яхшиям кўчанинг нариги тарафидан елкасида маймуни билан бир масхарабоз ўтиб қолдию, боланинг хаёли бўлинди.

Лайло, Марям ва Азиза учовлон олдинга қараб кетишди. Етимлар уйининг деворлари ўқдан илма-тешик бўлиб кетган, том ўтириб қолган, айрим дераза ойналари ўрнига ёғоч қоқилган, дарча ортидан арғимчоқларнинг ғичирлаши эшитиларди. Дарча олдида Лайло қизини яна бир қара имтиҳон қилиб кўрди.

– Агар отанг қаерда деб сўрашса, нима дейсан?

– Мужоҳидлар ўлдириб кетишган, дейман, – деди қизча доналаб.

– Тўғри, демак, ҳаммасини эслаб қолгансан?

– Ҳа, бу ер махсус мактаб-ку, – деди Азиза дарчадан ичкарига киришгач. Азизанинг лаблари йиғи олдидан буришиб турса-да, ўзини қўлга олди. – Агар ростини айтсам, мени бу ерга қабул қилишмайди-да!

– Мен сендан тез-тез хабар олиб тураман, – деди Лайло зўриқиб. – Ваъда бераман.

– Мен ҳам, – деди Марям. – Биз сенинг олдинга ҳар-ҳар замонда келиб турамиз. Азизажо, ҳар доимгидек сен билан ўйнаймиз. Отанг иш топиши билан сени бу ердан олиб кетамиз.

– Бу ерда қорнинг тўқ бўлади, – деди Лайло йиғламоқдан бери бўлиб. – Бу ерда оч қолмайсан. Уларда гуруч ҳам, нон ҳам, сув ҳам, ҳатто мевалар ҳам бор.

– Лекин сиз узоқда бўласиз, ойи. Марям холам ҳам.

– Айтдим-ку, хабар олиб тураман, деб. Ҳар куни. Менга қарагин-чи! Мен сенинг ойингман. Ҳар қандай вазиятда ҳам сендан хабар олиб тураман.

Етимхонанинг раҳбари хиёл букчайган, яғриндор одам бўлиб, бошига қора дўппи қўндириб олган, оламга дарз кетган кўзойнаклари оша боқарди. Унинг исми Замон экан.

Хонасига келгунича у аёлдан ўзининг ва қизининг исмини, ёшини суриштириб келди. Нимқоронғи йўлакда ялангоёқ болалар югуриб юришарди. Кўпчилигининг бошлари қиртишлаб олинган эди. Атрофдан хўжалик совуни, крахмал ва нажас ҳидлари қоришиб, кўнгилини оздиргудек бўларди.

Лайло қизига ачина бошлади. Азизанинг эса кўзларидан ёш оқарди.

Деразадан ўт-алаф босган ҳовли саҳнида эски, гичирлоқ арғимчоқлар, автомобил покоришкалари, қийшайиб турган баскетбол саваги ва дами чиққан копток кўзга ташланади. Улар бирорта мебели йўқ хоналарнинг қия очиқ эшиклари ёнидан ўтиб боришаркан, бир бола ўрмалаб келиб, Азизанинг қўлига ёпишиб олди. Пол супураётган фаррош супургисини четга қўйди-да, боланинг қўлидан тортқилиб, хонасига опкириб кетди.



Замон болаларга жуда юмшоқ муомала қиларди. Бировининг елкасини қоқар, бошқасининг бошини силар, яна биттасига бирор илиқ гап айтиб ўтарди. Болалар ҳам уни жуда ёқтиришаркан. Замон ниҳоят меҳмонларни ўз хонасига бошлаб кирди. Хонанинг бор-йўқ амлоки алми-соқдан қолган, қоғозларга тўла стол билан учта қийшайма стулдан иборат эди.

– Гапиришингиздан ҳиротликка ўхшайсиз, – деди Марямга қарата. – Амакиваччам бир пайтлар Ҳиротда яшаганди. – Унинг қарашларида оғир ҳорғинлик акс этарди, юзларида майин табассум ёйилганди. – Анчадан бери Кобулдамисиз?

– Ҳа, анчадан бери, – деди Марям ерга қараб.

– Мен қандаҳорликман. Сиз Қандаҳорда бўлганмисиз, синглим? Йўқ? У ердаги боғ-роғларни айтмайсизми? Узуми-чи, узуми? Ҳалиям эсласам, сўлагим оқади.

Болалар эшик тирқишидан мўралай бошлашди. Замон юмшоқлик билан «кетинглар» дегандек ишора қилди.

– Мен ҳам Ҳиротни жуда яхши кўраман. Буюк алломалар, мутафаккирлар, шоиру мусаввирлар маскани. Ҳиротда «Қаерга оёқ узатсанг, бирорта шоирнинг кетига тегати» деган ҳазиломуз нақл юради.

Шу пайт Лайлонинг ёнида турган Азиза «пиқ» этиб йиғлаб юборди. Замоннинг кўзлари юмалоқ тус олди:

– Ие, нима бўлди сенга? Кап-катта қизни йиғлашини қаранглар? Бу ерда маза қиласан, қизим! Бошида сал қийналасан, кейин кўникиб кетасан. Қани, бир кул-чи! Баракалла! Ҳозир сени кулдириш учун нима қилсам, хўроз бўлиб қичқирсамми, эчки бўлиб маърасаммикин, деб турувдим. Вой бунинг асаллигини!

Кейин у фаррошни чақириб, Азизага қараб туришни буюрди. Қизча эса, Марямга қаттиқ ёпишиб олди.

– Биз гаплашиб олишимиз керак, – деди Лайло. – Мен ҳозир чиқаман, хўпми?

– Кел, бир дақиқага чиқамиз, Азизажо, – деди Марям мулойимлик билан. – Ойинг Замон амаки билан баъзи нарсаларни гаплашиб оларкан.

Хонада ёлғиз қолишгач, Замон қизчанинг нечанчи йилда туғилгани, қандай касалликлар билан оғригани, отаси кимлигини сўради. Охирги саволга жавоб бераркан, Лайлонинг вужудини галати ҳиссиёт қамраб олди. Ахир у айтган ёлгон аслида ҳақиқатнинг ўзи эди-да!

Замоннинг юзига қараб, бу гапларга ишоняптими, йўқми, билиб бўлмасди.

– Биз бу ерда ҳар бир онанинг сўзини асл ҳақиқат сифатида қабул қиламиз, – деди Замон. – Суриштиравериб, уларни қийнамаймиз. Агар аёл эрининг ўлгани, боласини боқолмаётганини айтса, бунга ишонмай иложимиз йўқ.

Лайло йиғлаб юборди. Директор ручкасини стол устига ташлади.

– Қанчалик шармандалик, – деди аламдан муштумини тишлаб. – Менга қаранг-чи?

Лайло бошини кўтарди.

– Бунда сизнинг айбингиз йўқ, синглим! Эшитяпсизми? Ҳаммасига анави ёввойилар айбдор. Мен ҳам улар туфайли пуштун эканимдан уяламан. Улар менинг халқимни шарманда қилишди. Сиздақалар камми, синглим? Ёнимизга сизга ўхшаган аёллар жуда кўп келади, ҳаммаси боласини боқа олмаётганидан нолийди. Ахир толиблар уларга ишлашни тақиқлаб қўйишган бўлса, нима қилишсин? Шундай экан, ўзингизни айбламанг.

– Замон унга янада яқинроқ эгилди. – Мен ҳаммасини тушунаман.

Лайло чодрасиниг бир учи билан кўз ёшини артди.

– Менинг етимхонам қай аҳволда эканини ўзингиз кўриб турибсиз, – хўрсинди Замон. – Гоҳ у етмайди, гоҳ бу. Толиблар бизга деярли ҳеч нарса бермайди. Лекин биз қўлимиздан келганича ҳаракат қиламиз. Яратганнинг ўзи меҳрибон. У ўзи истаган бандасига беҳисоб ризқ бера олади. Азизадан кўнглингиз тўқ бўлсин. Унинг қорни тўқ, усти бут бўлади. – Замон дўстона кулимсиради. – Фақат йиғламанг, синглим, қизингиз сизни кўзингизда ёш билан кўрмасин.

– Худо умрингизни узун қилсин, илойим, – йиғламсиради Лайло.

Бироқ, кетар чоғда, ҳамма эҳтиёт чоралари йўққа чиқди. Лайло ҳам шундан кўрққанди. Азиза дод солиб йиғлади.

Қизининг фарёди анчагача Азизанинг қулоғи остида жаранглаб турди. Мунгли манзаралар кўз ўнгидан ҳалигача кетмайди. Азиза Замоннинг ингичка, қадоқ қўлларидан юлқиниб чиқишга интилиши, онасига бор кучи билан ёпишиб олгани, Замон куч билан қизчани тортиб олиб, хонага олиб киргани, Лайло додлаб юбормаслик учун бор кучини бўғзида тутиб, кўчага отилиши....

– Мен унинг ҳидини ҳис қияпман, – деди Лайло уйга қайтгач Марямга. – Ухлаб ётганида ундан ана шундай бўй тараларди. Сизга билинмаяптими?

– Оҳ, Лайложо, – чуқур хўрсинди Марям. – Яхшиси, бўлди қил. Бу ҳақда ўйлама. Бари бир қўлимиздан бошқа иш келмасди.

Аввалига Рашид уларга – Лайло, Марям ва Залмайни етимхонагача ва у ердан қайтишда

ҳамроҳлик қилиб юрди. Ўшанда ҳам ҳар қадам қовоғини уйиб, заҳрини сочиб, худди катта иш қилаётган одамдек заҳрини сочарди.

– Мен энди қариб қолдим. Оёқларим оғриydi. Агар сенга қўйиб берса, Лайло, мени ер билан яксон қиласан. Лекин бунга йўл қўймайман. Билиб қўй.

Ҳар гал етимхонадан икки уй берида тўхтаб, 15 дақиқадан ортиқ кутолмаслигини айтарди.

– Агар бир дақиқа кечиксаларинг ўзларинг кетасанлар.

Лайло ҳар қанча ялиниб-ёлвормасин, Рашид-ни фикридан қайтариб бўлмасди. Учрашув жуда оз муддат давом этарди. Марям ҳам Азизани ҳаддан ташқари соғинар, аммо бу ҳақда оғиз очмасди. Залмай-ку, ҳар куни опасини сўраб, оламини бузади.

Гоҳида Азизани кўргани келишаётганда, Рашид ярим йўлда оёғи оғриётганини баҳона қилиб, изига қайтади. Гарчи унда оқсоқланиш аломатлари сезилмаса-да, бирданига нафаси қисгандек кўрсатади ўзини.

– Менинг ўпкамга нимадир бўлган, – деди у бир гал Лайлога сигарет бурқситиб. – Бугун мен боролмайман. Балки, эртага тузалиб қоларман?

Лайло ожизона ғазабдан йиғлаб юборишига сал қолди.

Яна бир куни Рашид энди мутлақо у билан етимхонага эргашиб бормаслигини маълум қилди. (Толиблар аёлларнинг кўчага юришида фақат маҳрамлари ҳамроҳлигида рухсат беришарди.)

– Ўзинг биласан-ку, ҳар куни иш қидириб итдек шаҳарни изғийман. Роса чарчаяпман.

– Бўлмаса бир ўзим бораман, – хитоб қилди Лайло. – Сиз мени ушлаб ўтиролмайсиз. Эшитяпсизми? Уриб ўлдирсангиз ҳам мен Азизани ташлаб қўёлмайман.

– Билганингни қил. Лекин толибларнинг қўлига тушиб қолсанг энангни кўрсатишади.

– Мен ҳам бирга бораман, – деди Марям. Бироқ Лайло эътироз билдирди.

– Йўқ, сиз уйда, Залмайга қараб ўтирасиз. Кўчада учовимизни кўришса, дарров тўхтатишади.

Энди Лайло қандай бўлмасин, қизидан ҳеч кимга сездирмай хабар олиб келиш ҳақида ўйларди. Қанийди иложи бўлса? Кўчани кесиб ўтишинг билан толиблар йўлингни тўсишади: «Отинг нима? Қаёққа кетяпсан? Нега бир ўзинг юрибсан? Эринг қани? Қани, дарров изингга қайт!» Агар дўқ-пўписа ёки бир-иккита тепки билан қутулиб қолсанг-ку, хўп-хўп, айрим ҳолларда гаврон, мушт ёки қамчиларни ҳам ишга солишади.

Бир марта ёшгина толиб Лайлони радиоприёмник антеннаси билан роса савалади:

– Яна бир марта қўлимга тушадиган бўлсанг, она сутинг оғзингдан келгунича калтаклайман.

Лайло бир неча кун елкасини ерга беролмади. Марям малҳам қўйиб боғлаганидан кейин сал оғриғи босилди. Бироқ, Лайло дарҳол тақдирга тан бера қолмади. Агар олдидан толиблар чиқиб, орқага қайтаришса, уйга кетган киши бўлиб, изига қайтади-да, бошқа кўча билан яна етимхонага йўл олади. Уни икки-уч марта қўлга олиб, сўроқ қилган пайтлари ҳам, кунда икки-уч калтакланган пайти ҳам бўлди. Аммо Лайло бари бир ўжарлигича қолди. Калтак ўтмаслиги учун куннинг иссиғида ҳам икки-уч қават кийиниб оладиган бўлди.

Бир азобнинг бир роҳати ҳам бор. Толибларнинг таъқибидан омон қолса бўлди, Азизанинг ёнида бир неча соат қолиб кетиши мумкин. Одатда, она-бола ҳовлида, арғимчоқлар панасида ўтирганча мириқиб суҳбатлашишарди. Азиза охирги пайтларда нималар ўрганганини

айтиб берарди. Маълум бўлишича, Замон амаки уларга ҳар куни дарс ўтар, асосан ўқиш-ёзишни ўргатаркан. Гоҳ-гоҳида география, табиатшунослик, яна қайсидир фанлардан ҳам билганларини ўқитаркан.

Кунларнинг бирида Лайло уч нафар боланинг олдида турган, юзлари очиқ, ўрта ёшлардаги аёлни кўриб қолди. Лайло уни дарҳол таниди: тўғри қалин қошлари, сочлари оқарибди, ияги ҳам осилиб қолибди, аммо бари бир Лайло бир пайтлар мактабда қиз болаларни юзларини очиб юришга мажбурлаган муаллима – Бўёқчи холани таниди. Ҳа, бир пайтлар шу аёл зўр бериб шўравийлар тузумини ёқлар, аёллар тенглиги ҳақида жўшқин маърузалар ўқирди.

Бўёқчи хола унга диққат билан тикилиб турган аёлга бир қараб қўйди, аммо танимади. Балки танимаганга олгандир?

– Ер пўстлоғида тирқишлар бўлади, – берилиб онасига тушунтира бошлади Азиза. – Уларни ёриқлар деб аташади.

2001 йилнинг саратони. Жазирама. Лайло, Залмай, Марям ва Азиза етимхонанинг орқа ҳовлисида ўтиришарди. Бугун Худо ёрлақаб, уларни Рашид кузатиб келди. Айни дамда уларни автобус бекатида кутиб ўтирарди. Атрофда ялангоёқ болалар тўп тепиб юришарди.

– Бу ёриқларнинг ҳар бири тош қатламлари устидан ўтади. Ана шундай қатламлардан ернинг пўстлоғи ташкил топади, – тушунтиришда давом этди Азиза.

Атрофда боласидан хабар олгани келган оналар кўп эди. Кимдир боласининг гапларига диққат билан қулоқ солар, яна кимдир қизчасининг сочларини ўриб қўярди.

Азиза эса, ернинг ёриқларини кафтини кафтига қўйиб кўрсатиб бермоқда эди.

– Улар гектоник плиталар деб аталади.

– Тектоник, – тузатган бўлди Лайло. Аммо гапиришга жуда қийналарди. Томоғи ўт бўлиб ёнар, оғзидаги яра ҳам қаттиқ азоб берарди. Икки кун илгари бир тишини Рашид уриб синдирди. Ота-онаси тириклик пайтида бунақа азобларга чидаш мумкинлигини у хаёлига ҳам келтира олмасди.

– Агар бу плиталар бир-бирига тўқнашиб кетса, катта энергия пайдо бўлади ва ернинг сиртига чиқади, натижада zilзила содир бўлади.

– Вой, бунинг ақллигини, – эркалаб қўйди Марям. – Мен тентак холангдан минг карра кўпроқ нарсани биласан, а?

Азизанинг юзлари лов қизаради:

– Сиз ҳечам тентак эмассиз, Марям хола.

Ўтган сафар у осмоннинг мовий кўринишига сабабчи бўладиган атмосферадаги кислород атомлари ҳақида гапириб берганди.

– Агар атмосфера қатлами бўлмаганида, осмон бизга қоп-қора бўлиб қолар, қуёш эса, зулматда нур сочаётган каттакон юлдуз бўлиб кўринарди.

– Азиза бугун биз билан уйга борадими? – қизиқди Залмай.

– Бугунмас, – деди Лайло. – Яна озгина кут.

Залмай худди отасидек одимлаб арғимчоқлар тарафга кетди.

– Биласизми, ойи, барглар таркибидаги сув исикда бугланади, худди торга ёйилган ҳўл кийимлар қурийди-ку, ана шундай. Дарахтнинг илдизлари ер қатлаמידан сувни сўриб танага узатади. Танадан шохларга, шохлардан баргларга ўтади.

Қизиқ, агар Замон амаки болаларга нималарни ўргатаётганини билиб қолишса, толиблар унинг бошига не кунларни солишаркин?

Азизанинг гапириши, ўзини тутиши ҳам ўзгариб қолибди. Бир қараса бетиним бидиллайди,

овози ҳам қандайдир жарангдор. Кулгиси ҳам сал бошқачароқ. Итоатга, тобеликка мойилроқ...

Танаффус пайтлари агар Азизанинг тирноқларига лой ёпишиб қолган бўлса, дарров ойисидан бекитишга уринарди. Атрофдаги тенгдошларидан бирортаси йиғлаб қолса ёки кичкина бола оёқ остида ўралашиб қолгудек бўлса, худди уй бекаларидан уларни тартибга чақириб, дакки ҳам берарди.

Саволларга ҳам бир оз ноаниқ, аммо имкони борча қувноқ оҳангда жавоб қайтарарди.

– Ҳаммаси жойида, хола, хавотир олманг.  
– Бошқа болалар сени хафа қилмаяптими?  
– Йўқ, ойи, улар ҳаммаси яхши болалар.  
– Овқатни вақтида еб турибсанми? Ухлаш-чи?  
– Уйқу ҳам, овқат ҳам жойида. Биз кеча қўй гўшти едик. Йўқ, кечамас, ўтган ҳафтада эди адашмасам.

Лайло ана шундай мужмал жавоблар бераётганида Лайло уни нимагадир Марямга ўхшатарди.

Яна Азиза бир оз дудуқланаётганини ҳам Лайло дарров сизди. Йўқ, буни аввал Марям пайқадди. У асосан «т» ҳарфини айтаётганида бир оз тутилиб қоларди. Лайло бу ҳақда Замонга айтганида у ҳам елка қисиб қўя қолди:

– Балки аввалдан шунақадир, сезмагандирсиз?

Мана, улар Азиза билан бирга етимхонадан чиқиб боришарди. Замон амакидан бир-икки кунга рухсат сўрашди. Рашид уларни бекатда кутиб турарди. Азизани кўриши билан унинг юзлари тиришса-да, буни сездирмасликка уринди.

– Тезроқ юрларинг, – тўнғиллади Рашид. – Икки соатдан кейин ишда бўлишим керак.

У яқиндагина «Интерконтинентал» меҳмонхонасига ишга жойлашди. Ҳафтада олти кун, кундузи



12 дан саккизгача ишлайди. Рашиднинг вазифаси машаналарни кутиб олиш, юкхонани бўшатиш, ифлос изларни артишдан иборат. Баъзи кунлари ресторан ошпази қолган-қутган овқатларни Рашидга бериб юборади. Рашид агар кўпроқ пул жамғара олишса, Азизани яна уйга қайтаришга ваъда берди.

Рашид тўқ қизил рангли махсус либос кийиб олган, бўйнига резинали бўйинбоғ таққан, фуражжаси остидан оппоқ сочлари кўриниб турарди. Бу либосда Рашид шу қадар содда, шунчалик беозор кўринардики, унинг ҳатто чумолига ҳам озор беришига ишониб бўлмасди.

Мана, улар автобусда «Титаник – бозор» деб ном олган, дарё ўзанидаги бозорга етиб келишди. Кўприк тўсинида эса, қулоқлари кесиб олинган ялангоёқ эркакнинг жасади оҳиста чайқалади. Бозор эса ари уясидек гувиллайди. Сигаретфурушлар ўз матоҳини, тиланчилар эса, садақа ундириш илинжида дўхтирдан ундирган сохта рецептни ўткинчиларнинг тумшугига суқади. Тилининг тагига бир кафт нос ташлаб олган толиблар эса, қамчиларини қарсиллатиб, ҳамма ёқни кўздан кечириб юришади. Бирор аёл қаттиқроқ бақирса, қулса, юзини очса, тамом, елкасига қамчи тушади.

Ўйинчоқлар растасида Залмай тўқ сариқ рангли коптокни танлади.

– Сенга нима олиб берай? – сўради Рашид ўзини валломат кўрсатишга тиришиб.

Азиза ғалати автомат – ўйинчоққа қизиқиб қолди. Унинг тирқишига танга ташласанг, оғзидан думалоқ сақич отилиб чиқади. Кейин пастки қоғонини очсанг, танга яна қўлингда бўлади.

Нархини эшитиб, Рашиднинг қошлари чимирилди. Анча савдолашувдан сўнг копток Залмайда қолди.

– Қани, сен жойига қўй, – бақирди Азизага. – Пулимиз етмас экан.

Азиза ҳар гал етимхонага қайтаётганида, қо-воқлари осилиб кетар, ҳеч ким билан гаплашгиси келмасди. Ҳа, айрилиқ дамлари ана шундай но-хуш вазиятда кечарди. Энди Лайло имкон қадар вазиятни юмшатишга тиришар, асабий жилма-яр, қувноқ оҳангда гапиришга уринарди. Унинг сўзи тугаб қолса, Марям ёрдамга келарди.

Мана, ниҳоят хайрлашув онлари. Рашид ав-тобуска ўтириб, ишга жўнайди. Азиза етимхона деворлари ортида қўл силкиганча қолаверади. Азизанинг тутила-тутила гапириши Лайлонинг хаёлидан кетмайди. Ўшанда у тектоник плита-лар ҳақида нима деганди?

Агар улар бир-бирига тўқнашиб кетса, катта энергия пайдо бўлади ва ернинг сиртига чиқади, натижада zilzila содир бўлади.

– Қани, йўқол бу ердан!

Лайло Залмайнинг бақиригидан сергак тортди.

– Жим, – уни тинчлантиришга уринди Марям.  
– Сен кимни ҳайдаяпсан?

– Ана, анув одамни!

Уларнинг дарчаси ёнида бир эркак улардан кўз узмай қараб турарди. У ниҳоят девордан ел-касини айириб, уларнинг истиқболи тараф одим-лади. Қўлларини икки тарафга ёйди.

Лайло турган ерида қотиб қолганди. Фақат бўғзида нимадир лиқиллаб турганини пайқади. Оёқлари бир-бирига чалкаша бошлади. Марямга суюнмоқчи бўлди. Бироқ, қани у? Йўқ, қимирла-маслиги лозим. Ҳатто нафас ҳам олиб бўлмай-ди. Киприк қоқиш ҳам мумкин эмас. Бўлмаса, қаршисидаги мана бу сурат ғойиб бўлади. Эриб, йўқлик қаърига сингади.

Лайло тош қотганча Тариққа тикилиб турарди. Нафас олишга ҳам қўрқарди. Ҳатто уни ўз қарашларидан ҳам қизганарди гўё.

Орадан абадиятга тенг сониялар ўтди. Лайло кўзларини қаттиқ юмиб очди. Мана, Тариқ, у ҳамон жойида турибди.

Лайло эҳтиёткорлик билан олдинга бир қадам босди, кейин яна бир қадам... Кейин эса унинг истиқболи томон югуриб кетди.

### ЎН ЕТТИНЧИ БОБ

Марямнинг хонасида Залмай инжиқлик қилишни бошлади. Аввал то Марямдан дакки эшитмагунча коптогини деворга уриб ўйнади. Гап эшитгач, ғингиб хархаша қилди. Кейин эса, Марям билан келишиб олишди чоғи, «тез ёрдам» ўйинчоқ машинасини бир-бирларига томон ҳайдай бошлашди.

Залмай боя Тариқнинг ёнидан коптогини бағрига босганча, бошмалдоғини сўриб (ўта дарғазаблик белгиси) ўтди. Шу аснода Тариққа кибр билан қараб қўйди.

– Бу одам ким ўзи? – дея қайта-қайта сўрарди у Марямдан. – Ёмон одамга ўхшаяпти у.

Марям «бу одам»нинг ойиси билан бирга катта бўлганини энди тушунтира бошлаганди, Залмай эшитишни ҳам истамади. Машинасини у ёқдан бу ёққа асабий юрғизаркан, энди коптогини топиб беришни сўради.

– Қани коптогим? Қаерга яширдингиз дадам олиб берган коптогимни? Қани, қани, қани? – унинг овози тобора таҳдидли тус ола бошлади.

– Ҳозир шу ерда эди, – уни тинчлантиришга уринди Марям.

– Йўқ, у йўқолиб қолган, – бақиринишга тушди Залмай. – Қани коптогим? Топинг!

– Мана, – Марям шкафнинг тагидан коптокни олиб узатди.

– Йўқ, бумас, у бошқачайди, – ер тепинди Залмай. – Ўзимники қани? Ўзимнинг коптогим! Қани, қани, қани?

Шу пайт Лайло кириб, ўғлининг нам ёноқларини артди, жингалак сочларини силади, қулоғига нималарнидир оҳиста пичирлади. Марям хонадан чиқиб, зина олдида тўхтади. Юқоридан Тариқнинг, полда ўтирган Тариқнинг мошранг шалвари остидан узун-узун икки оёғи (бири ҳақиқий, бири протез) кўриниб турарди. Меҳмонхонада ҳатто гилам ҳам йўқ, қандай уят!

Шошма! «Интерконтинентал» меҳмонхонасига Ҳиротга қўнғироқ қилиш учун боришганда, эрини илиқ кутиб олган эшик офаси Марямнинг кўзига иссиқ кўринганди. Уни аввал қаерда кўрганини энди эслади. Фақат ўшанда унинг бошида дўппи, кўзида қора кўзойнак таққан эди. Шунинг учун бирданига уни танимаган бўлса керак. Ҳа, ахир орадан нақ ўн йил ўтиб кетди. Ўшанда у Марямдан сув олиб чиқишни сўраган, пешма-пеш юзларидан оқаётган терни артганди.

Ўшанда у дорини шунчаки, хўжакўрсинга ичган экан-да! У шунча воқеани бу қадар аниқ тафсилотлар билан ўйлаб чиқарганига ишониш қийин. Рашид Абдул Шариф исмли (балки умуман оти ўчкур бошқачадир) бу кимсага Тариқнинг ўлими ҳақидаги ёлғон маълумотни Лайлога етказгани учун қанча тўлади экан?

## ЎН САККИЗИНЧИ БОБ

– Мен бир йигит билан битта камерада ўтирдим, – дея ҳикоя қиларди Тариқ. – Унинг амакиваччаси фламинго расмини чизишни ўлгудек ёқтираркан. Шу боис, бутун-бутун албомларни ана шу қушнинг тасвири билан тўлдириб ташлабди. Ушбу сувратларда қушларнинг сув ичида турганча ботаётган офтоб нурларида тобланиши акс этган экан.

– Фламинго дедингми? – ҳайратланиб сўради Лайло.

Лайло ҳам полда, девор ёнида Тариқнинг соғлом оёғидан кўз узмай ўтирар, айна дамда ич-ичидан бир ёввойи истак жўш ура бошлаган, ўзини яна ана шу йигитнинг қайноқ, кенг қучоғида кўришни истар, аммо сиртдан қараганда юзида сокинликни кўриш мумкин эди.

Ҳали ҳам ишонгиси келмасди, наҳотки бу ўша Тариқ бўлса? Демак, бу арвоқ эмас! У нариги дунёдан келгани ҳам йўқ. Демак, у тирик экан-да!

– Ҳа, – тасдиқлади Тариқ. – Толиблар бу расмларни топиб олишгач, қушларнинг узун, яланғоч оёқларини кўриб, ғазабга минишибди. Улар рассом йигитнинг оёқларидан фаллоққа боғлаб, товонига дарра уришибди. Кейин ё суратларингга тузатиш киритасан, ё уларнинг ҳаммаси ёқиб ташлаймиз, дейишибди. Бечора рассом ҳар битта қушга иштон «кийдириб» чиқибди. Шу тариқа толибларга ёқадиغان фламинголар сурати юзага келибди.

Лайло аввал қаҳ-қаҳ отиб кулмоқчи бўлди, аммо дарҳол лаб-лунжини йиғиштирди. У сарғайган тишларидан, шишган лабларидан, эрта туша бошлаган ажинларидан уялди. Анчадан бери ювиниб-таранмаганини эслаб, ичидан гижинди. Наҳотки, Тариққа ана шу тахлит кўринса?..

– Йўқ, бари бир рассом улардан пухталиқ кипти. У қушнинг иштонини акварел бўёқларда чизган экан. Толиблар кетиши билан дарров ювиб ташлабди.

Тариқ жилмайди. Шундагина Лайло унинг ҳам олд тишлари тушиб кетганини кўрди. Нимагадир худди шу аснода ўз қўлларига қаради.

– Бошлапти.

Тариқ бошига пакол қўндирган, оёғига оғир этикларни илиб олган, қора жун свитери шимининг ичига тиқилган эди. Илгари у мутлақо қувноқ бола эди, ҳозиргидек хаёлчанлик билан, қўлларини қовуштириб ўтирмасди. У мутлақо бошқа Тариққа айланибди. Ахир у ҳозир нақ йигирма бешга кирган эркак-да! Бўйи ўсиб, елкалари кенгайибди, соқол қўйибди. Юзлари қанча қорайган бўлса-да, олдингидек жозибасини йўқотмабди. Қўлларини қадоқ босиб, томирлари бўртиб чиқибди, Сочлари ҳам тўкила бошлабди. Чақнаб турадиган кўзларида ҳам аввалги шиддатдан асар йўқ. Ёки хона нимқоронғи бўлганидан шунақа кўринаётганмикин?

Лайлонинг эсига Тариқнинг бошига ясамасоч кийиб, сирли жилмайиб турадиган онаси тушди. Кейин унинг отаси – ҳазилкаш, кўзлари бўртиб турган эркак кўз олдида жонланди. Лайло боя, ҳали дарчанинг ёнида туриб, кўз ёшлари билан Тариқ ва унинг ота-онаси ҳақида эшитган ҳамма гапларни айтиб берганди. Тариқ бунга жавобан фақат бош чайқади, холос. Айни пайтда Лайло аслида нима бўлганини билишни истарди.

– Ота-онам вафот этишди, – деди Тариқ ғамгинлик билан.

– Узр, таъзиямни қабул қил!

– Майли, бу ҳақда гаплашмайлик, – Тариқ чўнтагидан кичикроқ тугунча чиқариб, Лайлога узатди. – Ол, бу сенга, Алёнадан.

Тугунчанинг ичида елимқоғозга ўралган бир парча пишлоқ бор эди.

– Алёна? Чиройли исм экан, – Лайло овозидаги титроқни сездирмасликка тиришди. – Хотинингми?

– Эчким, – у сирли кулимсиради. Шундагина Лайло бир пайтлар Тариқ бирга кинотеатрда томоша қилган филмдаги капитаннинг қизини эслади. Ҳа, бу филмни айнан шўравийлар Кобулдан чиқиб кетган куни кўришганди. Ўшанда Тариқ мўйнали телпакни қулоғигача бостириб кийиб олганди.

– Мен уни қозиққа боғлаб қўйганман, атрофини эса, бўрилардан ҳимоялаш учун ихота қилиб қўйдим. Мен яшаётган тоғ бағрида кичик бир ўрмонча бор. У ерда арча, қайин, қарағайлар ўсади.

– Қайси тоғда турасан?

– Покистоннинг Пир Панжол деган жойида. Мен яшайдиган шаҳарча Мури деб номланади. Исломбодга яқин ердаги ёзги курортлардан бири. Яшил тепаликлар, тоғ ҳавоси, салқин шабада, хуллас, сайёҳлар учун жаннатнинг ўзи. Бу шаҳарчани истилочилик даврида, Викториянинг ҳукмронлиги замонида иссиқдан ҳимояланиш мақсадида қуришган. Бу ерда ўша замонларда инглиз услубида қурилган чойхона, коттежлар сақланиб қолган. Бош кўча ҳам Мэлл деб номланади. Бу кўчада почта, ресторан ва дўконлар ҳар доим хорижлик сайёҳлар билан гавжум бўлади. Фақат қизиғи, бу ерда ҳаракат бир тарафга йўналган. Бир ҳафта ҳамма бир тарафга қараб юрса, кейинги ҳафта қарама-қарши йўналишда юради. Маҳаллий одамларнинг айтишича, Ирландиянинг қаеридадир шундай анъана мавжуд экан. Бирам тинч, осойишта жойки, ҳавасинг келади. Мури менга ёқади.

– Эчкинг Алёнага-чи?

Лайло атайин суҳбатга енгилроқ тус бериш учун гапни ҳазилга бурганди. Тариқ кулимсираб бош ирғади.

– Сенинг ота-онанг ҳам... ҳамдардман.

– Демак, эшитибсан-да?

– Мен ўша ерда қўшнилардан эшитгандим. – Тариқ бирдан хомуш тортди. – Танишлардан деярли ҳеч ким қолмабди. Мутлақо янги одамлар.

– Ҳамма кўчиб кетган, эскилардан деярли ҳеч ким қолмаган.

– Ҳа, Кобулни таниб бўлмай қопти.

– Гарчи бу ердан чиқмаган бўлсам ҳам, ҳатто мен танитай қолдим-ку!..

... – Ойимнинг янги ўртоғи келди, – дея тантанали эълон қилди Залмай Тариқ кетганидан анча ўтиб, кечки овқатни еб бўлишгач. – Эркак киши.

– Нима, нима? – бирдан жонланди Рашид, – Хўш, хўш, ким экан у?..

... – Анча пайт биз Носирбоғдаги қочоқлар лагерида яшадик. – Тариқ сигарет кулини кулдонга чертди. – Биз борганимизда лагерда 60 минг афғон бор эди. Бахтимизга лагердаги аҳвол у қадар ёмон эмасди. Бир пайтлар ҳарбий стратегик аҳамиятга эга бўлган бу ҳудудда қазилган чуқурлару палаткалар қолган эди. Менга у ердаги ҳамма нарса жи-гарранг бўлиб туюлди: одамлар, палаткалар, итлар, сули бўтқаси, ҳатто мен ҳар куни тирмашиб чиқадиган баргсиз яланғоч дарахт ҳам. Тепадан қаралганда, ҳамма ёқ худди чумоли инидек тўзиб ётарди. Чоллар ярасини офтобда тоблаб ўтиришибди, болалар канистр билан сув, ун ташийди, ёқиб исиниш учун ит тезакларини йиғишади, ёғоч милтиқлар билан уруш-уруш ўйнашади. Шамол чодирлар тепасидаги брезентларни юлқиб, ахлат



қолдиқларини ҳар тарафга сочади. Осмонда варраклар парвоз қилади.

Болалар шундоқ кўз ўнгимизда жон берарди. Бирови дизентериядан, бирови силдан, яна биттаси шунчаки очликдан... Кўз ўнгимда нечта болакайни тупроққа топширишганини билмайсан, Лайло! Бундай даҳшатни ҳатто тасаввур ҳам қилиб бўлмайди.

Тариқ бир оз жим қолиб, оёқларини қимирлатди.

– Отам ўша ерда, биринчи қишда оламдан ўтди. Уйқусида. Беозоргина жон берди. Ўша йили ўпкасини совуқ олдирган ойим ҳам отамнинг изидан кетишига сал қолди. Иситмаси чиқиб, йўтал тутганида, қон тупурарди. Лагер доктори касалларни фургон машинада қабул қиларди. Унинг олдида эса узундан-узоқ навбат кутишга тўғри келарди. Кимлардир қув-қув йўталар, яна биров оғриқдан инграр, бошқаси қалт-қалт титрар, ҳатто иштонини булғаб қўйган беморлар ҳам бор эди. Ана шу доктор онамга яхши қаради. Баҳорга чиқиб онам тузалиб кетди. Мен ўшанда бир пасткашликка қўл урдим. 12 ёшли болага ҳужум қилдим. Унинг бўғзига синган шишани ўқталиб, қўлидаги адёлни тортиб олдим ва онамга келтириб бердим.

Онам тузалиб кетгач, мен ишлаб пул топишга ва Пешовардан иссиқлик тизимига уланган, тоза сув келиб турадиган квартира сотиб олишга қарор қилдим. Хуллас, иш қидиришга тушдим. Баъзан эрталаб лагерга юк машинаси келиб турарди. Кўпинча тошлоқ далаларни тозалаш ва олма теришга бақувват йигитларни саралаб олиб кетишарди. Албатта кўпинча пул ўрнига адёл ёки бир жуфт этик беришарди. Бироқ, мени ҳеч ким

ишга олмади. Оёғимни кўришлари билан дарров бошқа тарафга қараб кетишарди.

Ариқ қазиш, сомон чайла қуриш, сув ташиш, ҳожатхона тозалаш каби майда-чуйда ишлар ҳам чиқиб турарди. Аммо булар ҳам менга nasib этмасди.

Кунларнинг бирида, 1993 йилнинг кузида мен билан битта дўкондор қизиқиб қолди. Айтишича, битта палтони Лаҳорга олиб бориш керак экан. Яхши тўлайман, деб айтди. У таклиф қилган пул икки ойга квартира ижарага олиш учун етиб қоларди. У менга палтони олиши лозим бўлган дўстининг манзилини берди. Вокзалнинг олдида тураркан. Албатта, гап нимада эканини дарров фаҳмладим. Бироқ пул... бунча пулни яна қаердан топишим мумкин? Қиш эса, эшик қоқиб турибди.

Мен ҳатто автобустга чиқишга ҳам улгурмадим. Мени дарров пайқаб қолишди. Ё кимдир сотдимикин? Полициячи палтонинг астарини сал тилганида, бутун кўча бўйлаб гашиш кукуни ёйилди.

Тариқ асабий кулимсиради. У болалигида ҳам хижолат бўлганини яшириш учун ана шундай кулимсиради...

... – У оқсаб юрарди, – чақимчиликда давом этди Залмай.

– Ҳа, ўзим ҳам шунақа деб ўйловдим.

– У шунчаки... гулханга қараб ўтирганди, – аралашди Марям.

– Сен юм оғзингни, – Рашид бошмалдоғини тепага кўтариб, Лайлога юзланди. – Шунақами ҳали? Лайли ва Мажнун яна топишдими? Бир пайтлардагидек... – Унинг юзи тошдек қотиб қолганди. – Сен эса, уни уйга киритдинг. Менинг уйимга! У ўғлимни кўрдими?

– Сиз нимага мени алдадингиз? Нега ёлғон гапирдингиз? – деди Лайло тишларини фижирлатиб.

– Ҳалиги одамни сиз юборган экансиз-да. Агар унинг тириклигини билганимда сизнинг ёнингизда бир кун ҳам турмаган бўлардим.

– Сен-чи? Мени алдамадингми? – тутақди Рашид. – Сенингча, мен ҳеч нарсани билмайманми? Сен ва сенинг ҳаромингни айтяпман. Сен мени нақ ўйинчоққа чиқариб қўйдинг, фоҳиша!..

...Тариқнинг ҳар бир ҳикоясидан даҳшат уфуриб турарди. Лайло ҳамма гапни ундан батафсил, ипидан игнасигача илғаб олишни истарди. Лайлони атайин куттириш учун бир оз жим қоларди. Лайло эса, унинг қаршисида ўтириб, ундан кўзини узмасди.

Турмада яшаб ўтказган кунлари ҳақида Тариқ гапиришни истамади. Фақат урдучалаб гапиришни ўша ерда ўрганганини айтди. Саволларга жавобан бошини ирғаб қўя қоларди. Шунинг ўзи Лайлонинг кўз ўнгида тор, кўримсиз, бетон камераларнинг намоён бўлиши учун кифоя қилди. Тариқ бу темир панжаралар ортида қанча-қанча уқубат, хўрлик ва изтиробларга дуч келмади экан?

– Мен қамалганимдан кейин ойим икки марта мени кўргани борди. Кейин у билан бошқа кўришмадик. Мен унга бир неча марта хат ёздим, жавоб келмади. Билмадим. Хат етиб бордим, йўқми, билолмадим. Айтганча, сенга ҳам бир неча марта хат ёздим.

– Менга?

– Ҳа, бутун-бутун китобларни ёзиб битирдим-ку! Ҳатто Румий оғайнинг кўрганида ҳам тан берган бўларди, – ҳазиллашди Тариқ...

...Залмай эса хархаша қилишда давом этарди.

– Бир пайтлардагидек... – яна қайтарди Рашид. – Севишганлар! Сен албатта унга юзингни очгандирсан?

– Очди, – бидирлади Залмай. – Тўғрими, ойи? Ўзим кўрдим...

... – Мен ўглингга унча ёқмадим, – деди Лайло яна пастга тушган пайтда Тариқ.

– Кечирасан, у ўзи шунақа, эътибор берма!

Лайло уятдан қизариб кетди. Начора, ўғил онасини рашк қилади-да!

Отасини ҳаддан ортиқ яхши кўргани учун ойисига бошқача қараган эркаклар боланинг кўзига балодек кўринади.

Лайло мавзуни алмаштиришга тиришди.

– Мурида анчадан бери яшайсанми?

– Яқинда бир йил бўлади. Покистонда бир собиқ хоккейчи билан танишиб қолдим. Исми Салим экан. У турманинг «пахан»ларидан экан. Охирги марта полициячига пичоқ ургани учун ўн йил олган экан. Ҳар бир камерада худди Салимга ўхшаган айёр, пишиқ, ташқари билан боғланиб турадиган «паханлар» бор эди. Онамнинг офтоб уриб ўлганини ҳам у орқали эшитдим.

Менга етти йил беришганди. Ҳалиям омадим чопиб қолди. Менинг ишимни кўриб чиққан суд-янинг акаси аффон аёлига уйланган экан. Шунданми, у менга анча шафқат қилди. Яна ким билсин? Мен 2000 йилнинг қишида озодликка чиқдим. Салим менга акаси Саиднинг манзили ва телефонини берди. У акасининг йигирмата хонали меҳмонхонаси ва ресторани борлигини айтиб, «мен юборганимни айтсанг, у сенга ёрдам беради», деди.

Мурини бир кўришдаёқ ёқтириб қолдим. Автобусдан чиқишим билан қор босган арчаларни, ёғоч коттежларни, қувурлардан чиқаётган тутунларни кўрдим. Тоғ ҳавосидан тўйиб симирдим. Ҳамма кулфат ва мусибатлар ортда қолиб кетгандек туюлди. Худди бошқа бир дунёга тушиб қолгандек

эдим. Саид мени қоровуллик ва бошқа юмушларни бажаришим учун олиб қолди. Бир ой синов муддати давомида ҳам яхшигина ҳақ тўлади.

Шу аснода Лайло ўзича Саидни тасаввур қилиб кўрди. Мана у: қисик кўзли, юзлари қип-қизил, бақалоқ одам ойнадан Тариқнинг қандай қор кураётганини томоша қилиб турибди.

– Мени Адиба исмли кекса ошпаз турадиган ошхона ёнидаги кичкина қоровулхонага жойлаб қўйишди. Меҳмонхонагача пирамида кўринишидаги фавворалар, арчалар, бодомзорлар ора-лаб торгина сўқмоқдан бориларди.

Бир ойдан сўнг Саид менга маошимни тўлиқ берди. Бунинг устига бепул тушлик, иссиқ кийимлар ҳам. Ҳатто янги протез ҳам сотиб олиб берди. Унинг меҳрибонлигидан кўзларимга ёш келиб кетди. Биринчи маошимдан шаҳарга бориб, Алёнани сотиб олдим. Унинг жунлари шу қадар оппоқ эдики... Агар қор ёққан тонгда уйғониб қарасанг, ҳовлида уни тополмай қоласан. Фақат қоп-қора кўзлари ва бурни кўриниб туради.

Юқорида нимадир аёвсиз гурсиллар, Залмай коптогини асабийлик билан деворга урарди.

– Мен сени ўлган деб ўйлагандим, – деди Лайло.

– Биладан. Айтдинг-ку!

Лайлонинг томоғи қуриб қолди.

– Анави одам...– Лайло тутилиб қолди. – Ҳалиги, хабар келтирган одамнинг афтига қараб, уни умуман ёлғончи демасдинг-да! Мен унга ишондим. Мен бу кенг оламда танҳо қолиб кетгандим. Шунақа ёмон бўлиб кетдим. Кейин... Рашидга тегишга мажбур бўлдим. Агар билганимда...

– Керакмас, – деди Тариқ юмшоқлик билан. Унинг овозида таъна оҳанги йўқ, билинмасди.

Худди ўртада бирор нохушлик юз бермагандек тутарди ўзини.

– Керак, Тариқ. Яна бир сабаб ҳам бор эди. Сен у ҳақда билмайсан ҳали. Сенга айтишим керак...

... – Сен ҳам унинг ёнида ўтириб гаплашдингми? – сўради Рашид ўғлидан?

Бола негадир жим қолди, кўзлари пирпиради.

– Ўғлим, сендан сўраяпман?

Залмай оғир ютинди.

– Мен юқорида Марям холам билан ўйнаётувдим.

– Ойинг-чи?

Залмай ўтинчли ва айбдор қиёфада Лайлога тикилди. Унинг кўзлари жиққа ёшга тўлганди.

– Бўпти, Залмай, – деди Лайло дангал. – Бори-ни айтавер, ўғлим.

– Ойим пастда ўша эркак билан гаплашиб ўтирганди, – деди у ниҳоят паст овозда.

– Тушунарли, – деди Рашид. – Яна иккита хотин тил бириктирибди-да!..

– ... Мен уни кўрмоқчиман, – деди Тариқ. – Уни ёнига боришим керак.

– Борасан, – деди Лайло. – Бирга борамиз.

– Азиза! Азиза! – жилмайганча унинг исмини такрорлади Тариқ. – Исми бунча чиройли бўлмаса?

– Сен унинг ўзини кўрганингда эди? Фирт қўғирчоқнинг ўзи!

– Сабрим чидамай кетяпти.

Қарийб ўн йил ўтди орадан. Улар торкўчада қандай учрашишган эди? Қандай ўпишишган эди? Энди эса, Лайло унинг қаршисида қай аҳволда турибди? Олдинги гўзаллиги қани? Тариқ ҳозир қаршисида қаримсиқ, қоқсуяк, сўлғин, йиллар давомида бутун латофатини йўқотган бир ожизасини кўриб тургандир? Шу аснода Лайлонинг назарида ўртадаги ўн йил ўтмаган-

дек, Тариқ билан худди кечагина хайрлашгандек туюлди. Гўёки шу ўн йил ичида уруш, қирғинбарот жанглар ҳам, ёввойи толиблар ҳам, очарчилик ҳам, ўлим ҳам бўлмаган. Демак, болалар ҳам туғилмаган...

Бирданига Тариқнинг юзи тундлашди, қатъий ва шафқатсиз тус олди. Бу ифода Лайло учун таниш эди. Хадимнинг устига ясама оёғини ўқталиб борганида ҳам унинг юзлари ана шундай бўғриқиб кетганди. Тариқ астагина Лайлонинг қаварган лабларини ушлаб кўрди:

– Бу ўша!

Шу онда Лайлонинг тасавурида ўша, ўз ифратини Тариққа ҳадя этган унутилмас кун майда тафсилотлари билан жонланди. Ташна вужудлар эҳтироси, қайноқ нафаслар, ширин энтикишлар...

– Сени олиб кетишим керак эди, – деди Тариқ сокин овозда.

Лайло йиғлаб юбормаслик учун лабларини тишлаб, ерга қаради.

– Сен ҳозир бировнинг никоҳидаги аёлсан, онасан. Сенинг қаршингда эса мен турибман. Ўтган йиллар ичида нималар юз бермади? Балки мен келиб нотўғри қилгандирман? Аммо, бошқача йўл тутолмасдим. Қанийди, Лайло, мен ҳеч қачанга кетмасдан ёнингда ўтирган бўлсам...

– Бўлди, етар, – ингранди Лайло.

– Мен бошимга қилич келса ҳам, айтганимда туриб олишим керак эди. Имконият борида сенга уйлансам бўларкан. Шунда ҳаммаси бошқача бўларди.

Тариқ унга томон яна бир қадам юрмоқчи эди, аммо жойида қотди:

– Ўзимни ҳам, сени ҳам қийнагим йўқ! Ҳаётингни бузиб нима қиламан? Агар кетишим сенга маъқулроқ бўлса, айт, мени қайтиб кўрмай-

сан. Яна Покистонга кетаман. Сен учун ортиқча ташвиш туғдиришни истамайман. Фақат, айтсанг бўлди.

– Йўқ, – Лайло аввал Тариқнинг қўлидан тутди, кейин негадир қўйиб юборди. – Керакмас, кетма! Илтимос қиламан. Қол.

Тариқ хўрсиниб бош ирғади.

– У кундузи ўн иккидан саккизгача ишлайди. Эртага кундузи кел. Сени Азизанинг олдига олиб бораман.

– Мен ундан қўрқмайман, биласан-ку!

– Биладан, эртага келасан-а?

– Хўш, кейин-чи?

– Кейин... Ўйлаб кўришим керак. Нима бўлганда ҳам...

– Ҳа, тушунаман. Ҳаммаси учун кечир мени. Олдингда гуноҳқорман.

– Қайси гуноҳингни кечиришим керак? Келаман дегандинг, мана, келдинг-ку!

– Сени кўрганимдан хурсандман, – деди Тариқ.

Титраганча унинг изларидан термилиб қолди. Жилд-жилд хат ёзганман, дедими? Лайлони баттар қалтироқ тутди. Юрагига чексиз андуҳ чўкканини ҳис этди. Атрофини қоплаган зулмат хиёл тарқалгандек бўлди.

Хирагина умид шуъласи ана шу бўлса керак.

## ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

– Мен юқорида Марям холам билан ўйнаётувдим.

– Ойинг-чи?

– Ойим пастда ўша эркак билан гаплашиб ўтирганди.

– Тушунарли, – деди Рашид. – Яна иккита хотин тил бириктирибди-да!..



Негадир унинг юз чизгилари мулойимлашди. Пешонасидаги ажинлар текисланди. Шубҳа ва ишончсизлик аломатлари ҳам қаёққадир йўқолди. Рашид хотиржамлик билан уларнинг рўпарасига ўтириб олди. Унинг кўриниши кучли тўфон пайтида қандай йўл тутиш ҳақида қатъий қарорга келган кема дарғасини эслатарди.

У қарор қабул қилганди.

Марям нимадир демоқчи бўлганида, унга қўли билан имо қилди.

– Энди кеч, Марям! – Кейин эса, Залмайга совуққонлик билан амр этди. – Сен тепага чиқ, ўғлим!

Залмайнинг юзларида даҳшат аксланарди. У кўзларини катта-катта очганча ҳаммага бир-бир қараб чиқди. Ўйламай-нетмай гапирган гапи қандай оқибатларга олиб келганини, чамаси, англагандек эди.

Энди нима бўлади?

– Тезроқ! – бақирди Рашид.

У ўғлининг тирсагидан тутиб, тор зина томонга судраб кетди. Залмай қаршилиқ кўрсатмади.

Марям билан Лайло жим туришарди. Улар Рашиднинг нуқтаи назарини билмоқчи бўлгандек бир-бирига савол назари билан боқарди.

– Мен у ёқда меҳмонларга эшик очиб, жомдонларини ташиб юрган пайтимда, ўз уйимда шунақа шармандали ишлар бўлаётган экан-да? Яна ўғлимнинг кўз ўнгида! – деди зинапоялардан кўтарилаётган Рашид ўзига ўзи гапириб.

Жимликни юқори қаватдан келаётган оғир ва зулмкор қадам товушлари бузиб турарди. Кейин эшикнинг қарсиллаб ёпилгани ва калитнинг гижирлаб буралгани эшитилди. Яна оғир қадамлар зиналардан пастлай бошлади.

Рашид пастга тушгач, бир қўли билан калитни чўнтагига жойларкан, иккинчи қўлида камарини қисмлаб олган, тўқаси ерга тегиб турарди.

Марям унинг оёғи остига ўзини отган эди, хонанинг бир четига бориб тушди. Камар визиллаганча ҳавони кесиб тушди. Лайло қимирлашга ҳам улгурмади. Зарб қоқ пешонасига келиб тушди. Аввалига кафтини чеккасига босди, кейин бир қонга беланган кафтига, бир Рашидга анграйиб қаради. Бирданига таажжубнинг ўрнини нафрат эгаллади.

Рашид камарни иккинчи бора силтаганида, Лайло чаққонлик қилиб, тўқасидан тутиб қолди. Аммо, эри куч билан камарни тортиб олди. Камар яна бир зувиллади. Бу гал Лайло чап беришга улгурди. Рашидга томон сапчиб, унинг қулоғига чанг солди. Рашид эса, сўкинганча, Лайлони бир четга итқитиб ташлади. Аммо, қочишнинг имкони йўқ эди. Рашид Лайлони деворга қисиб, камарнинг тўқаси билан аямай савалашга тушди. Камар тўқаси қип-қизил қонга беланди.

Зарбалар аёлнинг кўкрагига, юзига, қўлларига, елкаларига келиб тушарди. Марям зарбаларнинг ҳам, ўзининг самарасиз илтижоларининг ҳам саноғини йўқотиб қўйди. Камар ҳамон силтанарди. Тартибсиз зарбалар, тепкилар, муштлар унинг кўз ўнгида чирпирак бўлиб айланарди. Шу чоқ кимнингдир тирноқлари Рашиднинг бўғзини, пешонасини, юзларини тимдалаётганини пайқайди.

– Сенинг адабингни мен бераман энди, мен! – Марям ҳатто ўз овозини ўзи танимади.

Рашид Лайлони чангалидан бўшатди ва унга ўтирилди. Аввалига у Марямни кўрмади, кўзлари қисилиб, қараши янада қаҳрли, қасоскор тус олди. Шу онда Марямнинг кўз олдида тўй маросими жонланди. Ўшанда уларнинг нигоҳлари илк бора кўзгу сатҳида тўқнашганди. Норасида келиннинг кўзлари ўшанда шафқат, илтифот тилаб мўлтирар, эркакнинг қатъий нигоҳларида эса, бефарқлик ва лоқайдлик акс этарди.

Мана ўша нигоҳлар. Бу гал ваҳшат ва қабоҳат чақнамоқда бу кўзларда. Нега?

Марям ёмон хотин бўлдими? Хиёнат қилдими? Қадрига етмадими? Уйини саранжом тутмадими? Об-овқатини вақтида едирмадими? У эрининг олдида қандай гуноҳга қўл урди? Нима сабабдан бу эр уни бутун умр азоблаб келди? Ахир шу одамга ёшлигини, бутун ҳаётини қурбон қилмадими?

Камар ерга тушиб кетди. Тушунарли. Энди қўллари билан ишга киришади чамаси.

Лайло чаққонлик билан полдан ниманидир олди. Унинг қўлларида синган стаканнинг қиррадор парчаси ярақлаб турарди. Бир сониядан сўнг Рашиднинг бўғзидан қон тирқираб, кўйлагини қизилга бўйай бошлади. Рашид шердек ўкириб, Лайлога ташланди. У ерга қулади. Бир зумда эр унинг устига чиқиб, бўғзига чанг солди. Лайло хириллашга тушди. Марям унинг елкасига канадек ёпишганча ажратишга тиришди. Кейин эрининг панжаларини ёзишга уринди, қўлларида тишлади. Фойдасиз. У Лайлонинг бўғзини янада кучлироқ сиқарди.

«Ҳозир бўғиб ўлдиради, – ўйлади Марям. – Унга кучимиз етмайди. Бошқа чора йўқ!»

Хонадан отилиб чиқди. Залмай тепадаги хонанинг эшигини тинимсиз муштларди. Белкурак омборхона деворига суяб қўйилганди. Рашид Марямнинг қайтиб кирганини билмай қолди.

Лайлонинг юзлари кўкариб кетган, кўзлари косасидан чиқа бошлаганди. Ҳатто қаршилиқ кўрсатишга ҳам мажоли қолмабди шўрликнинг. Йигирма етти йил ичида Рашид Марямнинг нималарини тортиб олмади? Энди Лайлодан ҳам айирмоқчи!

Марям белкуракни азот кўтарди.

– Рашид!

Рашид ўтирилиб қаради. Худди шу лаҳзада белкуракнинг ўткир тиғи унинг чаккасидан ёриб кирди. Панжаларини кенг ёйиб қонга беланган бошини чангалладию, ёнбошига гурсиллаб ағанади. Энди унинг юзида на ғазаб, на қабоҳат асари қолганди.

«У қасос муддати етганини тушундимикин? – деган чаққон ўй тилиб ўтди Марямнинг тафаккурини. – Балки сўнгги дамда виждони уйғонгандир».

Марям умрида илк бор... илк бор эрининг кўзларига тик ва дадил боқди. Унинг кўзларида ваҳшиёна адоват учқунларини кўрди. Лаблари ҳам қаҳр-ғазаб билан қийшая бошлабди.

«Агар ҳозир тинчитмасам, тўппончасини олади-да, мен ҳам, Лайлони ҳам отиб ташлайди».

Марям бор кучини ишга солиб, белкурак билан иккинчи бор эрининг бошига туширди.

Бадбахт бир умрнинг интиҳоси учун ана шу зарба кифоя қилди.

## **ЙИГИРМАНЧИ БОБ**

Лайлонинг тепасида иржайган тишлар, олайган кўзлар муаллақ осилиб қолганди. Тамаки исидан нафаси қайтгудек бўлди. Марям ҳам шу атрофда юрибди, чамаси. Тепада фақатгина катта-кичик доғлар ва ёриқларга тўла шифт кўринадди. Назарида тўртбурчак шифт ундан тобора узоқлашиб, почта маркасидек кичрайиб борарди. Қаердандир, олислардан тушунарсиз овозлар эшитилди. Лайлонинг ўғли ва қизи унинг тепасида чуғурлашиб, парвона бўлишяпти, чоғи. Ёки бу тушимикин?

Лайло ўзини ҳам худди ҳавода учиб юргандек ҳис қилди. Яна шифтга тикилди. Шифтдаги узун ёриқ худди қандайдир ваҳший махлуқнинг тиржайган жағини эслатади.

Кимдир Лайлони қимирлатиб кўрди:

– Тирикмисан? Ўзингга кеп қолдингми? – деган таҳликали, таниш овоз эшитилди. Лайло тепасида эгилиб турган Марямни аранг таниди. Унинг пешонасидаги ҳар бир ажин аниқ-тиниқ кўриниб турарди. Лайло нафас олишга уринди. Томоғи ўт бўлиб ёнарди. Яна бир тиришиб кўрди. Бўғзидаги аланга яна-да кучайгандек бўлди. Аввал хириллади, кейин йўталди. Нафас олиш қанчалик қийинлигини айни дамда англаб етди. Соғ қулоғининг тагида нимадир асабий чийиллади.

Бор кучини тўплаб ўрнидан турди. Ерда ҳаракатсиз, чалқанча ётган Рашидни кўрди. Унинг оғзи қийшайганча очиқ қолган, бўйнидан қон ирмоқ бўлиб оқиб турар, иштони жиққа ивиган эди. Пешонасига нима қилди экан? Белкурак нега бу ерда турибди? Лайло чуқур уҳ тортди.

– Э, Худо, – деди овози титраб. – Марям опа, нима бўлди ўзи?

Марям жасаднинг устида жим қараб турарди. Лайлонинг баданида титроқ турди. У нималарнидир гапирар, иложи борича мурдага, унинг чала очиқ оғзига ва сўник кўзларига қарамасликка тиришарди.

– Ўтир, Лайложон, – деди ниҳоят Марям. Лайло унга итоат этди. – Манавини ҳовлига чиқариб қўйишимиз керак. Залмай отасининг жасадини кўрмасин.

Марям Рашиднинг чўнтагидан ётоқхона калитини олди. Биргаллашиб, ўликни чойшабга ўрашди. Лайло унинг оёғидан, Марям қўлтиғи остидан кўтаришди. Жасад оғирлик қилди шекилли, судрай бошлашди. Остонага етганда Рашиднинг оёғи эшик кесақисига илинди ва хотинларнинг қўлидан ерга тушди. Кейинги уриниш ҳам беҳуда кетди. Тепада нимадир ерга гурсиллаб туш-

гани эшитилди. Лайлонинг оёғи остидан ер силжиб, беҳол ўтириб қолди ва ҳўнграб юборди.

– Ўзингни қўлга ол, – деди Марям. – Ўтган ишга салавот.

Бир оз ўтиб, Лайло ўрнидан турди. Юзларини артди. Иккови ўликни ҳовлига опчиқишди. Омборхона олдидаги мих, болға, арра ва ва бир бўлак думалоқ ёғоч турган қути ёнига ётқизиб қўйишди. Куни кеча Рашид бу ёғочдан Залмайга қанақадир ўйинчоқ ясаб бермоқчи бўлганди. Насиб қилмаган экан.

Кейин уйга қайтишди. Марям қўлларини ювиб, сочларини тартибга келтирди.

– Кел, энди сенинг яраларингни боғлаймиз, Лайложо! – Кейин эса қўшиб қўйди. – Ўйлаб кўриш учун менга вақт керак. Албатта чиқиш йўли бўлиши керак, мен уни топаман.

– Қочамиз, бу ерда қолишимиз мумкин эмас, – деди Лайло ҳамон овози титраб. Шу пайт қулоғи остига Рашиднинг қоқ миясига санчилган белкурак овози эшитилди, – демак ўша пайтда ҳуши жойида экан, – негадир кўнгли ағдарилгудек бўлди.

Марям Лайлонинг енгиллашиб олишини кутди, кейин бошини тиззасига қўйиб, сочларини силади.

– Ҳаммамиз кетамиз, жоним, – деди Марям кўзини бир нуқтага қадаб. – Мен, сен, Тариқ, болалар. Биз бу беҳосият уйдан, бу тошбағир шаҳардан, бу бадбахт мамлакатдан кетамиз. Узоқ-узоқларга! Ҳеч кимнинг қўли етмайдиган жойга. Янгидан ҳаёт бошлаймиз. Чекка бир овлоқдан, ям-яшил дарахтлар панасида қурилган кичкина уйча сотиб оламиз. Олдидан катта анҳор ҳам оқиб ўтади. Бу уйчага торгина сўқмоқлар бўйлаб борилади. Болаларимиз тизза бўйи келадиган ўтлар ичида ўйнашади, қамишлар ўсиб турган, гулмоҳилар сузиб юрадиган анҳорда чўмилишади. Ўзимизнинг қўйларимиз,

товуқларимиз бўлади. Сен билан бирга нон пиширамиз, болаларни ўқитамиз. Ҳамма гуноҳларимиз ҳам ортда қолади, бизга ҳеч ким халал бермайди, биз ҳам ўз билганимизча тинч, хотиржам ва бахтли яшаймиз. Нима, биз бунга арзимаймизми?

– Арзиймиз, – деди Лайло орзумандлик билан кўзларини юмиб.

Марямнинг сокин ва ёқимли овози Лайлони аллалаётгандек эди. У Марямни билади: айтганини қиладиган аёл. Эртага тонгдан ҳамма режалари рўёбига киришади. У Лайлога ўхшаб, шошма-шошарлик билан қарор чиқарадиган ва кейин ўзини йўқотиб қўядиганлардан эмас. Демак, ҳаммаси яхши бўлади.

– Албатта, сиз айтгандек бўлади.

Марям Лайлога юзланди.

– Бор тепага чиқ, ўғлингдан хабар ол.

Қоронғилик ичидан отасининг каравотида ётган Залмайни аранг ажратиб олди. Лайло унинг ёнидан жой олиб, устини адёл билан ўраб қўйди.

– Ухляяпсанми?

– Йўқ, ҳали дадажоним билан намоз ўқимай туриб, қандай ухлайман?

– Бугун намозни мен билан ўқий қол.

– Сиз билмайсиз-ку!

Лайло ўғлининг қўлчасини сиқиб, бўйнидан ўпди.

– Уриниб кўраман.

– Дадажоним қанилар?

– Даданг кетди, – Лайлонинг томоғи қуриди.

Мана у: биринчи даҳшатли ёлғон. Энди яна қайта-қайта алдашга тўғри келади. Бечора Залмай! Отасининг ишдан қайтишини қанчалик интизорлик билан кутар, у эшикдан кириши билан кўзлари қувончдан порлаб кетар, югуриб келиб, отасининг бўйнига осиларди. Рашид ўғлини ер-

дан узиб олиб, ҳаводан айлантирар, кейин ерга қўйганида Залмай қиқирлаб, маст одамдек гандираклаб қоларди. Шу он ота-боланинг шодон табассуми, қувноқ кулгилари, шўх ўйинлари унинг кўз ўнгида жонланиб, томоғига алланима тикилди. Юрагини нимадир эза бошлади.

– Қаерга кетдилар?

– Билмадим, жоним болам.

– Тез келадиларми? Менга бу гал нима олиб келадилар?

Лайло дуо калималарини такрорлашга тушди. Бармоқ бўғинларини санаш орқали 33 марта «Субҳоноллоҳ», 33 марта «Алҳамдулиллоҳ», 33 марта «Аллоҳу акбар»ни айтди. Залмай онасининг ҳаракатларини изма-из такрорлади.

Она-бола яна кўрпага бурканиб ётишган чоғда, Залмай мудроқ овозда сўради:

– Дадам бояги гапим учун кетиб қолдиларми? Анави ёмон одам ҳақида бекор гапирибман, а?

Лайло даҳшат ичида боласини бағрига босди. Лаблари ожиз пичирлади: «Йўқ, болажоним, йўқ, бу ерда сенинг умуман айбинг йўқ!»

Бу пайтда бола пишиллаб ухлаб қолганди.

Эрталаб муаззиннинг товушидан уйфонган пайтида унинг мияси анча равшан тортиб қолганди. Ахир кеча кечқурун у ҳеч нарсани идрок этадиган даражада эмасди.

У тўшагидан туриб, Залмайга узоқ тикилиб турди. Бола муштумини бўйнига қисиб, ухлаб ётарди. Лайло беихтиёр Марямни эслади. У ҳам кеча кечқурун келиб, ширингина ухлаб ётган Залмайга қараб, фикрини ўзгартириб кетмадимикин?

Лайлонинг аъзои бадани қақшаб оғирди. Бўйни елкалари, орқаси, қўли ва сонларида кеча Рашиднинг камаридан қолган излар қорайиб турарди. Лайло пешонасини тириштир-



ганча, ётоқхонадан чиқди. Марямнинг хонасида тонг қоронғилиги ҳукмрон эди. У жойнамоз устида тиззалаб ўтирган чоғида Лайло ёнидан бориб чўкди.

– Сен ҳозироқ Азизанинг ёнига бор, – деди Марям.  
– Ҳўп.

– Пиёда юрма. Автобусда, одамларнинг ичида юрганинг тузук. Таксига чиқсанг дарров кўзга тушасан, яна битта ўзинг, аниқ тўхтатишади.

– Сиз кеча менга нималар дегандингиз, эсингиздами? Ё фақат мени тинчлантириш учунгина айтганмидингиз?

– Йўқ, мен жиддий айтганман. Сен бахтли бўласан, Лайложо!

– Мен? Нега фақат мен? Сиз-чи?

Марям ғамгин кулимсираб, жим қолди.

– Марям опа, ҳаммаси сиз айтгандек бўла қолсин. Биз ҳаммамиз бирга кетамиз. Мен, сиз, болалар. Тариқнинг Покистонда иши, жойи бор. Биз ҳали биргалашиб ҳамма муаммоларни ҳал қиламиз.

– Бунинг иложи йўқ, – деди Марям сокинлик ва маҳзунлик билан.

– Биз бир-биримизга ғамхўрлик қиламиз, – гапида давом этди Лайло. – Ўзим сизнинг хизматингизда бўламан. Бу ўзимга ҳам ёқади.

– О, Лайложо!

– Овқатни ҳам ўзим қиламан, супур-сидир ҳам ўзимдан ортмайди. Сиз ҳеч нарса қилмайсиз. Дам оласиз, боққа қарайсиз. Қолган ишлар ўзимга тан. Сизсиз кетолмаймиз. Азиза сизсиз тура олармиди?

– Бир бўлак нон ўғирлаган одамнинг қўлини кесишади, – деди Марям. – Эрини ўлдириб қочган иккита хотинни топиб олишса, нима қилишларини биласанми?

– Ким билиб ўтирибди? Бизни топишолмайди.

– Топишади. Эртами, кечми албатта топишади. Уларнинг шундай искабтопарлари борки... – Марямнинг овози Лайлоникига қараганда, аниқ, ишонarli ва бўлиқ жарангларди.

– Илтимос, ўтиниб сўрайман.

– Агар бизни ушлаб олишса, ҳаммамиз айбдор бўламиз. Сен ҳам, Тариқ ҳам жавоб беришингларга тўғри келади. Мен эса, ҳаётингизни барбод қилишни истамайман. Қочоқлик осон эканми? Ушлаб олишса, болаларнинг ҳоли нима кечади? Уларни ким боқади? Толибларми? Сен онасан, Лайложо, онадек фикр юрит.

– Иложим йўқ.

– Мажбурсан.

– Бу инсофдан эмас, – Лайлонинг юз-кўзлари кўз ёшга беланди.

– Инсофнинг ўзи шуни тақозо қилади. Кел, ёнимга ёт.

Кечагина эмасмиди, Лайло Марямнинг тиззасига бошини қўйиб ётгани. Улар бир-бирининг сочини ўриб қанча-қанча кунларни ўтказишмади. Марям унинг лақиллаб айтган ҳар қандай гапини бўлмасдан эшитиб ўтирарди.

– Ҳа, бу айни адолатдан бўлади, – деди Марям ишонч билан. – Мен эримни ўлдирдим, болаларни отасидан жудо қилдим. Мен сизлар билан кетолмайман, – унинг лаблари титради. – Ўғлинг мени ҳеч қачон кечирмайди. Мен унинг кўзларига қандай қарайман? Бунга журъатим етармикин?

Марям Лайлонинг сочларини битта қилиб ўриб қўйди.

– Мен шу ерда қоламан. Мен учун энди ҳеч нарсанинг кераги йўқ. Болалигимдан нима орзу қилган бўлсам, ҳаммасини сен менга беролдинг. Сен билан, сенинг болаларинг билан мен ўзимни бахтиёр ҳис этдим. Бор гап шу, Лайложо! Фақат мендан хафа бўлма.

– Ўзингиз айтган, гулмоҳилар тўла анҳор, дарахтлар ўтлоқлар нима бўлади? Товуқ ва қўйлар-чи? – Лайло юзини Марямнинг тиззасига босиб, ёш боладек йиғлаб юборди.

Марям Залмайга тушлик учун бир бурда нон ва бир нечта анжир қоқиси берди. Икки дона қоқи ва турли жониворлар шаклидаги бир ҳовуч печенени Азиза учун алоҳида халтачага солиб қўйди.

– Қизингни менинг номимдан ўпиб қўй, – деди Марям. – Унга кўзимнинг нури, қалбимнинг қўри эканини етказиб қўй, илтимос.

Лайло жимгина бош ирғади.

– Айтганимдек, автобусга ўтир. Иложи борича одамларнинг эътиборини тортмасликка ҳаракат қил.

– Энди қачон кўришамиз, Марям опа, Мен албатта кўрсатма беришим керак. Мен воқеа аслида қандай бўлгани, сизнинг бошқа иложингиз қолмаганини тушунтираман. Ахир улар ҳам одам-ку, тушунар? Тўғрими?

Марям унга майингина тикилиб турди, кейин эгилиб Залмайнинг юзчасидан ўпди. Боланинг эгнига қизил майка, зангори иштон, оёғига яқиндагина Рашид олиб берган ковбойча этик кийиб олган эди. Қўлида кечаги коптокни қисимлаб турарди.

– Ўзингни қўлга ол, – яна бир карра эслатди Марям уни йўлга кузатиб чиқаркан, кейин болага юзланди. – Онангни хафа қилма. Мени кечир, хўпми?

Лайло ўғлининг қўлидан ушлаб, кўчага чиқди. Чорраҳага етганда, Лайло ортига ўгирилди.

Марям дарча олдида улардан кўз узмай турарди. У ҳозир оқ рўмол танғиб, тўқ кўк кофта ва оқ шалвар кийиб олганди. Марям унга қўл силкиди. Лайло муйилишда қайрилиб, кўздан йўқолди. Шу-шу бошқа кўришмадилар...

## ЙИГИРМА БИРИНЧИ БОБ

Назарида Марям бир ухлаб, яна ўзининг қишлоқ четидаги лойсувоқ кулбасида кўз очгандек эди. Орадан шунча йил ўтиб...

Вилоят аёллар турмаси Шаҳринавда, Товуқ кўча яқинида жойлашган эди. Кулранг тўртбурчак иморатни ҳар томондан эркаклар сақланадиган корпус ўраб олганди. Аёллар учун дарчаси ички ҳовлига қараган бештагина, ифлос, дим камералар бор эди. Дарчада ҳам ойна йўқ, фақат панжара ўрнатилган. Эшиклари эса, негадир очиб қўйилган, истаганча кириб чиқишинг мумкин. Эшикларда парда ўрнатилмаган бўлиб, улардан толиблар сигарет буруқситиб, ҳар замонда мўра-лашар, тишларини ғижирлатиб, аёлларга гап ташлаб қўйишарди. Шунинг учун аёллар кўпинча кун чиққандан то ботгунича чодрасини ечмай ўтиради. Бу пайтда толиблар асосий дарвозани занжирлаб ўз постларини эгаллашади.

Марямдан ташқари беш аёл ва тўртта бола сақланаётган камера нимқоронғи эди. Шифтдан иккита электр сими туртиб чиққан, ток ўчиб қолмаган бўлса, аёллар енгилгина, пакана хотин Нахмани биргалашиб кўтарашар, у бир амаллаб, симга лампочкани улаб тушарди.

Шкаф катталигидаги ҳожатхона эса, полнинг ўртасидан очилган, канализациясиз туйнукдан иборат эди. Сассиқ ҳид ва пашшаларга тоқат қилиб бўлмасди. Тўртбурчак ҳовлининг ўртасида балчиқ сувли ҳовуз қазилганди. Арқонларда кир ёйилганди. Бу ерда маҳбусалар билан учрашувлар тайинланар, овқат пиширилар, камераларнинг ўзида эса, овқатланишга рухсат беришмасди. Атрофда ялангоёқ болалар чопқилаб юрарди. Уларнинг айримлари шу ерда туғилган, қаердадир бадбўй ҳаво, темир-бетон деворлар,

панжарали деразалар ва соқчилардан холи ҳаёт борлигини тасаввур ҳам қилолмасди.

Марямнинг камерасида бирор жиддий жиноятчи йўқ эди. Асосан уйдан қочган хотинлар. Шу боис улар Марямга аллақандай ҳурмат ва ҳадик билан қарашар, уни ҳали ул-бул егулик билан сийлашар, гоҳ ортиқча адёлларини бериб туришарди.

Нахма эса, ерга урса осмонга сапчийдиган қиз. Унга ош-нон берма, тақдирнинг нораволигидан гапириш имконини берсанг бас, жон киради.

Отаси уни ўзидан ўттиз ёш катта тикувчига эрга бермоқчи бўлган экан. Кейин Нахма маҳаллий муллалардан бирининг ёшгина ўғли билан Гардиз томонга қараб қочибди. Уларни Кобулнинг ўзида тутиб олишган. Муллаваччани бир зириқтиришган экан, тавбасига таяниб, ҳамма айбни қизнинг елкасига ағдарибди. «Менда гуноҳ йўқ, шу қиз ноз-ишвалари билан мени йўлдан урди, сеҳр-жоду қилиб олди», дея ўзини оқлабди. Ҳозир у ҳақ йўлга қайтиб, Қуръон ўқишда давом этаётган экан.

Йигитни қўйворишибди. Нахмага беш йил беришибди. Отажониси, қамоқдан қайтган куннинг ўзида қизини қўйдаё бўғизлаб ташлашга ваъда берибди.

Нахманинг ҳикоясини эшитиб, онасининг Сафедкўҳ этагидан пуштиранг булутларга тикилиб айтган гапларини эслади: «Эсингда тут, қизим! Эркак зоти ҳамиша аёлни айблаб келган...»

Марямнинг суди бир ҳафтача олдин ўтганди. Адвокат ҳам, тергов ҳам, гувоҳлар кўрсатмаси ҳам керак бўлмади. Марямнинг ўзи ҳаммасидан воз кечди. Уни сўроқ қилиш чорак соатга ҳам чўзилмади.

Қозикалон – рангпар, озғин, сарғиш чўққи соқол ўзига ярашмай турган озғингина кекса толиб ҳайъат аъзоларининг ўртасида ўтирарди. Кў-

зойнак ортидан унинг сарғайган кўзлари фавқуллодда катта бўлиб кўринарди.

«Нашватининг думидек ингичка бўйни билан саватдек саллани қандай кўтариб турганин ким?» деган хаёл Марямнинг миясини тилиб ўтди.

– Айбингни тан оласанми, синглим? – сўради қозикалон.

– Ҳа, – деди Марям дадил.

Қози бош ирғади. Ким билсин, балки шунчаки боши қалтирагани учун шундай туюлгандир? Мулла Фатхулла ҳам ундан кўра бардамроқ эди, деб ўйлади Марям. Ҳатто пиёлани қўлга олишга ҳам кучи етмас экан, чап тарафида ўтирган яғриндор эркак чойини ичкизиб қўйди. Чол миннатдорлик маъносида бошини қимирлатиб қўйди.

Негадир қози ортиқча бақириб-чақирмас, таҳдид қилмас, жуда майин гапирар, ҳатто кулимсираб қўярди. Унг томонда ўтирган учинчи толиб эса, ҳар замонда Марямга ер остидан еб қўйгудек ўқраяр, чамаси, унинг пуштунча гапирмаётганидан ғазаби қайнарди.

– Нима деб гапираётганингни фарқига борсан, а?

– Ҳа.

– Бир нарсани тушунмаяпман, – тўнғиллади ёш толиб. – Парвардигор биз эркакларни ва сиз, аёлларни бир-бирига ўхшамайдиган қилиб яратган. Бизнинг мияларимиз ҳам фарқ қилишини, аёллар эркаклар сингари чуқур ва атрофилича фикр юрита олмаслигини фарб олимлари ҳам тан олишган. Шу боис, иккита аёлнинг гувоҳлиги битта эркакники билан тенг.

– Ука, мен ўлдирганимни тан оламан, – деди Марям. – Агар мен ўлдирмасам, унинг ўзи бўғиб ўлдирган бўларди.

– Бу гапни сен айтяпсан. Аёллар ҳар гапда қасам ичишга уста бўлишади.

– Ишонинг, гапим рост.  
 – Хўш, фикрингни исботлайдиган бирорта одам борми?

– Йўқ!

– Ана шу-да, – мағрур бош ирғади ёш толиб.

– Пешовардаги таниш докторга бориб учрагандим, – қози бошини ликиллашиб сўз бошлади. – Жуда билимли шифокор. У билан ўтган ҳафтада кўришдик. «Менга очигини айтавер», дедим унга. «Мулла бобо, тўғриси, уч ой умрингиз қопти, ошиб борса олти ой яшайсиз», деди. Хуллас, ҳаммамиз бу дунёда меҳмонмиз. Яратганнинг иродасига қарши бора олармидик?

У яна яғриндор шеригига имо қилганди, чой қуйиб берди. Қози кафтининг орқаси билан лунжини артди:

– Мен бу дунёни тарк этишдан қўрқмайман. Яккаю ёлғиз ўғлим беш йил илгари вафот этганди. Ҳаёт мен учун ўз қимматини йўқотиб бўлган. Хуллас, мен ўлимни ўйлаётганим йўқ. Бошқа нарсадан хавотирдаман. Қиёматда Парвардигор мендан сўрайди: «Мулла, нега сен менинг амримни бажармадинг?» Унинг иродасига қарши борганим учун нима деб жавоб бераман? Ҳар биримиз Яратганнинг қонунларини бажаришга масъулмиз. Шу боис, ҳар қанча оғир бўлсаям, мен Яратганнинг амрига тобеман.

Қозикалоннинг юзи оғриқдан бужмайиб кетди. Унинг юзларида ҳамдардлик ифодасини ҳам пайқаш қийин эмасди.

– Синглим, мен сенинг гапларингга, эрингнинг бадхулқ одам эканига ишонгим келади. Аммо сенинг ваҳшиёна жиноятингдан кўз юмиб бўлмайди. Ахир бу нимаси? Бола тепада йиғлаб ётса-ю, сен пастда унинг отасини чопиб ташласанг... Менинг ҳам ажалим яқин. Шу боис шафқат кўрсат-

гим келади. Сени жон деб кечирган бўлардим. Аммо, эртага Худойим «Ўзинг бир гуноҳкор банда эдинг, кечиришни сенга ким қўйибди?» деса нима қиламан?

Ёрдамчи қозилар ҳам бош ирғаб унинг гапини маъқуллашди.

– Нимаям дердим. Синглим, сени ахлоқсиз аёлсан деёлмайман. Аммо жуда ёмон ишга қўл ургансан. Шариат бу қилмишингни кечиролмайди. Мен боришим керак бўлган жойга сени аввалроқ жўнатишим керак бўлади.

Марям ердан кўз узмай бош ирғади.

– Парвардигорнинг ўзи гуноҳларингни афу этсин.

Хукмни имзолаш учун Марямга тутқазишди. Уч толибнинг синчкор нигоҳлари остида Марям ўз исмини – мим, ро, йо ва мим ҳарфларини текис ёзиб чиқди. У йигирма етти йил илгари Жалилнинг уйида, мулларнинг гувоҳлигида худди шунга ўхшаш ҳужжатга имзо чеккан эди.

Ўн кун ўтди. Марям камеранинг дарчаси олдида ўтириб, турма ҳаётини кузатарди. Ҳовлига қамалиб қолган шамол қоғоз парчаларини чирпирак қилиб ўйнардди. Соқчилар, маҳбуслар, болалар кўзларини қўлларини билан тўсиб олган, акс ҳолда қум ва чанг одамнинг бурнига, оғзига кириши мумкин. Шамол қош қорайганда тинарди, кечаси эса, худди кундузги тўс-тўполон учун узр сўрагандек, майин, ёқимли шабада эсади.

Нахма унинг қўлига мандарин тутқазди:

– Сиз менга яқин бўлиб қолгандингиз, – деди кўз ёшларини тиёлмай.

Марям жойидан жилмади. Ҳовлидан қиздирилган ёғ ҳиди келар, кимдир овқат тайёрлаш билан овора эди. Қизчалар бир пайт у Жалил билан куйлаган қўшиқни хиргойи қилишарди.



Ой порлайди осмонда,  
Қушлар куйлар ўрмонда...

Ўтган кеча у узук-юлуқ туш кўрди. Ўн битта тошни устунчаларга бўлиб тиклаётганмиш. Анҳорнинг нариги бетида Жалил уни имлаб чақираётганмиш. Мулла Фатхулла унга негадир чиннигул ҳиди анқиб турган настарин гулларни тутқазармиш. Лойсувоқ кулба олдида эса, онаси Марямни овқатлангани чақирармиш. Лекин Марям жойидан қимирламас, ўзи ўйнаб ўтирган, ям-яшил майсалар қоплаган, чумолилар ўрмалаётган, чигирткалар сакраб, қўнғизлар визиллаётган ердан тургиси келмасмиш. Чўққи тепасидан эса қўйларнинг маъраши, яна қаердандир арванинг гижирлаши эшитилармиш.

...Марям машина кузовида кетиб борарди. Юк машинаси «Фозий» стадиони томон елиб борарди. Унинг қаршисида ўтирган, автомат осиб олган ёшгина толиб Марямдан кўзини узмасдан машина бортини дўмбира қилиб чертарди.

– Қорнингиз очмадими? – сўраб қолди у тўсатдан.

Марям бош чайқади.

– Истасангиз менда печене бор. Мазали. Тортинмай сўрайверинг.

– Раҳмат, иним, керакмас.

Соқчининг юзларидан самимийлик порлаб турарди.

– Қўрқиб кетяпсизми?

Марямнинг томоғига нимадир тиқилди:

– Қўрқяпман, – деди титраб. – Жудаям...

– Менда акамнинг сурати бор, – деди соқчи.

– Ўзини эслолмайман. У велосипед тузатарди. Фақат шуни биламан, холос. Унинг юриш-туриши, кулгиси, овози умуман эсимда йўқ. Ойимнинг айтишича, у ер юзидаги энг қўрқмас, баҳодир йигит бўлган экан. Нақ шернинг ўзи.

Кунларнинг бирида, эрта тонгда коммунистлар уни ҳибсга олгани келади. Акам эса, худди ёш боладек йиғлаб юборади. Нега буни айтяпман? Қўрқув – бу оддий ҳол. Ҳамма ҳам қўрқади. Бундан уялмасангиз ҳам бўлади.

Минглаб кўзлар унга қадалиб турарди. Майдонда юз беражак ҳодисани аниқроқ кўриш учун ҳамма бошини чўзиб қарарди. Марямни машинадан тушириш учун қўл узатишганда, ҳамма ёқни олаговур босиб кетди. Овозкучайтиргичдан маҳкуманинг жинояти ўқиб эшиттирила бошладди. Оломон орасида кимдир бош чайқар, кимдир танглай қоқар, Марям эса, ердан кўз узмас, одамлар уни алқаяптими, қарғаяптими, билолмасди. Унинг учун ҳамма нарса фарқсиз эди.

Уни боя турмадан олиб чиқишаётганда, ўлим олдидан ялиниб йиғлаши, кўнгли озиб ўқчиши, шалворини ҳўл қилиб қўйиши мумкинлигидан қўрққанди. Ахир умр интиҳосида одам ўзини бошқаролмай қолади-ку! Хайрият, вужуди унга панд бермади. Толиблар уни судраб туширишмади, балки ўз оёқлари билан майдонга кириб борди. Отасиз қолган Залмайнинг мунгли қиёфаси кўз олдига келганида, ўз-ўзидан қадамлари тезлашарди.

Автоматли толиб унга футбол дарвозасининг жанубий устунни тарафга юришни буюрди. Оломон сув қуйгандек тинчиб қолди. Марям ўз соясига боқди, мана бу сояга жаллоднинг ҳам кўланкаси қўшилди.

Ҳаёт уни сийламади. Аммо, тан олади, бахтли дамлари ҳам бўлди. Бари бир яшагинг келаркан-да! Қанийди бир мартагина бўлсин, Лайлони кўролса, унинг шодон кулгисини эшитса, у билан бирга чой ичиб, ҳолва еса... Азиза! Унинг тўйини кўриш, бармоқларига ҳино қўйиб, бошига никоҳ рўмолини ташлаш насиб этмади. Роса чиройли

келин бўлса керак ўзиям. Унинг болаларини ҳам кўролмади. Кексайиш ҳам Марямнинг қисматида йўқ экан.

Дарвоза устунни олдида тўхташ буюрилди. Чодрасининг бир четидан автоматни маҳкам қисиб турган қўлни кўрди.

Оҳ, ҳаёт, бунчалар аччиқ... бунчалар ширин бўлмасанг!..

Марям кўзларини юмди. Бирдан ҳамма изтироблар чекиниб, қалбини аллақандай сокинлик, ҳатто хотиржамлик эгаллаб олди. У дунёга бир бегона алаф сингари, ота-онасининг хоҳишига қарши ўлароқ, ҳароми тамғаси билан келганди. Мана, Елдаги сафари ҳам қариди. У ҳам севди, севилади, кимнингдир корига яради, ҳимоячи, дугона, она бўлолди. Ундан ширин хотиралар қолади.

Ҳаммаси бундан-да баттароқ бўлиши мумкин эди. Умр беҳуда ўтмади-ку! Марям ўзича Қуръон оятларини такрорлади:

– У, дарҳақиқат, осмонлар ва Ерни яратган зотдир. У тунни кун билан, кунни эса тун билан беркитади. У қуёш ва ойни ҳам ўзига бўйсундирган, ҳар бири белгиланган макон томон ҳаракатланади. У буюк ва мағфиратли зотдир.

– Тиз чўк, – буюрди толиб.

«Парвардигорим, мендек гуноҳкор бандангдан марҳаматингни дариг тутма!»

Марям итоаткорлик билан амрни бажо келтиради.

Охирги марта...

## ТҮРТИНЧИ ҚИСМ

### БИРИНЧИ БОБ

Баъзида Тариқнинг боши ёрилгудек даражада оғрийди.

Лайло ярим кечаси уйғониб кетганида, Тариқ майкасини бошига тортиб, оғриқдан ғужанак бўлиб ётганини кўради. Унинг бошоғриқ дарди Носирбоғда бошланган, турмада янада кучайган эди. Айрим ҳолларда ҳатто оғриқнинг зўридан бир кўзи кўрмай қолади.

– Худди ўткир пичоқ билан икки чаккамни ёриб, миямни ковлашаётганга ўхшайди, – деганди бир гал Тариқ. – Оғзимдан занг мазаси келади.

Ҳар гал шундай пайтларда Лайло сочиқни ҳўлаб, унинг пешонасига босарди. Гоҳида Тариққа Саиднинг дўхтири ёзиб берган оқ рангли хапдорилар ҳам фойда беради. Аммо, шунақа пайтлар бўладики, фақат чаккани маҳкам сиқиб, қимирламай ётишга тўғри келади. Шунда Лайло Тариқнинг бошини силаб, қўлларидан ушлаб олади, никоҳ узуги унинг кафтига муздек ботади.

Улар Мурига етиб, биринчи кундаёқ никоҳдан ўтишди. Саид ҳам ношаръий жуфтликка бошпана бермаганидан хурсанд эди. Унинг юзлари Лайло тасаввур қилгандек қип-қизил, кўзлари қисик ҳам эмас экан. У уйга мулла ва гувоҳларни чақириб, Тариққа узук сотиб олиш учун пул берди. Тариқ пулни аранг олди ва Мэллга югурди. Никоҳ маросими кечқурун болалар ухлаган пайтда ўтди. Мулла келин-куёвнинг бошига яшил

ёпинчиқ ташлади, уларнинг нигоҳи кўзгу саҳнида тўқнашди. Бу нигоҳларда алам ҳам, кулги ҳам, абадий муҳаббат ваъдаси ҳам сезилмасди. Кўзгу ёшгина чехраларда эрта оралаган ажинларни аёвсиз фош этиб турарди. Тариқ нимадир демоққа оғиз очганида кимдир ёпинчиқни тортиб олди ва Лайлонинг хаёли бўлинди...

Ўша оқшом улар тунни илк бор шаръий эр-хотин сифатида ўтказдилар. Болалар йиғма каравотчаларда ухлашарди. Ёшлик пайтларида Лайло ва Тариқ қанчалар шўх, саркаш эдилар, бир-бирларига тегишиб, ҳазилашишар, кўчаларни бошларига кўтариб, хандон отиб кулишарди. Мана, орадан йиллар ўтиб, улар бир-бирининг пинжига кирганча сокин, тинч ётишибди.

Лайло жим, худди юз берган қувончли ҳодиса қаршисида ўзини тамомила йўқотиб қўйгандек эди. Севгилиси Тариқ энди ёнида, мана, бир ёстиққа бош қўйиб, қўлни қўлга бериб ётишибди.

Ярим кечаси чанқаб уйфонганида ҳам, Лайло қўллар ажралмаганини кўрди. Тариқ унинг қўлини худди ҳаво шарининг ипидан маҳкам тутиб олган боладек ушлаб ётарди.

Мури Лайлога ёқиб қолди. Туманга ўралган тонглар, тиниқ ва сокин шомлар, мунаввар тунлар, ям-яшил арчалар, дарахт танасида ўрмалаб юрадиган олмахонлар, ҳамма-ҳаммаси Лайлони мафтун этди. Унда сайёҳлар қадами аримайдиган совғалар сотиладиган дўкончалар, кичкина меҳмонхоналар ҳам манзур бўлди.

Лайлога иссиқ ва совуқ сувли, ҳамма шароитларга эга ваннахона ҳам ёқиб тушди. Адиба тайёрлайдиган хилма-хил емакларни ҳам ёқтириб қолди. Эрталаб Алёнанинг маъраб уйғотиши ҳам унга қандайдир завқ бағишларди.

Баъзан Лайло тинч, хотиржам ухлаб ётган болаларга тикилиб, бахтдан боши айланиб кетар, томоғида нимадир тиқилар, кўзлари жикқа ёшга тўларди.

Ҳар куни эрталаб Лайло эри билан хоналарни текшириб чиқади. Белига хоналарнинг калитларини бир шода қилиб боғлайди, дераза ювадиган суюқлик идишини чўнтагига тиқиб олади. Ҳар бир хонани супуриб, тозалаб чиқади. Ортидан хўмрайганча Залмай эргашади.

Тариқ ваннахоналарни тозалаб чиқади, линолеумларни ювади, сочиқ ва чойшабларни алмаштиради. Азиза эса, ойналарни тозалашда онасига ёрдам беради.

Никоҳдан бир неча кун ўтгач, Лайло Азизага Тариқ ҳақида бор гапни айтиб берди. Қизиги, ота ва қиз жуда тез тил топишди. Азиза отасининг ҳар бир истагини оғзидан чиқмай туриб бажаради. Стол атрофида ўтирганда, улар худди бутун умр бирга яшагандек сирли кулимсираб қўйишади.

Ойиси Азизага у ҳақда гапириб бераётганида қиз қўлларидан кўзини узмай ўтирди.

- Менга ёқиб қолдилар, – деди у сиполик билан.
- У сени жуда яхши кўради.
- Ўзлари айтдиларми?
- Айтмаса ҳам билиниб туради-ку!
- Менга ҳаммасини айтиб беринг, ойижон, билгим келяпти.

- Лайло шу тариқа унга бор сирни ошкор этди.
- Сенинг отанг дунёдаги энг яхши одам.
  - Энди бизни ташлаб кетмайдиларми?
  - Ҳеч қачон. Менга қара. Отанг сени ҳеч қачон хафа қилмайди, ташлаб ҳам кетмайди.

Азизанинг юзи қувончдан ёришиб кетди, Лайлонинг эса негадир юраги увишди.

Тариқ Залмайга тебранма от олиб берди, аравача ясади. У турмада қоғоздан шер, кенгуру, от ва қушлар сингари ҳар хил жонзотлар шаклини ясашни ўрганганди.

Баъзида Тариқнинг иши узоққа чўзилиб кетса, Залмайнинг тоқати тоқ бўлар ва унинг қўлидаги қирқилган қоғоз парчасини тортиб оларди.

– Эшак! – деб бақирарди у. – Керакмас менга сенинг ўйинчоқларинг.

– Залмай, – бунақа пайтда Лайлонинг тепа сочи тикка бўларди.

– Қўявер, – хотинини хотиржам қиларди Тариқ. – Ҳечқиси йўқ. Бўп туради.

– Сен менинг дадажоним эмассан, – дерди Залмай алам билан. – Менинг отам узоққа кетган, у қайтиб келса, сени роса уради. Сен эса, қочиб кетолмайсан, чунки, сенинг оёғинг битта, дадамники эса, иккита, хўпми?

Лайло ётиш олдидан Залмайни қучоғига олиб, биргаликда шайтонга қарши дуоларни ўқишади. Ўғлининг доимий саволига эса, бир хилда жавоб қайтаради: «Дадажонинг узоққа иш билан кетган, қачон қайтиши номаълум!» Айнан ана шунинг учун ҳам Лайло ўзидан ижирғанади. Лекин шуниси аниқки, у ўғлини анча пайт алдаб туриши керак. Залмай ҳам катта бўлади, мактабга боради, ёлғон эса, йўқолиб кетмайди. Рост, вақти келиб, ўғли отасини ҳам камроқ сўрайдиган бўлиб қолади, ёши ўтиброқ қолган йўловчиларнинг ортидан «ота» деб югурмай қўяди ва ажойиб кунларнинг бирида қор босган баланд чўққиларга тикила туриб, ҳайрат билан барча дард-алам ортда қолганини, жароҳатлар битганини, Рашиднинг қиёфаси хира тортиб, саҳна ортига чекинишини тушунади.

Мури Лайлога ёқарди, аммо бахт осмони бутсиз бўлмайди. Ҳаммасини ҳисоб-китоб қиладиган пайт келади.

Дам олиш кунлари Тариқ Лайло ва болаларни олиб шаҳар айланишга чиқади, турли майда-чуйдалар билан савдо қиладиган дўконларга тўла Мэлл кўчасини кезишади. Тариқ болаларни кабоб билан меҳмон қилади. Кўчаларни маҳаллий аҳоли вакиллари, уяли телефонлар ва камералар кўтариб олган европаликлар, иссиқда тоғдан қочиб келган панжобликлар босиб кетади.

Автобус билан бир марта Кашмир-Пойнтга ҳам боришди. Бу ердан кўм-кўк арчалар билан қопланган Жалум дарёсининг сўлим водийси яққол кўзга ташланаркан. Айтишларича, бу ерда ҳалиям маймунлар сакраб юрармиш. Муридан ўттиз чақиримча масофадаги Натиағали қасабасида ҳам бўлишди. Бу ерда 19-асрда қурилган губернатор қасри, инглизларнинг эски қабристонни ҳам ўрин олган.

Лайло баъзида дўконларнинг ойнасида ўзи, болалар ва Тариқнинг аксини кўриб, юраги орзикади. Туппа-тузук, ғам-ташвишсиз оила!

Баъзида Азиза кечалари қўрқинчли тушлар кўриб, бақирганча уйғониб кетади. Лайло унинг бошида ўтириб, юзларини артиб қўяди, бағрига босиб ухлатади. Лайлонинг тушига кўпинча Кобул киради. Рашиднинг уйини, зиналардан иккинчи қаватга чиқиб бораётганини кўради. Нариги хоналардан дазмолнинг кийимлар устидан шиғиллаб юрғизилиши, эски Ҳирот қўшиқларининг хиргойиси эшитилади. Лайло эшикни очади, аммо ҳеч кимни кўрмайди.

Лайло кўз ёшларига беланганча уйғониб кетади.



## ИККИНЧИ БОБ

Сентябр, якшанба. Лайло Залмайни амаллаб ухлатди. Бола шамоллаб қолган кўринади, тинимсиз аксириб, йўталапти. Шу пайт уйга Тариқ кириб келди:

– Эшитдингми? Аҳмадшоҳ Масъудни ўлдиришибди.

– А? Ростданми?

– У ўзини келиб чиқиши марокашлик бўлган белгиялик журналистлар сифатида таништирган одамларга интервью бераётиб, портлаб кетибди. Видеокамеранинг ичига бомба яширилган экан. Журналистлардан бири ва Масъуд ўша ернинг ўзида жон берган. Иккинчисини қочаётганида отиб ўлдиришган. Қотиллар «Ал-Қоида» томонидан юборилган бўлиши мумкин.

Лайло онасининг ётоғида турган портретни эслади. Унда Масъуднинг қошларини хиёл чимириб, кимнидир диққат билан эшитаётган пайтдаги ҳолати акс этганди. Ойиси Аҳмад ва Нурнинг жанозасида иштирок этгани учун ундан жуда миннатдор эди. Турли гуруҳлар бир-бири билан қирпичоқ бўлган пайтларда ҳам ойиси Масъудни айбламаганди. «У жуда яхши инсон, – дерди ойиси ҳамиша. – У Афғонистонда тинчлик қарор топишини, мамлакат гуллаб-яшнашини истайди». Ўзаро низолар, қирғинбаротлар Кобулни ҳар қанча вайрон қилмасин, ойиси учун Масъуд ҳар доим Панжшер арслони бўлиб келган.

Лайлонинг эса, ҳисоб-китоби бўлакча эди. У Масъуднинг ўлимидан қувонмади. Бироқ у портлаш натижасида ҳавога чирпирак бўлган уйларни, харобалар остидан чиқариб олинган мурдаларни, болаларнинг дарахт шохлари, том бўғотларига илиниб қолган қўл ва оёқларини уну-

толмайди. Ҳар бир портлаш овозини эшитганида онаси қандай қўрқувга тушгани ҳам эсида. Отасидан қолган биргина нишона – қўш минора тасвири туширилган либос парчаси ёпишиб қолган қонли гўшт парчаси ҳанузгача тушларига кириб чиқади.

– Дафн маросими ўтказиларкан, – деди Тариқ.  
– Равалпиндида эшитдим.

Бу пайт Залмай ҳам ўрнидан турган, мудроқ кўзларини кафти билан артарди.

Орадан икки кун ўтди. Хоналарни йиғиштиришаётганда йўлакда қандайдир шовқин эшитилди. Тариқ швабрани бир четга қўйиб ўша тарафга югурди. Ортидан Лайло ҳам эргашди.

Шовқин вестибюлдан эшитиларди. Бу ерда телевизор бўлиб, қаршисида бир нечта стул ва тери қопламали диван қўйилганди. Саид, меҳмонхона маъмури ва икки нафар меҳмон экрандан кўз узишмасди.

Янгиликлар берилаётган экан. Осмонўпар миноралардан қуюқ тутун ўрларди. Тариқ Саиддан ниманидир сўради. Саид жавоб қайтариш учун оғиз жуфтлади, аммо яна индамай экранга михланди. Шу пайт иккинчи минора ёнида самолёт пайдо бўлди ва уни ёриб кирди. Каттакон олов шар ажралиб чиқди. Ўтирганлар чуқур уҳ тортиб юборишди.

Икки соатлардан сўнг ҳар иккала минора қулаб тушди. Ҳамма каналларда Афғонистон, Толибон, Усома бин Лодин номлари такрорлана бошлади.

– Толиблар бин Лодин ҳақида нима дейишганини эшитдингми? – сўради Тариқ.

Азиза унинг рўпарасидаги каравотда қошларини чимирган, лабларини тишлаган ҳолатда шахмат тахтасига тикилиб ўтирарди. Тариқ ҳам юриш олдидан худди шундай ҳолатга тушарди.

Бу пайтда Лайло Залмайнинг кўкрагига шамоллашга қарши малҳам сураётган экан. Бола ҳозир анча тузалиб қопти.

– Эшитдим.

Толиблар «Бин Лодинни бермаймиз» дейишибди, уларнинг айтишича, пуштун одатига кўра, меҳмонни тутиб бериш меҳмондўстлик таомилига зид эмиш.

– Бу энафарлар меҳмондўстликни ҳам расвосини чиқарибди-да!

Орадан бир неча кун ўтди. Яна вестибюлда телевизор кўрилмоқда. Бу гал Жорж Буш нутқ ирод қилар, ортида Америка байроғи турарди. Унинг овозида алланечук ишончсизлик акс этарди.

– Жорж Буш уруш эълон қилди, – деди инглиз тилини яхши биладиган Саид.

– Кимга? – ажабланди Тариқ.

– Аввал сенинг юртингга қарши.

... – Балки бу унчалик ёмон эмасдир, а? – сўради Тариқ ярим тунда Лайлонинг кўксига бош қўйиб ётаркан. Торгина қоровулхонада, икки қадам нарида болалар пишиллаб ухлаб ётишар, эр-хотин болалар уйғониб қолишидан чўчиб, паст овозда гапиришар, жуда эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилишарди. Албатта, ёш оила учун болалар билан бундай тор жойда тунашнинг ўзига хос машаққатлари бор. Аммо, энг муҳими, улар энди бирга. Энди уларни ҳеч ким ажратолмайди, Лайло бунда жуда яхши билади. Ҳамма оғир дамлар ортда қолди.

– Нимани назарда тутяпсан?

Улар шаръий эр-хотин бўлишса-да, Лайло ҳамон Тариқни сенсирашда давом этар, негадир бу Тариққа ҳам хуш ёқарди.

– Бизда бошланган урушни айтаман-да. Балки яхшиликкадир?

Яна уйлар бомба ёмғири остида қолганди. Энди америкаликлар бомбардимон қилишар, ҳар куни телевизорда уруш манзараларини кўрсатишарди. Америка ҳарбийлари Шимолий альянс билан келишган ҳолда дала командирларини яна тиш-тирноғига қадар қуроллантира бошлади.

Ғазабга минган Лайло жаҳд билан Тариқни ўзидан итарди:

– Яхшиликка? Одамлар, аёллар, болалар, чоллар тутдек тўкилаяпти, бу яхшиликками? Яна уйлар кунпаякун бўляпти, буям яхшиликками?

– Тсс, болаларни уйғотиб юборма.

– Қандай тилинг борди? Сенингча Карам қишлоғини ростдан ҳам «тасодифан» бомбардимон қилишдими? Юзлаб бегуноҳ одамлар қурбон бўлди. Ўзинг кўрдинг-ку телевизорда!

– Шошма, – уни тинчлантиришга уринди Тариқ.  
– Сен мени тушунмадинг. Айтмоқчи бўлганим...

– Сен бу даҳшатларни ўз кўзинг билан кўрмагансан, – Лайло овозини тағин бир парда кўтарди.

– Қирғинбарот авжига минганида сен қочиб кетгансан. Мен эса, қолганман. Уруш мен учун шунчаки гумбаданг-қарс эмас. Мен биламан унинг нималигини, кўз ўнгимда ота-онам парчаланиб кетди. Сен эса «яхшиликка» деб ўтирибсан. Уят!

– Кечир, Лайло, кечир, – у аёлининг юзларини сийпалади. – Сен ҳақсан. Мен фақат, балки уруш аввалгиларидан фарқли равишда бутунлай бошқача якун топар, демоқчи эдим.

– Бу ҳақда бошқа гапиришни истамайман, – деди Лайло бу гал хиёл пастроқ товушда.

Лайлонинг ичида нимадир жизиллагандек бўлди. Нега Тариққа бақирди? Ахир унинг ҳам ота-онаси шу машғум уруш қурбони эмасмиди? Шу пайт Тариқ уни маҳкам бағрига босганини ҳис қилди ва унга қаршилиқ кўрсатмади. Қўлла-

рида, пешонасида эрининг қайноқ лаблари тафтини туйди. Балки, Тариқ тўғри айтаётгандир? Тинчлик йўли билан ҳеч нарсага эришиб бўлмас, балким? Бу бомбардимон ҳам тез орада тугайди дейишяпти-ку!

Ярим кечаси Залмай қаттиқ йўталди. Лайло ҳатто қимирлашга ҳам улгурмади. Тариқ ўрнидан туриб, Залмайни бағрига босди ва оҳиста қучоғида тебратганча, уйча ичида кезина бошлади. Бола ҳам унинг бўйнидан қучиб олди.

Тариқ яна ўрнида ётганида Лайло жим қолганди. У эрининг юзларини силади, Тариқнинг юзлари ҳўл эди.

### УЧИНЧИ БОБ

Мури Лайлога тинч бандаргоҳни эслатарди. Ишлари унча оғирмас, дам олиш кунлари болалари билан Патриат тоғига ёки Исломобод ва Равалпинди маркази яққол кўриниб турадиган Пинди Пойнт тепалигига чиқишар, тизза бўйи келадиган ўтлоқлар бағрида тамадди қилишарди.

Бу хотиржамлик, сокинлик Лайлога хуш ёқди. У Рашиднинг серғалва уйида худди ана шундай сокинликни орзу қилганди. Эндиликда ўша дамларни эслаш ҳам Лайло учун азобдек.

2002 йилнинг июл кунлари эди. Илиқ ёз оқшомларида Лайло ва Тариқ ухلامасдан она юртларида юз бераётган ўзгаришларни муҳокама қилиб чиқишарди. Ўзгаришлар катта эди. Коалицион кучлар толибларни ҳамма йирик шаҳарлардан мамлакатнинг жануби-шарқий ҳудудларига, Покистон билан чегарадош қисмига суриб боришганди. Ҳамид Карзай мамлакатнинг муваққат президенти этиб тайинланди.

Бир йил илгари Лайло Кобулни тарк этиш учун қўлини кесиб ташлашга ҳам тайёр эди. Энди болалиги ўтган қадрдон шаҳарни соғина бошлади. Шўрбозорни, Бобур боғларини, Товуқкўчани, елкасида меш орқалаб юрадиган мешкобчиларни, Карте-Парвонадаги қовун расталарини тез-тез эсга оларди.

Унинг қалбини турғенга солаётган безовталик фақатгина соғинч эмасди. Ҳар куни турфа янгиликларни эшитарди: мактаблар қурилаётган эмиш, аёлларга ишлаш учун рухсат берилганмиш. Шундай пайтда Лайло четда юрса? Албатта, бу ер ҳам яхши, тинч, осойишта.... Лекин бари бир бегона ўлка Ватан бўлолмайд.

Қачонлардир отаси айтган эди: «Сен ким бўлишни истасанг, албатта бўла оласан. Ишонаман, қачондир бу бемаъни урушлар тугайди ва сен ана шунда Ватанга керак бўласан!» Гоҳида онасининг бир гапи ҳам тез-тез қулоғига чалинади: «Ватанимиз озодликка, тинчликка эришган кунни ўз кўзим билан, болаларимнинг кўзлари билан кўраман».

Демак, Лайло Кобулни бекорга соғинмаётган экан-да? Дарвоқе, яна бир сабаб бор: Марям. У Лайлонинг тинч ва хотиржам яшаши, кейин эса, тамоман унутиб юбориши учунгина ўз жонини қурбон қилдими? Йўқ, Марям ўз яхшилиги эвазига ҳеч нарса тама қилмасди. Лайло эса, бу яхшиликни ҳеч қандай йўл билан қайтара олмаслиги аниқ.

– Уйга кетгим келяпти, – деди у ниҳоят Тариққа. Бу пайтда Тариқ каравотда унга тикилганча ўтирарди. Лайло ҳам эрининг кенг пешонасига, қатъият ва ишонч акс этиб турган юзларига, бақувват қўлларига, сермаъно кўзларига қадалиб турарди. Лайло шунча йил ўтиб, яна бир-бирлари билан топишганига ишона олмасди.

- Кобулгами?
- Ҳа, фақат сен билан бирга.
- Нима, бу ер сенга ёқмаяптими? Болалар ҳам хурсанд.

Лайло Тариқнинг ёнига бориб ўтирди. Тариқ сурилиб жой берди

– Мен бахтлиман, – деди Лайло. Бундан ортиғи бўлмайди. Лекин, бу ерда ҳар доим қолиб кетолмаймиз-ку! Бари бир бу ер ғурбат. Кобул эса, бизнинг уйимиз, у ерда ҳамма нарса ўзгаряпти. Мен ҳам ўша ерда бўлсам дегандим. Тушуняпсанми?

Тариқ бош ирғади.

– Қароринг қатъийми?

– Ҳа. Кетмасак бўлмайди. Бу ерда қўл қо-  
вуштириб ўтиргим келмаяпти.

Тариқ ерга қаради. Жим қолди.

– Фақат ва фақат сен билан бирга.

Тариқ жилмайган чоғда пешонасидаги ажинлар текисланиб, худди Лайлонинг тасаввуридагина муҳрланиб қолган, ҳеч қачон боши оғримайдиган, Сибирда аксирган пайти мишиғи ерга тарақлаб тушишига ишонадиган содда ва самимий болакайга ўхшаб қолди.

– Мен сен билан бирга дунёнинг нариги чекка-  
сига ҳам боришга тайёрман.

– Раҳмат, – деди Лайло хиёл қизариб.

– Демак, уйга қайтамиз?

– Ҳа, фақат олдин Ҳиротга борамиз.

– Ҳиротга?

Лайло сабабини тушунтирди.

Болаларни кўндириш учун эса, ҳар бирига алоҳида тушунтириб чиқишга тўғри келди. Азиза ҳалигача босинқираб чиқарди. Яқинда қайсидир тўйда кимдир хурсандчилик юзасидан осмонга ўқ отган экан, қизча қўрққанидан йиғлаб юборди. Лайло унга Кобулдан толиблар чиқиб кетга-

ни, жанглар тўхтаганини тушунтирди. Энди уни етимхонага жойлаштириш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмайди.

– Ҳаммамиз бирга яшаймиз – отанг, мен ва Залмай. Ҳеч қачон бир-биримиздан ажралмай яшаймиз – ваъда бераман. Албатта, сен қачондир бизларни ташлаб кетасан. Кун келиб, бирорта йигитни ёқтириб қоласан ва у сени олиб кетади.

Муридан кетадиган пайт келганида Залмай Алёнаннинг бўйнига маҳкам ёпишиб олди.

– Залмай, тушунсанг-чи, эчкини автобусга чиқаришмайди. – Унга қайта-қайта тушунтиришга уринди Лайло.

Тариқ Кобулга борганда унга бозордан худди шунга ўхшаш эчки сотиб олишга ваъда бергачгина, тинчиди.

Саид билан ҳам йиғлаб хайрлашишди. У Тариқ ва унинг оиласи учун қадрдон бўлиб қолганди-да! Саид уларнинг боши узра Қуръонни тутиб турди. Лайло, Тариқ ва болалар муқаддас китобни уч мартадан ўпиб тавоф қилишди. Саид уларнинг юқларини машинага ортиб, автобус станциясигача кузатиб қайтди. Кейин йўлакда турганча уларнинг ортидан қўл силкиб қолди.

Елиб бораётган автобус ойнасидан ортга назар соларкан, Лайлонинг миясини Мурини ташлаб кетиб тўғри қилдикми, деган савол ёриб ўтди. Икки акаси, ота-онаси шаҳид бўлган, ваҳшиёна портлашлар чанги босилмаган замин уларни қандай қарши оларкан? Шу аснода беихтиёр отаси айтган сатрлар қулоғи остида жаранглади:

*Чўлгонур ҳар томи беҳад моҳитоб анворида.  
Минг қуёшнинг шўъласи порлайди ҳар деворида.*

Кўзлари ёшланди. Кобул уни кутяпти. У Кобулга керак. Аммо олдинда уни яна бир видо кутмоқда.



Уруш Кобул, Ҳирот ва Қандаҳорни боғловчи афғон йўлларининг дабдаласини чиқарганди. Эндиликда Ҳиротга фақат Эрон орқали, Машҳаддан ўтиш мумкин эди. Шу боис бир оқшом Машҳадда, меҳмонхонада тунашга тўғри келди.

Жуда гавжум ва сершовқин шаҳар экан. Лайло ойнадан сирғалиб бораётган хиёбонлар, масжидлар, ресторанларга қараб борарди. Мана, миноралари ва гумбази осмонга санчилиб турган обидда – шиаларнинг саккизинчи имоми – Имом Ризо мақбараси. Қандай қурилган бўлса, шундайлигича сақланиб келмоқда. Афғонистонда-чи? Қанча-қанча тарихий обидалар вайронага айланди. Негадир шу зумда баҳайбат Будда ҳайкалларини кўз олдига келтирди. Афғонлар ана шундай мўъжизани асраб қолишолмади.

Эрон – Афғон чегарасига етгунча ўн соатча йўл босишди. Чегарага яқинлашган сари ойна ортидаги манзаралар ҳам кўнгилсиз, нохуш тус оларди. Йўлларда яккам-дуккам қочоқлар лагерлари, чанг-тўзон ичида қолган қора чодирлар, ту누ка уйлар, ялангоёқ болалар кўзга ташлана бошлади.

Лайло Тариқнинг қўлидан маҳкам тутиб олди.

Ҳиротнинг аксарият кўчаларига тош ётқизилган, хушбўй арчалар экилган, бузилган бинолар тиклана бошлаганди. Светофорлар мунтазам ишлар, электр таъминотида ҳам узилиш йўқ... Ҳирот ҳокими Исмоилхон Кобулнинг кўрсатмасини кутиб ўтирмай, Эрон–Афғон чегарасидаги божхона масканларидан тушадиган маблағнинг катта қисмини ободончилик ишларига ажратаётгани ҳақида Лайло қачондир эшитганди.

Уларни «Муваффақ» меҳмонхонасига олиб бораётган таксичи ҳам ҳоким ҳақида оғзидан бол томиб гапириб кетди.

Икки кун меҳмонхонада яшаш учун шу пайтгача жамғарган пулларининг бешдан бирини

сарфлашга тўғри келди. Бошқа иложи ҳам йўқ эди. Машҳаддан келгунча болалар анча ҳолдан тойишганди. Хона калитини топшираркан, кекса маъмур бу ерда жуда кўп журналистлар, хайрия ташкилотлари вакиллари яшашини маълум қилди.

– Бир пайтлар бу ерда Бин Лодиннинг ўзи ҳам бир кун туриб кетганди, – деди у паст овозда мақтанаркан.

Хонага иккита каравот қўйилган, ваннада жўмракдан совуқ сув оқиб турар, деворда шоир Абдуллоҳ Ансорийнинг портрети осилган эди. Деразадан йўлакларига фишг ётқизилган, гуллари барқ уриб очилган хиёбон кўзга ташланади. Болалар хонада телевизор йўқлигидан шикоятланишди. Кейин бирин-кетин уйқуга кетишди. Тунда Лайло босинқираб, бир марта уйғониб ҳам кетди. Кейин қандайдир туш ҳам кўрди, аммо мазмуни эсида қолмади.

Эрталаб нонуштадан сўнг, Тариқ такси тутиб келди.

– Сен ёлғиз ўзинг бориб келмоқчимисан? – сўради у Лайлодан.

Азиза отасининг қўлидан ушлаб олди, Залмай унинг оёғига ёпишди.

– Шунақа.

– Мен хавотир оламан-ку!

– Ҳаммаси яхши бўлади. Ваъда бераман. Сен болаларни бозорга олиб бор. Ул-бул оларсан.

Такси жўнаб кетиши билан Залмай йиғламсираб, Тариққа ёпишди. Бу Лайлони қувонтирди.

... – Ҳиротликка ўхшамайсиз? – деди сочи елкасига тушган таксичи ва кўзгу орқали Лайлога бир қараб олди. Унинг сийрак мўйлови остидан жароҳат изи сезиларди. Орқа ойнада сочлари икки ўрим қилинган, ёноқлари қизғиш қизнинг сурати ёпиштирилган экан.

Лайло гап орасида бир йил Покистонда яшаб, энди Кобулга, ўз уйига қайтаётганини айтди. Ойнадан кўзаларга нақш солаётган мискарлар, хом тери парчаларини офтобга ёйиб қуритаётган эгарсозлар бир-бир ўтиб борарди.

– Ҳиротда анчадан бери яшайсизми? – сўради Лайло.

– Ҳа, Шу ерда туғилиб ўсганман. Қўзғолон эсингиздами?

Лайло нимадир демоққа огиз жуфтлаганида, ҳайдовчи гапни илиб кетди:

– 1979 йил март ойи, шўравийлар бостириб кирганига олти ой бўлганди. Ҳиротда бир қанча шўравий мутахассисларни ўлдиришгач, жавоб тариқасида шаҳарни уч кун тўпга тутишди. Танк ва вертолётлар уйларнинг кулини кўкка со-вурди. Битта минорани ер билан яксон қилишди. Икки опам ўша пайтда ҳалок бўлган. Биттаси эндигина йигирмага кирганди, суратдаги қиз ўша опам бўлади, – ҳайдовчи қўли билан суратга ишора қилди.

– Аллоҳ раҳматига олган бўлсин!

«Бирор-бир афғон йўқки, уруш унинг тақдирида қайғули из солмаган бўлсин, – ўйлади Лайло. – Одамзот ҳамма нарсага қўникаркан. Биттаси, мана, мен. Шунча ғам юкидан қандай тирик юрганимга ҳайронман. Мана, соппа-соғ, яна кимгадир ҳамдардик билдириб кетиб боряпман».

Гулдоман қишлоғи фақат лойсувоқ, пастқам кулбалардан иборат эди. Улардан баъзиларигина девор билан ўраб олинганди. Юзлари офтобда қорайган аёллар очиқ ҳавода овқат пиширишди, қора қозонлардан қуюқ буғ кўтарилади. Аравачаларда тош ташиётган эркаклар машинанинг орқасидан ажабланиб қараб қолишди. Болалар таксининг ортидан анчагача югуриб боришди.

Ҳайдовчи машинани ичидан эски мақбара гумбази кўришиб турган қабристон тарафга бурди.

Шамол тегирмонининг занг босган парраклари тагида уч нафар бола ҳаммомпиш ўйнади. Ҳайдовчи ойнани тушириб бошини чиқарди. Болалардан ниманидир сўради. Улардан бири бармоғини йўлнинг нариги тарафига ниқтади. Ҳайдовчи ўша тарафга йўл солди. Девор билан ўралган, дарахтлар шохи кўришиб турган ҳовли ёнида тўхтади.

– Мен тез қайтаман, – деди Лайло ҳайдовчига.

Эшикни қорачадан келган, соқолига оқ тушган, анъанавий кийимдаги ўрта ёшли жиккаккина эркак очди. Қисқагина саломлашишди.

– Бу мулла Фатхулланинг уйларими? – сўради Лайло.

– Ҳа, мен ўғиллари Ҳамза бўламан. Нима хизмат, синглим?

– Мен отангизнинг эски таниши номидан келдим. Марям деб эшитганмисиз?

Ҳамзанинг кўзлари пирнпиради:

– Марям?

– Ҳа, Жалилхоннинг қизи.

Ҳамза гарданини қашлаб бир оз ўйланиб тургач, бирданига юзлари ёришиб кетди:

– Э, шунақами? Марямни танийман! Сиз унинг қизимисиз? Ўзи тузукми? – Ҳамза Лайлонинг елкаси оша ташқарига кўз ташлаб олди. – У ҳам келганми? Орадан қанча сувлар оқиб ўтмади-я!

– У ўлган.

Ҳамзанинг юзи тундлашди. Юзига фотиҳа тортди.

– Кириб, – деди ва эшикни ёпди. – Хуш келибсиз.

Улар одмигина жиҳозланган хонага киришди. Ерга эски Ҳирот гилами тўшалган, деворга мунчоқ қадалган ёстиқлар суялган, қибла тарафга Макка

тасвири туширилган сурат ёпиштирилган эди. Очиқ деразадан қуёш нури тушиб турар, қўшни хонадан аёл кишининг шивирлаб гапириши эшитиларди. Ялангоёқ бола бир чойнак чой ва ҳолва қўйилган патнисни дастурхонга келтириб қўйди.

– Ўғлим бўлади, – дея унга имо қилди Ҳамза.

Бола жимгина чиқиб кетди.

Кейин Лайло бир бошдан ҳаммасини гапириб берди. Гап орасида икки-уч марта йиғлаб ҳам олди. Ҳамза дастурхонга термилганча унинг бор саргузаштини тинглаб ўтирди.

– Отам раҳматли Марямни жуда яхши кўрарди, – деди Лайлонинг ҳикоясини эшитиб бўлгач. – Ахир, унинг қулоғига азонни ҳам отамнинг ўзи айтганди. Ҳар ҳафта уни кўргани борарди. Баъзида меням олиб борарди. Унга ҳарф танитган ҳам отам эди. Раҳматли жуда меҳрибон одам эди. Жалилхон қизини узоққа узатиб юборгач, отамнинг тоби қочиб қолди. Лекин отам анча яшади, Жалилхондан ҳам узоқроқ умр кечирди. Уни Марямнинг онаси билан ёнма-ён дафн этдик. Жуда тақводор инсон эди отам раҳматли.

Лайло чойдан бир хўплаб қўйди.

– Сиздан илтимос. Менга Марям опам яшаган уйни кўрсатасизми?

Ҳайдовчи уни яна бир оз кутиб турадиган бўлди. Ҳамза билан Лайло тепаликдан пастга, Ҳиротга олиб чиқадиган катта йўлга тушиб олишди. Чорак соатлар ўтиб, қалин ўтлар орасидан торгина сўқмоқ кўзга ташланди.

– Мана шу сўқмоқ сиз айтган жойга олиб боради.

Йўлак қарийб ўт-алаф билан беркилиб қолган, осмонда қалдирғочлар чарх урар, оёқ тагидан чигирткалар сакраб чиқар, кучли шамол буталар шохини эгишга уринарди.

Икки юз метрлар чамаси йўл босилгач, сўқмоқ очиқ ялангликка олиб чиқди. Бу ерга чиққунча Лайло билан Ҳамзанинг нафаси оғзига тикилди. Ҳавода чивинлар ғужғон ўйнарди. Тераклар ортида олис тоғлар кўзга ташланади.

– Аввал бу ердан анҳор ўтарди, – қуриган ўзани кўрсатди Ҳамза. – Қуриб қолганига анча бўлди. Мана шу қуриган ўзандан ўтиб, тоғ тарафга қараб юрасиз.

– Адашиб қолмайманми?

– Қўрқманг, – Ҳамза терак соясига ўтирди. – Бу ер адашадиган жой эмас.

Оёқ остида майда тошлар, тунука ва шиша парчалари сочилиб ётарди. Лайло тошдан-тошга сакраганча ўзани кесиб ўта бошлади.

Мана ўша, Марям айтган, соҳилда бошини эгиб турган мажнунтолар ҳам қуриб қолибди. Лайлонинг юраги қинидан чиққудек ошиқарди. Ҳамза эса, тобора олислаб, кичрайиб, ниҳоят дарахтлар фонидаги ярқироқ доғга айланиб қолди.

Лайлонинг оёқлари тошлардан сирпаниб, йиқила-сурина илгарилаб борарди. Яна озгина қолди, озгина. Мана, Марямнинг кулбасига ҳам етиб келди. На дераза, на эшик бор. Товуқхонаю қўйхонадан ҳам асар қолмаган. Ҳожатхона ҳам йўқ. Қулоққа пашшаларнинг ғувиллаши эшитилади.

Лайло ўпкасини тўлдириб нафас олди ва йўлакни қоплаб олган ўргимчак тўрени юлқиб, ичкари кирди. Қоронғига кўзлари кўникқунча анча вақт ўтди. Нега ҳамма нарса бунча кичкина бўлмаса? Ҳатто тасавуридагидан ҳам кичкина экан.

Уч-тўртта чирик тахтани айтмаса, полдан ҳам ном-нишон қолмабди. Қишда ёқиб исиниш учун қўпориб кетишган кўринади. Ҳамма ёққа хазон барглари ёйилган, димоққа чириган барглар ва замбуруғларнинг нохуш ҳиди урилади. Қалин бу-

талар кулбанинг деворларига чирмашиб кетишганди.

Ўн беш йил! Марям ўн беш йиллик умрини шу ерда ўтказган!

Лайло кулба деворига суяниб ўтирганча, дарахтлар шохларида ўйнаётган шамолнинг гувиллашига қулоқ солди. Шифтни ис босиб кетибди, деворларда қандайдир – русча бўлса керак – ҳарфлар ўйиб ёзилган. Битта бурчакда қандайдир қуш ин қурган бўлса, иккинчи бурчакда кўршапалак осилиб ётибди.

Лайло кўзларини юмди.

Баъзи пайтларда у Марямнинг қиёфасини эслашга уринар, аммо кўз олдига аниқ чизгилар келмасди. Унинг сурати худди тил учида турган, аммо негадир эсга келмаётган сўзга ўхшар, эндигина қоронғилик қаъридан кўрина бошлаганда, яна тасвир чаплашиб, йўқликка сингарди. Мана, энди ўша самимий чеҳра кўз ўнгида аниқ-тиниқ намоён бўлиб турибди: меҳр-ла боқувчи нигоҳлар, узун ияк, юпқа лаблар, синиқ табассум... Шу аснода Лайло унинг тиззасига бош қўйиб, юракни элитувчи Қуръон каломлари таъсирида ором олишни истарди.

Бу нима бўлди? Ўт-алафлар худди кимдир ер остидан туриб тортгандек қисқариб, ахири ерга кириб кетдими? Ўргимчак тўри, қушлар ини ҳам эриб кўздан йўқолди. Кўринмас ўчирғич девордаги русий битикларни ҳам ўчириб ташлади. Пол тахталари ҳам ўз ўрнига қайтди. Лайлонинг рўпарасида иккита мўъжаз каравот, ёғоч стол, иккита стул, бурчакда чўян печ, қораялоқ чойнак, сопол декча ва идишлар териб қўйилган токча намоён бўлди. Ташқаридан анҳор тўлқинларининг шовуллаши, товуқларнинг қақағлаши эшитилди.

Ана, ёшгина Марям стулга ўтирганча, керосин чироқнинг ёруғида ниманидир хиргойи қилиб, қўғирчоғини безаяпти.

– Лайложо!

Лайлонинг бутун вужудига титроқ ўрмалади ва кўзларини очди. Кўршапалак унинг кескин ҳаракатидан чўчиб, худди китобнинг титилган варақлари каби ўзини бурчакдан-бурчакка отди, кейин эса, туйнукдан ташқарига ўзини урди. Лайло ўрнидан туриб кийимларини қоқди ва ташқарилади. Қоронғи туша бошлабди. Кучли шамол эсар, мажнунтоларнинг қуруқшаган шохлари асабий ғичирларди. Лайло кетиш олди-дан Марямнинг болалиги ўтган, унинг ширин орзулари, изтироблари, хаёллари, соғинч ва армонлари кўмилган кулбага ўгирилиб қаради. Томга кўниб ўтирган қарға узун тумшуқлари билан аввал ниманидир чўқилади, кейин «қағғ» этди-ю, учиб кетди.

– Алвидо, Марям опа, – пичирлади юзларини ювиб тушаётган томчиларни пайқамай.

Ҳамза уни терак панасида кутиб турарди.

– Қишлоққа қайтишимиз керак, – деди оҳиста.  
– Сизга топширадиган омонатим бор.

Лайло Ҳамзанинг уйи олдидаги боғда кутиб турди. Боя чой олиб кирган бола анжир дарахти остида Лайлога алланечук хотиржамлик билан тикилиб турарди. Дераза ортида тўладан келган аёл ва ҳижобга ўранган ёшгина қиз ҳам бор эди.

Эшик очилиб, Ҳамза ўзи билан тунукадан ясалган қутича олиб чиқди.

– Жалилхон ўлимидан бир ойча олдин буним отамга бериб қўйган ва шахсан Марямнинг қўлига беришни васият қилган экан. Отам уни икки йил кўз қорачиғидек сақлади ва ўлимидан олдин менга топшириб, Марямни кутишимни илтимос



қилди. Бироқ... уни Аллоҳ раҳматига олган бўлсин. Мана, сиз борсиз-ку!

Лайло қутичани диққат билан кўздан кечирди. Қачонлардир унда қимматбаҳо шоколадлар сақланган бўлса керак. Овалсимон, зайтун рангидаги қутичанинг сири кўчган, айрим жойлари занглаган эди.

Лайло қутичани очишга уринди, аммо очолмади.

– Нима бор ичида? – сўради Лайло қизиқсиниб.

Ҳамза унга миттигина калитчани тутқазди.

– Отам ҳеч қачон буни очиб кўрмаган, мен ҳам қараганим йўқ. Уни очиш фақат сизга насиб этган кўринади.

Лайло меҳмонхонага келганида, Тариқ ва болалар ҳали қайтишмаган экан. Каравотга ўтирганча, қутичани қўлига олди. Бир муддат иккиланиб турди: очса тўғри бўлармикин? Жалилхоннинг (майли-да, ким бўлсаям) қизига ҳадяси сир бўла қолсинми? Бари бир қизиқиш устун келди. Калитни оҳиста буради. Нимадир рижирлади, пружинали қопқоқ шарақлаб очилиб кетди.

Қутидан конверт, бўз халтача ва видеокассета ўрин олганди. У кассетани кўтариб, меҳмонхона маъмурининг ёнига йўл олди. Уларни кутиб олган, кексароқ маъмур видеоманитофон фақатгина люкс-апартаментда борлигини айтди. Лайлонинг бахтига ҳозир бу хона бўш экан, видеоманитофондан фойдаланиш учун рухсат берилди.

Шу пайт уларнинг тепасига белига уяли телефон қистирган ёшгина мўйловли хизматчи етиб келди. Кекса маъмурнинг топшириғи билан Лайлони учинчи қаватга эргаштириб олиб чиқди. Хона дид билан жиҳозланган эди. Аммо Лайлонинг кўзига телевизордан бошқа нарса кўринмасди.

Кассета қўйилди. Бир муддат экран қорайганича қолди. Наҳотки тасма бўм-бўш? Буни Мар-

ямга қолдиришдан мақсад нима бўлган? Ниҳоят қандай мусиқа жаранглади. Экранда тасвирлар липиллаб ўта бошлади. Лайло икки дақиқача экранга тикилиб турди. Тасмани олдинга ўтказиб, орқага қайтариб ҳам кўрди. Ўша-ўша тасвирлар – Уолт Дисней суратга олган «Пиноккио» филмидан бошқа нарса йўқ эди кассетада.

(Ўқувчиларимизнинг ёдида бўлса, Марям болалигида айнан шу филм ҳақида отасидан эшитган, кейин филмни отасининг кинотеатрида томоша қилиш учун Ҳиротга йўл олган, унинг бошига тушган ҳамма кўргуликлар ана ўшандан сўнг бошланган эди. – тарж.)

Меҳмонхона хизматчисининг юзида таажжуб аксланди. Лайло ҳам ҳеч нарсани тушунмади. Кеч соат еттиларда Тариқ болаларни етаклаб бозордан қайтди. Азиза онасининг бўйнига осилганча отаси олиб берган капалакнусха, кумуш зиракчасини кўрсатиб мақтанди. Залмай эса, босса пишиллаб овоз чиқарадиган резина делфинни кўксига босиб олганди. Тариқ хотинини қучоқлади.

– Қандай бориб келдинг?

– Ҳаммаси жойида. Кейин айтиб бераман.

Улар яқин атрофдаги кабобхонада кечлик қилишди. Кичикроқ зал одамлар билан тўла, столлар ёпишқоқ клеёнка билан қопланган, тутун ва гўшт ҳиди анқиб турарди. Бироқ, қўй гўштидан тайёрланган барра кабоб ҳам, иссиқ шапати нон ҳам уларга роса маъқул тушди. Овқатланиб чиқишгач, кечки Ҳирот кўчаларини айланишди. Тариқ болаларга пуштиранг музқаймоқ олиб берди.

Илиқ ҳаводан зирк япроқларининг ҳиди уфурарди.

Конвертни Лайло ўз хонасига кириши ҳамано очиб ўқиган эди. Сарғайган қоғозда кўк сиёҳ билан қуйидаги жумлалар битилган эди:

«13 май, 1987 йил!

Азизим Марям!

Ушбу хатим сенга тез орада етиб боришини Яратгандан сўраб қоламан.

Хабаринг бор, бир ойча илгари сен билан баъзи нарсаларни гаплашиш учун Кобулга боргандим. Сен эса мени кўришни ҳам истамадинг. Гарчи бундан қаттиқ оғринган бўлсам-да, сени мутлақо айбламайман. Сенинг ўрнингда бўлганимда, балки мен ҳам шундай қилармидим? Чунки, сенинг меҳру муҳаббатингга бўлган ҳуқуқни аллақачон йўқотган ва бунинг учун ёлғиз ўзим айбдорман. Агар сен ҳозир хатимни ўқиётган бўлсанг, демак, ишонаманки, мен дарвозангга қистириб кетган номани ҳам очиб ўқигансан ва келиб Мулла Фатҳулла билан учрашгансан.

Марямжо, Сен лоақал бир-икки оғиз гапимни айтиб олишимга имкон берганинг учун ҳам хурсандман.

Нимадан бошласам экан? Сен Кобулга кетганингдан сўнг бошимизга анча-мунча савдолар тушди. Ўтай онанг Афсун 1979 йилдаги кўз-голоннинг биринчи куниеқ ҳалок бўлган. Ўша куни дайди ўқ синглинг Нилуфарни ҳам олиб кетди. Меҳмонлар келганида Нилунинг ерга боши билан туриб ҳаммани ҳайратда қолдириши ҳамон кўз олдидан кетмайди. Аканг Фарҳод 1980 йилда жиҳод байроғи остида жангга кирди ва икки йил ўтиб Ҳилмандда шаҳид бўлди. Ҳатто унинг жасадини ҳам кўриш насиб этмади.

Марямжо, балки болаларинг бордир? Илоҳо мен кўрган фарзанд доғи ҳеч қачон сенинг бошингга тушмасин. Ўлган болаларим тез-тез тушимга кириб туради.

Сени ҳам тушимда кўп кўраман. Сенинг қулгиларинг, овозингни соғинаман. Сенга газета

ўқиб берган, бирга балиқ овлаган пайтларимиз эсимга тушиб, юрагим эзилади. Балиқ овига борганларимизни эслайсанми?

Сен жуда яхши қиз эдинг, болам, лекин мен сенга муносиб ота бўлолмадим. Сенга қилган ноҳақликларимни ўйласам, уятдан ўзимни қўярга жой тополмайман. Виждоним қийналади. Мен номард, мен нобакор нега ўша куни қишлоқдан «отамни кўрай» деб аранг уйимни топиб келган жигарбандимга эшик очмадим-а? Нега сени шу пайтгача оиламдан йироқда сақладим, ўз боламдек меҳр беролмадим? Нима учун? Ўзимнинг аҳмоқона обрў-эътиборимни, қулоғимнинг тинчини ўйлабми? Ахир лаънати уруш шундоғам мени бор-йўғимдан жудо қилди-ку! Лекин энди кеч. Сўнгги пушмон – ўзингга душман. Дунёда бирор ёмонлик изсиз кетмас экан. Худо менинг номарддигимни ҳам жазосиз қолдирмади. Мени кечир, жон болам, ота дейишга нолойиқ, ношуд отангни кечир, жигаргўшам!

Энди мен бир пайтлардагидек бой эмасман. Коммунистлар еримнинг катта қисмини, ҳамма дўконларимни мусодара қилишди. Аммо, нолисам, гуноҳкор бўламан – Яратганнинг мендек гофил бандасига раво кўргани шу экан. Кобулдан, сенинг ёнингдан қайтиб, қолган-қутган мулкларимни сотдим. Мероснинг сенга аталган қисми кутидаги бўз халтачада турибди. Тўғри, ҳайратланарли даражада катта пул эмас, лекин бирор кам-кўстингга яратарсан. Пулларни долларга айлантириб қўйганман, ўзимизнинг пулга ишонч йўқ, миллий валютамыз эртага нима бўлишини ҳеч ким билмайди.

Умид қиламанки, отам мендан кечиримни сотиб оляпти, деган фикрдан йироқсан. Мен фақат сенга ҳаққи ҳалолингни етказиб қўймоқчиман,

холос. Тириклигимда сенга муносиб ғамхўрлик қилолмадим, шояд вафотимдан кейин сенга озроққина нафим тегса...

Ўлим – ҳақ. Ортиқча тафсилотлар билан вақтингни олмайман. Шунга айтишим мумкин, ҳозир ажал остонамда пойлаб турибди. Докторлар айтишди, юрагим заиф экан. Худди эгаси сингари...

Марямжо!

Ушбу битикларни ўқиб менга бўлган муносабатинг сал бўлса-да, яхши тарафга ўзгарар деб умид қиламан. Балки, эшигингдаги хатни ўқиб, ўлимини кутаётган отангга раҳминг келар, бирров бўлсаям уни кўргани келарсан. Ўлимим олди-дан сенинг дийдорингга бир тўйсам эди.

Нуридийдам, ёлвораман, келиб, бир мартагина эшигимни тақиллат, Худо ҳақи, энди сенга албатта эшигимни очаман, ўзимни сени бағримга, заифгина уриб турган юрагимга босаман.

Йўлингга муштоқман, болам!

Парвардигор умрингни узоқ, ризқингни фароғ қилсин, қизим. Фарзандларинг, неварачевараларингнинг бахтини, ҳузурини кўргин, илоҳим! Иншоолоҳ, сен жоҳил отанг бера олмаган меҳр-муҳаббатга, бахт ва фароғатга эришасан. Сени Яратганнинг паноҳига топшираман.

Сенинг ношойиста отанг Жалил. Имзо».

Меҳмонхонага қайтишгач, болалар уйқуга кетганидан сўнг, Лайло Тариққа ҳаммасини айтиб берди, халтачадаги пулни кўрсатди.

Лайло ўксиб-ўксиб йиғлар, Тариқ унинг қўллари-дан, ҳўл ёноқларидан ўпиб овутишга ҳаракат қиларди.

## ТЎРТИНЧИ БОБ

Апрел, 2003 йил.

Қурғоқчилик ҳам интиҳо топди. Қишда тизза бўйи қор ёғди. Энди эса, челақлаб ёмғир қуйяпти. Кобул дарёси ҳам ўзанига сиғмай оқа бошлади. Ўзан ичидаги «Титаник» бозоридан ҳам ном-нишон қолмади.

Оёқ ости билч-билч лой, машиналар филдираги бир жойда айланиб қолади, олма ортилган эшак-аравалар ҳам сирпаниб, аранг жилади. Бироқ, ҳеч ким бундан нолимайди, ғойиб бўлган бозорга ҳам биров ачинмади. Кобул яна яшнаш бошлаганди.

Илиққина баҳор ёмғиридан болаларга ҳам жон кирди. Ўтлоқда чопқиллаб ўйнаётган Азиза билан Залмайнинг қувонганини айтмайсизми? Ошхона деразасидан туриб, Лайло уларни жимгина кузатарди. Улар Деҳи Мазангдан икки ётоқли уйни ижарага олишганди. Ҳовлида наъматаклар орасида анор дарахти ўсганди. Тариқ деворларнинг шикаст-рехтини бутлади, болалар учун арғимчоқ ясади, Залмайнинг эчкиси учун кўра ҳам қуриб берди. Шайтонга қарши дуоларни ҳам улар энди бирга ўқийдиган бўлишди.

Азизанинг сочлари жиққа ҳўл эди, бошини бир силтаганида, Залмайнинг юзларига томчилар сачради.

Ҳадемай Залмай олтига тўлади. Азиза эса ўнга кирди, ўтган ҳафтада туғилган кунини нишонлашди. Энди истаган одам «Титаник»ни бемалол томоша қилиши мумкин бўлган «Парк» кинотеатрига боришди.

– Юринглар, болалар, кеч қоламиз, – деди Лайло болалар учун тайёрлаган тушликни пакетга ўраркан.

Соат саккизга бонг урди. Азизани онаси соат бешда бомдодга уйғотганди. Бир пайтлар Марям ҳам Лайлони тонг саҳарда уйғотарди. Намоздан кейин Лайло яна ўрнига кириб ухлаб қолганди. Ҳатто эрталаб ишга кетаётган отаси унинг юзидан ўпиб қўйганини ҳам сезмади. Тариқ ҳозир уруш ногиронларига протез тарқатадиган француз хайрия ташкилотида ишларди.

Ошхонага Азизанинг орқасидан Залмай тушиб келди.

– Дафтарларингни олдинларми? Дарсликлар-чи?

– Ҳаммаси ичида, – Азиза папкасини баланд кўтарди. Унинг дудуқлиги ҳам деярли билинмай кетганди.

– Унда олға!

Лайло болаларни олдинга чиқариб, эшикни қулфлади. Ташқари салқин, аммо ёмғир тўхтабди. Тўп-тўп булутлар уфққа томон сурилиб, осмон очила бошлаганди. Лайло болаларнинг қўлидан тутиб, автобус бекати томон юрди. Кўчада қатнов тигизлашиб қолган, автобус, рикша, таксилар, БМП машиналари, ҳарбий «жип»лар ҳар қадамда учрарди. Савдогарлар мудроқ кўзларини ишқалаб, дўкон пардаларини очишмоқда. Йўл четидаги ёймаларда писта, қурут, сақич, сигарет сотувчилари харидор кутишади. Тиланчи болалар, аёллар камроқ бўлса-да, чорраҳаларда, гавжум жойларда учраб туради.

Лайло ҳамон кўзларига ишонмасди. Кобула анча ўзгарибди. Одамлар ҳам жонланиб қолишган: кимдир дарахт экяпти, яна биров уй оқлаяпти, кимлардир ариқ қазиш, қудуқ тозалаш билан овора. Одамларга қойил қоласан, ҳатто ракеталарнинг бўш корпусига тупроқ, чиринди тўлғазса, туппа-тузук гултувакка айланаркан.

Яқинда Лайло билан Тариқ болаларни Бобур боғига олиб боришди. У ерда ҳам ободончилик

ишлари бошланиб кетибди. Энди ҳар бурчакда мусиқа садолари, рубоб, дутор ва танбур наволарини эшитиш мумкин. Одамлар Аҳмад Зоҳирни яна сел бўлиб тинглашмоқда.

Эҳ, Лайлонинг ота-онаси бу кунларни кўрмади-да!

Лайло болалар билан кўчани эндигина кесиб ўтмоқчи бўлганда, ойналари қорайтирилган «Тойота» яшин тезлигида лой сачратиб ўтди, Лайло болаларини қўлидан четга тортишга аранг улгурди. Унинг юраги товонига тушиб кетганди.

«Тойота» шитоб билан муйилишнинг бошига бориб, кўздан йўқолди.

Аёл болаларини худди йўқотиб қўядигандек қўларидан маҳкам сиқимлаб олди. Булар – дала командирлари. Лайлонинг этлари жимирлаб кетди. Унинг ота-онасини ўлдирган қотиллар ҳали-ҳануз қимматбаҳо чет эл машиналарида, қасрмонанд уйларда давру даврон суришмоқда. Уларнинг бирови ҳозир вазир, яна бири мудир ва ҳоказо лавозимларни эгаллашган. Мана, зирҳли «жип»ларда ўзлари вайрон қилган маҳаллаларда ялло қилиб юришибди. Демак, қувонишга ҳали эрта.

Лайло бу нохушликларни кўнглига яқин олмасликка тиришди. Бундай пайтда Марям мудрик табассум ила «Қўявер, Лайложо, нима қиласан ҳамма нарсага асабийлашиб?» деган бўларди.

Дарвоқе, Марям Лайлонинг тушларига тез-тез кириб туради. Ҳар гал унинг рўпарасидан, қўл узатса етадиган ердан жой олади. Ҳар гал уни сабрли ва умидли бўлишга ундайди.

Замон баскетбол савати остида тўпни тиззаларига орасида қисиб турар, қўллари билан нималаргадир ишора қилиб, куйиб-пишиб тушунтирар, атрофини спорт кийимларини кийиб олган бир гала болалар ўраб олганди. Лайлони кўриб, Замон унга қўл силкитди.



– Ассалому алайкум, муаллима соҳиб, – дея уни қарши олишди болалар.

Спорт майдониниг шарқий девори ёнига олма дарахти экилган экан. Лайло жанубий девор тагига ҳам дарахт экмоччи эди, аммо аввал деворнинг ўзини тиклаш керак. Майдонга кичкина болалар учун арғимчоқлар келтириб ўрнатилди. Спорт жиҳозлари олиб келинди.

Лайло янги бўёқ ҳиди анқиб турган чиройли бинога қадам қўйди. Тариқ билан Замон бинонинг томини бутлаб, деворларни оқлашган, ётоқхона ва дарсхоналарга гилам ва тўшамалар тўшаб чиқишганди. Ўтган қишда Лайло ҳам иккита янги каравот, чўян печ, адёл ва ёстиклар олиб келди.

Бир ой аввал Кобулда чиқадиган «Анис» газетасида етимлар уйининг тиклангани ҳақида мақола чоп этилди. Мақола ёнида суратлар ҳам берилган, унда Лайло, Замон, Тариқ ва яна бир тарбиячининг болалар қуршовидаги сурати акс этганди. Лайлонинг эсига беихтиёр синфдошлари Жити ва Ҳасинанинг ҳазили тушганди ўшанда: «Биз йигирмага киргунча тўрт-бештадан бола туғиб қўямиз, Лайло эса, катта одам бўлиб кетади, сурати газеталарнинг биринчи бетида босилади».

Сурат биринчи саҳифада бўлмаса ҳам, уларнинг башорати қисман бўлса-да амалга ошди-ку!

Лайло бундан икки йил аввал қизини Замоннинг қўлига топшириб кетган йўлак бўйлаб кетиб борарди. Ўша пайтда қизчаси унга қандай ёпишиб чирқираганини бир умр унутолмайди. Йўлак деворлари турли эртақ қаҳрамонларининг суратлари билан безатилган. Шунингдек, катта стендда болалар ишлаган суратлар ҳам ўрин олган: Бомиёнда портлатилган маъбудлар ҳайкали, танклар, қора чодирлар, жанг манзаралари...

Лайло бурчакка бориб бурилди. Ўқувчилари уни синф эшиги олдида кутиб туришарди.

Лайло қизларнинг бошидаги рўмолчаларга, болалар тақир бошларига қўндирган дўппиларга, уларнинг беғубор, самимий юзларига (айримлари кир-чир бўлса ҳам) ҳайрат билан тикилди.

Устозларини кўриб, болалар бир текис саф тортишди, одоб билан жўровозда салом беришди. Кейин эса, аввал Лайло, унинг ортидан болалар синфга киришди, ҳамма ўз ўрнини эгаллади.

Тариқ билан Замон иккита хона ўртасидаги деворни бузиб, битта катта синф ҳосил қилишган. Ҳозир полнинг тирқишларини бекитиш учун брезент ташлаб қўйилган, бироқ Тариқ тез орада полга гилам келтириб тўшашга ваъда берди.

Деворга осилган синф тахтасини ҳам Замон яхшилаб силлиқлаган, оқ рангга бўяган эди. Тахтада Замон ёқтирган ўлмас мисралар – Ҳофиз Шерозийнинг хотиржамликка, ёруғ кунлардан умид қилишга, тушкун кайфиятга берилмасликка ундовчи ажойиб бир ғазали битиб қўйилганди

*Қайтадир Канъонга ул Юсуфи сарсон, гам ема!  
Бир кунги гам кулбаси бўлгай гулистон, гам ема!*

*Бўлма бадбин гамзада кўнглинг иши ўнгангуси,  
Тоабад савдоли бош қолмас паришон, гам ема!*

*Бошга тортарсан яна гул пардасин бўстон аро,  
Келса умринг кўклами булбули хушхон, гам ема!*

*Бу фалак биз истагандек бир нафас айланмади,  
Лек мўдод бир хилда қолмас чархи гардон, гам ема!*

*Ноумид бўлма, илоҳий сирга ақлинг етмаса,  
Кўп ўйинлар, билсанг, ул пардада пинҳон, гам ема!*

*Гар фано сели ҳаётингнинг асосини йиқар,  
Нуҳ паноҳинг бўлса, келсин майли тўфон, гам ема!*

*Каъба шавқида биёбонларни қатъ этсанг агар,  
Шох – тикан тилса оёқни, айласа қон гам ема!*

*Бизга ёр ҳажри, рақиб озори бас, қисмат эмиш,  
Ҳолимиздан бохабар аслинда Яздон, гам ема!*

*Кимки саргардон бўлиб, оламда гамхўр топмади,  
Оқибат бир меҳрибон топгай ул инсон, гам ема!*

*Гарчи манзил кўп хатарли, гарчи мақсад ноаён,  
Йўқ бирор йўлки, анга йўқ эрса поён, гам ема!*

*Бу фақирлик гўшаси, тун хилватида, Ҳофизо,  
То ишинг зикру дуо, таҳсили Қуръон, гам ема!<sup>1</sup>*

Машғулотлар бошланди. Болалар дафтарларини очиб, ёзишга тушишди. Кимдир орқа партадан қоғоз кабутар ясаб учирди. Кабутар олдинги партада ўтирган қизчанинг елкасига «қўнди».

Лайло орқа партадаги болага қовоғини уюб, болаларга форс тили дафтарини очишни буюрди.

Танаффусда болалар баскетбол саватига тўп ташлаш бўйича беллашишди. Тоғлар ортидан қуёш кўтарилиб келар, унинг заррин нурлари баскетбол устунни, арғимчоқ илинган занжирлар, Замоннинг бўйнига илинган ҳуштак ва унинг кўзидаги янги кўзойнак гардишида жилваланарди. Лайло кафтини деразанинг ёғоч ромига тираганча, мамнуният билан кўзларини юмди.

Улар Покистондан Кобулга эндигина кириб келишганида Лайлонинг юрагига яна хавотир ўрлаганди. Толиблар Марямнинг жасадини қаерда дафн қилишдйкин? Наҳотки, Лайло унинг қабрини зиёрат қилиб, гул қўёлмаса? Бироқ, вақт ўтиб Лайло бир ҳақиқатни тушуниб етди. Марям ҳамини

<sup>1</sup> Форсийдан Эргаш Очилов таржимаси

ша у билан бирга, унинг қалбида, ёдида, хаёлида. Янги бўялган деворларда, ерга қадалган ниҳолларда, болаларни ўраб, иситиб турган адёлларда, уларнинг қўлидаги китоб-дафтарларда Марямнинг жилмайиб турган сиймосини учратади. Марям болаларининг шодон кулгисида, Азиза ёд олган шеърларда, ҳар кечқурун такрорлайдиган дуоларида барҳаёт. Марям Лайлонинг қалбини Минг Кўёш шуъласи билан ёритиб туради.

Кимдир Лайлони чақиргандек бўлди. Лайло бошини соғ қулоғи тарафга қараб бурди. Азиза экан.

– Ойи, мазангиз қочдимми?

Синфда пашша учса билинар, ҳамма муаллиманинг оғзига термилиб қолганди. Лайло нимадир демоқчи бўлди, аммо томоғига нимадир тикилиб қолганини пайқади. Бутун танасига илиқ бир тўлқин югурди. Оҳиста қорнига қўл юборди. Йўқ, бу гал бир мартагина тепди-ю, жим бўлди.

– Ойи-и-и!

– Хавотир олма, асалим, мен тузукман, қўрқма!

У ўз столи томон юраркан, миясида турли ўйлар ғужғон ўйнарди. Кеча бутун оила бир бўлиб, ўғил бола учун муносиб исм ўйлашди. Лайло фарзанд кутаётгани маълум бўлганидан бери бу одат тусини олган. Ҳамма ўзиникини маъқуллари. Тариққа Муҳаммад исми ёқса, «Суппермен»нинг асл шайдосига айланган Залмай, нима учун афғон болаларига Кларк деб ном бериш мумкин эмаслигини тушунолмай хуноб. Азизага Омон деган исм ёқса, Лайло Умарни афзал кўрмоқда.

Лекин нимагадир баҳслар фақат ўғил болаларнинг исми устида борарди. Чунки, қиз туғилса, Лайло унга қандай от қўйиш ҳақида қатъий қарорга келиб қўйганди...

Марям!!!

*Адабий-бадий нашр*

*ХОЛИД ҲУСАЙНИЙ*

**МИНГ ҚУЁШ ШУЪЛАСИ**

Муҳаррир  
Маъмура ҚУТЛИЕВА

Мусаҳҳиҳ  
Мадина МАҲМУДОВА

Бадий муҳаррир  
Уйғун СОЛИҲОВ

Компютерда саҳифаловчи  
Суннат МУСАМЕДОВ

Техник муҳаррир  
Умидбек ЯХШИМОВ

Лицензия рақами: АИ № 252, 2014 йил 2 октябрда берилган.

Босишга 2016 йил 10.05 да рухсат этилди.

Бичими 84x108 1\32.

Босма тобоғи 9.0 Шартли босма тобоғи 15.12  
Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қоғози.

Адади 5000 нусха. Буюртма № 104.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди  
ва чоп этилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

**Мурожаат учун телефолар:**

Нашр бўлими – 278–36–89;

Маркетинг бўлими – 128–78–43. факс – 273–00–14;

e-mail: yangiasravlodi@mail.ru